

**ЛУҚМОНИ
ҲАКИМ**

**ЭРТАКЛАР, НАҚЛЛАР, КУЛКИ-
ҲИКОЯЛАР, ЛАТИФАЛАР**



**ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
1990**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ А. С. ПУШКИН
НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

Комил Имомов, Низом Комилов, Тўра Мирзаев, Бахтиёр Назаров, Баходир Саримсоков, Юсуф Султонов, Туроб Тўла, Шоназар Шоабдурахмонов, Солиҳ Қосимов

Айтувчи: Нурали Нурмат ўғли

Нашрга тайёрловчилар: Тўра Мирзаев ва Зубайда Ҳусаинова

82.3Ўз

Х 20

Луқмони Ҳаким: Эртақлар, нақллар, кулки-хикоялар, латифалар: /Тўплам// Айтувчи: Нурали Нурмат ўғли; Редкол.: К. Имомов ва бошқ.— Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1990.—224 б.— (Ўзбек халқ ижоди: Кўп томлик).

Сарл. олдида: ЎзССР ФА, «Ҳурмат белгиси» орденли А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ин-ти.

Ушбу тўпламда бир эртақчидан ёзиб олинган оғзаки наср намуналари жамланган. Уларда халқ маънавий ҳаётининг турли томонлари тасвирланади; одоб, ахлоқ, илм ва ҳунарга доир меҳнаткаш омма қарашлари баён этилади; очқўзлик, тамағирлик, ахлоқсизлик каби салбий сифатлар фожиа этилади.

Луқмони Ҳаким: Сказки, притчи, анекдоты: Сборник.

ББК 82.3Ўз

4702620105—133

С ————— 104—90

М 352 (004)—90

ISBN № 5—635—00237—4

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бир замонни вақтида подшо Искандар Зулқарнайн ўтган экан. Искандар Зулқарнайн подшо кунчиқишдан кунботишга қадар сўраган экан. Подшонинг сўздан-гапдан вазирни бор экан. Подшо вазирларни билан ўлтиришганда:

— Бир сўзим бор, айтаман, уддасидан чиқасизларми?— деган экан. Шунда вазирлари:

— Гапиринг, биз эшитайлик,— деб таъзим-қуллук қилибди. Подшо:

— Сизларга маълум, мен ер юзини сўрайман. Энди сизлар менинг вазирим бўлсангизлар, осмоннинг устида, ернинг остида одамзод бўлармиш, деган гап бор. Осмоннинг устидаги одамларни ерга тушириш, ер тагидаги одамларни юқорига чиқариб, шуларнинг ҳам менга арз айтиш ихтиёрини менинг қўлимга қаратиб берасизлар. Агар менинг топширган топширигимни бажарсанглар, вазирлик ўринларингизда қолдираман, топшириқ шу,— дебди. Вазирлар:

— Тасаддуқ сизга! Бу гапни энди гапирдингиз бизга. Энди сизга гапимиз, қиладиган нафимиз шуки, бу гап — йўқ гап. Осмон узок, ер қаттиқ. Иложимиз йўқ, сизга берадиган хирожимиз йўқ. Ҳар қандай топшириқ топширган вақтингизда биз бажарган эдик. Лекин бу топширигингизни бажара олмаймиз,— дебдилар.

Подшо вазирларни томонидан берилган жавобга нима дейишини билмай турган экан. Шу вақтда вазирлари ичидан чунон ҳам гапга ва сўзга уста Тойиржон туриб:

— Сиз бу топшириқни топшириш билан қандай фикр-ни ўйладингиз? Мен сизнинг топширган топширигингизга бир мисол айтаман,— дебди. Подшо:

— Қани, нима дейсиз?— дебди. Тойиржон:

— Дарёларнинг ичида катта дарё — шўр дарё, шўр дарё бўлса ҳам, жуда каттакон зўр дарё. Мен бу дарёнинг тагида, сувнинг ичида одами оби, одами лоби, одами соби деган одамлар бор, деб эшитганман. Энди шу дарёнинг тагида одам борлигини билайлик, қўлга олишнинг иложини қилайлик,— дебди. Подшо:

— Қандай иложини қилсанглар, қилинглар,— дебди Тойиржон вазир:

— Шишадан уй ясаймиз, бир неча ботмон темирдан занжир ясаймиз, шишага занжирни боғлаймиз, зиндондан бир одамни олиб чиқиб, шиша уйга нафаси қайтмайдиган қилиб жойлаб, тош ташлагандай ташлаймиз. Зиндондан олиб чиқилган одамга: «Шу дарёнинг тагига тушасан, дарё тагига одам борлигини билиб чиқасан. Билиб чиқсанг, ҳар қандай гуноҳ қилган бўлсанг ҳам сени зиндондан озод қиламиз», десак,— дебди. Подшо:

— Бу сўзлаган сўзингга баракалла, ҳар нима қилсак ҳам билишимиз керак,— дебди-да, Тойиржон айтгандек шишадан уй ясаиб, занжир тайёрлатиб, зиндонда умрбод ётадиган одамни олиб чиқиб:— Шу дарёга тушиб, одам бор-йўқлигини билиб чиқасан. Шунини билиб чиқсанг, сени бўшатамиз,— дебди.

Шундай қилиб, зиндондан олиб чиқилган одамни шиша уйга солиб, занжир билан боғлаб, тош ташлагандай дарёга ташлаб юборибдилар. Ташланган одам дарёнинг энг тагига етганда, бу дарёнинг тагига одами оби, одами лоби, одами соби деган одамлар яшар эканлигини билибди. Одами оби, одами лоби, одами собилар бу шиша ичидаги одамни кўриб, дарғазаблик билан:

— Сендай нусхали одам бизнинг ичимизда йўқ. Сен ўзингни бизга маълум қил. Бизга ким эканлигингни айтмасанг, биз сени ҳар нарса қилишга қувватимиз етади,— дейишибди. Шиша ичидаги одам:

— Мен сизларга юқоридан тушган элчиман. Юқоридаги подшо мени сизларга элчилик мақсадида туширдилар. Шу дарёнинг тагига одамлар яшармикан ёки яшамасмикан. Агар одамлар яшаса, подшоларни бўлмаса, арзларини менга айтсалар, деб мени туширишди. Шунга нима дейсизлар?— дебди. Дарё тагигаги одамлар бу гапни эшитиб: «Юқоридаги подшо қандай подшо экан. Ер юзини сўраётган бўлсалар, тагин бизларни ҳам ўзларига қаратиш мақсадида бўладилар»,— деб ҳайрон қолишиб, шишадаги одамга:

— Сиз элчи экансиз. Биз сизга бир нарса берамиз, сиз подшоҳингизга олиб чиқиб берасиз. Мана шу косадаги унни нон қилиб ўзлари есинлар, сўнг косанинг ичига танга ёки тиллани тўлдирсинлар. Агар косани танга ёки тиллага тўлғазсалар, унда биз ер юзига чиқамиз, арзимизни айтамыз. Агар косани тўлғазмасалар, овора бўлмасинлар. У кишига айтадиган арзимиз йўқ,— дебдилар. Сувга тушган одам буларнинг сўзини эшитиб, косани ичидаги ун билан олиб чиқибди. Юқоридагилар бу одамни тортиб олиб:

— Қани, нима хабар топиб чиқдинг?— дейишибди. Дарёга туширилган одам:

— Мана шу косанинг ичидаги унни олиб, пон қилиб ёптириб, ер экансиз. Сўнғ косани тангага ёки тиллага тўлғазар экансиз. Агар косани тангага ёки тиллага тўлғазсангиз, сизга арзга чиқар эканлар. Бўлмаса, сиз бу ерда, улар у ерда қола берар эканлар,— деб подшога баён қилибди. Подшо бу косани кўриб: «Дарёнинг тагида танга тилла йўқ экан-да», деб, «Бир ҳовуч танга солса тўлади»,— деган экан. Унда Тойиржон вазир:

— Дарёнинг тагида танга ва тилла йўқ эмасдир. Аммо косанинг бир далили бордир.— дебди. Подшо:

— Нима далил бўлар эди?— дебди. Тойиржон:

— Унни олсак, бир дўпли тангани олиб косага солсак, нима далили борлигини биламиз,— дебди. Подшо:

— Бўлмаса, шундай қилиб кўрайлик-чи,— дебди. Сўнғ косани ўртага қўйишиб, подшо хазиначини чақириб:— Бир этак танга олиб кел!— дебди. Хазиначи тангани этагига солиб олиб келиб:

— Нима қилай?— дебди. Подшо:

— Косага бир ҳовуч танга сол!— дебди. Танга косада кўринмай қолибди. Сўнгра косага бир этак тангани солиб тамомлади. Яна косанинг ичида танга ҳеч кўринмай қолибди. Подшо:

— Мен бас демагунимча тиллани олиб чиқиб сола бер,— дебди. Подшо бас демабди. Хазиначи этак-этак танга олиб чиқиб косага сола берибди, косада танга кўринмай қола берибди. Подшо жаҳлланиб, фолчи билан қурандозларни чақиртириб келтирибди. Подшо:

— Ўлтиринглар! Мен шўр дарёнинг тагига бир элчи туширган эдим, шуларни ҳам сўрасам, деган эдим. Туширган элчимнинг қўлига сув одамлари, бир коса беришибди. Шу косани танга ёки тиллага тўлдирсалар, бизни сўрасалар майли, ўзимиз чиқиб арзимизни айтамыз. Агар косани тўлдира олмасалар, биз арзимизни чиқиб айтмаймыз, дейишибди. Биз косага кўп танга солдик, косани тўлдира олмадик. Шунинг сабабини билиб бeringлар,— дебди. Фолчилар, қурандозлар:

— Биз шашқал ташлаймиз. Ташлаган шашқалнинг меъёрига қараб гапирамыз,— дейишди. Подшо:

— Ишқилиб, нима сирни бор эканини айтсангизлар,— дебди. Фолчилар шашқал ташлаб, подшога таъзим қилиб:

— Бу косани сизга тажрибага берган эканлар. Яъни подшо ер юзининг устини сўраётган бўлсалар, эндиликда бизни ҳам сўрайман, деган бўлсалар, бу коса тўлмайди-ган коса, тупроққа тўлмаса, бошқа нарсага тўлмайди. Биз

билан ишлари бўлмасин, деган маънода берилган экан,— дебдилар.

Подшо шу қурандозларнинг сўзи билан косага тупроқ солдирибди, шунда танга косанинг атрофида кўриниб қолган экан. Подшо тангани олиб, хазинага солиб, индамасдан қолган экан. Подшо ўйлаб-ўйлаб: «Косадан кўрган иш бу бўлди. Энди ундан нима чиқар экан, унни нон қилиб берсин»,— деб хотинига буюрибди. Хотини хамир қилиб, тандирга ёпаман деса, нон тандирга ёпишмасдан қулга тушиб кета берибди. Подшонинг хотини хайрон бўлиб, бошқа ундан хамир қилиб, нон ёпиб, чиқариб берибди. Подшо нонни ебдию, ҳеч асорат пайдо бўлмабди.

Шу вақтда подшонинг эшигига бир девона шайдулло тортиб, тиланиб келган экан. Подшонинг хотини ҳалиги тандирнинг тепасида ёшилмай қолган нонни хайр қилиб бериб юборибди. Девона нонни олиб, хуржунга солиб, кетиб қолиб, бир ариқнинг ёнидаги тоlining салқинига ётиб қолиб, нонни ариқдаги сувга ивитиб, еб кетаётганда, тол эгилиб:

— Э, девона, сиз мендан бир гап сўраб кетинг,— дебди.

Девона хайрон бўлиб, бу толдан нечук овоз чиқди, деб:

— Гапир, нима гапнинг бор?— дебди. Тол:

— Мен шундайманки, кимда-ким сил касал деган дардга йўлиқса, менинг салқинимда ўлтирса, шунинг дардини кетказишга қувватим етади,— дебди. Девона «ҳа-ҳа», деб кета туриб, йўлда тут дарахтини учратибди. Тут:

— Э девона, бир сўзим бор,— дебди. Гадой:

— Ҳа, нима сўзинг бор?— дебди. Тут:

— Жами дарахтлар ичида менинг мевам беқадр. Лекин менинг пўстлогимни шилиб олиб, қозонга солиб, сувига чўмилган одамга яра чиқартирмайман,— дебди. Девона «ҳа-ҳа», деб кетиб қолсалар, нарироққа етиб қолсалар, ажриқ учрабди. Ажриқ:

— Менинг ҳам сўзим бор,— дебди. Девона:

— Нима сўзинг бор,— дебди.

— Мени кавлаб олиб, томиримни офтобга солиб, толқон қилиб еса, одамнинг ичидаги бутун иллатини йўқотишга қувватим келади,— дебди. Хулласи, бутун ер юзидаги кў-карган гиёҳлар бу кишига баён-баён қилиб айтган экан. Гадой кўкарган гиёҳларнинг сўзи билан ҳар қайсисидан озгина-озгина йиғиб олиб, девоналикни ташлаб, табиблик қилган экан. Бу кишининг табиблигидан кўп одамлар наф топиб, унга «Луқмон девона» лақабини қўйган эканлар. Кўп одамларни даволагандан кейин «Луқмон девона» дедимасдан «Луқмони ҳаким» ном қўйишган экан. Лекин бу

киши девоналик қилиб юрган вақтларида бопандачилик¹ ишкини ҳам қилар экан. У йилдан бу йилгача подшо Искандар Зулқарнайнинг киядиган кийимларини тўқиб бериш кафилигини олган экан. Подшонинг берган нийъоми уш таъминламагандан кейин, девоналик ҳам қилиб юрар экан.

Бир куни подшо:— Мама бу нийъомни олингу, жўнаб келинг. Эндиги келишингизда ўғлимга ва ўзимга етарлик кийимлик тўқиб келинг!— деб топшириқ берибди. Шу билан Луқмони Ҳаким: «Қуллуқ, хўп» деб подшога ва ўғлига кийимлик тўқиб келишни бўйинига олиб кетган экан, уйига етган экан.

Луқмони Ҳакимнинг ҳам подшонинг ўғлидек ўғли бор экан. Луқмони Ҳаким ўйлаб: «Подшонинг ўғли киядиган менинг ўғлим киймайдими»,— деб ҳавас қилиб, уч кийимлик тўқиб, ўғлига лойиқини олиб қолиб, подшонинг ўзига ва ўғлига етарлик кийимлигини олиб бориб берибди. Подшо ҳар доимгидек Луқмони Ҳакимга нийъом бериб, жўнатиб юборган экан.

Подшо бир куни вазирларини чақиртириб:— Бир овга чиқиб, ов овлаб келайлик,— деб овга чиқишган экан. Подшо овни овлаб, довини дозлаб, қайтиб келаятиб, Луқмони Ҳакимнинг маҳалласидан ўтиб кетаётган вақтда, Луқмони Ҳакимнинг ўғли подшонинг ўғли кийган кийимга ўхшаган кийимни кийиб, кўчада варварак учуриб юрган экан. Подшо узокдан: «Бизнинг ўғил нима қилиб юрибди»,— деб вазиридан сўрабди. Вазир:

— У сизнинг ўғлингиз эмас, Луқмони Ҳакимнинг ўғли,— дебди. Подшо:

— Менинг кийган кийимим билан ўғлимнинг кийган кийимнинг нусхасидан ўғлига кийгизиб, менинг хотиримни қилмаганлиги учун бунга жазо тайин қиламан,— дебди. Вазир:

— Нима десангиз, ўзингиз биласиз,— дебди. Подшо:

— Бунга жазо шуки, ўғли билан ўзининг қўл-оёғини боғлаб ол. Оқтепа деган чўлга олиб бориб, чўлнинг ўртасига терак бўйи чуқурга тириклай ётқиз, устини ёғоч билан ёпиб, устига тупроқ тортқиз! Икки ойгача тупроқ жойлаб, устини лойлаб, сўнг бир ой пойланг,— деб подшо уйига кетган экан. Вазирлар Луқмони Ҳаким билан ўғлини ушлаб олиб, Оқтепа чўлига олиб кетган экан. Оқтепа чўлида терак бўйи ковлашиб, Луқмони Ҳаким билан ўғлини чуқурга ташлашиб, ҳунарларини ҳашлашиб, икки арава теракни

¹ Тўқувчилик.

келтиришиб, устини бекитишиб, устига тупроқ тўкишиб турганда, бир одам хўтиги билан ўтин териб юрганини кўриб қолишибди. Уни чақириб олиб:

— Шу ерга икки ойгача тупроқ тўкиш керак. Шу хизматинг учун қанча сўрайсан?— дейишибди. У одам билан келишиб, икки ойгача тупроқ ташлашиб, атрофини жойлашиб, устини лойлашиб, бир ой пойлашиб, подшо олдига боришиб:— Буюрган топшириғингизни ўрнига қўйиб келдик,— деб жавоб беришибди. Подшо ўз топшириғини бажариб келганлари учун:

— Баракалла,— дебди.

Орадан ўн-ўн беш йил ўтгандан кейин подшо Искандар Зулқарнайн ўлибди. Подшони олиб бориб кўмишибди. Халқ подшонининг ўғлини подшонинг ўрнига ўтказган экан. Подшолик қилиб турганда уйланган экан. Бир йилдан сўнг бир ўғил кўрган экан. Ўғли етти-саккиз яшар бўлганда, подшо овқат еб турганда, подшонинг халқумига бир суяк тикилиб, дастурхонга йиқилиб қолган экан. Ўғли билан хотини ташқарига чиқиб:

— Подшо овқат еб туриб, томоғига суяк тикилиб, дастурхонга йиқилиб қолдилар, табиб қелтиринглар,— деб хабар берибди. Одамлар дарров беш-олти табибни олиб келишиб, подшонинг олдига етказишибди. Подшонининг бу ҳолда ётганини кўриб:

— Биз бу касалнинг иложини қилолмаймиз,— дейишибди. Вазирлардан бири:

— Луқмони Ҳакимнинг кадрлари ўтди,— дебди. Подшо:

— Луқмони Ҳакимнинг маъноси нима?— дебди. Вазир туриб:

— Отангизнинг даврида ўтган бир ҳаким эди. Ўлган ўлик бўлса ҳам тирилтириб олишга қуввати етар эди. Лекин отангиз бир зулм билан Октепа чўлига кўмдириб юборган,— дебди. Вазирлардан яна бири:

— Агарда, чиндан ҳам Луқмони Ҳаким бўлсалар тирик бўлсалар керак,— дебди.

— Биз бориб қарайлик,— деб неча киши биёбон чўлга бориб қарасалар, бу кишининг тепасига тўкилган тупроқни шамол ҳар тараф учириб юборган экан. Излаб тополмай, ҳайрон қолишибди. Вазирлардан бири туриб:

— Луқмони Ҳакимнинг устига Абдурайим ўтинчи эшаги билан икки ой тупроқ ташиган эди. Эшагининг кетида эргашиб юрган хўтиги бор эди. Шунинг учун биз Абдурайим ўтинчини топсак, хўтигини сўрасак, бор бўлса, бизга бер десак, у хўтик ўлмаган бўлса, Абдурайим ўтинчи тошиб берса, биз олиб бориб бир қопга тупроқни солиб,

эшакка ортсак, эшак қаерга бориб тўхтаса, шу ерни кавласак, Лукмони Ҳакимни шунда топамиз,— деб эшакни излашга тушишибди. Абдурайим ўтинчини топишиб, эшагининг боласини сўрашибди. Абдурайим ўтинчи «Хўп, олинглар»,— дебди. Абдурайим ўтинчидан эшакни олиб, биёбон чўлга бориб, озгина тупроқ олиб, қонга солиб, эшак устига ортиб, эшакнинг орқасидан ҳайдаб, булар ҳам бора берибди. Эшак бир жойга бориб тўхтабди, етакласалар ҳам юрмайди. Эшакнинг тўхтаган еридан уч-тўрт кетмон қовлашса, бир еридан тешилиб қолибди. Ичкаридан:— Кимсан?— деб овоз чикибди.— Менга шабада киргизма, ариқнинг кўшигидек илвиллаган одамман, менга зарар етказма!— дебди. Булар:

— Бизни сизга подшо юборди. Подшонинг кўкрагига суяк тиқилиб қолди, шунинг дориси нима?— дейишибди. Лукмони Ҳаким:

— Бу касалга мен ўзим бормасам бўлмайди,— дебди. Булар:

— Ўзингиз бораман дейсиз, ариқнинг кўшигидек илвилаб қолганман дейсиз, ундай бўлса, қандай борасиз?— дейишибди. Лукмони Ҳаким:

— Агар мени олиб боришга кўчларинг етса, бир тешикни бекитиб кетасизлар. Қирқ қадок ёғ, қирқ қадок гўшт, қирқ қадок пиёз, қирқ қадок туз, қирқ поғоналик шоти ва қирқта қиз олиб келасизлар. Шотини менинг қўлим етарлик жойга туширасизлар. Олиб келган қизларни ҳар поғонага биттадан ўтқазасизлар. Шунда мен у қизларга қўл теккизганимда, улардан баҳра топиб, кучга кириб кетаман, юқорига етаман. Овқат еёлмайман. Пиёздоғ иси димоғимга кирса, овқат еган ҳисобига ўтаман, подшо олдига етаман,— дебди.

Бу гапни ҳаёл ўтмай подшога етказишибди. Подшонинг буйруғи билан уста шотини тайёр қилгунча, кўчама-кўча, гузарма-гузар, маҳаллама-маҳалла юриб бўй етган қизларни олиб келтирибди. Шу билан шоти, қирқ қиз ва бошқа нарсалар ҳам тайёр бўлиб, аравага қизлар ва молларни солиб Лукмони Ҳаким ётган жойга етказибди. Шотини қўйиб, ҳар поғонага биттадан қизни ўтқазиб, сўнг Лукмони Ҳаким қизларнинг қўлларида ушлаб, қувват топибди. Қизлар беқувват бўлиб, сап-сарик заъфарондай бўлиб, поғонадан йиқила беришибди. Лукмони Ҳаким чуқурдан ўзини олди, ўғли чуқурда қолди. Қовуриб турган пиёздоғнинг иси Лукмони Ҳакимнинг димоғига уриб, шундан баҳра олиб, подшонинг олдига борибди. Лукмони Ҳаким подшодан ҳол сўраб:

— Ўғлим, нима дардинг бор, айт!— дебди. Подшо:

— Шошилдиб овқат еб, кекирдагимга суяк тикилган, шунинг иложи қандай?— дебди. Луқмони Ҳаким:

— Бунинг иложи шўки, ўғлингни сўйиб қонини ичираман. Шу дори, бошқа дори ҳеч тузата олмайди,— дебди. Подшо:

— Бу гапга унамайман. Ўлсам, ўзим ўлай, лекин ўғлимнинг сўйилишига порозиман,— дебди. Луқмони Ҳаким вазирларга гап ўргатибди. Вазирлари: «Бир ўғилнинг бахридан ўтинг, тағни бошқа ўғил кўрасиз»,— деб подшони кўндирибди.

Сўнг боланинг уст-бошини ечинтириб, отасининг олдига келтириб тайёрлаб турганда, подшо билан бола ўртасига бир чойшаб тортишибди. Болани подшога кўрсатмасдан нарироққа олиб, боланинг ўрнига бир эчкини келтириб, томоғига пичоқ тортиши билан, эчки ба-ба дейиши билан подшо: «вой, болам, вой, болам», деганда, подшонинг кекирдагида тикилиб қолган суяк оғзидан чиқиб кетибди. Подшо: «вой, болам, вой, болам», деб эсини йўқотиб турган вақтда, боласининг ўйнаб юрганини кўриб, подшо Луқмони Ҳакимга:— Нега мени шунча қийноққа солдинг?— деб дўк қилибди. Луқмони Ҳаким:

— Бошқа илож йўқ эди. Мана ўзинг ҳам, болаңг ҳам омон қолдинглар,— дебди. Подшо:

— Муродимга ва мақсадимга етдим. Нима тилагинг бор, тила!— дебди. Луқмони Ҳаким:

— Гапни гапга уриштириб, сўзни сўзга солиштириб, ҳақми ёки ноҳақми текшириб иш қилсанг, менга шу бўлади. Бошқа тилагим йўқ,— дебди. Подшо:

— Отам сизнинг билан ўғлингизни шундай ёмон жазога буюрган экан. Ўғлингиз қани?— дебди. Луқмони Ҳаким:

— Баракалла сизга. Ўғлим ёшлик қилибди. Бир деворнинг қавагида каптар бола очган экан. Шу каптарнинг боласини оламан деса, қўли қолган экан. Сўнг дўпписини қавакка тикиб қўйган экан, каптарнинг боласи ўлган экан. Шунинг жабрига қолди,— деб жавоб бериб, уйига кетган экан.

Луқмони Ҳакимнинг уйига келганлигини бутун ошна-оғайнилари, қавму қариндошлари эшитиб, кўргани келиб, ўртага олишиб ўтиришибдилар. Келган ошна-оғайниларидан бири:

— Луқмони Ҳаким, бир кўрган-кечирганларингиздан гапириб бering,— дебди. Луқмони Ҳаким «хўп» деб:

— Ҳасратим дафтарга сифмас битолмайман, ука,

Оғзимдаги бир нарсани чайнаб ютолмайман, ука,
Кўрганамда кўз ёшимни тўхтата олмайман, ука.
Кўрмайини босдим тиканини, тортиб келдим дардини,
Кўрсам эдим, босмас эдим, тортмас эдим дардини.
Хору зорлик торта-торга танда тоқат қолмади,
Келдиму кулбам аро, кўрдим сизларини, юракда армон
қолмади.

Кўрган-кечирганим шу,— деб сўзини тамом қилибди.

— Хўн бўлмаса, сиз чарчаб келгансиз, дамингизни олинг, хайр,— деб чиқиб кетишибди. Лукмони Ҳаким илгаригидек ўз табиблигини давом қилдириб, кўн яшаб, ўзларидан-ўзлари нотоб бўлиб ётиб қолибди. Ошна-оғайнилари, дўсту қариндошлари, бу кишидан даволанган одамлар бетоб бўлиб қолганларини эшитиб, кўргани келибдилар. Сўнг Лукмони Ҳакимдан:— Сиз бизга хайрон қоларлик фойдали гапларингиздан гапириб беринг,— деб сўрабдилар. Лукмони Ҳаким:

— Ҳар қандай одам ялнизнинг томирини кавлаб олиб, сувга солиб ювиб, офтобда қуритиб олиб, сутга солиб қайнатиб ичса, одам ичида тош бўлса, шу тошни эритиб юборади. Иккинчиси, лойизанги деган гиёҳ бўлади. Шу гиёҳни қувачага солиб туйиб, талқон қилиб, қап отиб юрса, ҳар қандай одамни қувватли, кучли қилади. Учинчи, ҳар қандай одам йўтал бўлса, беҳннинг ичидаги уруғини олиб, олган уруғ ўрнига думба ёғи солиб, пишириб еса, йўтали тузук бўлади. Ҳар қандай одам ҳар ҳафтада ҳаммомга тушиб турса, соглом, бақувват одам бўлиб юради. Ма-на сизларга гапирган гапим шу, қилган нафим шу,— деб сўзини тамом қилибди. Кўришга келган ошна-оғайнилар, қавму қариндошлар Лукмони Ҳакимни эшитиб, уйларига кетган экан. Лукмони Ҳаким бир-икки кундан сўнг ўз ажални билан ўлган экан.

АЁЗ

Унақа гап, бунақа гап, бу гапнинг аслини суриштирсангиз, шунақа гап, бошидан-оёғигача ўқиб кўрсангиз, гандан қимматбаҳо Аёз деган гап.

Бир замонда Хондархон деган бир подшо бор экан. У подшонинг Маликахон деган хотини бор экан. Подшо бу хотинидан тўққиз қиз кўргандаи кейин, хотини яна ҳамиладор бўлган экан. Бир кун подшо хотинига:

— Мен сен билан шунча йил умр қилиб, оҳ-воҳ билан ўтдим. Ҳар сафар ҳамиладор бўлганингда, бу гал ўғил

туғар, деб юрсам, қиз туғасан. Мен овға чиқиб кетяпман. Агар бу сафар ҳам қиз туғсанг, жаҳл устида сени ўлдириб қўймайин. Ўғил туғсанг, менинг орқамдан хабар юбор. Бордию қиз туғсанг, келгунимча уйни бўшатиб қўйгин,— деб отига миниб жўнабди.

Шу куни ярим кечада подшонинг хотини қиз туғибди. Малика момо хотинга:

— Отаси: «Қиз туғсанг, келгунимча уйни бўшатиб қўй», деган эди. Менга болани йўргаклаб беринг, мен бошим оққан томонга кетайин,— дебди. Камшир:

— Эй жон болам, шундай салтанату дабдабани ташлаб, икки кўзингни ёшлаб қаёққа борасан. Сен менинг гапимга кирсанг, ўн тилла пул билан қизингни менга берасан. Шу атрофда беш-олтита ҳомиладор хотинлар: «Момо, биздан хабар олиб туринг»,— деб айтишган эди. Шулардан биронтаси ўғил туққан бўлса, ўн тиллани бериб, қизингни алиштириб келаман,— деди.

Малика суюниб, ўн беш тилла бериб: «Илоҳим, толенмага биронтаси ўғил туққан бўлсин»,— деб камширни жўнатибди.

Камшир бола билан ўн беш тилла пулни кўтариб, бир эшикдан чақирганда, бир бола чиқиб:

— Э, эна, нимага келдингиз?— деб сўрабди. Камшир:

— Сенинг онанг иккиқат эди. «Мендан хабар олиб туринг», деган эди. Бир хабар олиб келай, деб келган эдим,— дебди. У бола:

— Дадам бир ёққа кетган эди, онам инқиллаб ётибди. Яхши келибсиз, ичкарига киришг,— дебди. Камшир киргандан кейин ҳалиги хотин бир ўғил туғибди. Камшир у хотинга:

— Эй, болам, сен ўғил туғдинг. Мана бу қиз подшонинг қизи эди. Мана бу ўн беш тиллани ол, ўғлингни менга бер. Эринг келса, қиз туғдим дейсан-қўясан. Мен ўғлингни подшонинг хотинига олиб бориб бераман,— дебди.

У хотин ҳам тўртта ўғил туққан экан. Эри: «битта ҳам қиз туғиб бермадинг», деб юрар экан. У хотин ҳам хурсанд бўлиб, ўн беш тилла билан қизни олиб, ўғлини бериб юборибди. Камшир ўғилни олиб, қўйнига солиб, подшонинг хотинига етказган экан. Подшонинг хотини болани олиб, чунон қувониб, подшога хабарчи юборган экан. Подшо борган хабарчига кўп суюнчи бериб, овдан қайтиб: «Мен ҳам ўғил кўрар эканман», деб қирқ кечаю, қирқ кундуз тўй қилиб берган экан. Бола уч яшар бўлганда подшо яна тўй-томоша қилиб, ўғлиннинг қўлини ҳалоллаган экан.

Бола олти яшар бўлганда, подшо дастурхонни катта қилиб, боланинг қўлидан етаклаб, мактабга олиб бориб: «Эти сизники, суяги бизники», деб домлага берган экан. У домла: «Подшонинг ўғлини жеркисам, силтасам, уриб-сўксам, кўнглига озор берсам, бориб отасига айтса, подшо мени ҳукмушга буюрса, ҳеч ким подшонинг қўлидан мени ажратиб ола олмас»,— деб болани етти қават кўрпанинг устига ўтказиб, кўп иззат-икром билан ўқитиб юрган экан. Орадан бир ой ўтгандан кейин, подшо ўғлидан:

— Ўғлим, домлангиз қалай?— деб сўрабди. Ўғли:

— Эй ота, домлам мени яхши кўрадилар, етти қават кўрпадан туширмайдилар,— дебди. Подшо боланинг гапидан рози бўлиб:

— Ўғлим, энди у домланинг олдига сира борманг, у домлангиз сизни ўқита олмас экан,— деб бошқа мактабга берган экан. Яна орадан беш-олти кун ўтгандан кейин, подшо ўғлидан:

— Ўғлим, бу домлангиз қалай?— деб сўрабди. Ўғли:

— Бу домлам, у домладан ҳам яхши экан,— дебди. Подшо:

— Бўлмаса, энди бу домлангизга ҳам борманг,— дебди. Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин, подшо дастурхон қилдириб, бир шиёла танга билан яна бир домланинг олдига олиб борибди. Домла подшога:

— Фуқаронгизнинг болаларини қандай ўқитсам, сизнинг ўғлингизни ҳам шундай ўқитаман. Илм деган нарса қийинчилик билан бўлади. Шунга рози бўлиб қўлингиздан қоз берсангиз, ўқитаман. Бўлмаса йўқ,— дебди. Подшо рози бўлиб, ўғлини домлага ташлаб кетган экан. Ўғли мактабга келмай деса, отаси зўрлайди. Мактабга келса, домласи зах ерга ўтказиб қўйиб, тез-тез ўқи, деб хўрлайди. Шу ахволда олти йил ўқиб, ўн икки ёшга кирган экан. Бир куни бола отасига домласидан шикоят қилиб:

— Домланинг дастидан дод, мен энди ўқиб бўлдим. Шу илмни ҳам етади,— дебди. Подшо:

— Э, ўғлим, сиз ёшсиз, кўп ўқийсиз,— деса, ўғли:

— Мен ўзим катта мулла бўлиб қолдим. Энди ўлсам ҳам ўқимайман,— дебди. Подшо:

— Агар мулла бўлиб қолган бўлсангиз, мактабга бориш-бормаслик сизнинг ихтиёрингизда. Дунёда тўрт ёмон нарса бор, шу нарсаларни айтиб берсангиз, сизнинг мулла бўлиб қолганлигингизни эътиборга оламан, айтиб бера олмасангиз, яна шу домлангизда ўқий берасиз,— дебди. Шундан сўнг бола мактабга бормасдан, «Шу тўрт ёмон нарсани билиб, отамга айтиб бермасам, домламдан қутулмас

эканман»,— деб далага қараб чиқиб кетган экан. Далада қўш ҳайдаб юрган бир деҳқоннинг олдига бориб:

— Юр бу ёққа!— дебди. Деҳқон:

— Сен ўзинг кимсан, мени «юр бу ёққа», дейсан. Нима ҳақинг бор?— дебди. Бола:

— Мени билмайсанми, мен подшонинг ўғли бўламан,— дебди. Деҳқон:

— Подшонинг ўғли бўлсанг бўлибсан-да. Мени «юр бу ёққа» дейишга нима ҳақинг бор?— дебди. Бола:

— Отам «дунёда тўрт ёмон нарса бор, шунин биллиб келгин», деган эди. Шунинг биттасини топдим. Сен яхши одам бўлсанг, силлиқ ерининг юрагини ёриб, ғадир-будир қилармидинг,— дебди. Деҳқон:

— Сен мени отангининг олдига олиб бормагин. Тўрт ёмон нарсани ўзим айтиб берай. Аммо отанг менинг айтганимни билмасин. Отанг, «Тоғиб келдингми, қани айт-чи» деса, «Қушларнинг ичида калхат ёмон, ҳайвонларнинг ичида хачир ёмон, тўқайда тўнғиз ёмон, одамнинг ичида хунасайи мушкул ёмон», дегин. Отанг сендан хурсанд бўлади,— дебди.

Бола буларни билиб кетган экан, отасининг олдига етган экан. Отаси:

— Э ўғлим, нимага келдинг?— деб сўрабди. Бола:

— Сиз айтган тўртта ёмонни тоғиб келдим. Қушларнинг ичида калхат ёмон, ҳайвоннинг ичида хачир ёмон, тўқайда тўнғиз ёмон, одамнинг ичида хунасайи мушкул ёмон,— дебди. Подшо:

— Ўғлим, бу гапни ўргатганининг ўзи ёмон. Кимки сенга бу гапни ўргатган бўлса, бу одамга кўрсатгин, бу олиб келади,— деб ўғлининг ёнига одам қўшиб берибди. Бола у билан кетиб, қўш ҳайдаб турган ерга етиб, «Хов, ана шу одам», деб кўрсатиб қўйибди. Подшонинг одами деҳқоннинг олдига бориб:

— Бу болага гап ўргатганингиз учун сизни подшо чақиряпти, юринг,— деб подшонинг олдига олиб борибди. Подшо:

— Бизнинг ўғилга тўрт оғиз гапни сиз ўргатдингизми?— дебди. Деҳқон:

— Ўғлингиз сўрагандан кейин ўргатганмиз,— дебди. Подшо:

— Сизнинг исми шариф — отингиз нима?— дебди. Деҳқон:

— Менинг отим Аёз,— дебди. Подшо:

— Э, Аёз, ўзингни бил, ўзгани қўй. Мен буни ўқидан қолмасин, деб ҳеч ким билмайдиган тўғон қилган эдим. Сен шундай гапни билар экансан, сендан анча маслаҳат чиқадиганга ўхшайди. Менинг ўнта вазирим бор.

Сени ҳам вазирликка олдим,— деб ўзига вазир қилиб олибди.— Ўғлим, сизнинг бировдан ўрганиб олган гапингиз эътиборга олинмайди. Энди сиз мактабингиздан қолманг,— деб мактабга жўнатган экан, Аёз подшога вазир бўлиб қолган экан.

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин, подшонинг сайиси подшонинг отини суғориб, етаклаб олиб ўтиб кетаётганда, подшо янги вазирни бир сиёаб кўрай деб:

— Аёз, бу от қалай, зеҳнингизга ёқади-ми?— дебди. Аёз:

— Отингиз отжон экану энаси молжон экан-да,— дебди. Подшо:

— Буни отжон деганинг деган, энаси молжон экан, деганинг нимаси?— дебди. Аёз:

— Тақсир, шу отни сизга ким олиб келган бўлса, шундан сўранг. Бу отнинг энаси отми, молми эканини шунда биласиз,— дебди. Подшо дарров одам юбориб, отни тортиқ қилган одамни чақиртириб келиб, сўрабди:

— Бу отнинг энаси отми ёки молми? Сендан шунни билиш учун чақиртирган эдим,— дебди. Отнинг эгаси:

— Ростини айтсам, бу отнинг отаси ҳам от, онаси ҳам от. Аммо онаси тукқандан кейин, уч-тўрт кун ўтганда ўлган. Бу энасини эмолмай қолди. Шунда нима қилишимни билмай, сигир сути бериб боқдим. Бозорга сотишга кўзим қиймай, нима қилишимни билмай, сизга тортиқ қилдим. Озди-кўпдир инъом бердингиз, олдим,— деди. Подшо унга жавоб бериб, Аёздан:


— Бу отнинг сигир сути ичиб катта бўлганини қандай билдинг?— дебди. Аёз:

— Сайисингиз отни ариққа олиб бориб суғорди. Қараб турсам, тумшуғини бу ёққа буриб, кейинги оёғини ариққа қараб силкиди. Шундан от боласи бундай қилмас эди-ку, деб тахмин қилдим,— дебди. Подшо бу жавобдан қаноат ҳосил қилиб:

— Хазиначи, хазинадаги иккита гавҳари шамчироқни олиб чиқиб, Аёзнинг олдига қўй!— дебди. Хазиначи олиб чиқиб, Аёзнинг олдига қўйибди. Подшо:

— Буни сенга инъом қилиб қўйганим йўқ. Бунинг қайси бири тоза, қайси бири паст эканини айтиб бер, деб қўйдим,— дебди. Аёз гавҳарга қараб туриб, улар паст деб юрганини тоза, тоза деб юрганларини паст деган экан. Подшонинг бу гапга аччиғи келиб:

— Эй Аёз, сен шунга қолганда айнидинг. Қизил, сариқ бўлиб товланадиган гавҳарни паст деб, нега паст гавҳарни тоза дейсан?— дебди. Аёз:



— Э, подшоҳим, аччиғингиз келмасин. Бунинг товланишига сабаб, унинг ичида қурти бор. У қурт у ёққа, бу ёққа ағнаганда гавҳар товланганга ўхшаб кўринади, у гавҳардан бу гавҳар паст,— дебди. Подшо вазирларига:

— Шу гавҳарнинг ичида қурти бор дегани учун синдиринглар, кўраман,— дебди. Вазирлар бир-бирига қараб, синдиришга ботина олмай туришганда, Аёз ўзи бир тошни олиб, гавҳарнинг ўртасига уриб икки бўлибди. Гавҳарнинг ичидан бир қурт чиқиб, ўрмалаб кетаётганини подшо кўрса ҳам, гавҳарнинг синганига ачиниб:

— Гавҳарни нимага синдирдинг?— дебди. Аёз:

— Гавҳарни мен синдирганим йўқ, вазирларингиз синдирди,— дебди. Шунда подшо:

— Ўзинг синдириб, мен синдирганим йўқ, вазирларингиз синдирди деганинг нима деганинг?— дебди. Аёз:

— Тақсир, мен синдирсам, ниҳоят бир дона гавҳарни синдирибман, сизнинг сўзингизни синдирганим йўқ-ку, булар синдирди. Подшо: «Қамол топ, Аёз»,— деб унинг сўзини эътиборга олган экан. Шу билан юрганда, уч-тўрт кун турганда, вазирларнинг бунга рашқи келиб, Аёзни подшога ёмон кўрсатмоқлик мақсадида:

— Кеча келган вазирингизни биздан ортиқ кўрасиз. Биз бунинг билимдонлигини синаймиз,— дейишибди. Подшо:

— Қандай синаб кўрсанглар, синаб кўринглар,— дебди. Шунда вазирлар Аёз ўтирадиган кўрпачанинг тагига бир юпқа қоғозни ташлаб, аския сифатида сўзни бошлаб ўтиришганда, Аёз келиб кўрпачага ўтириб, хаёл-сукутга кетибди. Подшо бунн кўриб:

— Бунча хаёлниң паришон?— деб сўрабди. Аёз:

— Билмайман, ер шёзнинг пўстидек кўтарилдимкан ёки осмон сал пастга тушдимкан?!— дебди. Шунда вазирлар:

— Тақсир, энди сизнинг олдингизда шу турсин, биз турмаймиз,— дейишибди. Подшо:

— Менинг ишим бир Аёз билан битмайди. Сизлар Аёзни ғаш кўрсангизлар, мен ҳам Аёзнинг вазирлигидан кечдим,— деб вазирларининг кўнгли учун Аёзни зиндонга солган экан.

Бир кунн эрталаб вазирлар подшонинг олдида киришганда, подшо чалқанча ётиб уларга:

— Олиб келинг!— дебди. Вазирларнинг нимани олиб келишига ақллари етмасдан, бошқа ёққа кетмасдан тўғри зиндонга — Аёзнинг олдида бориб, эшикни тақ-тақ уришибди. Аёз зиндонда туриб:

— Сизлар кимсиз?— дебди. Вазирлар:

— Биз вазирлармиз. Подшо бизга «Олиб келинг», деди.

Аммо нимани олиб келишни айтмадилар. Биз уч кундан бери нима олиб келишни билмай, рўпарасига бора олмаямиз.

— Подшо ерга қараб «олиб келингар» дедими, осмонга қараб «олиб келинглар» дедими?— деб сўрабди. Вазирлар:

— Чалқанча ётган вақтларида уйнинг атроф-шишига қараб айтдилар,— дебди. Аёз:

— Чалқанча ётиб, уйнинг атроф-шишига қараб айтган бўлса, мен айтган нарсаларни олиб борасизлар. Аммо менинг айтганимни подшо билмасин. Битта дурадгор, битта сирчи, битта сувоқчи, битта сартарош — шу тўртовини олиб бориңлар,— дебди.

Вазирлар Аёз айтган тўрт нарсани подшонинг олдига олиб бориб, тўртови подшога таъзим қилибди. Подшо:

— Сизлар кимсизлар?— деб сўрабди. Улар:

— Тақсир, вазирларингиз олиб келди. Биримиз дурадгор, биримиз сирчи, биримиз сувоқчи, биримиз сартарош,— дебди. Подшо:

— Сен дурадгор бўлсанг, мана бу уйнинг тўртта васаси эгри бўлиб қолган, шу вассаларни олиб тўғри васса сол. Сен сирчи бўлсанг, дарров ўшани сирла. Сен сувоқчи бўлсанг, ана у тўмпайиб турган жойни чошиб, у девор билан бу деворни бир қилиб қўш. Сен сартарош бўлсанг, бу учови ишни битиргунча, менинг сочимни олиб қўй,— дебди. Тўртови ишни битириб кетганда, нарироққа етганда, подшо вазирларидан:

— Кимнинг ақли билан менинг олдимга бу тўртовини олиб келганларингнинг аниғини айтинглар:— дебди. Вазирлари:

— Тақсир, биз ўз ақлимиз билан олиб келдик,— дейишибди. Подшо:

— Ростини айтинглар. Сизлардан бундай маслаҳат чиқишига кўп қовун шиши бор,— деб дашином билан сўрабди. Вазирлар:

— «Менинг айтганимни подшо билмасин», дегани учун айтмаган эдик. Энди айтсак, буларни Аёзнинг маслаҳати билан олиб келган эдик,— дейишибди. Подшо:

— Ундай бўлса, Аёзни зиндондан озод қилинглар, у сизларнинг ейдиганларингни еб, ичадиганларингни ичиб қўйгани йўқ,— дебди. Аёзни ўша топда олдириб келиб, яна ўз ўрнига вазир қилиб қўйган экан.

Аёз вазир бўлиб юрганда, беш-олти кун турганда, вазирлардан биттаси: «Аёз кетади, уйига етади. Буни бир пойлайчи, уйда нима иш қилар экан»,— деб пойлабди.

Аёз уйига боргандан кейин, подшонинг берган кийимла-

рини ечиб, сандикка солиб, шоли похолга чалқанча ётиб, ўзининг эски чоригини қозиққа илиб чоригига қараб: «Эй Аёз, у кунингги унутма, подшога вазир бўлдим, деб эски чоригингги қуритма!»—деб нақл қилибди. Аёзининг бу гапини пойлагап вазир эшитиб, подшога бориб:

— Эй, тақсир, гўштнинг аслии қартадир, чайнай берса, асли зотига тортадир. Вазирингиз Аёзининг эшигини қўйиб, тешигидан пойлаб қараб турсам, сиз берган кийимларини ечиб, сандикка солиб, тагига бир бог шоли похолни солиб, ўзининг эски чоригини уйининг қозигига илиб қўйиб, чалқанча ётган жойида чоригига қараб: «Эй, Аёз, у кунингги унутма, подшога вазир бўлдим, деб эски чоригингги қуритма!»—деб вайсаб ётир экан,—деб чақибди. Эртасига Аёз подшонинг олдига таъзимга кирса, подшо:

— Эй, Аёз, сен кечкурун уйингга бориб, мешинг берган кийимларини у ёққа қўйиб, қўш хайдаб юрганнингда киядиган чоригингги қозиққа илиб, бир бог похолни тагингга солиб, чоригингга қараб вайсаганинг нимаси? Шу гап ростми?—дебди.

— Ха, тақсир, рост,—дебди. Подшо:

— Рост бўлса, сендай вазирнинг менга кераги йўқ, бор кет!—деб вазирлик кийимларини устидан ечтириб олиб, эски чопонини эгизга солиб, жўнатиб юборган экан.

Аёз йўлда кетаётган экан, бир саксонга кирган чол учраб қолибди. У чолни орқага ташлаб, олдидан босиб ўтиб кетишга ботинолмай одоб сақлаб, чол билан баробар йўл юриб кетаётиб, чолга:

— Ота, йўл бўлсин?—дебди. Чол:

— Нима бўлса, мўл бўлсин,—дебди. Аёз:

— Ота, узок йўлни яқин қилиб кетайлик,—дебди. Чол индамабди. Яна бир оз юриб:

— Ота, от бўлмаса ҳам, той миниб кетайлик,—дебди. Чолнинг гаши келиб индамабди. Шу билан кетганда, нарроққа етганда, чол бир эшикка кириб кетибди. Аёз кета берибди. Чолнинг ўн саккиз яшар бир қизи бор экан. Ота-сидан:

— Ота, қаёққа бориб келдингиз?—деб сўрабди. Чол:

— Кўчаларни айланиб, томоша қилиб келдим,—дебди. Қизи:

— Хўш, кўчада нима гаплар бор?—деб сўрабди. Чол:

— Ҳеч гап йўқ. Йўлда бир бетамиз одам билан ҳамроҳ бўлиб қолган эканман. У: «узок йўлни яқин қилиб кетайлик. От бўлмаса ҳам, той миниб кетайлик», деб то уйга келганимча гашириб келди,—дебди. Қизи:

— Эй, ота, «Узок йўлни яқин қилиб кетайлик», дегани —

гапиришиб кетайлик дегани. «От бўлмаса ҳам, той миниб кетайлик», дегани — қари экансиз, битта-яримта ёғочдан ҳасса қилиб берай дегани. Сиз ўша йигитни танийсизми? — дебди. Чол:

— Унинг айтган гашига гашим келиб, афтига ҳам қарамадим, кўрсам ҳам танайман, — дебди. Қизи:

— Бўлмаса, сиз мана бу икки пулни олинг, бозорга боринг. «Икки пулга уч хил ейдиган овқат борми?» — деб боққолма-боққол юринг. Ўша йигит бозорда юрган бўлса, икки пулга уч хил ейдиган нарсани олиб беради. Олиб келинг. Ўша нарсани олиб берган одамга: «Сиз мана бу самоварда туринг», деб тайинлаб келинг, — дебди. Чол икки пулни олиб, бозорга бориб: «Икки пулга уч хил ейдиган овқат борми?» деб сўраса, одамлар чолга дашном бериб: «Нари бор, ота, икки пулнига нима келади», — деб турган вақтда, Аёз келиб:

— Ота, менга беринг, Сизнинг айтган нарсанига мен олиб берай, — деб икки пулга битта ҳандалакни олиб, чолга бериб: «икки пулга уч хил ейдиган овқат мана шу», — дебди. Чол:

— Бу ҳандалакни бир киши ейди, ҳандалак бир хил нарсани. Яна икки хил қани? — дебди. Аёз:

— Эй, ота, шу икки пулга уч хил ейдиган нарсани олиб келинг, деган одамга олиб борсангиз, «менинг айтганим мана шу эди», — деб этини ўзи ейди, пўчоғини эчкига беради, уруғини товукка беради, — дебди. Чол:

— Хўп, болам, бўлмаса сиз ҳеч қасқа кетиб қолманг. Мана бу самоварда туринг, — деб ҳандалакни олиб уйига боргандан кейин, қиз ҳандалакни сўйибди, отаси билан еб тўйибди. Пўчоғига кепак сешиб эчкининг олдига қўйибди, уруғини товукка берибди. Шу билан қиз дарров бир тандир патир билан анча чучвара қилиб пишириб, бир лаганга тушириб, чучварани зич қилиб териб, бетига тўрт қошиқ мойни қуйиб, бетига битта патирни қоплаб, дастурхонга ўраб, бир кампир қўшинини чақириб:

— Холажон, мана шу дастурхонни олиб, бозор бошига бориб, чойхонадан: «Шу ерда Аёз деган йигит борми?» деб сўранг. «Ҳа, мен», деса, шунини беринг. Қўлингиздан дастурхонни олаётганда, сиз унга: «Ҳаво қоронғи, юлдузлар зич, ой бутун», деб қўлига беринг, — деб тайинлаб, кампирни жўнатибди. Шу билан кампир кетганда, панароқ жойга етганда, кампир ўз-ўзига: «У у ёқда, бу бу ёқда, билиб ўтирибдими», — деб дастурхонни очиб, чучварадан еб сийрақлатиб, мойини ичиб, патирнинг ярминини еб, Аёзни чойхонадан сўраб: «Аёз деган йигит сизмисиз?» — дебди.

— Ҳа, мен, — дебди Аёз. Кампир дастурхонни бераётиб:

— Шу дастурхонни сизга биров бериб юборди. Ҳаво қоронғи, юлдузлар зич, ой бутун,— дебди. Аёз ичкарига кириб, дастурхонни очиб қараса, чучвара жуда сийрак, мойи йўқ, патир яримта. Аёз лаганни бўшатиб, кампирнинг қўлига бериб:

— Бу дастурхонни сизга ким берган бўлса, унга бориб айтинг: «Ҳаво ёруғ, юлдузлар сийрак, ой яримта экан». Кампир товоқни олиб қизнинг олдига борибди. Қиз:

— Нима деди?— деб кампирдан сўрабди. Кампир:

— Товоқни бературиб: «Ҳаво ёруғ, юлдузлар сийрак, ой яримта денг» деди,— дебди. Қиз кампирга:

— Шу юборган нарсамни йўлда очиб, четроқ жойга қочиб, ёғини ичиб, чучвара билан патирнинг ярмини ебсиз. Шунақа ҳам баднафслик бўладими?— деган экан, кампир ҳайрон бўлиб, уялиб, уйига чиқиб кетган экан.

Қиз Аёзни чақиртириб, унга тегмоқчи бўлиб, Аёз олмоқчи бўлиб, тўй қилиб, шу билан чолга куёв бўлган экан. Чолнинг бир оз ери бор экан. Аёз яна эски чоригини кийиб, экин экиб, деҳқончилигини қилиб юра берсин, индамай тура берсин. Энди икки оғиз гапни подшодан сўранг.

Подшо отхонага чиқиб, отларига қараб туриб: «Олиб келинглар!»— деб даҳшат билан вазирларига буюрган экан. Вазирлар нимани олиб келишни билмай, подшонинг олдига бормаё юришганда, бир одам:

— Аёз Иқон деган қишлоқда деҳқончилик қилиб юрибди. Ўшандан бориб сўранглар. Шу айтиб бермаса, бу гапнинг тугунини ҳеч ким еча олмайди,— дебди. Вазирлар бу маслаҳат билан бориб, Аёзнинг ховлисини тошиб, эшигини қоқиб чақиритган экан, Аёз чиқиб:

— Хўш, хизмат?— дебди. Вазирлар:

— Подшо бизга даҳшат билан «Олиб келинглар!» деди. Нима олиб боришимизни билмай ҳайронмиз. Шунга нима маслаҳат берасиз, деб сўрагани келдик,— дебди. Шунда Аёз:

— Подшо қаёққа қараб туриб «Олиб келинглар!» деди,— деб сўрабди. Вазирлар:

— Отхонадаги отларга қараб туриб айтди,— дебди. Аёз:

— Бу гапингизга қараганда, подшо овга чиқиб келган. Шунда отининг ё узангиси, ё айрили, ёки юганининг бирор жойи узилган. Энди сизлар битта саррож олиб борсанглар бўлади,— дебди. Булар бир саррожни подшонинг олдига етказиб:

— Тақсир, мана бу киши саррож,— дейишибди. Подшо:

— Хўп бўлмаса, узанги узилиб, айиллар бузилиб қолган эди. От афзалининг бутун кам-кўстини тайёрлаб қўйгин,— деб саррожга тайинлаб, вазирларига қараб:— Сизлар буни ўз

ақларинг билан олиб келганларинг йўқ. Кимнинг ақли билан олиб келганларингни айтиб беринглар,— дебди. Вазирлар:

— Тақсир, ростини айтсак, илгариги вазирингиз Аёз Иқон қишлоққа кетиб қолган экан. Дараклаб уни топиб, шунинг ақли билан олиб келдик,— дебди. Подшо:

— Шу бир оғиз гапнинг мазмунини сеча олмай, шунча ерга бориб, Аёзнинг гапи билан олиб келибсизлар. Аёзни ундай дединглар, бундай дединглар, хуллас, менинг олдимдан кетказдинглар. Кўпдан кўп ақл чиқади, оздан оз ақл чиқади. Ҳали ҳам бўлса, Аёзни олдириб келишимиз керак,— деб подшо Аёзни олдириб келтирибди. Аёз келгандан кейин вазирлар яна уни гаш кўриб, нима қилишларини билмай, подшога:

— Тақсир, Аёзнинг ўзи сизга вазир бўлиб турсин, бизга жавоб беринг,— дейишибди. Подшо:

— Бўлмаса, мен Аёзга бир иш буюраман. Аёз у ишнинг уддасидан чиқолмай, бу ерга келмайдиган, ҳеч нарса демайдиган бўлиб кетади,— дебди.

Эртаси куни эрталаб Аёз подшонинг олдига таъзимга кирса, подшо:

— Мен сенга бир иш буюраман. Агар шу ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган бўлсанг, бу ерга келма. Биров иш ўргатгин деса, ўргатма,— дебди. Аёз:

— Хўп,— дебди. Подшо:

— Менга тепаси осмонга етмайдиган, таги ерга тегмайдиган қилиб иморат соладиган уста топиб кел,— дебди. Аёз подшонинг қилган ишига, айтган гапига хафа бўлиб, уйига борганда, хотини:

— Мунча рангингиз олинган, қовогингиз солинган. Сизга нима бўлди?— деб сўрабди. Аёз:

— Э, хотин, чақимчилар гап чақиштириб, мени подшонинг кўзига кўп ёмон кўрсатиб қўйишди. Подшо мени шунча овора қилиб, яна «таги ерга тегмайдиган, тепаси осмонга етмайдиган қилиб иморат соладиган уста топиб кел», деди.— дебди. Хотини:

— Бу гапга хафа бўлсангиз ҳам бўлади, хафа бўлмасангиз ҳам бўлади. Мен сизга подшо айтган ўша устани топиб бераман. Сиз бугун далага чиқиб, иккита жўр тўрғайнинг боласини топиб келинг. Мен шунини ўн беш кунда уста қилиб бераман,— дебди.

Аёз хайрон бўлиб: «Қани олиб кела берай-чи, нима қилар экан», деб далага чиқиб, иккита жўр тўрғайнинг боласини олиб келибди. Хотини жўр тўрғайни олиб, қафасга солиб, кечаю-кундуз қафаснинг ёнида ўтириб, «лой-ғишт, лой-ғишт», деб жўр тўрғайнинг қулоғига айта берган экан. Жўр тўрғай ҳам ўн беш кун ичида «лой-ғишт, лой-ғишт», дейдиган

бўлиб қолибди. Ун беш кундан кейин хотини Аёзнинг қўлига жўр тўрғайни бериб:

— Мана шу қафас билан подшонинг олдига бориб. Жўр тўрғайнинг оёғига ил боғлаб учиринг. У ёғини ўзинигиз биласиз,— дебди. Хотинининг сўзи билан қафасга жўр тўрғайни солиб, подшонинг олдига бориб, таъзим қилибди. Подшо:

— Нимага келдинг?— дебди. Аёз:

— Сиз айтган устани топиб келдим,— деб жўр тўрғайнинг оёғига ил боғлаб қафасдан чиқариб юборибди. Жўр тўрғай осмонга чиқиб, «лой-ғишт, лой-ғишт», деб сайрай берибди. Аёз подшодан:

— Тақсир, бу нима деяпти,— деб сўрабди. Подшо:

— Лой-ғишт, лой-ғишт, деяпти,— дебди. Аёз:

— Лой-ғишт деятган бўлса, сиз айтган уста мана шу. Энди сиз лой билан ғишт етказиб берадиган мардикор топиб берсангиз, сиз айтган иморатни солиб беради,— дебди. Подшо ноилож, нима қилишини билмай, Аёзни ўзига вазир қилиб олган экан.

Кунлардан бир кун подшонинг тоби қочиб, халқни сўрашга мадори қолмай, ўрнига кимни қўйишни билмай: «Ёш бўлса ҳам ўғлим-да», деб Аёз билан ўғлини чақириб:

— Аёз, сен вазир. Ўғлим, сен подшо. Икковинг мен тузалганимча халқни сўраб турасан,— дебди. Ўғлини ёнига чақириб олиб:— Аёз жуда билгир одам. Битта-яримта чақимчининг сўзига кириб, уни ўлдириб юбормагин. Агар жуда ғашинг келадиган бир гап гапиргундай бўлса, шу гапни суриштириб, маъносини билиб, шунга қараб ҳукм чиқар,— деб тайинлаб, беш-олти кундан кейин подшо ўлибди.

Булар халқни сўраб юрганда, беш-олти кун турганда, подшозода Аёздан:

— Менинг зарбим қалай, халққа озор беряпманми?— дебди. Аёз туриб:

— Халқ сўрашингиз жуда яхши. Аммо заршунослигим йўригидан, кўнглингизга қаттиқ олмасангиз, бир сўз айтман,— дебди. Подшозода айтибди:

— Отамнинг қилган насиҳати ҳурмати ҳар қандай гап гапирсангиз ҳам, кўнглимга қаттиқ олмайман. Аёз:

— Агар кўнглингизга олмайдиган бўлсангиз, сиз подшонинг ўғлига ўхшамайсиз. Асли сизнинг отангизни новвоймикан, деб хаёл қиламан,— дебди. Аёзнинг бу гапига подшозоданинг ғазаби келиб, Аёзни ўлдирмоқчи бўлибди. Шунда Аёз:

— Тақсир, арзимни айтай. Бу гапни айтишга айтдим, энди қайтай. «Ҳар қандай гап гапирсанг ҳам, кўнглимга

қаттиқ олмайман». — деганингиз учун айтдим. Сиз ичкарига кириб онангиздан сўраб чиқинг. Онангиз нима дер экан. Ундан кейин билганингизни қилинг, — дебди. Подшозода Аёзнинг бу гапи билан кириб, онасидан сўрабди. Шунда онаси:

— Жон болам, мен отанг билан йиғирма йил умр қилиб, тўққизта қиз туғдим, ўғил кўрмадим. Яна ҳомпадор бўлиб ой-қуним яқинлашганда, отанг: «Сен менга ўғил туғиб бермадинг. Бу сафар ҳам ўғил бўлмай, қиз бўлса, жаҳл устида сени ўлдириб қўймайин. Мен овни баҳона қилиб кетайин, нарроққа етайин, ўғил туғсанг, менинг орқамдан хабар юбор. Бордию қиз туғсанг, келгунимча уйни бўшатиб қўй», деган эди. Менинг ою қуним етиб, яна қиз туғдим. Мен отангнинг айтиб кетган гапининг йўриғидан болани йўргаклаб, бошим етган жойга кетмоқчи бўлганимда, момо кампир мени қайтарди. Қўлимдан ўн беш тилла билан болани олиб кетиб, бир тўлпондай ўғил бола олиб келиб берди. Момо кампирдан сўрасам, бу бола Абдусаттор новвойнинг боласи экан. Болам, сен ўша Абдусаттор новвойнинг ўғлисан. Унда юрган қиз — менинг қизим, — дебди. Подшозода онасининг олдидан чиқиб, Аёзни чақириб:

— Заршунослигингга балли, менинг отам новвой экан. Сен бунни қаёқдан билдинг? — дебди. Аёз:

— Сиз ўринингиздан турасиз, аста-секин юрасиз, кўпинча новвойхонага кирасиз. Новвойхонага кўп кирганлигингиз учун отангиз новвоймикан, деб хаёл қилиб эдим. Подшозода:

— Бор, подшолікни ўзингга бердим, мен новвойхонада отамнинг касбини қиламан, — деб подшолігини Аёзга ташлаб кетган экан. Шу билан Аёз ўзи подшо бўлиб, ўзининг донолигидан халқни одиллик билан сўраб, подшолік давлатга эга бўлиб қолган экан.

ТОПҚИНЧИЛАР

Бир замонда бир тошқинчи деҳқон бор экан. Биров олдига келиб, бирор нарсани яшириб: «Бу нима?» — деб сўраса, у кўрмасдан топиб берар экан.

Қуларнинг бирида бу киши ўлим ёстиғига бош қўйиб, дунёдан хайрлашган экан. Деҳқон ўлгандан кейин икки хўкиз билан бир оз ер уч ўғлига қолган экан. Уч оғанини бир қуни бир ерга йиғилиб: «Бу ернинг ободи менга, ноободи сенга, деб бўлиб ўтирмайлик, жанжаллашиб турмайлик. Фалончиларнинг отаси ўлиб, экинини бўлишибди, деган гапини эшитмайлик. Биримиз қўш қўшиб, ерни тайёрлайлик. Биримиз

экиннин экиб, чопигини чопиб, хисобини толиб иштирайлик. Биримиз ўриб олиб, хирмонга солиб янчиб, шошириб бошлаб, ҳосилини қоплаб бўлиб олайлик, индамай қолайлик»,— деб маслаҳатни бир ерга қўйган эканлар.

Ҳа деганча баҳор ҳам келиб қолибди. Улар: «Қани, энди қўшни қайсинг қўшасан»,— деб бир-бирига маслаҳат солибди. Кичиги туриб: «Қўш қўшмоқ биздан бўлсин»,— деб хўкизларини олиб, бўйинтуруқларини солиб, далага бориб тўрт-беш кун қўш қўшиб уйига келибди. Уйда хўкизларини ташқарига бойлаб, ем-хашагини жойлаб, ўзларини пойлаб, ётиб ухлаб қолибди. Кечаси бир ўғри келиб иккала хўкизни олиб кетибди, дарвоза очигича қолиб кетибди. Қўшчи бир уйғониб қўшга бораё деса, боғланган жойида хўкизларини топмабди. У бунга ҳайрон бўлиб, уйқуга мойлон бўлиб ёта берибди.

Эрта-мертан ичкаридан иккала акаси чиқиб, уни уйғониб:— Нега қўшга бормадинг, хўкизлар қани?— деганларида укаси:

— Бу кун кечаси бир ўғри келиб, хўкизларини олиб кетибди,— дебди. Акалари:

— Ўғрини кўрмадингми?— деб савол берибди. Укаси:

— Кўрмадим,— деб жавоб берибди. Шунда энг катта акаси:

— Отамиз бир нарсани кўрмасдан топадиган топқинчи эдилар. Отамизнинг топқинчилиги асорати бизда бўлса, хўкизларимизни топсак керак. Ука, кўрмаган ўғрини нимага ўхшатдинг?— деб сўрабди. Кичик укаси:

— Кўрмаган ўғрининг кўзини кўкка ўхшатди,— дебди. Ўртанча акаси:

— Агар шу ўғрининг кўзи кўк бўлса, соқоли сариқ бўлса керак,— дебди.

Катта акаси туриб:— Агар ўғрининг кўзи кўк, соқоли сариқ бўлса, оти Мусо бўлса керак,— дебди. Кейин буларнинг ҳар учаласи: «Кўчаларини, бозор-гузарларини қарайлик, у ерда ким кўриниб қолса, кўзи кўк, соқоли сариқ бўлса, тўхтатиб отини сўрайлик»,— деб маслаҳат қилиб, хўкизни қидиришга чиқиб кўчама-кўча, гузарма-гузар, бозорма-бозор қидириб юрганларида, буларга бир ерда кўзи кўк, соқоли сариқ бир одам кўринибди. Булар у одамнинг олдига бориб:

— Ака, отинг нима?— деганда, у:

— Отим Мусо,— деб жавоб берибди. Оғанилар уни маҳкам ушлаб, биқинига муштлаб, «Хўкизимизни топиб бер»,— дейишибди. У одам:

— Мен сизларнинг хўкизларингизни олганим йўқ,— деб

жавоб берибди. Кейин учала биродарлар: «Хўкизларимизни топиб берасан»,— деб яна муштлай бошлабди. Ҳалиги одам ёрдамга халқни чақириб, дод-вой бошлабди. Бу ғовғага тўрт томондан йиғилган одамлар жанжалнинг сабабини сўрабдилар. Шунда бу учови:

— Биз хўкизимизни ўғирлатдик, ўғирлагани учун шуни тутдик. Молларимизни топар экан, топгани, топмас экан, ўғрилигини ёнгани,— дейишибди. Одамлардан бири:

— Нима сабабдан бу кишини ўғри дейсизлар. Кўзларинг билан кўрганмисизлар, қандай асосларинг бор?— деб сўрабди. Оға-иниларнинг каттаси:

— Биз қўлимиз билан ушламасак ҳам, кўзимиз билан кўрмасак ҳам, топадиган топқинчи, билгирмиз. Хўкизларимизни шундан топтириб олиб, қўйиб юборамиз,— дебди. Томошачилардан бири:

— Бу жанжални подшо ечмаса, биз еча олмас эканмиз,— деб тарқашибди. Бу уч биродар ҳалиги одамни судраб, тўртта бўлиб подшонинг олдига боришибди. Подшо:

— Қани, нима арз?— деб сўрабди. Мусо таъзим бажо келтириб:

— Э, подшоҳи олам, биров йўлда кета турса, биров йўлда ҳийла қурса, отинг нима деса, Мусо деса, хўкизни топиб бергин деса, ушласа, биқинимга муштласа, шундай дашном берса, юр бу ёққа, деб олдига солиб келса, бу қандай зўрлик? Арзим шу, тақсир,— дебди. Бу гапга подшонинг ғазаби келиб: «Жаллод!»— деб чақирибди. Жаллод етиб келиб: «Қиличим ўтқир, тиғим бурро, хизмат?!»— дебди. Подшо уч оға-инини ўлимга буюрибди. Жаллодлар уч ака-укани олдига солиб чиқиб кетганда, нарироққа етганда, подшонинг ёнида ўтирган вазири:

— Тасқир, бировидан гап сўрадингиз, аммо у учовидан ҳеч гап сўрамадингиз. Улардан ҳам бир оғнздан гап сўранг. Қани нима деб жавоб берар эканлар. Уларнинг ҳам бирор гапи бор чиқар,— дебди. Бу сўздан кейин, подшо бу уч ака-укаларни ўлдиришдан тўхтатиб, ўз олдига ҳозир қилди. Улардан:

— Йўлда кетаётган одамни «Сенинг отинг нима»,— деганларингда, «Отим Мусо» деганида, «Хўкизларимизни топиб бер»,— деб нима вайдан менинг олдимга олиб келдинглар? Шуни сўрайин,— деб учовинини қайтариб олиб келтирдим. Қани арзларингни айтинглар,— дебди. Буларнинг катта акаси туриб:

— Бизнинг отамиз топқинчи эдилар. У киши кўзи билан кўрмаган нарсани биров яшириб келиб: «Бу нима?» деса, топиб берар эдилар. Бир кун отамиз қазо етиб ўлган эди,

ундан бизга икки хўкиз, ер-сув қолган эди. Кичик укам хўкизларни бойлаб ётганида, кечаси хўкизларни ўғри олиб кетган экан. Биз бунга: «Тур, қўшга бормайсанми?»— десак, «хўкизларни ўғри олиб кетиб қолибди»,— деди. Кейин мен: «Бизнинг отамиз кўзи билан кўрмаган нарсани топиб берадиган топқинчи эдилар. Шу отамизнинг топқинчилиги асорати бизда бўлса, биз ўғрини топармиз»,— деб кенжа укамдан: «Кўрмаган ўғрини нимага ўхшатдинг?»— деб сўрасам, у туриб: «Кўрмаган ўғрининг кўзи кўкка ўхшайди»,— деди. Унинг шу сўзидан кейин ҳузурингизда турган шу ўртанча укам: «Унинг кўзи кўк бўлса, соқоли сариқка ўхшайди»,— деди. Мен туриб: «Ўғрининг кўзи кўк бўлса, соқоли сариқ бўлса, оти Мусо бўлсамикан?»— дедим. Шундан кейин «Бозор-гузарни излаймиз, бировнинг кўзи кўк, соқоли сариқ бўлса, отинг нима десак, Мусо, деса»,— деб хўкизимизни кўча-бозорларда излаб юриб эдик, бир кўчада кўзимизга бу одам кўришиб қолди. Разм солиб қарасак, кўзи кўк, соқоли сариқ экан. Яқинига келиб: «Отинг нима?» десак, «Мусо» деди. Биз топқинчилик важдан шу турган одамнинг олганлигига қўнглимиз қарор тошиб, ҳузурингизга келтирдик. Бўлган аҳвол шу,— деб гапини тугатди. Подшо:

— Бу арзларингизни сўраганимнинг боиси шу. Тўртовинини бир уйга қамаб қўяман. Олдимдаги бир косанинг тагига бир нарсани яшириб қўяман. Тўртовинини олиб чиқиб йигирма қадам нарироққа қўяман. Шу косанинг тагига нима?— деб сўрайман. Сўраган вақтда шу косанинг тагигаги нарсанинг нима эканлигини учовинг билсанглар, бу турган киши хўкизларингизни олмаган бўлса, олганлигига ҳукм қиламан. Агар топа олмасанглар ҳукмим — ҳукм, сизларни жаллоднинг қўлига топшираман,— дебди. Уч оғанини рози бўлишибди. Подшо тўртовини бир уйга қамаб-бекитиб қўйишга буюрди. Сўнгра подшо бир анорни келтириб, устига бир косани тўнтариб, косанинг тагига анорни яшириб: «Фалончи, тўртовини олиб кел!»— деб буюрибди. Улар келтирилгандан кейин подшонинг ёнига етмасдан, йигирма қадам нарироқда тўхтаб туришибди. Подшо:

— Э отаси ўлган топқинчилар, бу косанинг тагига яширинган нарса нимадир?— деб сўрабди. Биродарларнинг каттаси туриб:— Коса, уни бу ёққа олса, тагига юмалоққа ўхшаган нарса қолса керак,— дебди. Ўртанчаси туриб:— Коса, уни бу ёққа олса, тагига юмалоққа ўхшаган нарса қолса, у юмалоқ бўлса, ичи қизил бўлса керак,— дебди. Энг охирида кичиги туриб:— «Коса, уни бу ёққа олса, тагига юмалоққа ўхшаган нарса қолса, у юмалоқ бўлса, ичи қизил бўлса, анорнинг ўзи бўлса керак,— дегайидан кейин подшо

косани бу ёққа олган экан, Мусони шундай деб гапга солган экан:— Буларнинг топқинчилиги рост экан. Бу гап-сўзга қараганда, буларнинг гапи тўғри, сен ҳўкизини олган ўғри. Ҳўкизини олганмисан? Ростини айт!— деб сўрабди. Ўғри:— Душанба кун олганман,— деб ўғрилигини бўйшига олибди. Шундай қилиб, уч оғайнилар ўлимдан қутилиб қолибди. Мусо жазога тутилиб қолибди. Подшо учовининг ҳўкизларини топтириб, олдига солдириб берган экан, улар ҳайдаб кетган экан, муродига етган экан.

УЧ ОҒАЙНИ ТАХМИНЧИ

Бир мамлакат подшосининг уч ўғли бор эди. Подшонинг бир куни қазоси етиб ўлибди. Бўлак киши подшо бўлибди. Уч-тўрт йил ўтгандан кейин у подшонинг ўғилларининг ҳоллари танг бўлди. Учовлари уйга кириб, ўй ўйлаб ётаверди. Бир неча кун ётишди. Бировининг хизматини қилгани номус қилишди. «Аҳволи бундай бўлди, деб таъна қилишар, таъна ўлимдан ёмон бўлади, биз бўлак мамлакатга ўтиб кетайлик, бир юртга бориб, подасини боқсак ҳам, гадоёлик қилсак ҳам ҳеч ким тапимас, бир сабаб билан тириклик қилиб юрармиз»,— деб неча купли йўл овқатини ғамлаб, чўлу тоғларда қирқ кун йўл юришди. Обу овқатлари ҳам тамоm бўлди, оч-ташна бўлишди. Кўзларига бир шаҳарнинг дарағи кўринди. «Ўлардан ўтдик, элга етдик»,— деб оёқларининг оғриганига қарамай тез юриб кетаётди эдилар, шаҳарга яқин етганларида каттакони тўхтаб қолди. Укалари орқасида эди, каттакони олдида эди, икковига қараб:

— Биздан илгари бир туя ўтиб кетибди,— деди. Беш-ўн қадам босганда ўртагаси:

— Биздан илгари юрган туянинг бир кўзи кўр экан,— деди. Тағин парирокқа юраб боришди. Кичкинаси:

— Ўша туянинг устида заиф киши бор экан, қорнида боласи бор экан,— деди. Тағин бир оз йўл юришди. Орқадан бир қилч таққан йигит етиб келиб, улардан босиб ўтаверди. Учовларига қараб-қараб ўтди. Бу учовининг каттаси:

— Ҳа, ўрток, йўк йўқотдингизми?— деди. Ҳалиги отлик одам тўхтаб:

— Йўк йўқотдим,— деди. Подшобачча:

— Йўқотганингиз туямиди?— деди. Йўк йўқотган:

— Йўқотганим туя эди,— деди. Каттаконининг сўзи тамоm бўлди. Ўртагаси:

— Туянинг бир кўзи кўрмиди?— деди. У одам:

— Ҳа, бир кўзи кўр эди,— деди. Кичкинаси:

— Туянинг устида заиф киши бормиди, ҳам у заиф киши оғир бўйликмиди?— деди. Йўқ йўқотган йўқчи:

— Менинг молим сизларда экан, қаёққа қўйдинглар?— деди. Булар:

— Туягни биз кўрганимиз йўқ,— дейишди. Йўқчи:

— Кўрмасанг менинг молимнинг тусини қайдан биласан?— деди. Улар:

— Биз тахминдан айтдик. Туянг шу ёққа кетибди, тезроқ бориб ушлагин,— деди. Йўқчи:

— Молим сенда, юр,— деб учовини шаҳарга ҳайдаб, подшонинг олдига олиб борди. Буларни ўрдадан ташқари қўйиб, ўзи подшонинг олдига кириб, бу учовининг сўзини подшога айтди. Подшо:

— Сен айтмай туриб ўзлари молнинг тусини айтган бўлса, мол шуларнинг қўлида,— деди. У йўқ йўқотган подшонинг йигити эди. Тоққа кўчган эди, хотинини туяга миндириб қўйган эди. Кўчада адашиб туя билан хотини йўқолган эди. Подшо: «У, йигитларнинг ўзини ҳайдаб келинг»,— деб буюрди. Йўқ йўқотган йигит бу учовини подшонинг олдига олиб кирди. Булар подшога таъзим қилишди. Подшо:

— Э, ўғрилар, бунинг туясини қаёққа қўйдинглар?— деди. Булар:

— Биз туяни ўғирлаганимиз йўқ,— деди. Подшо:

— Мол эгаси туя кўрдингми, деб сўрамаса, мол тусининг тугайини¹ мол эгасига йўқотган молинг шундайми, деб сиз ўзингиз айтсангиз, тағи туяни кўрмадим дейсиз,— деди. Булар:

— Э, подшо, биз йўқчиликни кўп тортиб, ўй ўйлаб тахминчи бўлиб қолган эканмиз. Туяни тахмин билан айтдик,— деди. Подшо:

— Ҳе-ҳе, кўрмаган нарсани тахмин билан билса бўлади-ми?— деб вазирага қаради. Подшо вазирага бошқа тилда — тожикилади. Вазир туриб кўча тарафга чиқиб кетди. Ўрданинг орқасидаги боғнинг ичидан бир катта сандиқни бир замбилга солиб, икки ҳаммолга кўтартириб ўрданинг этак тарафига келтириб қўйди. Узоқдан туриб подшога тожикилади. Бу учаласи ҳам ўша замбил кўтарган кишиларга қараб турган эди. Подшо:

— Э, ўғрилар. ҳў ўша сандиқда нима бор?— деди. Каттақонли туриб:

— Нима бўлса, сандиқда битта нарса — ўша сандиқда, бир дона анор бор,— деди. Подшо:

— Олиб кел!— деди. Ҳаммол сандиқни кўтариб подшонинг олдига олиб келиб қўйди. Подшо сандиқни очиб, ичнини

¹ Тайинини.

қаради. Ўша катта сандикдан битта анор чиқибди. Подшо анорни олиб учовига кўрсатиб:

— Мана кўрдингми, булар ўғри эмас, тахминчи экан. Бор, туянгни истаб бўлак тарафдан топгин!— деди. Йўқ йўқотган чиқиб кета берди. Подшонинг қошида турган кишилар ҳайрон қолди. Буларни ўтқизди. Қоринлари оч эди, подшо бир лаган нон олиб чиқиб қўйди. Ўзи олинглар, меҳмонлар, тўйиб олинглар!— деди. Булар учаласи бир-бирига кулиб-кулиб қараб, рўмолга тугиб олди. Подшо: «Мендан ҳеч ибод¹ килмай кулиб қўйди»,— деди. Яна бир товоқ ош олиб чиқиб:

— Олинглар, мусофирлар, енглар,— деб олдиларига қўйди. Булар бир лўқмадан олиб, учовлари бир-бирига қараб, секин-секин кулиб қўйди. Подшо: «Булар ўғри, буларнинг кўлидан ҳар иш келади. Яна мендан кўркмай ҳар бир овқатимни мароқ қилиб ейдилар. Буларга жавоб берай, қоронғи бўлиб қолди. Кўчадаги чойхонага чиқиб ётар. Орқасидан чиқиб нойлайин, нимаики ўртада ўтган ишларни гапларни гаплашар. Шояд, туяни қўйган жойни гапирса»,— деб буларга жавоб берди.— Сизларда гуноҳ йўқ. Қаерга борсангиз, боринглар,— деди.

Булар учови подшонинг ҳақиға дуо қилиб, чиқиб кетди. Бориб чойхонага киришди. Эшикдан киришдию тахтага суяниб чой ичиб ўтиришди. Подшо бир чопонни ёпиниб, ўзини танитмай дўконнинг ташқарисига, буларнинг орқасига келиб ўтирди. Каттакони:

— Ўтмиш кишилар «Туя кўрдингми, йўқ», деб айтган экан. «Кўрдим дедим, тутилдим, кўрмадим дедим, қутулдим»,— деди. Ўртанчаси:

— «Ўз уйим деб гапирма, том орқасида киши бор, тилингни тийиб юр, нима дейишингни биласан, кўлингни ювиб юр, нима ейишингни биласан», деб ўтганлар гапириб ўтган экан,— деди. Кичкинаси:

— «Худо сақлаган ерда бало йўқ. Анорни топмаганда ўлардик»,— деди. Каттакони:

— Подшони нима фаҳмладинглар?— деди. Икковлари:

— Сен-чи?— деди. Каттакони:

— Мен подшони қул ҳисобладим,— деди. Ўртанчаси:

— Қул бўлса ҳам, новвойининг боласи экан,— деди. Кичкинаси:

— Ит эмган қўйнинг ёғига ош қилиб берди-я,— деди.

Подшо бу сўзни эшитиб туриб кетди. Онасининг олдиға кирди:

— Мен қулми, ё подшоваччамми,— деди. Онаси:

¹ Ҳайикмай.

— Шунча вақтдан бери сўрамаган сўзни нега сўрадинг?— деди. Подшо:

— Мен ўзимнинг ким эканлигимни билмас эдим, шунга сўрадим,— деди. Онаси:

— Менинг эрим шу мамлакатда подшо эди. Бизнинг ўртамизда бола бўлмади. Подшолик ўрдамида келдикетдига хизмат қилиб турган новвой хизматкоримиз бор эди. Тамоми келган меҳмонларга нон чиқариб турар эди. Новвой хотинининг бўйида бўлди. Кечаси бевақт туғибди. Ўғил экан, ерга тушган ҳамона новвой ўзи боланинг қиндигини кесиб, эски латтага ўраб олибди. Тукқан хотин жон берибди. Подшо билан икковимиз ётган эдик. Новвой бевақт қоронғида гўдакни кўтариб йиғлаб кирди:

— Хотиним туғдию ўлди. Ўғил экан, бу бола қолди. Шунинг сизларга берсам, бировга тарбия қилдириб, ўғил қилиб олсанглар. Мен камбағалман. Бир энагага берсам, берарману боққанига бергани менда ҳожат йўқ,— деди.

Подшо билан икковимиз новвойга «Бу бола меники» деб ҳаргиз айтсанг, ўласан» деб қасам бердирдик. Болани новвойнинг кўлидан олиб, сут бериб сандиққа солдим. Эрта билан қорнимга бир эски уладани бойладим. Бир кишига бир муштдай зар бериб, қишлоқ амалдорларига «Подшо хотини қариганда бўйида бўлибди», деб хабар эшиттирди. Уч-тўрт кун ўтгандан кейин у болани сандиқдан олиб, қорнимдаги уладани олиб ташладим. Амалдор-амалдорларга «Подшонинг хотини ўғил туғибди», деб суюнчи олдирдим. Бола катта бўлди. Мактабга бердим. Подшо ўлди, мулк шунга қолди. Ўша бола сенсан,— деди.

Подшо ўша куни бировнинг кўрасидан қўй олдириб келиб сўйган экан. Онасининг олдидан чиқиб қўй эгасига киши юборибди. Бойни айтқизиб келди. Подшо:

— Сиз бизга ит эмган қўйни берганмисиз?— деди. Бой:

— Мен билмайман, қўйни боққан қўйчи билади,— деди. Қўйчини олдириб келди.

— Бизга ит эмган қўйни берганмисан?— деди. Қўйчи:

— Ўтган йилда қор қалин тушди. Ҳеч қиянинг¹ боши кўринмай қолди. Қўйлар оч қолиб абгор бўлди. Бир қўй елинсиз туғди. Энасининг сути бўлмади. Бир қанжиқ туғиб, боласи совуқда ўлган эди. У қанжиққа қўйни эмиздим. Қўзи йиғирма кунда ўтга кириб, ўт еб кетди. Шу қўзи қўй бўлиб кетди. Билмадим, кўп қўй ичида сизга ўша қўй тушган бўлса тушгандир,— деди. Подшо қўйчовон билан бойга жавоб берди. «Тахминчининг айтган сўзи рост келди»,— деди.

¹ Гиёҳ

Эрта билан тонг отди. У подшобаччаларни подшо яна хайдатиб келди. Ўрда ичига олиб кириб ўтқазиб, уларга таом берди. Подшо:

— Меҳмон йўнгитлар, мен сизлардан гап сўрай. Ибтидо-аввалда йўқ йўқотган, «Туя кўрднингми», демасдан, «йўқотганинг туямиди,» деганинг қайсингсан?— деди. Каттакони ўрнидан туриб:

— Тақсир, мен,— деди. Подшо:

— Туянинг эгасининг туя йўқотганини қайдан билдинг?— деди. У:

— Биз келаётган йўлдан туя юриб келган экан. Учаламиз илгар и туя ўтибди, деб келаётган эдик. Туя эканини изидан билдик,— деди. Подшо:

— Туянинг бир кўзи кўр экан: деганинг қайсингсан?— деди. Ўртапчаси:

— Тақсир, мен,— деди. Подшо:

— Туянинг бир кўзи кўр эканини қайдан билдинг?— деди. У:

— Йўлнинг бир ёқадаги ўтиши еб кетаверибди. Бир ёқадаги ўтга тегмабди. Шундан билдимки, туянинг бир кўзи кўр экан,— деди. Подшо:

— Туянинг устида заиф киши иккиқат экан, деганинг айси биринг?— деди. Кичкинаси ўрнидан туриб:

— Тақсир, мен,— деди. Подшо:

— Туянинг устида заиф киши, қорнида боласи бор эканини кўрмасдан қаердан билдинг?— деди. У:

— Йўлда туяни чўгириб¹, тушибди. Қум ерда қўлини ол-дига суяшиб туриб истихоб қилибди. Билдимки, заиф киши экан. Яна туяга мишиб кетибди,— деди. Подшо:

— У сандиқнинг ичида апорнинг битта эканини қайдан билдинглар?— деди. Каттаси туриб:

— Биз ҳам бир мамлакатнинг подшобаччасиданбиз. Мусофирчиликни ихтиёр қилиб чиққанмиз. Ўй-ўйлаб, йўқчи-лик азобини кўп тортдик. Ҳар бир нарсани разм билан ўйлаб гапиришга ўй қилдик. Ҳаммол сандиқни кўтариб келиб қўйди. Сандиқ ҳавол кўчди². Шундан сандиқ қуруқ эмасдир, ичида бирор нарса бордир, деб тахмин билан анорни гапир-дим,— деди. Подшо:

— Хўш, подшонинг қул экани, новвойининг боласи эканини қайдан билдинглар?— деди. Ўртапчаси:

— Мен жавоб берай,— деб ўрнидан турди.— Эй, подшоҳ,

¹ Чўктириб.

² Енгил кўчди.

сиз одил подшо бўлсангиз, бизнинг учовимизга уч иқлимни берар эдингиз. Хазинадан хийла усти-бош, сарпо, от-анжом берар эдингиз, учовимизни уч иқлимга ҳоким қилиб юборар эдингиз. Подшо олдида, заҳар йиғининг дамида бир сўзни айтиб рост қилмоқ осонми?! Подшога мулк шисандми? Мулкингизнинг баридан бир лағандаги нон баланд кўринди. Киши аввалдан нима нарсадан баҳра олиб келган бўлса, оламда ҳамма нарсадан кўзига ўша нарса баланд кўринади. Билдикки, бу кишининг насли қул экан. Тахту бахтингиздан, мулку шаҳрингиздан ноннинг ҳиммати ортиқ кўринди. Шундан биз бу кишининг насли новвой дедик.

— Ит эмган қўйнинг ёғини қайдан билдингиз? — деди подшо. Кичкинаси туриб:

— Олдимизга ош келди, димоғимизга итнинг бўйи келди. Бу ёғда итнинг иси бор, ит эмган қўй бўлса керак, шунинг ёғидир, дедик, — деди. Подшо:

— Мен кўлимга бир гуноҳкор тушса, гувоҳнинг сўзи билан жазога буюраман. Нима уволн бўлса — ҳақ бўлсин, ноҳақ бўлсин — гувоҳнинг бўйнига, деб ҳукм қиламан. Мен бир кишича овқат ейман. Қанча хунни билиб-билмай тўқаман. Яхшини, ёмонни билмасам, охиратда азоби-сўроғи бордир. Битта жонимга жабр қилмайин, бир қушим ўтар. Сизлар ўз ақлларинг билан ҳамма нарсани топиб олар экансизлар. Яхшини, ёмонни, оқини, қорани ўз ақлларинг билан билар экансизлар. Бундай юртни тасарруф¹ қилишлик сизлардай донишмандларга тузук. Мен нодонга ўлим яхши. Қолган умримни истихфор билан ўтказай, деб каттасини ўз ўрнига ўтқизди. Икки укасини унинг ёнига вазир қилди. Подшо ўзи Мадинага қараб кетди. Бу болалар асли подшо эди. Бу юртга келиб подшо бўлди. Шундан ўтмиш кишиларинг «Оққан ариқ оқмай қолмас», деган сўзи қолган.

ГАРАНГ

Бор экан, йўқ экан. Қўқонда Янги қишлоқ билан Тошкентлик гузар ўртасида Тожик қишлоқ деган жой бор экан. Тожик қишлоқда Боймат ака деган бой бор экан, у бойнинг юзта қўйи бор экан. Бойнинг қулоғи эшитмайдиган — гаранг экан.

Бир куни бой қўйчивонини: «Қўйни тузук боқмайсан», — деб сўкиб, калтак билан уриб нарироққа кеткизворган экан. Гаранг бойнинг ўзи: «Қўйим оч қолиб кетмасин», — деб қўйни

¹ Юртни сўраш, подшолик қилиш маъносига.

олиб, олдига солиб, хайдаб кетказиб, далага етказиб, қўйни яйратиб ёйиб, ўзидан койиб, бир тоlining тагида ётиб, ухлаб қолган экан. Ўйғониб, ўридан туриб у ёкқа-бу ёкқа қараса, узокдан бир одам келаётган экан, у келаётган одам ҳам гаранг экан. У гарангга бу гаранг:

— Хў, ўртоқ, ўша ёкда қўй-мўй кўрдингми?— деб сўраган экан, у:

— Мен, хў, Ачавотдан келаялман,— деб қўлини силтабди. Бу гаранг бой, «Қўй шу ёкда бўлса керак»,— деб нарироққа борса, қўйининг бир чуқурда ўтлаб юрганини кўриб, хурсанд бўлиб, халиги гарангин етаклаб, қўйларининг олдига олиб борибди. Гаранг бой айтибди:

— Сиз менинг қўйларимнинг бу ерда юрганини кўрсатиб қўймаганингизда, мен бошқа ёқни излаб кетар эдим. Қўйларимни кўрсатиб қўйганингиз учун мана бу чўлоқ қўйни сизга бердим. Олиб бориб, бола-чақангиз билан дуо қилиб, сўйиб енглар,— дебди.

Гаранг киши бу сўзларни эшитмай:

— Мен сенинг қўйингга тош отганим йўк. Ўзи чўлогу, нега менга товонини тўлагин, деб айтасан,— дебди. Гаранг бой:

— Мен қўйимни «хў, ана ерда» деб кўрсатганинг учун шу чўлоқ қўйни бераман, семизини бермайман,— дебди.

Иккови суришиб, бир-бири билан уришиб турганида, шу ердан бир одам эшак миниб кетаётган экан, у ҳам гаранг экан. Гаранг бой:

— Ака, мана бу кишига «Хў, ана у ерда қўйинг ётибди», деганига шу чўлоқ қўйни берсам, семизини берасан, деб жажжал қилиб ўтирибди. Шундай дегани тузукми? Шу чўлоқ қўйни олса, индамай қолса, бўлмайdimи,— дебди. Гаранг киши: «Тош отганим йўк, ўзи асли чўлоқ бўлган қўйининг товонини бергин, деб мени ушлаб, жағимга мушглаб турибди, шу қилгани дурустми?— дебди. Эшак минган гаранг икковининг ҳам гагини эшитмай:

— Бу эшакни уч тиллага сотиб олганман, маҳалладагиларининг ҳаммаси билади,— деб эшакдан тушиб, булар билан муштлашиб, бир-бирини ушлашибди. Булар учаласи нарироққа борса, бир пахсакаш учрабди. Шериги кетиб қолган экан. Бу пахсакаш ҳам гаранг экан. Учови бу пахсакашга арз қилишибди. Гаранг бой:

— «Қўйни хў, ана у ерда» деб кўрсатганига чўлоқ қўйни берсам, олмасдан семизини бер,— деб мени қистаб ўтирибди,— дебди. Қўйни кўрсатган гаранг эса:— Мен тош отганим йўк. Чўлоқ бўлган қўйининг товонини менга бер, деб ўтирибди,— дебди. Эшак минган гаранг: «Шу эшакни уч

тиллага сотиб олганимни маҳаллада ҳам билишади, эшак ўзимники. Мана бу меники, деб олмоқчию буниси эшак меники, деб мендан эшакни олиб бермоқчи. Мен пиёда қолмоқчиман»,— дебди. Паҳсачи гаранг буларнинг гапини эшитмасдан:

— Эгаси ўлчаб берган, эллик етти қулоч девор, эгаси келиб, баракалла, деб кетади. Сен «Лойини пишитмабсан, қий-шиқ-қиңғир урибсан», дейсан,— деб белкураги билан учовини уриб, бошини ёриб, тўртови бир-бири билан муштлашиб, бир-бирини ушлашиб, эшон-қозининг олдига боришибди. Борса, эшон-қози ҳам гаранг экан. Тўртови эшон-қозига энгайиб таъзим қилишибди. Эшон-қози:

— Арзларинг бўлса, айтинглар!— дебди. Энг олдин қўйлик бой арз қилибди:

— Мен далада қўй боқиб юриб учта қўйимни йўқотиб қўйган эдим, у ёққа-бу ёққа қараб турсам, қўзимга бу кўриниб қолди. «Ўша ёқда қўй-мўй кўрдингми?»— дессам, «Қўйнинг ҳў, ана у ерда юрибди»,— деди. Бориб қўйимни кўриб, хурсанд бўлиб, чўлоқ қўйимни берсам, «Олмайман, семизини берасан»,— дейди. Шу дегани тузук бўладими, тақсир. Шу чўлоқ-ориғини олса, тинч қолса, бўлмайдими?— дебди.

Эшон-қози буларнинг гапини эшитмаса ҳам, оғизларининг қимиллаётганини кўриб, калласини ликиллашиб, гаранглигини билдирмай, буларни нарироққа жилдирмай турганда, иккинчиси арз қилибди.

— Тақсир, мен индамай ўтиб кетаётган эдим. Менинг этагимдан ушлаб, чўлоқ қўйни кўрсатиб, «сен шу қўйга тош отиб чўлоқ қилгансан, шу қўйнинг товошини берасан»,— деб мени ушлаб, бошимга муштлаб, туҳмат қилиб турибди. Шу инсофданми, шунга нима дейсиз?— дебди. Эшак минган гаранг арз қилиб:

— Тақсир, мен эшакни уч тиллага сотиб олганимни бутун маҳалла билади. Эшагимни мана булар олмоқчи, мени пиёда қўймоқчи. Шу тузукми?— дебди.

Эшон-қози буларнинг тўртовининг сўзини эшитмасдан, буларнинг арзига:

— Тўртовнинг келган бўлсангиз, бу гапларининг мазмунидан мен шунини билдимки, икковларинг ой кўрган бўлсанглар керак, икковларинг гувоҳликка ўтиб келганга ўхшайсизлар. Бўлмаса, аслига қараганда, арафа эртага бўлиши керак эди. Энди иккиталаринг ой кўриб келган бўлсанглар, иккиталаринг гувоҳ бўлиб келган бўлсанглар, ўзларинг бориб карнайчиларга «эшон-қози рухсат бердилар, бугун арафа бўлсин, деб хабар беринглар»,— деб жўнатиб юборибди.

Шу тўрт гарангининг гаши билан, эшон-қозининг гаранглигидан рўзашининг йиғирма саккизида арафа, йиғирма тўққизида ҳайит бўлиб қолган экан.

ОЛДИНИГА — ПАНД, КЕЙИНИГА — ҚАНД

Бир вақтда бир камбағал-қашшоқнинг битта қўшини соввой экан. У шу қўшинисига чиқиб:

— Бир беш-олтита ношингиздан носия беринг, топганимда олиб келиб бераман,— деган экан. Соввой:

— Сиз айтган катта тоғлар кесилиб кетган. Хотирингизни жам қилинг, келишингизни кам қилинг,— деб хўрлаб, ҳалигига нон бермаган экан. Бу гапга ҳалиги қашшоқ хафа бўлиб, шу билан кетиб қолиб, нимани сотишини билмасдан, бир сигири бор экан, «шу сигиримни сотиб, харажат қилиб еб юра турай»,— деган ҳаёл билан сигирини кетказиб, бозор бошига етказиб, сигирни сотолмай, ёнбошлаб ётолмай ўтирган экан. Бозорда бир одам келиб, бунга гап ўргатган экан:

— Бу сигирни сотсанг, бу ерда сотма. Фалон шаҳарга етказгин. Бу ерда уч тиллага оладиган бўлса, у ёқда етти-саккиз тиллага олади,— дебди.

Ҳалиги одамнинг гашига ишониб, сигирини олибди, жўнаб қолибди. Ҳалигининг айтган шаҳарига етиб борибди. Харидорга солса, у ерда ҳам икки-уч тилла қилиб, ортиғига олмабди. Сигирни сота олмай, чўлда, одам ўтмайдиган йўлда келаётганда, бир йўлтўскич қароқчилар буни кўриб, учта ўғри ҳалигининг олдида чиқиб қолибди.

— Ўртоқ, тўхтаг, бу сигирни қаердан олиб келяпсиз?— дебди.

— Мен фалон жойдан, фалон жойга сотгани олиб келган эдим. У ерда ҳам бир баҳо экан, сотгани кўзим қиймасдан олиб кетаётиман,— дебди.

— Бўлмаса, бизга сотинг,— дебди.

— Жазман харидорлар чиқиб қолди, хайрият,— деб суюниб кетибди. Ўғриларнинг биттаси айтибди:

— Буни даллолнинг олдига олиб борайлик,— деб етаклаб кетказиб, бир чакалакзорга етказиб олиб борса, биттаси уйнинг ичида ўтирган экан. Ўғрилар:

— Бу киши сигирини сотмоқчи экан. Учовимиз жанжаллашиб юрибмиз. Сиз шу сигирни баҳо қилиб беринг, учаламиздан биттамыз олайлик,— дебди. Даллол сўрабди:

— Бу сигирни сотасизми?

— Ҳа, сотмоқчи эдим, харидорлар уч-тўрт тилладан оширмаяпти, шунинг учун сотмай қайтиб олиб келаётган

эдим,— дебди. Даллол харидорларни «унақа бўлсин, бунақа бўлсин», деб сўкибди, сигирининг бахоси бир мири,— дебди.

Сигир эгаси нима дейишини билмасдан бир мирини олибди, чўнтагига солибди, индамай қолибди, нарипрокка етиб қолибди. У кетаётганда биттаси:— Сизни даллол чақиряпти,— дебди. У даллолнинг олдига келибди:

— Нима дейсиз?— дебди.

— Бизга бир нарса бермайсизми, пулни олиб кета берасизми?— дебди.

— Сизнинг даллоллингизга неча пул берамиз?— дебди.

— Бир танга берасиз,— дебди.

— Сигиримни сотган пулим бир мири, сизга бир тангани қаёқдан оламан,— дебди.

— Майли, ўша бир мирини беринг, уч мирисини кейин берарсиз,— деб берган бир мирисини ҳам олиб қолибди.

Сигир эгаси нима қилишининг иложини топа олмасдан кетиб қолибди, уйига етиб қолибди, қўлига кетмон олибди, елкасига солибди. Мардикор ишлаб юриб, бозорга бориб, сочини олдириб турган экан. Сочини олиб турган сартарош аскиячи экан. У сартарошнинг бир аскиячи ўртоғи келиб аския айтиб сўзлашиб қолибди:

— Сенинг хабаринг йўқ, мен Наманганга бориб келдим,— дебди.

— Ҳа, нима арзон, нима қиммат, билдингми?— дебди.

— Билдим, сен сартарош бўлсанг, шу олган сочларингни олиб қўй, қонга солиб қўй, уни Наманганга етказасан. Наманганда соч қиммат экан,— дебди.

Ҳалиги соч олдираётган аския гапга ишониб, ҳамма сартарошхонага кириб, сочларни йиғиб олибди, аравага солибди. Уни кетказиб, Наманганга етказиб, саройга тушириб, половин пишириб, қоринини тўқ қилиб, ҳалиги сочдан олиб юрибди, харидорларга солиб юрибди. Растадагилар «нима» деб сўраса, «соч»,— дебди у. «У ёққа олиб бор», дебди. Шундай қилиб, чекка жойга чиқиб қолган экан.

Чекка жойда туриб, ҳайрон бўлиб юрса, бир одам кўриб қолиб:— Нима?— дебди.— Соч,— дебди.

— Бундай оч,— дебди. У одам ҳам аския қилиб:

— Бунинг оқи билан қораси бирга экан, ажратсангиз олади,— дебди. Шу билан ҳалиги одам — сочининг эгаси кечаси билан ажратибди. Эртаси яна олиб борибди.

— Ўртоқ, бунинг нархи қанчадан, бундан қанча қоп бор, кимнинг гапи билан олиб келдингиз? Сиз бировнинг гапига кириб олиб келибсиз. Бунинг билан кета беринг, уйингизга ета беринг. Буни ўн йил олиб юрсангиз ҳам ҳеч ким икки пулга олмайди,— деб бозордаги одам аниғини айтгандан

кейин, қопни олибди, елкасига солибди, жўнаб қолибди, кетиб қолибди, уйига етиб қолибди. Тағин хафа бўлиб кетмонини олибди, елкасига солибди, неча вақт мардикор ишлаб пул олибди, чўнтакка солибди, шу билан қўнгли тортган ўртоғиникига борибди:

— Мана буни топдим, чўнтакка солдим, қаёққа қўйишимни билмай қолдим. Сен шуни ҳеч кимга бермай юргин,— дебди. Бир куни келиб:

— Мен ҳеч кимга берманг, деб берган пулимни беринг,— дебди.

— Энди сенга бермайман. «Ҳеч кимга бермагин» дегансан, ўзингга ҳам бермайман,— деб халиги пулни еб кетибди.

Унинг билан суршмасдан, бекорга уришмасдан яна мардикор ишлаб, пулни жуда қўп топиб олиб, ёнига солиб, битта пўстин олиб кияй, деб бир пўстинчига пўстинни олдириб, у ёқ-бу ёғини кўриб турган экан. Дўқондорнинг ёнидаги киши ҳам аскиячи экан: «Кечадан бери овқат ҳам емасдан келасан», деб аския қилган экан. У айтибди:

— Э ўртоқ, мендан ҳеч хабар олмайсан, Бухороларга бориб келдим, иккита тулкининг думи менинг билан кетиб қолган экан. Бунчага сотдим. Тулкининг думи у ерда жуда қиммат экан.

Бу гапни эшитиб, пўстин олишни у ёққа қўйиб, гапни бу ёққа қўйиб, шошилиб, жами пўстинчиларни сурштириб, гапни гапга уриштириб, неча вақтдан бу ёққа тўплаб қўйган тулки думларини олиб кетиб, Бухорога етиб, Бухоро саройига тушириб, саройга бориб паловин қилиб еб, бозорга бориб, тулки думини солибди. Биров айтибди:

— Ҳа, биродар, тулкининг думини оласиз, у ёққа, бу ёққа соласиз, нима қиласиз?— дебди. У айтибди:

— Буни мен «жуда қимматга олади», деб эшитган эдим. У киши:

— Буни ҳеч ким олмайди, ким айтган бўлса, бекор айтибди,— дегандан кейин саройнинг бир хужрасига кириб олиб: «Сигир сотганим етмасмиди, соч сотганим етмасмиди, тулкининг думини сотганим нима эди»,— деб йиғлаган экан.

Шу юртининг подшоси кечаси ориқ отни миниб, подачига ўхшаган кийимни кийиб, «Яхши-ёмонни билиб айланиб келай»,— деб кўчама-кўча юрса, бир саройнинг ичидан: «Вой дод, вой шўрим қурсин»,— деган овоз келиб қолибди. Буни подшо эшитиб: «бировни биров ураяпти шекилли»,— деб турибди, дарвозани урибди, жиндай туриб қолибди. Халиги дод деб турган чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. Подшо:

— Нимага дод деясан,— дебди.

— Мен ўн қоп тулкининг думини олиб келиб, аравага солиб кеб, сотолмай, дод, деб ётибман,— дебди. Подшо ҳайрон бўлиб:

— Бўлмаса мен харидор юбораман,— дебди.

У ҳайрон бўлиб, харидор юборар экан, деб нима қилишини билмасдан, у ёққа-бу ёққа жилмасдан, йиғлашини билмасдан, ҳайрон бўлиб, қўнгли вайрон бўлиб ўтирган экан. Подшо кетиб қолиб, уйига етиб қолиб, харидор юбораман, дегани ёдига тушиб қолиб: «Менга унинг нарсаси нодаркор. Индамай қўйсам, бўлмайди»,— деб ўйлаб, ўзига ўзи сўйлаб:— Жарчини чақириб кел!— дебди. Жарчи келибди:

— Ҳа, нима, тақсир,— дебди. Подшо:

— Бугун сиз жар чақиринг: «Эртага, жума куни подшо ҳамма қўчаларни айланар эканлар, айланганларида ҳар ким эшигининг заңжирига битта тулкининг думини бойлаб, подшонни пойлаб турса, подшо хурсанд бўлар эканлар»,— деб чақиртирибди.

Жарчи подшонинг гапи билан:

— Ҳа, боғда битган бодомлар, узоқ-яқиндан бозорга келган одамлар, ун элаб нон ёпган одамлар, сув қайнатиб чой сотган самоварчилар, гўшт сотган қассоблар, майда-чуйда сотган жаллоблар, тўқир-тўқир қилган темирчилар, эшитмадим деманглар, бошқа ишини қилманглар, эртага подшо қўчаларни айланар экан. Ҳар ким қўча дарвозасига тулкининг думини бойлаб, подшонни пойлаб турган одамларни яхши кўрар эканлар,— деган экан.

Буни эшитган ҳамма одамлар қўчама-қўча бошлашиб, кўзларини ёшлашиб, тулкининг думини излашибди, ҳалиги тулкифурушни топишибди. Икки сўм бўлса, тўрт сўмдан, тўрт сўм бўлса, саккиз сўмдан сота берибди. Пулини олибди, қопга солибди жўнаб қолибди. У кетганда, нарироққа етганда, подшо дарров одам қўйиб, ҳалигини чақиртирибди, подшонинг олдига одамлар етказибди. Подшо сўрабди:

— Тулки думинини неча пулга сотдинг?— дебди.

— Минг тиллага сотдим,— дебди.

— Пулни олиб, чўнтакка солиб, индамай кета берасанми?— деб ўн тилласини бериб жўнатган экан. Шу билан у кетиб қолибди, ўз юртига етиб қолибди.

МИРЗАРАҲИМ ЛАКАЛОВ

Мирзараҳим лакалов деган одам бир куни тоғнинг тагида ётиб ухлаб қолибди. У уйқусида туш кўриб кўрқибди. Кўрқанидан Ўнглар отага қўнглида бир эчки назр айтибди. Ишлаб

беш-олти танга пул топиб бир ориқ эчки олибди. Уни беш-ўн кун боқиб семиртирибди, ётса турмайдиган йўлга юрмайдиган бўлиб қолибди. «Бу эчкини Ўнглар отага еталаб боргунимча неча жойда ётиб қолар, оёғи лойга ботиб қолар»,— деб яна беш-ўн кун ишлаб битта эшак олибди. «Эшакнинг думига эчкини боғлаб, эшакни миниб олиб кетсам, мабодо эчкимни биров олиб қўйса, билмай қолсам, нима бўлади. Бу эчкининг бўйнига қўнғироқ осиб қўйишим керак»,— деб бир қўнғироқ олибди. Қўнғироқни эчкининг бўйнига боғлаб, эчкини эшакнинг думига боғлаб, Ўнглар отага қараб жўнаб кетди, биёбон-чўлга етди. Узоқдан учга йўл тўсадиган ўғрилар унинг эчкисини кўриб қолибди. Ўғрилардан бири.

— Ў, ана унинг эчкисини олмаймизми?— дебди. Иккинчиси:

— Сен эчкисини оласан, мен нимасини оламан,— дебди. Биринчиси:

— Сен эшакни оласан,— дебди. Учинчиси:

— Тузук, сен эчкисини олдинг, сен эшагини олдинг, мен нимасини оламан,— дебди. Биринчиси:

— Сен салла, ковуш-махси, уст-бошини оласан,— дебди. Учинчиси:

— Мен қандай қилиб оламан?— дебди. Эчки оладиган:

— Иккаланга мен олишни ўргатаман,— дебди. Иккинчиси:

— Қани ўргатгин-чи,— дебди. Биринчиси:

— Сен кетиб қоласан, у ана у чангалда пишиб ётади. Мен уни ҳийла билан сувга тушираман. У сувга тушганда уст-бошини ечади, сен олиб қочиб кетасан. Иккинчиси:

— Мен эшакни қандай қилиб оламан?— дебди. Эчки оладигани:

— Мен бориб аста эчкининг бўйнидаги қўнғироғини ечиб олиб, эшагининг думига боғлаб қўяман. У эчкининг қўнғироғи шилдираяпти, деб кетаверади. Сен «ҳа, йўл бўлсин, ака!»— деб олдидан чиқасан. У: «Мана шу эчкини шу ёққа олиб кетаяпман»,— дейди. Шунда сен: «Хов, ана ёққа қаранг!»— дейсан. У орқасидаги эчкини йўқлигини кўриб эшагидан тушиб қидиради. Шунда сен эшакни олиб, миниб кетаверасан,— дебди.

Мирзараҳим лакалов келаётса, ўғриларнинг биринчиси орқадан келиб эчкининг қўнғироғини бўйнидан ечиб олиб, эшакнинг думига боғлаб, эчкини олиб кетибди. Иккинчиси рўпарасидан келиб:

— Ҳа, ака, йўл бўлсин!— дебди. У:

— Ўнглар отага шу эчкини назр қилган эдим,— дебди. Иккинчиси:

— Э, ака, эчкингиз кани?— дебди. Лакалов орқасига қараса, эчки йўқ, Нима қилишини билмасдан «Вой-вой»,— дебди. Иккинчи ўғри:

— Сизнинг эчкингиз у ана у боққа кириб кетди,— дебди. Лакалов қидириб кетибди, бу эшагини миниб кетибди.

Лакалов эчкини топа олмай қайтиб келса, эшаги ҳам йўқ. «Энди бундан ҳам айрилдим. Бир киримни кеткизиб ювинай»,— деб ариқ олдига борибди. Уст-бошини ечиб, ариққа шўнғиб, бошини кўтариб қараса, ҳеч нарсаси йўқ. Дод-вой қилиб, сувнинг ичида бақириб, ўтган-кетганини чақириб ўтирган экан, шу жойдан биров ўтиб кета туриб:

— Ҳа, ўртоқ, нимага йиглаб ўтирибсан?— дебди. Лакалов:

— Э, ўртоқ, гап кўп, сўраманг. Мен туш кўриб, ўнглари отага бир эчки атаган эдим. Йўлда келаётиб эчимдан айрилдим, эшагимдан ажралдим. Бир ҳонитиб¹ олай деб бу жойга келган эдим, инёзимни ҳам ўғирлатиб қўйдим. Энди ҳаммаси ҳам майлига, ўнглари отага ҳар нима назр қилсангиз ҳам, эчки назр қилмаглар,— дебди. Ўткинчи:

— Мен бозордан янги кийим олдим. Менинг эски кийимларимни сен кийиб олгин,— деб эски кийимларини ечиб берибди. Лакалов унинг эски уст-бошини кийиб олибди, уйига етиб қолибди. Шу билан юрганда, беш-олти кун турганда, ишга бўйни ёр бермасдан, ёнида бир чақаси қолмасдан, қорни оч қолиб, халиги одамнинг берган этигини иккита нонга алмаштириб, ёз ўтиб қолибди. У ландовур осмонга қараса, беш-олти лайлак учиб юрган экан. Эшикка чиқиб қараса қор ёғиб қолибди. Эшик қор, уй тор, нима қилишини билмай, узоққа қараса, бир қайрағочнинг устида лайлак тумшуғини ичига тикиб ётган экан. У лайлакка қараб айтибди:

— Ҳа, лайлак, ҳа, лайлак,
На ўзингга қилдинг, лайлак,
На менга қилдинг, лайлак,
Ёз бўлди, деб келиб қолибсан,
Сен келдинг, деб этик сотиб,
Еб қўйдим мен нонни, лайлак.

Бемаҳал қичқирма, товук,
Орқангдан уради совук.
Ёз ёпинчигингни қўйма,
Қишни ўзинг биласан.

¹ Чўмилиб.

Кўп бўлса кетар,
Оз бўлса етар.

Шундай гапни ўқиб кўрган одамга фойда етар.

АФЛОТУН

Бор экан, йўқ экан, ер билан осмоннинг ўртасида хунарга қаттиқ киришган Афлотун деган ўтган экан. Афлотун шунчалик хунарымандчилик билан уй-рўзгор қилган эканки, уйлангани билан хотинига кўп ружу¹ қилмаган экан, Афлотуннинг ўғли бўлмаган экан, аммо бир қизи бўлган экан. У қиз ўн саккиз-ўн тўққизга кирган экан. Бир куни Афлотуннинг қизига подшонинг эътиборли сайиси — отбоқаридан совчи келган экан. Афлотун қизини подшонинг сайисига бермоқчи бўлган экан. Афлотуннинг қизини подшонинг сайисотбоқари олган экан. Афлотуннинг қизи отасининг сеҳргарлик-жодугарлик хунарини ўрганиб олган экан. Қиз эрига отасидан ўрганган хунарларини ўргатган экан. Бир неча хунарини эри ичида сақлаб юрган экан.

Бир куни подшонинг отларини қашлаб, хунарини хушлаб, отини озода қилиб туриб қараса, подшо хафароқ кўринибди. Сайис:

— Хурсанд қилишга арзийдиган бир хунарим бор, шу топда сизга кўрсатишга рухсат берсангиз,— дебди. Подшо:

— Баракалла, фахму фаросатингдан. Мен шу топда ўзим ажаб бир нимадандир таъбим тирриқроқ бўлиб туриб эдим. Сен менга ҳар қандай арзимаيدиган нарсани кўрсатсанг ҳам, арзиса керак,— деб рухсат берган экан.

Сайис йигирма боғ янтоқ ўтинни гиламнинг устига, хоннинг ўтирган жойининг олдига тахлабди, у янтоққа ўт қўйибди. Янтоқ гувиллаб ёниб турган вақтида ўзи аланганинг ичига кириб ўтириб олибди. Аланга ўзидан-ўзи ўчибди. Подшо қараса, бунинг ҳеч бир жойи куйгани йўқ. Подшо бу ишга ҳайрон бўлиб турган вақтида сайис уч жойга оёғи билан бир-икки тепибди. Йигирма боғ янтоқни куймагандай боғланган ҳолда подшога кўрсатиб, янтоқни ташқарига ташлаб келиб хонга таъзим қилибди. Хон:

— Баракалла, бу хунарымандлигинга,— деб қойил қолган экан. Подшо эртаси куни кечаги хунаринини яна кўрсатгин, деб талаб этган экан, сайис:

— Тақсир, кечагиси кетди, жойига етди. Энди бошқа

¹ Берилмаган, кўп эътибор бермаган.

хунар кўрсатгин десангиз, бошқа хунар кўрсатаман,— дебди. Подшо:

— Майли, ишқилиб, бир нима кўрсатгин,— дебди.

Сайис бир катта қозонни топиб, гиламнинг устини кетмон билан чопиб, ҳисобини топиб, ҳалиги қозонни қўйибди. Ҳочққа ўт ёқмай қозонга ўн-ўн беш пақир сув солиб қайнатиб, хоннинг кўзига сувнинг қайнаганини кўрсатиб, қозонга ўзини ташлабди. Ҳеч жойи ҳўл бўлмасдан қозондан чиқиб, хонга таъзим қилибди: Хон:

— Баракалла, кечаги хунарингдан бугунгисини эътиборга олдим,— дебди. Эртасига хон яна, кечаги қозонни осиб, ўйнаган ўйинингни ўйнаб бер, дебди. Сайис:

— Таксир, у ўйин кетди, жойига етди. Энди бошқа ўйинни кўришга ҳавас қилсангиз,— дебди.

— Майли, ишқилиб, билганингни кўрсатсанг-чи,— дебди хон. Сайис:

— Бўлмаса, бир ўткир қилич беринг,— дебди. Хон бир ўткир қилични қўлига берибди. Сайис қилични бир кишига бериб: «Мени майда-майда қилиб чопасан, устимга мана шу гиламни ёпасан»,— дебди. Ҳалиги одам сайисни чуқон майда қилиб чопиб, гиламни ёшибди. Бир оздан сўнг уйқудан турган одамдай гиламнинг орасидан туриб, хонга таъзим қилибди. Хон бунинг хунарига қойил бўлиб:

— Сен бу хунарларни кимдан ўрганиб олганингни айт. Бу хунар қаердан чиққан?— дебди. Сайис:

— Таксир, анигини айтсам, мен Афлотуннинг қизини олганман. Афлотун қизига ўргатган, Афлотуннинг қизи менга ўргатди,— дебди. Хон:

— Афлотун шундай хунарыманд экану биз уни билмай юрган эканмиз-да. Бориб Афлотуннинг ўзини олиб кел. Унинг ўзи ҳам хунарини кўрсатсин, дебди. Хон Афлотунга одам юборибди. Афлотун уйида Арасту деган шогирди билан иккови бирга чой ичиб ўтирган экан. Дарвоза тақ-тақ этиб қолибди. Арасту:

— Бу дарвозада чақираётган ким экан. Мен чиқиб хабар олай-чи,— дебди. Афлотун:

— Хабар олмагин, менинг гапимни эшитгин,— дебди. Арасту:

— Нима дейсиз?— дебди. Афлотун:

— Дарвозанинг тақиллашининг маъносига ақлим шундай далолат қилади: Қизим куёвимга хунар ўргатган бўлса керак, куёвим хоннинг олдида хунар кўрсатган бўлса, хонга менинг куёвимнинг хунари манзур бўлган бўлса керак. Хон: «Бу хунарларни қаёқдан ўргандинг»,— деб сўраган бўлса керак. У: «Мен Афлотуннинг куёвиман, Афлотун қизига, қизи менга

ўргатди», деса керак. Шунинг гапи билан хон одам юборган бўлса керак. Шу келган одам, менинг билишимча, дарвоза тагида турган бўлса керак. Агар мен чиқсам, юринг хон чақиряпти, деса, подшонинг хукми вожиб, бориш керак. Борганимдан кейин: «Куёвинг бир-иккита хунар кўрсатди, энди сен кўрсатгин»,— деса керак. Мен хунар кўрсатмайман, десам, хон мени хукминушга буюриб юборар. Агар бордию хунар кўрсатган чоғимда, мен куёвимдан ортиқроқ кўрсатишим керак. Мен куёвимдан ортиқроқ хунар кўрсатсам, куёвим менинг билан баҳслашиб-қасдлашиб қолса керак. Куёвим қасдлашиб қолган вақтда хонга: «Қулоғингизга бир сўзим бор, айтаман, сўнгра хунаримни навбат билан кўрсатаман»,— деса керак. Хон: «Ҳа айтгин», деганда, куёвим: «Бу сеҳргар, жодугар, бунинг қўлидан ҳар иш келади. Агар бир куни сиз аччиғини келтириб қўйган вақтингизда, сизни ҳам хон деб рия қилмай, хунарига ишониб, сизга ҳам зарарини етказишни ихтиёр қилиб қолади. Шу топда сиз рухсат берсангиз, мен шуни қуришиб, йўқ қилиб юборсам»,— деб айтса, хон: «Ҳа, тузук. Афлотунни йўқ қилиб қўяқол»,— дейди. Шу сабабдан сен мана бу пахтани қўйинингга солиб, орқамдан эргашиб борасан. Мабодо куёвим хоннинг қулоғига пичирлаб гапириб қолган вақтда, хон майли, деса, куёвим битта шишадаги дорини бошимдан қуяди. Шу вақтда мен ариқдаги сувга ўхшаб шариллаб оқиб кетаман, сен бепарво бўлмасдан дарров шу пахтани олиб ўша сувга соласан, уни сувдан олиб, қўйинингга солиб, олиб келиб мана шу ерга қўясан. Мана шу шишадаги дорини шу пахтанинг устига ҳар куни битта-битта томизиб қўясан. Шунда мен қирқ кунда тагин қадимги аслимга келиб тириламан. Ана унда сўнгра қандай хунарымандлик қилишимни биласан,— деб Афлотун шогирдига пахтани олдириб, қўйнига солдириб, Арастуни эргаштириб, дарвозага бориб, эшикни очиб, келинг ака, нима ишингиз бор?— дебди. Келган одам:

— Хон бизни сизга олиб келинг, деб юборди. Биз эшингиз олдида бир соатдан буёққа маҳтал бўлиб турибмиз, нега чиқмадингиз,— дебди. Афлотун:

— Менинг соатбай уйқум бор эди. Ухлаб ётган вақтимда чақириб қолгансиз, дарров чиқмаганимга энди ранжимангиз. Хон чақирган бўлсалар, бажонидил борайик,— деб шогирди билан хоннинг олдида кетган экан, бориб етган экан. Хон:

— Сиз Афлотунмисиз?— дебди.

— Ҳа, тақсир, Афлотунмиз,— дебди. Хон айтибди:

— Сиз жуда хунарыманд экансиз. Бизга ўзингизнинг хунарымандлигингизнинг асоратини билдирмаган экансиз. Куёвингиз уч-тўрт кунгача жуда ғалати-ғалати хунарларини

кўрсатиб, мени жуда хурсанд қилди. Мен бу ҳунарларни кўриб ҳайрон бўлиб: «Сен қаердан, кимдан ўргандинг?»— десам, куёвингиз: «Афлотунга ўғил бўлганман», деди. Мен шундан пайқаб қолиб, бориб Афлотунни айтиб келинглار. Ўзлари ҳам келиб бир-икки ҳунар кўрсатиб кетсинлар,— дедим. Ҳунардандчилигингиз йўруғидан бизнинг иззатимиздасиз. Сиз бир ғалати ҳунарингиздан кўрсатсангиз. Кейин куёвингиз кўрсатса, хурсанд бўлсак. Ахир бирор инъом берармиз. Хон фалончининг ҳунарини кўриб, бунча инъом берибди, десалар керак. Афлотун:

— Илгари куёвим ҳунарини кўрсатсин,— дебди. Куёви:

— Илгари отам кўрсатсин,— дебди. Хон:

— Сен устоз, ҳам каттақонсан,— деб ҳукм қилибди. Афлотун хўй, дебди-да, куёвининг устидан бир дори суркабди. Куёви қирқ терак бўйи мушакка ўхшаб шариллаб ёниб турибди. Ул ўтнинг ичидан ҳар турли товушлар— дотор, танбур, погора, чилдирма товушлари келиб, хоннинг қулоғига чунон ёқибди. Бу наъман усулни бир соат кўрсатиб, хонни хурсанд қилди-да:

— Тақсир, басми?— дебди. Хон:

— Ҳа, бас,— дебди. Афлотун:

— Ана бас бўлса,— деб ҳалиги ўтга туф, деб туфлабди. Ўт ўчиб, куёви аслидан чиройли бўлиб турибди. Хон:

— Баракалта, Афлотун, ҳеч камш-кўстинг йўқ экан. Қойил қилдинг,— дебди. Хоннинг мақтаганига куёвининг аччиги келиб:

— Тақсир, сизга мени нима қилиб кўрсатди?— дебди. Хон:

— Билганинг йўқми,— дебди. Куёви:

— Мен нима бўлганини билганим йўқ,— дебди. Хон:

— Билмаган бўлсанг, мен сенга айтмай. Сени қирқ терак бўйи мушак сингари осмонга отилтирди. У ўтларнинг ичидан ҳар турли чолғулар товуши қулоғимизга чунон эшитилди. Бир ҳузур қилдим, қулоғимга у товушлар ёқиб чунон хурсанд бўлдим. Бунинг ҳунарига қойил бўлдим. Энди ғал сенга келди. Сен ҳам муносиб ҳунар кўрсатгин,— дебди. Куёви:

— Тақсир, навбат менга бўлса, менинг сизга айтадиган сўзим бор, қулоғингизга айтаман,— дебди. Хон:

— Ҳа, сўзинг бўлса айта қол, мана қулоқ,— дебди. Куёви хоннинг қулоғига шундай пишчирлабди. «У шундай ҳунардандки, бир кунни сиз унинг аччигини келтирсангиз, сизга ҳам зарар етказишга қодир. Шу сабабдан сиздан руҳсат бўлса, мен буни беному шишон йўқ қилиб юборсам»,— дебди. Хон:

— Билганингни қил,— дебди. Шу билан куёви қайнотаси-

нинг устидан дори қўйган экан, Афлотун сув бўлиб оқибди. Шу пайт шоғирди Арасту қўйпидаги пахтани олиб, сувга солиб олиб, уйига кетибди. Пахтани қўйиб, Афлотун тайинлаган шишадаги доридан ҳар кун биттадан томизиб юрган экан. Қирқ кун биттадан томизгандан кейин пахтанинг ичидан Афлотун турган экан. Кўчага чиқиб, бозорга бориб юрган экан, қуёви Афлотунни кўчада кўрган экан. Рангида қон қолмай, баданида жон қолмай, Афлотуннинг қизига бориб айтган экан:

— Сен менга ҳар турда ҳунарни ўргатдинг, лекин одам тирилтиришни ўргатмаган экансан. Мен отагги ўлдириб, йўқ қилиб, кўнглимни тўқ қилиб кўчада юрсам, отагги кўриб қолдим. Энди мен бу ерда юрсам, отаг қасдлашиб қолгани сабабли менга қўп зарар етказса керак. Бир айёрлик ўртага тушиб қолди. Энди жон бўлса, жаҳон, ош бўлса, қозон ҳар жойда топилади. Сендай хотин билан от боқишлик ҳам ҳар жойда топилади,— деб хотинига ҳар турли зардаларни қилиб, хотини у ёқда қолиб, от боқиш бу ёқда қолиб. Афлотундан кўрқиб, бошқа шаҳарга кетиб қолган экан. Орадан ўн-ўн беш кун ўтгач, хонни сайиснинг ўйшларининг хумори тутиб қолган экан. Хон вазирни чақириб: «Абду-жаббор сайис-отбоқаримизнинг дарағи бўлмай қолди. У отимизни бошига бакор келиб эди, ўзимизни хурсанд қилишга ҳам жуда бакор келиб қолган эди. Афлотунни менинг сўзим билан ва ўзининг ихтиёри билан йўқотиб юбориб эдик. Энди у тирилиб қолибди, ундан кўрқиб отбоқаримиз бошқа шаҳарга кетиб қолибди. Шу сабабдан Афлотунни айтириб келсак, ҳунарингни яна кўрсат, десак. Афлотун келса, риоя қилиб бизни хурсанд қилса, бир-икки ўйин кўрсатса»,— деб маслаҳат қилиб, айтиб келишга одам юборган экан. Афлотунга одам келган экан, дарвоза эшигини тақ-тақ этиб урган экан. Афлотун ичкарида туриб хондан одам келганини билган экан. Арасту шоғирди бир ёққа кетиб қолган экан. Ўзи чиқиб келган одамга жавоб-муомала қилган экан:

— Ҳа, нима ишингиз бор, нимага келдингиз?— дебди. Ҳалиги одам:

— Хон сизни ҳузурига келсалар, деб йўқлаб турибдилар,— дебди. Афлотун:

— Қуллуқ, хўп,— деб келган одамнинг олдига тушиб кетган экан, хоннинг рўпарасига етган экан:

— Қуллуқ, чақирганингизга биноан хизматингизга келдик, нима дейсиз,— деган экан. Хон:

— Чақирганимиз маъноси шуки, бизнинг олдимизга келиб, бир шёла чой ичиб, гапиршиб ўтирсангиз. Кейин

гоҳ хурсанд бўладиган, гоҳ хафа бўладиган битта-яримта хунарингизни кўрсатсангиз,— дебди. Афлотун:

— Сиз бир бордон, бир бўйра олиб келтириб беринг. Мен шунда сиз ҳам хурсанд бўладиган, ҳам хафа бўладиган хўнар кўрсатиб қўяй,— дебди. Шу билан хон бўйра билан бордонни келтирибди. Афлотун хонга:

— Иштонингиздан бўлак ҳамма кийимларингизни ечинг, ўринингиздан туринг:— дебди. Хон, қани бу нима қилар экан, деб ҳамма кийимларини ечибди. Афлотун бордонни дон соладиган бордонга ўхшатиб қўйиб:

— Таксир, шу бордоннинг ичига кириг. Шу бордон ичида сизга хафа бўлиш билан хурсанд бўлишликни кўрсатиб қўяман,— дебди. Хон бордон ичида нима кўрсатар экан, деб бордон ичига тушибди, пиёладаги чойни олиб, ичиб ўтира берибди. Афлотун бордон устига бўйрани ёпиб қўйибди. Хон чой ичиб ўтириб, кўзини юмибди. Сўнгга кўзини очиб қараса, чунон яхши ҳаммом ичида ёлғиз ўзини кўрибди. Хон бу ҳаммомнинг ичини кўриб хурсанд бўлиб: «Шундай ҳам ҳаммом бўлар экан-да»,— деб иссиқ-совуқ хоналарни кўриб юрса, бир дунёни оламга арзийдиган, ой деса огзи бор, кун деса кўзи бор, шунча ҳам ширин сўзи бор бир қиз кўзига кўриниб қолибди. У қиз ҳам хонни кўрибди. Хон ҳаммомнинг ичида «Вох, муродимга етдим»,— деб у қизни қувлаб кетибди, ахири қизни ушлабди. Хон қизга:

— Гаплашмоққа муддаонгиз нима?— дебди. Қиз:

— Ҳеч муддаом йўқ, сиздан менинг кўнглим тўқ. Аммо сизга тегаман, бошқага тегмайман. Никоҳ қилиб олмасангиз, ихтиёрим йўқ,— дебди. Хон:

— Сен ихтиёр қилмаганинг билан мен унамайман,— дебди. Хон хурсанд бўлиб, энди чўмилайин, деб косага қўлини узатган ҳаммоно, коса ҳам, қиз ҳам, подшонинг кийимлари ҳам йўқ бўлибди. Бир биёбон чўлда, одам ўтмаган йўлда юрибди. Вох, деб йиғлай деса, иложини топмайди, ўтирай, деса, жазира-офтоб, салқин жой йўқ. Хон хафа бўлиб турган вақтда бир қарга учиб ўтибди. «Бу қарга сувга кетаётганга ўхшайди, мен ҳам шу қарга орқасидан борсам сув топармиканман»,— деб қарганинг орқасидан қувиб кетибди. Эртадан то кун ботгангача юриб бир дарёга рўпара бўлиб қолибди. Чунон югурган экан, чўллаб бир қошиқ сувни ҳар қанча пулга сотиб олиб, ичишга рози экан. Хон кела солиб ўзини дарёга ташлаб, ётиб олиб, хўплаб ичиб турганида, орқасидан бир одам келиб, хонни суриб, дарёга итариб юборибди. Хон дарёдан чиқа олмасдан кўп тарадди қилибди, нарироққа етганда, бир толнинг

томирини маҳкам ушлаб, тармашиб, дарёдан чиқайин, деб тарадди қилиб турса, узокдан бир каламуш келиб, толнинг томирини ғирт этиб қирқиб юборибди, толнинг томири узилиб кетибди, хон яна сувга сузилиб кетибди. Хоннинг боши юқорн, оёғи паст бўлиб, обжувозининг паррағидай сувнинг ичида айлашиб юриб, дарёнинг бир саёз жойига бориб қолгандек бўлиб оёғи ерга тегибди. Боши тўрт эллик чиқиб, кўзини очиб қараса, дарё ҳам йўқ, ўзини бордоннинг ичида қимирламай ўтирганини кўрибди. Хон ўридан туриб ирғиб бордондан чиқиб қараса, Афлотун билан вазирлари чой ичиб ўтирган экан. Хон: «Ҳе, мени хурсанд ва хафа қиладиган сендақа Афлотуннинг падарига лаънат»,— деб Афлотуннинг қўлигининг тагига бир шапалоқ урган экан. Вазирлари:

— Э, чакки урдингиз. Ўзингиз ҳам хафа, ҳам хурсанд қилгин, деган эдингиз-ку?— дейишган экан. Шунда хон:

— Мен дулёю оламда бундай ташвиш ишни кўрганам йўқ. Аввалги хурсандлигим ҳар қанчага арзийди. Бироқ кейинги хафалик ва менинг тортган азобим ҳаммасини суриб ҳайдаб юборди. Мен жуда хафа бўлдим,— деди. Вазирлари:

— Не ҳида хурсанд бўлдингиз, не ҳида хафа бўлдингиз?— дебди. Хон:

— Ҳаммомда икки соат юрдим. Эрталаб чошқадап то кечгача қарганинг орқасидан юрдим. Дарёдан сув ичай деб турсам, биров дарёга итариб юборди. Дарёда юриб жуда озор тортиб, қандай чиқаман, деб бир толнинг томирини ушласам, бир каламуш томирини қирқиб юборди. Сувда чунон сузиб юриб бир саёз жойга бориб қолибман. Бошимни сувдан чиқариб, нафас олиб қарасам, бордоннинг ичида ўтирибман. Наҳотки, менга ҳалигидай дашином берса,— дебди. Вазирлари:

— Аниғини айтсак, сиз шу бордоннинг ичига тушган вақтдан бу ёғига қўлимиздаги шу пиёладаги ичиб турган чой, ўша чой. Шу фурсат ичида шунчалик ишни кўрсатибди-да,— деб ҳайрон қолибди. Шунда хон:

— Қойилман, урганимга узуру маъзур,— дебди...

Афлотун дарёини Ниҳинг тепасига Тилсим деган муаллақ иморат сола бошлаган экан. Шунинг озгина чаласи қолган экан, шу иморатнинг чаласини битириб келгин, деб шогирди Арастуға буюрган экан. Уйига борса, шогирди Арасту шу ишни битириб келиб, уйида ўтирган экан. Афлотун:

— Қалай, ишни бажардингизми?— дебди. Арасту:

— Кўрсангиз жуда хурсанд бўласиз, мен жуда ўхшатиб келдим,— дебди. Афлотун:

— Мен шунча юрдим, турдим, мен сени асло хафа қилганим борми?— дебди. Арасту:

— Мен ўрганиб олган бир дона ҳунаримга юз хафа қилганингизда ҳам хурсанд бўламан.— дебди. Афлотун:

— Мен энди қариб қолдим. Мабодо ўлиб қолганимда, хафа бўласанми, ёки хурсанд бўласанми?— дебди. Арасту:

— Сиз агар меининг устам бўлсангиз, мен сизнинг шогирдингиз бўлиб, шу қадар ҳузур-мазза, ҳурмат кўрган бўлсаму сиз агар вақти келиб ўлсангиз, менга одамни тирилтира олиш ҳунарини ўргатиб қўйсангиз. Мен ҳаммасини ташлаб, ўликни тирилтириш ҳунарини ўргансам, Сизни тирилтирсам.— дебди. Афлотун:

— Сенинг бу сўзингга дунёни оламнинг ўртаси қаер эканини билдирадиган бир дурбин ясайман. Яна ҳунар билан машина-найча ясаб, етти қават еришнинг тагидан оби ҳаётнинг сувини олиб бераман. Мен ўлганимдан сўнг шу оби ҳаётнинг сувидан қирқ кунгача томизасан, мен тирилиб ўрнимдан тураман. Ундан кейин мен сенинг қилган ҳунарингга чунон ҳунарларни ўргатайки, сен ҳам ўлмай тирик юрасан,— деб Арасту шогирдига кўнгли ишонибди. Афлотун ўз ақли билан, укуви зўрлигидан ҳунарини ишлатиб, дурбинни ясабди. Ернинг ўртасини дурбин билан топиб, машина-найча ясаб, ер тагидан оби ҳаёт сувидан олиб, шишага солиб: «Қачонки, мен ўлган вақтимда шу шишадаги сувдан бир кун ўртада қолдирмасдан, шу шишани бировга олдирмасдан, қирқ кунгача оғзимга томизсанг, мен тирилиб ўрнимдан тураман. Ана ундан кейин мен сенга ҳунаримни ўргатаман»,— дебди. Арасту Афлотуннинг бу ишидан кўнгли таскин топиб, «хўп» деган экан.

Афлотун ўзига-ўзи ўйлаб: «Азроил ҳам излаб топмайдиган жой солсам. Нима қилсам бўлар экан, шу оби ҳаётнинг ёнидаги дарёнинг тагига иморат яасам, шу иморатнинг ичида сақлансам»,— деб Нилнинг тагига бир иморат солди ва ўзини шу иморат ичида сақлади. Бир-икки кун ўтгач, ўзи тагин ўйлади: «Мабодо Азроил келиб қолса, мени шу жойдан ҳам топиб қолса, ўзим ўтирган бўлсам, чанг солиб қолса, нима қиламан. Энди тўққизта ёғочдан ўзимга ўхшатиб Афлотун ясайман, шу ёғоч Афлотунларга жон киргизиб, гапиртириб қўяман. Азроил келиб, қайси бири Афлотун эканини билмай, адашиб қолиб, мен бу ёқда қоламан, мени билмай қолади. Мен жон беришдан, ҳам қийналишдан қутуламан»,— деб тўққиз ёғочдан Афлотун ясаб, жон киргизиб, суҳбатлашиб ўтирди. Шу вақтда Азроил: «Афлотуннинг кунни битди, жонини ол!»— деган буйруқни олди. Азроил ер юзини излаб Афлотунни топа олмади. Аз-

роил Нил тагидаги иморатга келса, ўнта Афлотун қатор ўтирибди.

Бир-биридан ортиқ-ками йўқ. «Афлотунни битта деб эди. Бу ерда ўнта ўтирибди. Қайси бири Афлотун эканлигини билмай, бошқасининг жонини олиб, тағи ёзғириққа қолмай»,— деб худонинг қаршисига бориб:

— Мен Афлотунни қидира бериб, топа олмадим, қидирмаган жойим қолмади. Сиздан қочиб дарёйи Нилнинг тагида иморат қилибди, шу ерга кирсам, Афлотундан бир эмас, ўнта ўтирибди,— дебди. Худо:

— Сизга янглиштирмоқ учун тўққизтасини ўз ҳунари билан ўзига ўхшатиб ясабди. Бориб ўша Афлотуннинг ўзининг жонини ол,— деган экан. Азроил яна худо олдига келиб:

— Барибир, бирининг туси иккинчисидан ажрамайди. Қайси бири Афлотун эканини билмайман,— дебди. Худо:

— Қўлингизга бир катта ҳассани ушлаб, бир юз йигирмага кирган чолга ўхшаб, қани хайр қил, қилмасанг, кўзингга тикаман,— деб ҳассани кўзига яқин олиб бориб, ўқталасиз. Шунда ёғочдан ясагани киприк қоқмайди. Ўзига навбат келганда киприк қоқиб, маълум бўлиб қолади. Шундан билсангиз бўлади,— деб тайинлаган экан. Шу билан Азроил Афлотунни таниб, билиб жонини олган экан.

Арасту шогирди келиб ўлиқни олиб кетай деб шунчалик қимирлатиб кўрибди, қимирлата олмабди. Шу жойнинг ўзида шишадаги оби ҳаёт сувидан ўн кунда ўнта, йигирма кунда йигирмата томизибди. Икки кам қирқта томизганда, жон кирибди, бир кам қирқта томизганда, рангига қон кирибди. Энди битта томизса, Афлотун ўрнидан туради деб шинани олиб тумшугига келганда, ғойибдан бир қўл келиб тегиб, шиша сипиб кетибди. Шу билан «Қўй» деганича, Афлотун шу дарёйи Нил тагида чалажон бўлиб қолган экан, шу қолган бўйича қолган экан. Неча юз минг йил ўтган вақтида ҳеч бир қолган нарса қолмас экан. Шунда Афлотун: «Ҳамма нарсанинг жонини олдинг, энди менинг ҳам жонимни олгин»,— дер экан. Худо: «Мен сенга бир жон берганман, уни олганман. Бу жонни ўзинг ясагансан, керак бўлса ўзинг ол»,— деган экан. Афлотун чунон ялингандан кейин, охири Афлотуннинг жонини олган экан.

У тириклик вақтида дарёнинг тагига солинган тилсимли иморатнинг нақшин-нигорининг ўрнига ер юзида нима иш ўтади, қайси жойнинг тилсимли бор, қаерда нима бойликлар бор, қайси тоғни қавласа, нима чиқади — ҳаммасини

ёзиб қўйган экан. Бу тилсим иморат тепасида бир қилич ҳалинчак туради, у йилдан бу йилгача шу қилич уч соат тўхтайти. Шу пайтда бир укуви етган одам шу тилсим иморат ичига кириб, бир шундан нусха қўтариб чиқса, жаъми мамлакатда нима бўлишини билади. Қайси кунни ёмғир ёғади, қайси кунни қор ёғади, қайси кунни шамол бўлади — ҳаммасини ёзиб чиқади.

Ер юзида бўлиб турган ҳунарларни ўрганай десангиз, эътиборли бўлишлик кўнглингизда бўлса, лотинчани ўқишга қаттиқ киришиб, маҳкамлик билан ўқисангиз, шу Афлотуннинг ҳамма қилган ишини биласиз.

ЖАМШИД

Афлотуннинг тириклик вақтида Жамшид деган подшо Афлотуннинг ҳунарамандлигини иззат қилиб, меҳмонга чақирган экан. Афлотун подшонинг олдига бориб, таъзим қилган экан. Подшо:

— Чақиртирмасам келмас экансан-да. Сен келсанг-чи, ана овқатлардан унча-мунча есанг-чи, бизни бир хурсанд қилиб ва хафа қилиб ўтирсанг-чи,— деган экан. Афлотун:

— Хўп, ҳам хафалик, ҳам хурсандлик кўнглингизда бўлса, уст-бошингизни ечинг,— дебди. Подшо бир кўзини очиб-юмгунча Афлотун подшога ҳаммомни кўрсатган экан. Ҳеч бир одам ҳаммомга ўт қўйишга унамаган экан. Подшо Афлотундан:

— Энди кимга ўт қўйдирамиз?— деб сўрабди.

— Боз-боз деган ҳунарни йўқотсангиз, ўт ёқадиган тошлиб қолади,— дебди. Подшо:

— Боз-боз деган ҳунар қайси?— дебди. Афлотун:

— Боз-боз, дорбоз, найрангбоз, бачабоз, қиморбоз, беданабоз, кантарбоз каби бозларни манъ қилсангиз, менга иш топиб бер, дейдиган қўпаяди-қолади,— дебди. Шу билан Жамшид подшо халққа жарчи солиб: «Кимки «боз-боз» ҳунарни ихтиёр қилса, қўп жазо берамиз, эшитмадим дёманглар»,— деб жар чақиртирган экан. Буни эшитган одамлар келиб: «Менга иш топиб беринг»,— деб яллиб қолибди. Шу билан ҳаммом обод бўлиб у ёқда қолибди, подшо бу ёқда қолибди, Афлотун дарё тагида қолибди.

Ўқиганлар яшасин, шунақанги боз-бозни ҳар ким ташласин, энди бу гапни қўйинг, бошқасини бошласин.

МУФТАЧИНОҚ

Бор экан, йўқ экан, бир замонда бир темирчи бор экан, ёши элликда экан. У темирчи капжир, қулф, калит ҳамда теша қилар экан, айниқса, қулфни қўп ишлар экан.

Бир куни бир одам, бошида салла, устида малла чонон, қўлида тасбех, ёшдан бир чақани чиқариб, шунга бир муфта ясаб беринг,— деган экан. Темирчи:

— Ҳа, тузук,— деб эшонинг қўлидан қулфни олиб қолибди. Икки кун ўтгандан кейин келиб, темирчига:

— Муфта битдимми?— деган экан. Темирчи:

— Мен сиздан одоб сақлаб сўрамаган эдим, муфта, деганингиз, нима деганингиз,— дебди.

— Ахир, ўзбекчасига — калит, бу тожикча сўз, шунин билмасанг, қаерда ўсгансан?— дебди. Темирчи:

— Хўп бўлмаса,— деб калитни қилиб домлага бериб юборган экан. Темирчи домланинг изза қилганига аччиғи келиб, дўконини беркитиб, ўқимасам бўлмас экан, қаерда мактаб бор экан, деб Қоракўл маҳалласига етиб қолган экан. Қоракўлликлар масжид солиб, бир домла сақлаб, болаларни ўқитиб турганда, темирчи ўтиб кета туриб, йиғирматача боланинг шовқинини эшитиб, бориб кўриб домлаи ушлаб:

— Тақсир, домла, бу болаларни ўқитар экансиз. Мен ҳам ўқисам, деб келдим,— дебди. Домла:

— Ёшингиз элликларга борган ўхшайди. Тилингиз қотиб қолган. Бу болаларни бир ой ўқитганда сизни бир йил ўқитмоқ керак. Сизга овора бўлишликни мен ўзимга оғир ҳисоблайман. Сизни пилмдор, билимдор қилишликка тоқатим камроқ,— деган экан. Темирчи:

— Менинг астойдил ўқишлик кўнглимда бор. Сиз менга ҳар қанча дашном берсангиз, урсангиз, сўксангиз, хўрласангиз ҳам, менга домла изза бердилар, деб кўнглимга олмайман,— дебди. Домла:

— Ҳа, майли, бўлмаса,— деб буни ўқитмоқчи бўлиб, бир ой, икки ой, уч ой унга овора бўлиб ҳарчанд сабоқ берса ҳам, темирчи ҳеч нарса дейишликнинг уддасидан чиқа олмаган экан. Домла:

— Сен зехни паст, безътиқод одам экансан. Мени сен овора қилиб юрибсанми? Тур, кет, уйингга бор,— деб хайдаб жўнатиб юборган экан. Домланинг айтган сўзига чунон афсус қилиб, «унисининг муфта» дегани унча, бушининг жўна деб айтгани бунча, болалар мунча, қаёққа арзимни айтаман,— деб кетиб қолиб, бир далага етиб қолиб, ўтиб кета турса, бир ҳовуз, шу ҳовузга қумурсқа тушиб ётар экан. Темирчи қараб турса, қумурсқа ундан чиқа бошлади. У ўрмалаб юқорига чиқишга уриниб кўрди. Чумоли бир оз чиққач, думалаб тушди. Чиқмоқчи бўлиб, яна думалади. Темирчи: «Эй, чумоли, бошқа ердан чиқсанг, бўлмайдими?»— деб турганда, чумоли ўз еридан тармашиб юқорига чиқди. Темирчи бу ҳолни кўриб: «Бу

чумолн етти марта думалаб саккизинчисида чикди. Мен уч ой ўқиб кета бераманми»,— деб домлашнинг олдига кириб борибди. Домлага:

— Сиз мени мулла қилмасангиз, мендан қутулмайсиз,— дебди. Домла:

— Хўп бўлмаса,— деб темирчинин етти йил ўқитиб, илмдор, билимдор қилган экан.

Бир хил муллалар масала талашиб, еча олмай турган бўлсалар, темирчи масалани ечиб берар экан. Темирчи ўзидан ўзи хурсанд бўлиб, шоирлик ҳақида китоб ёзиб чиқарган экан. Бу китобга «Муфтачиноқ» деб ном қўйган экан. Китобининг бир бетига қуйидагини ёзган экан:

Юз хап-хапу, бир чап-чап,
Ҳар каллада ҳар гап,
Ўқиб илмнингдан топ,
Бу ҳақиқат, тўғри гап.

Кўп ўйлагин, кам сўйла,
Бемаза гап айтмагин,
Ширин тилинг-ла қуйла,
Илм қадрини кўзла.

Шундай қилиб темирчи етти йилда илмни эгаллади. Темир болғаларининг овози ўрнига илм билан булбул бўлиб сайради. Бу ҳақиқатни Нурали турмушга гезлади, ўғли Аъзомжон ёзиб вақт пойлади.

ИЛМИ ДОНО

Бир замонда бир подшо вазири билан жуда ширин гап экан. Кунлардан бир кун икковининг хотинлари ўғил туққан экан. Йилдан йил, ойдан ой, кундан кун ўтиб болалар уч-тўрт ёшга кириб қолибдилар. Подшо вазирага:

— Сизнинг ўғлингиз билан бизнинг ўғилни тўй қилиб қўййлик,— деган экан. Бунга вазир қўниб, уларни тўй қилган эканлар. Бу икки бола беш-олти ёшга киргач, ўқитмоқ учун домлага берибдилар. Болалар уч-тўрт йил ўқибди, кунлардан бирида домла болаларни синамоқчи бўлибди. Бу синавда вазирининг ўғли тутилмай, ҳеч бир сўзда қоқилмай, шаррос ўқиб берибди. Подшонинг ўғли ҳеч нимани билмабди, лом ҳам демабди. Домла:

— Эсингизна меҳнатим, ҳай аттанг,— дебди.

— Нимага бундай дейсиз?— дебди подшонинг ўғли. Домла:

— Ахир нимага аттанг демайман. Сен одам фарзанди-сан-ку, шунча вақт диққат қилиб ўқитиб келдим. Сенга қилган ҳаракатимни бошқа одамга қилган бўлсам, бўлар эди,— дебди.

Домланинг бундай деганига подшо ўғлининг хўрлиги келиб, подшонинг олдига етиб қолиб:

— Ота, мени домла уришдилар. «Агар сенга қилган меҳнатимни бошқа одамга қилсам эди ёки эшакнинг боласини ўқитган бўлганимда, уни мулла қилган бўлар эдим»,— дедилар,— дебди. Подшонинг жаҳли чиқиб:

— Жаллод, домлани ўлдириб юбор!— деганида, ёнидаги вазирларидан бири:

— Ўглингизнинг гапига кириб домлани ўлдирманг. Уни чақиртириб келиб гап сўрайлик-чи, нима дер экан,— дебди. Подшо қўниб, домлани чақиртириб, гапга солмоқчи бўлдилар. Домла келгандан кейин подшо:

— Домла, бизнинг ўғлимизни неча йил ўқитдингиз?— дебди. Домла:

— Беш йил ўқитдим,— дебди. Подшо:

— Ўқитибсиз-ўқитибсизу, нимага бизнинг ўғилни қўрқитибсиз. Шу ростми?— дебди. Домла:

— Нима деб қўрқитибман?— дебди. Подшо:

— «Сен-ку, одамнинг боласисан. Агар эшакнинг боласи бўлса ҳам шунча ўқитганда, мулла қилар эдим», дебсиз, шу тўғрими?— дебди. Домла:

— Шундай дедим,— дебди. Подшо вазирга қараб:

— Ўғлим ёлгон гапирмабди-ку,— дебди. Вазир:

— Домла аччиқ устида шундай дегандир. Шунинг учун сиз ҳам аччиқ устида бир ишга буюриб юбора қолинг,— дебди. Подшо:

— Қандай ишга буюрай?— дебди. Вазир:

— Шу домланинг деганига бир эшакнинг боласини топиб берамиз. Домла шуни қирқ кунда мулла қилса, домлани қутқарамиз,— дебди.

Шунинг билан эшак боласини топиб келиб, домлага қирқ кун муддат билан мулла қилишликка берган экан. Домла эшакнинг боласини ўқитишга ҳаракат қилганда, бир китобни олиб ҳар варағига озгина-озгина беда ёпиштириб, эшакнинг кўзига кўрсатиб, «хо-хо, ҳа» деб ялатиб, шундай йўл билан эшакнинг кулогига «хо-хо, ҳа» деб, эшакнинг ҳар варақни очиб ялаб «хо-хо, ҳа» дейдиган қилиб тайёрлаб, эшакни етаклаб, подшонинг олдига етказиб, таъзим билан кирибди. Подшо:

— Эшакнинг боласини мулла қилдингми?— дебди. Мулла:

— Ҳа, мулла қилиб олиб келдим,— деб эшакни подшонинг олдига олиб бориб, ўртага дафтарни қўйибди. Эшак ҳар варақни тили билан ялаб очиб «ҳо-ҳо, ҳа»,— дебди. Подшо:

— Яшанг, домла! Ҳақиқатдан ҳам меннинг ўғлимнинг зеҳни эшакдан ҳам паст экан,— дебди. Бунга кўп хурсанд бўлиб, домлага бир қанча пул ва кийим-бош бериб юборган экан. Подшонинг ўғли яна етти йил ўқигандан кейин унча-мунча хат-пат танийдиган бўлган экан. Бола бундан сўнг яхши зеҳн билан ўқиб, ҳар ишга эътиқод қилиб, илмни бўлибди.

ЙЎЛЧИ — БЎЗЧИ

Биродарлар, оқил ошнаси бўлур сўз, узоқдагини кўрадир кўз, илгариги замонларда одамларнинг кийимлари бўлган эди бўз, сизларга ширин, ибратли сўз.

Бизнинг Тожиқ қишлоқ маҳалласида бор эди Йўлчи, унинг қиладиган ҳунари бўзчи. Ул бўзчининг олдига кўп ошна-оғайнилари, бўзимни тўқиб беринг, деб ташлаб кетганларида, олмасам кўнглиларига қаттиқ тегади, деб ипни олиб, сандиққа солиб, индамасдан қолиб, ухлаб ётиб қолганда, уйига тўртта чакана ўғри кириб, уйини пойлаб, жами юкни жойлаб, мокигача олиб кетиб, нарироққа етиб қолганда, Йўлчи бўзчи уйғониб, ўрнидан туриб қараса, қоққанда қозиқ, оғанда хурмача ҳам қолмабди. «Ҳа, энди нима қиламан. Менга ип берганлар келиб, тўқимасанг, ипни бер, деб қолса, ўғри олиб кетган десам, улар ишонмаса, улар мени шарманда қилади. Энди бошқа иш қилай»,— деб кетиб қолиб, бошқа шаҳарга етиб қолиб, қочиб қолган экан. Марғилонга бориб, оқсоқолга рўпара бўлибди:

— Менга иш топиб берсангиз, бофандалик ҳунарим бор,— дебди.

— Бофандалик ҳунарингиз бўлса, бизнинг ипларимиз бор. Бизга шойи, атлас тўқиб берсангиз, бу кўлингиздан келадими?— деб сўрабди оқсоқол. Бўзчи:

— Мен атлас тўқий олмайман, ҳунарим бўзчи,— дебди. Оқсоқол:

— Бўзчи бўлсангиз, бизнинг қишлоққа чиқсангиз, яхши бўлар эди,— дебди. Бўзчи:

— Хўп, оқсоқол ота,— деб хўрлиги келиб, кетиб қолган экан. Нарироққа етиб қолса, бир қассоб бир хўкизни сўяман, деб турган экан. «Кампирнинг кўнгли ғозада, бўза ичадиганнинг кўзи кўзада, кўкнори хафа бўлиб афсус ейди

рузада» дегандек, бўзчининг кўзига ҳўкизнинг шохи яхши кўришиб, олиб кетишга уришиб қараб турган экан, ҳўкизнинг шохини қассоб ҳам берган экан, шохни олган экан, қўйнига солган экан, жўнаб қолган экан. Кетиб қолиб, дарвоза олдига етиб қолганда: «Энди бу шохни моки қилдирсам, пул сўрайди, пулни қаердан оламан. Бунга ҳийла қилай»,— деб кўп одам ўтадиган ерга бориб, бир томонга шохни қўйиб, шохга ипни боғлаб, салқин бир томонда ўзи ўтирган экан. Ўтган-кетганлар ҳайрон бўлиб, бири сўрайди:

— Биродар, ҳўкизнинг шохи у ёқда, сиз ўтирибсиз бу ёқда, нимага шундай?— Бўзчи:

— Шунинг учун шунақа, пул берсангиз чўнтакка айтаман, шунга бунақа.— дебди. Бу одам ҳўп, деб икки пул берган экан. Бўзчи икки пулни олиб, чўнтагига солиб, қараб туриб айтган экан:

Баракалла бу ҳўкизнинг шохига,
Сўрамасдан кирманг биров боғига,
Агар кирсангиз бир кишининг боғига,
Қўл узатманг ашжир, узум, покига,
Неча вақтлардан бери бўзчи бўлиб,
Пул тополмай ҳайрон эдим мокига.

— Баракалла гапингизга, менга қилган нашингизга,— деб кетган экан. Яна бир одам:

— Биродар, ҳўкизнинг шохи у ёқда, ўлтирибсиз бу ёқда, нимага шундай?— дебди. Бўзчи:

— Икки пул берсангиз, айтаман, бўлмаса айтмайман,— дебди. Бу одам ҳам икки пул берибди.

Пулни чўнтакка солиб, белини маҳкам боғлаб:

Бўзчи билганин тўқир,
Ҳар ким билганин ўқир,
Ота кўрган ўқ йўнар,
Она кўрган тўн бичар,
Мечкай одам ошни суюқ деб ичар.
Тол хода маданг бўлмас,
Бегона даданг бўлмас,—

деб,— икки пулингизга келгани шул,— дебди. Яна бир одам келиб:

— Сиз ўтирибсиз қаёқда, ҳўкиз шохи бу ёқда?— деган экан. Бўзчи:

— Икки пул берсангиз айтаман,— дебди. У одам икки

пул берибди. Бўзчи икки пулни олиб, аста-секин йўталиб
колиб:

Сиз, биродар, бемаҳал
Чикманг киши томига,
Бемаҳал чиксанг томига,
Испод отанг номига,—

деб,— икки пулингизга келгани шул,— дебди. Яна бир одам
келиб:

— Биродар, бу нима,— деб сўрабди. Бўзчи икк пул ти-
лабди. Бу ҳам икки пул берган экан, сабабини билган экан.
Бўзчи пулни олиб айтибди:

Ёмоннинг яхшиси бўлгунча,
Яхшининг ёмони бўл.
Қорамуғ дони бўлгунча,
Бугдойнинг сомони бўл.

Икки пул берган одам:

— Бу гаингизга тушунмадим, менга маъносини тушунти-
риб қўйинг. Йўқ десангиз пулни чўзинг,— деганида, бўзчи:

Қорамуғ дони бўлгунча,
Бугдойнинг сомони бўл,— деди.

— Бу нима деганингиз,— дебди. Бўзчи:

— Бугдойнинг ичида қарғатирноқ ўт бўлади. Ўша қар-
ғатирноқ ўтининг дони ўша қорамуғдан бўлади. Шу дон ерга
тушса, ҳеч қайси парранда ҳам емайди. Ўша дондек бўл-
гунча, бугдойнинг сомони бўлсанг, ҳеч бўлмаса, мол баҳ-
ра олади,— дебди.

Яна бир одам:

— Бу нима?— дебди. Бундан ҳам икки пул олиб:

Ҳар жойни қилмагин орзу,
Ҳар жойни қилсанг орзу,
Ҳар ерда бор тошу тарозу,
Қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор,
Ёз ёпинчигингни қўйма,
Қишда ўзинг биласан,—

деб жўнатиб юборибди.

Бир қанча одамлар сўрабди, буларнинг ҳам ҳар бири-
дан икки пулдан олиб, чўнтакка солиб:

Гапни айтинг укқанга,
Жонни жонга суққанга.
Жон чекмасаңг, жонона қайда,
Тоққа чиқмасаңг дўлона қайда.

Биродарлар, билсангиз,
Гапнинг онаси кулоқ.
Илгариги томошанинг
Каттаси эди улоқ.

Садафенг дур бўлмас,
Тикансиз гул бўлмас,
Маһаққатсиз ҳунар бўлмас,
Қўп меҳнат қилмагунча,
Ёр васлига етиб бўлмас.

Отанг шердир,
Сен ҳам шердай қиллиқ қил.
Киши сенга қилса ёмонлик,
Унга қилгин харчанд яхшилик.
Қўп бўлса шунча кетар,
Оз бўлса шу ҳам етар.

Билингки, шўр ерда сунбул унмас,
Ёмон одам яхшини кўзга илмас.
Тўғри одам асло эгри бўлмас,
Ёмон ёмонлигини қўймас.

Сук ҳеч тўймас,
Ўғри ҳеч бой бўлмас.
Сук еганини мақтайди,
Қул кийганини мақтайди.
Бор мақтанса, топилади,
Йўқ мақтанса, чопилади.
Дардинг бўлса, бўлсин,
Қарзинг бўлмасин.
• Бор қариндош, қариндош,
Йўқ қариндош зиёndoш.
Бошингга бир мушқул иш тушса,
Ҳеч ким бўлмайдн йўлдош,—

деб гапни тамом қилиб, шунча одамлар билан гаплашиб,
бир сўм пул топиб, уйига кетган экан. Гап айланиб,
ўқиганларнинг миёсида қолган экан. Шу замонда ўқиган
одамлар мурод-мақсадига етган экан.

Ундай экан, бундай экан, бир вақтда бир Муллажон деган подшо бор экан, чопони малла экан, қучоққа сиғмайдиган салла экан. У подшо саккизта вазири билан сўйлашиб, йўқ ердаги гаиларни ўйлашиб, дарёларни бўйлашиб: «Биз фуқаромизнинг аҳволини, одамларимизнинг озодалигини қандай қилиб билсак бўлар экан»,— деб вазирларига маслаҳат ташлаган экан. Вазирларининг биттаси: «Халқини жарчи солиб чақиртирамиз. «Бугун подшонинг олдида хотинлар қолсин, эркаклар борсин. Ҳар ким бормаса, кейинги пушаймон — ўзинга душман»,— деб чақиртирганимиздан кейин ҳамма келади. Сизнинг олдингизга бир лаган тиллани қўямиз. «Иккита гапни бир оғиз гапирган гапга ўхшатиб, ростлаб, мослаб подшога эшиттирган одамга шу бир лаган тиллани берар эканлар»,— деб эшиттирамиз. У вақтда одамлар келиб, битта-битта сизга рўпара бўлиб гапирди. Ҳеч қайсисининг гапирган гапни манзурга олмасангиз, тиллани олиб қоласиз. Келган одамларнинг бўйибастини, ўзини тарбия қилиш-қилмаслигини, ақлнинг қўпозлигини, гапдон-сўздонлигини биламиз»,— дебди. Шу маслаҳат жарчи: «Ўн иккидан юқори, тўқсондан паст эркаклар борсин подшонинг ҳузурига, хотинлар қолсин, эшитмадим деманглар»,— деб жар чақирибди. Подшонинг олдида етган халққа:

— Э халқ, келганларингнинг маънисин шу. Иккита гапни битта қилиб, гапни қалта қилиб, подшони хурсанд қилсангиз, шу гапирган гапнинг йўриғидан подшонинг олдида турган тиллани олар экансиз, бўлмаса, тилла подшонинг олдида қолар экан, деб одамларга эшиттирибди. Одамлар битта-битта келиб, унис гапирган гапни буниси гапирмайдиган бўлиб, тиллани олишга ҳаракат қилишдаги халқнинг гапи:

Э товук, қўп қичқирма, товук,
Қиш чилласида бўлади совук.

Ёз ёпинчиғингни қўйма,
Қиш ўзинг биласан.

Асл айнимас,
Сариқ ёғ сасимас.

Қўп бўлса, кетар,
Оз бўлса, етар.

Мулла Миращур,
Ҳар парса унга ярашур.

Мусофирчилик менга кўп асар қилди,
Зиғир ёгдан шовла еб эдим, касал қилди.

Танаси бошқа дард билмас,
Юрти бошқа қадр билмас.

Бир хил одам ўзи билмас,
Билганининг гапига сира кирмас.

Оч қорним, тинч қулогим.

Отанг бозор, бобонг бозор,
Чарчаб келсанг, гап билан ҳордиғинг чиқар.

Маслаҳатлик иш битар,
Бемаслаҳат иш кетар.

Анжир-панжир,
Бузилган дарвозага шима керак занжир.

Биласизми, шириндир
Самарқанднинг шининси,
Қайси қуни бориб қолсам,
Қалтак билан урди жининси.

Гапнинг онаси қулоқ,
Сувнинг онаси бўлоқ,
Илғор отларни азалдан соларди,
Тошошанинг каттаси улоқ.

Бундан ўтиб бордим Бешарик,
Даласига эккани ҳаммаси тариқ,
Ошхонага кирсам, хўжайини сап-сарик.

Айлашиб юрдим Асака,
Нега девони пас экан.
Йигитларининг бариси
Наша чеккан мас экан.

Бундан бордим Марғилон,
Одамлари меҳрибон.

Ундан ўтиб Шахрихон,
Олдимга солди дастурхон,
Олдимга қўйди тўртта нон,
Хуш келибсизининг қошини кўрдим.

Ҳамма одамлар шундай сўзлар билан подшонинг олди-дан ўтганда, бир йиғит тўхтаб қолибди. Подшо у йиғитга:

— Қани сен ҳам бир гап гапир-чи!— дебди. Йиғит:

— Менда гап қолмади, эсимга келган бир гапни айтайин: «Теги теги билан, тезак қопи билан, ҳар иш боши билан, кели соши билан, гап доши билан». Агар менинг гапим ёқса, шунини менга берсангиз, олсам, жўнаб қолсам. Лаган-пагани билан берасизми?— дебди. Подшо:

— Гапниг менга манзур бўлди. Ол, жўнаб қол,— дебди. Ҳамма у ёққа, у тиллаш олиб бу ёққа кетганда, нарироққа етганда, подшо унинг тиллаш олиб кетганига афсус қилиб, қўн пушаймонлар қилди. Ҳамма кетганда, нарироққа етганда подшо вазирга:

— Буни энди тўлайсан. тўлашнинг маслаҳатини қила-сан,— деди. Вазир:

— Буни тўлаш ўнгай, қўпчиликка ҳеч гап эмас. қўпчиликдан қўён қочиб қутулмайди. Тома-тома қўл бўлар, ҳеч томмаса, чўл бўлар, бу гап ҳам бир йўл бўлар. Бир қорсон ясаймиз, уни олдимизга қўямиз, халқни жарчи солиб чақиртирамиз, халқ келган вақтида халққа эшитирамиз: «Эй халқ, мана шу қорсонга ўтириб-туриб бу ёққа ўтасизлар, хошнинг хурсандчилигини қиласизлар». Улар қорсонга ўтиради. Ўтирган вақтида у одамдан: «Қорсонга сиздингми, сизмадингми?»— деб сўраймиз. «Сиздим» деса ҳам бир сўм оламиз, «сизмадим» деса ҳам бир сўм оламиз,— деб подшога бу маслаҳатни айтди.

Қорсонни тоблашиб, қатта қилиб болашиб, ўртага қўйишиб, беш-олти қўйни сўйишиб, шу билан ёйишиб, ундай-бундай дейишиб, жарчи чақиртиришибдилар: «Ҳар ким бу-гун подшонинг олдига бормаса, боши ўлимда, моли талонда»,— дейишибди. Ҳамма одамлар келиб тайёр бўлган вақтда: «Мана шу қорсончилик иш, шунга сизлар ўлтириб туришларингизни подшо кўрар эканлар»,— деб подшонинг олдига қорсонни қўйишибди. Бир одамни ҳалиги қорсонга ўтиртирибдилар. «Сиздингми?»— деб сўрабдилар. У одам «ҳа» дебди. «Бир сўм бер!»— дебди. Шундай қилиб пулларни йиғиб олибди, қопга солибди. Ҳамма халойиқ жўнаб қолибди.

У гап у ёққа кетибди, бу гап бу ёққа кетибди, подшо бир отга ўзи миниб, бир отга хотинини миндириб,

қўлига милтиқни олиб, жўнаб кетган экан, тоғларнинг орасига етган экан. Ов овлаб юрган вақтида подшога бир кийик кўришиб қолган экан. Подшо хотинига:

— О хотин, шу кийикнинг қаеридан уриб берай?— деган экан. Хотини:

— Кейинги ўнг оёғининг энг пастигаги тирноғига уринг,— деб аския қилгандай қилиб гапирган экан. Подшо: «Хўп», деб у кийикнинг кейинги оёғига ўқ отганда нишонга теккан экан. Подшо хотинига:

— Қойил бўлдингми?— дебди. Хотини:

— Машқ-да,— дебди. Подшо:

— Сен менга «Қойилман» демадинг, «Машқ-да», деб менинг мерганлигимга унча писанд қилмагандай гапирдинг,— деб хотинини зарда билан отдан тушириб кетган экан.

Хотини чўлда, одам ўтмаган йўлда айланиб юрса, бир ўтинчи кашшоқ ўтин териб юрган экан. Ҳалиги хотин ўзини ўтинчига бағишлаб, қулоғидаги сирғасини ўтинчининг қўлига бери соттириб, биёбон чўлда баланд равот-иморат солиб, бир сигир олиб, унинг боласини тугилган вақтидан то уч яшар бўлгунча, ҳалиги жойга қилинган қирқ поғоналик зинадан олиб чиқиб, олиб тушиб, машқ қилган экан.

Шу билан юрганда, беш-олти йил турганда, подшо шу чўл-биёбонга яна овга чиқиб, айланиб юрганда ҳалиги ўтинчига учрабди. Ўтинчи:

— Таксир, бизнинг кулбахонага тушиб, бир шёла чой ичинг, ҳар ким борича мард,— деб меҳмонга чақирган экан. Ўтинчи бир қўйни сўйиб, подшонинг қорни тўйиб ўтирган вақтда ўтинчи:

— Сизга биз бир хунаримизни кўрсатмоқни орзу қилиб юрган эдик. Шунини кўрсатсак майлими?— деб сўраган экан. Подшо:

— Хайр, майли, кўрсатинг. Айтишингизга қараганда, хурсандчилик иш бўлса керак,— деган экан.

Хотин паранжини бошига ёшшиб, уч яшар бузоқни юқорига олиб чиқиб, яна пастга олиб тушиб, подшога қулук қилибди. Подшо хайрон қолиб: «Машқ-да»,— деб қўйган экан. Хотин:

— Бу машқми, кийикнинг кейинги оёғига урганингиз машқ эмасми? Бу нимага машқ бўлиб қолди?— дебди. Подшо ўйлаб, ўзига ўзи сўйлаб, хотини эканини пайқаб «энди қойил бўлдим» деб хотинини олиб кетиб, иморати бу ёқда қолиб кетиб, ўтинчини вазирликка олиб, яна хотини билан ўй-жой қилиб, шу билан кетган экан, муродига етган экан, Нурали қизиқ айтган экан.

ҲАММОЛ ЙИГИТ

Бор экан, йўқ экан, бир одам бозорга борган экан, битта сават олган экан, саватга элликта лампа шиша солган экан. Ким бор, деса мана мен бор, деб Бурҳонбой олдига келган экан.

— Нима ишингиз бор?— дебди.

— Мен саватни олдим, элликта шиша олиб саватга солдим, шуни бизникига олиб бориб бер,— дебди.

— Уйингизнинг узоқлиги неча чақирим?

— Уч чақирим.

— Олиб бориб беришимнинг ҳақига неча пул берасиз?

— Пул бермайман.

— Пул бермасангиз нима учун чақирдингиз?

— Уч оғиз гапим бор айтаман, шу гапимдан фойдаланасиз, шунга олиб бориб берасиз. «Гап билан гапнинг орасида фарқи бор, бизнинг маҳаллада Розия холанинг чархи бор».

— Бу қандай гап эканлигини айтинг,— деди.

— Айтаману, айтмайман. Олиб бориб берсанг, айтаманда,— деди. Ҳаммол:

— Бўлмаса олиб бориб бера қолай,— деб кўтариб кетказиб, бир чақиримга етказиб, ерга қўйиб,— уч оғиз гапнинг бир оғизини гапирсанг, етказаман, бўлмаса, бу ёнига ўзинг олиб кет,— деди.

— Сизга айтадиган гапим: «Ҳар қандай одам ҳам одам, сиз ҳам одам, мен ҳам одам, шу шаҳардаги жамики одам яхши, ҳаммадан мен яхши, мендан ҳам сен яхши», деб айтса гапига ишонмагин,— деди.

— Бу гап маъкул,— деб кўтариб кетди-да, тағин бир чақирим ерга олиб бориб саватни қўйди.— Тағин биттасини гапиринг, кейин кўтараман,— деди.

— Ҳар шаҳарга борсангиз, шу шаҳардаги одамларнинг жамиси яхши, мен ёмон, мендан ҳам сен ёмонсан, деса, гапига ишонма,— деди.

Ҳамол яна кўтариб кетди-да, уйининг эшигига етказиб.

— Ҳар қандай одам сенга айтса, шу томининг одами оқил одам, ҳамма одамдан мен оқил одам. Сенга айтадиган гапим шуки, мендан бошқа одам сени аҳмоқ одамсан, деса, гапига ишонма,— деди. Ҳаммол:

— Бу гапларга ҳўп тушундим. Мана энди бу сават,— деб кўтариб олиб ерга бир урди.

— Нимага буни урдинг?— деди.

— Калтак этдан ўтди, гап суякдан ўтди. Буғдой нонинг

булмаса ҳам, бугдой сўзинг йўқмиди? Энди сенга айтсам, ҳар қандай зийрак одам шу саватнинг ичидаги шишаларнинг биронтаси бутун қолди, деса, сен шшопмагин,— деди.

Қойилман гапинга,
Менга қилган нафингга.
Менинг гапим сенга дори,
Сенинг гапинг менга дори,—

дебдилар.

ШОИРИ ҚОЙИЛ

Унақа экан, мунақа экан, бир вақтда Ҳари Наърашар деган подшо шунақа экан: қанақа экан; жуда ҳам зўр подшо экан. Подшо вазирларидан:

— Бу дунёда мендан ҳам зўр подшо бормикан?— деб сўрабди. Вазирлар:

— Подшоҳим, сиздан зўр подшо бу оламга келмагандир,— дебди.

Подшо саройида шоирлик қилиб, қичиқлик қилиб, гаплар гапириб юрадиган бир шоир бор экан. Подшо жаҳли чиқса ҳам буни уришмас экан. Шу шоир подшога:

— Сиз ўзингизни зўрман, деб ўлтирибсиз, сиздан ҳам зўрлар бор, кўп ўзингизни мактаманг,— дебди. Подшо:

— Қани мендан зўрини кўзимга кўрсатинг, кўрай-чи, қандай зўр экан,— дебди. Шоир:

— Ҳўн подшоҳим, мен уйга бориб келай. Уйимда бир зўр бор, шунини келтириб кўрсатаман,— деб уйига кетган экан, подшо вазирлари билан хайрон бўлишиб бу ёқда қолган экан. Шоир уйига бориб, уч яшар ўғлини олиб келиб, подшонинг олдида ўтқазибди. Подшо:

— Қани, зўрини олиб келдингми?— дебди. Шоир:

— Тақсир, кўрмай ўлтирибсизми, олиб келганим ана шу зўр,— деди. Подшо:

— Нима зўрлиги бор?— деди. Шоир айтди:

— Сиз фалон дарёга кўприк солинг, деб буюрсангиз, бир ой, икки ой муддат берасиз. Фалон кўчани тўғрилашинг, деб буюрасиз, икки, уч ой муддат берасиз. Гапирсам, туганмас — ҳаммаси муддатлик, бу кинининг эса, муддати йўқ. Агар тандирга ёниб қўйган ношнни пишсин, десак, унамайди, қозонга ошнни дамлаб қўйсангиз, унни дам есин, десангиз, унамайди. Қайси кунни сут бергин, деди. Сут берсак, унамайди, қатик бергин, деб йиғлайди. Сут

билан қатиқ берсак, буни омухта қил, деб унамайди. Иккиниси бир-бирига аралаштирган тақдирда, оғзимга ёқмайди, буни ажратиб бер, деб қўймайди. Агар бу кишининг айтганини қилмасак, товушидан қўши-қўшни тинчланмайди.

Бу гапларни эшитган подшо тушуниб:

— Баракалла, фаҳму фаросат, идрокингга қойил бўлдим,— деб шоирнинг қўлига юз тилла бериб, бўйига атласдан тўн ташлаб, шоирни жўнатиб юборибди. Шу билан шоир юз тиллани ва бир чопонни олиб кетган экан, уйига етган экан. Нурали бу сўзни айтган экан, Шукур ўғли Аъзам қолдирмай ёзган экан.

ИБРАТЛИ СЎЗ

Бир замонда, Қўқон томонда Тожиқ қишлоқ деган жойда Боймат ака деган бойда қанча боғу роғ, еру сув, молу мулк бор экан; унинг Эгамберди, Холмурод деган ўғиллари бор экан. У Бойматбойнинг қирқта қизил тилласи бор экан, уни ўзию икки ўғли билар экан.

Бойматбой бу тиллаларни оғзи ёлчиб овқат ея олмай, умрида янги чопон кия олмай ўзини-ўзи хўрлаб-зўрлаб йиққан экан. Ўзининг бойлигини ҳеч кимга билдирмай, иккала ўғлидан бошқа одамни эшигида сақлаб хизмат қилдира олмай, иккала ўғли отанинг «гаҳ» деса, қўлига қўнадиган бўлиб, отасининг чизган чизигидан ҳеч чиқмасдан юрган экан. Бир куни бой касал бўлиб ётган вақтида икки ўғлининг отасидан бояги қирқта қизил тиллани бериб қўйинг, дейишга оғзи бормабди. Отаси ўлганда, олиб бориб қўмгандан кейин иккала ўғли келиб, отасининг кўрпа-ёстук ва энгилларини бурда-бурда қилиб титкилаб қарасалар, бояги қирқта қизил тилладан биронтаси ҳам йўқ. Иккала бола ҳайрон бўлиб, акаси: «сен олгансан, барисини ўзинг ебсан», деб укасини урибди. Укаси: «Мен олганим йўқ, сен менга нима дейсан»,— деб акасини урибди. Иккаласи бир-бири билан муштлашиб, бирининг оғзи қон, бирининг бурни қон бўлибди. Кўчада қанча одамлар йиғилиб шундай машмашан жанжал бўлиб турган вақтда, шу маҳалланинг Мирзакарим деган элликбошиси эшитиб келибди.

— Ҳай Эгамберди, Холмурод, кеча отанг ўлиб, бугун муштлашганингизнинг маъноси нима?— дебди. Катта ўғли элликбошига қараб:

— Элликбоши ака, отамизнинг эҳтиёт қилиб юрган қирқта қизил тиллалари бор эди. Уни мен ҳам, укам ҳам билардик, бошқа ҳеч ким билмас эди. Отам ўлгандан сўнг

қарасак, бояги қирқта қизил тилладан биттаси ҳам йўқ. Қидириб ҳеч қаердан топа олмадик. «Сен олдинг, олган бўлсанг, ярмини бер» десам, у эса «Сен олгансан, менга нима дейсан»,— деб бир-биримизни ўғри қилишиб, уришиб кўчага чиқдик. Бекорга ака-ука муштлашганимиз йўқ,— дебди. Элликбоши уларга:

— Укалар, мен ҳам хаёлимга келган бир сўзни сизларга айтганими?— дебди. Улар:

— Ҳа, қани айтинг, элликбоши ака,— дейишибди. Элликбоши:

— Айтсам, отанг қаттиқ, дунёпараст, икки пул устида думалоқ ошадиган, бировда бир тангаси бўлса, ололмай шошадиган, тўйга бориб тўймаган, қаттиқлигини қўймаган одам эди. Унинг шундай эканлигини менгина эмас, бошқалар ҳам, ўзларинг ҳам биласанлар-ку! Агар майли десанглар, «йўқолибди, йўқолибди»,— деб икковинг ҳам ярашинглар. Йўқ десанглар, мазорга бориб, отангнинг гўрини очиб, қорнини ёриб қаранглар, тилла отангнинг қорнидан чиқади. Отанг уни ютиб кетган бўлса керак,— дебди.

Ана шундай қилиб, ака-ука ярашиб, бориб оталарининг гўрини очиб, ўликни ташқарига олиб чиқиб, қорнини ёриб қарасалар, қирқта қизил тилла ичагига жойлашиб қолган экан. Уни олиб, ўликни яна қўмишиб, келиб элликбошига:

— Қойил бўлдик сизга, сўз ўргатдингиз бизга, мана бу битта сўм сизга,— деб бир сўмни беришибди. Элликбоши бир сўмни олган экан, чўнтагига солган экан, индамай қолган экан. Шундай қилиб, элликбоши у ёққа кетди, гап жойига етди.

АЗМОЙИШ ДЕГАН ГАП

Бу гап ҳеч топилмайдиган гап. Бир замони, бир вақтда бир йигит кимнинг эшигига борса, астойдил ишлаб, нимаки берса олиб, чўнтакка солиб, беш-олти йилда уч юз тилла пул топибди. «Энди мен бу пулнинг икки юз тилласини ишонган одамга бериб кетай, юз тилласини олиб, бошқа шаҳарларга кетай,— деб ўзига-ўзи шу гапни маъқул қилиб, икки юз тиллани олибди, кимга беришини билмай қолибди, китоб бозорига борибди. Йигирма дўкон у ёқда, йигирма дўкон бу ёқда — ҳаммаси китоб сотадиган. Ипак саллани, банот чопонли киши китоб сотадиганларнинг оқсоқоли. Унинг олдига аста бориб:

— Мана бу ҳамсанимда икки юз тиллам бор, бу тиллани сизга бериб кетиш кўнглимда бор. Бир йил икки

йил, уч йилдан кейин келсам, шу пулни сақлаб берганингизга ўн тилласи сизга, қолгани менга. Агар уч йилдан кейин қолса, ўшанда ҳам ўн тилласи сизга. Юз тилласини подшоликнинг ғазнасига берасиз. Тўксон тилласини ғарибу ғурабо болаларга ош, уст-бош қилиб берасиз,— деб берган экан, у олган экан, бу жўнаб қолган экан. Юриб-юриб, бир йил ўтибди, икки йил ўтибди, уч йил ўтибди. Бир вақти келса, девона, гадой-тиланчидан ҳам баттар, сочлари, тирноқлари ўсган. Китоб бозорига келиб қараса, ҳожини ўн кишини билан гапиришиб ўтирган экан. Келиб:

— Ассалому алайкум,— дебди.

— Ваалайкум ассалом, сиз кимсиз?— дебди.

— Мени танимаяпсизми? Икки юз тилла бериб кетганман,— дебди.

— Ўшамисан, қилмаган тухматинг менга қолдими? Бу гапни қайси оғиз билан гапирдинг?— дебди.

Сўккани унча, ургани мунча, олгани шунча, «Қандоқ қиламан, ох. Бегувоҳ, бенсбот берган эдим. Шу ҳолда кета бераманми?»— деб бир ариза ёзиб, подшонинг даргоҳига берган экан. Подшо аризани ўқиб:

— Бу бегувоҳ, бенсбот берганлиги тўғрисида. Бу бермаган, у олмаган бўлса, бу гап бўлмас эди. Қайси вазирим ақли зийрак, донишмандлигини билдирса, хазинамдан ўн тилла ва бош-оёқ сарпо бераман,— дебди. Бир вазири:

— Уннинг берганини, бунинг олганини мен билдираман,— деб йигитни чақирибди.— Сиз эртадан кейин масжидга боринг. Биз ҳам шотирилар билан бирга борамиз. Биз масжиддан қайтишимизда жами одамлар тикка туриб салом қилади. Сиз ўтиринг, тикка турманг. Подшо халққа таъзим қилиб, ўтиб бораётганда сизни кўриб қоладилар. Сизнинг олдингизга бориб: «Қалай, эсон-омон, тинчмисиз? Нимага бизнинг олдимизга бормайдиган бўлиб қолдингиз»,— дейдилар. «Мана, энди бу ёққа бориб эдик, энди борамиз», денг. Подшо: «Ҳа, бориб туринг»,— дейди, деб гап ўргатиб кетибди.

Шунинг билан ҳамма одамлар ташқарига чиқиб, таъзим қилиб турганда бу жойидан турмади. Подшо кўриб:

— Ассалом, амаким, юрибсизми? Нимага менинг олдимга бормайдиган бўлиб қолдингиз?— деди.

— Саёхатга чиқиб кетиб эдик. Уч-тўрт йил юриб келдик. Мана энди бориб турамыз,— деди.

— Ҳа, бориб туринг бориб туринг,— деб подшо ўтиб кетди. Бу гап ҳожининг қулоғига бориб етди. Рағбига қолми қолмай, баданида жонини қолмай: «Бу подшога бундай

этиборлик экан»,— деб урганига, сўкканига пушаймон еб ҳамённи кўтариб келиб икки юз тилла пулни берибди.

— Мана бу ўн тилла сақлаб берганингизга, олинг,— деди. Ҳожи айтди:

— Ўзимизники ўзимизга бўлади, олаверинг.

Иккита шотир у ёқда турган эди. Икковини подшога рўпара қилди. Подшо айтди:

— Икки юз тилла бу бериб кетган экан. Бу келса, танимасликка олиб юрибсиз. Шунга муомала қилиб, ширин сўз билан гапирмаганингиз учун жамики молу дунёнгизни етим-есирнинг ҳақига ишлатамиз. Биз ўлган ўлиқдан фойдаланмаймиз, тирик одамдан фойдаланамиз. Энди сиз кетмон олинг, мардикор бозорига боринг. Кетмон чопиб, ўроқ ўриб, болға уриб овқат топиб ейишингиз керак. Бизга сиздай одам не керак. Эй, ун турмаган элак, сув турмаган челақ. Биз подшо бўлсак, мана шундай қилиб топамиз. У ёққа боринг, бу ёққа боринг, қаёққа борсангиз, шу ёққа боринг.

Энди гапнинг бўлгани: «Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилар экан». Бу гапни гапирган, бир минг бир юз эллик шаҳарнинг сувини ичган, Тошкент шаҳарида турган Нурмат ўғли Нурали найрангбоз.

КУЙДИР ТАНДИР

Бор экан, йўқ экан, бир замонни вақтида Мирзакаримбой деган бой бор экан. У бой ўзига шундай ишонган бой эканки, «бу юртда мендан бошқа бой бормикан?» деган хаёлда юрадиган пули кўп бой экан. Бу бойнинг Абдуқайюмжон деган ўғли бор экан. Бир куни отаси ўғлига:

— Э, ўғлим, сизга уч-тўрт оғиз гапим бор, қулоқ солинг,— дебди. Ўғли:

— Отажоним, айтган сўзингизнинг уддасидан чиқаман,— дебди. Отаси:

— Отанг айлансин, бу юртда битта ўзим, бир кун эмас, бир кун ўлиб қолсам бу еру сув, молу мулкка сиздан бошқа меннинг меросхўрим йўқ. Бу молу дунё ҳаммаси сизга қолади. Лекин «молу дунё отамдан қолди, бу адо бўлмайди», деб сарф қила берсангиз, сотиб еяверсангиз тоғ чидамайди, қоқиб ейишга боғ чидамайди, сарф қилиб еяверсангиз охири ётгани жой тополмай, ичгани чой тополмай қоласиз, мен ўлгандан сўнг янги қишлоққа бориб, шу ердаги гузарда насиҳатини пулга сотадиган одам бор, шу одам

қаерда туради, деб сўранг. Шу одамдан насихат олсангиз, бу молу дунёга мол қўшилса, қўшиладики, камаймайди. Ўғлим, сизга айтадиган насихатим шу. Энди ўйнаб-кулиб юр-веринг,— дебди. Шу билан бу бой юрганда, беш-олти йил турганда нотоб бўлиб, ўлган экан.

Ўғли отасининг чўнтагидан калитни олиб, еттита сандиққа солиб, очиб қараса, ҳаммаси тўла танга. Бойвачча бу тангаларни кўриб, эгасини тополмай, сандиқни қайта ёполмай, бир от тўрвани тўлғазиб олиб, сандиқни ёпиб, ҳисобини топиб, тангани олиб, этагига солиб, отасини ювинтириб, тобутга солишиб, кўтариб кетказиб, гўристонга етказган экан. Этагидаги тангани кета-кетгунча йўлма-йўл сочиб, гўристонга борганча тамом қилган экан. Отасини кўмиб келгандан кейин ўзи таппамаган келган-кетганларга сарф қилиб, бир йил деганда етти сандиқни бўшатиб, тангани адо қилиб, ўзини гадо қилиб, нима қилишини билмасдан, отасига қарашли қўй, эчки, йилқи билан тўқай ерларини сотиб, сарф қилиб бўлгандан сўнг, уй-рўзғор ва ичкари-ташқари уйларини ўн беш мингга сотиб, пулни олиб, чўнтагига солиб, кўчада қолиб юрган вақтида бир-икки йил ошна-оғайни бўлиб юрган ўртоқлари «Қадрдон эдик, дўст эдик, кўчада қолибсиз, келинг бизникига бориб ётинг», деб айтмаганига хўрлиги келиб, чўнтагидаги пулларни санаб кўрса уч минг тилла пул қолган экан. Бу пулни нимага ишлатсам бўлар экан, деб пешанасига уриб, ўрнидан туриб, ўйлаб-ўйлаб, ўзига-ўзи сўйлаб: «Аттанг, отам «Сал кунда бу мол-дунёларинг адо бўлади, ахир кўчада қоласан», деган эди. Энди отамнинг айтганини қилиб, Янги қишлоққа бориб насихат сотувчининг насихатларини қилай», деб кетиб қолган экан, Бировдан:

— Бу ерда насихат гап ўргатадиган одам бор, деб эшитиб келдим. Ўша киши қаерда туради,— деб сўраган экан. Шунда биров:

— Шундай тўғри кетасан, маҳалланинг нариги бошида катта бир тол бор, ўша толнинг ёнида эски бир чордевор бор, чордеворнинг ичига кирсанг тўқсонга кирган бир чол бор. Шу чол насихатни пулга сотади,— деган экан.

Бу одамнинг сўзи билан борса, чордеворнинг ичида бир чол ўтирган экан. Бу кириб бориб: «Ассалому алайкум, ота», дебди. «Ваалайкум ассалом, келинг, ўғлим. Нимага келдингиз»,— дебди. Бойвачча:

— Ота, менга бир беш-олти оғиз насихат сўз айтинг. Сизнинг насихатингизни эшитгани келдим,— дебди. Чол:

— Аўп, ўғлим. беш-олти эмас, минг оғиз насихат қи-

линг десанг, насиҳат қиламан. Лекин насиҳатни пулга со-
таман,— дебди. Бойвачча:

— Ҳар насиҳатингиз қанчадан?— дебди. Чол:

— Бир оғиз насиҳатим минг тилладан,— дебди. Бой-
вачча:

— Менга сиз беш-ўн оғиз насиҳат қилинг, мен сизга
пул топган вақтимда олиб келиб бераман,— деди. Чол:

— Ҳар нарсанинг насиҳати бўладию, лекин насиҳатнинг
насиҳати бўлмайди,— деди. Бойвачча:

— Гаплашиб ўтиргандай гап-ку,— деди. Чол:

— Э, ўғлим, гап бошқа, сўз бошқа, насиҳат бошқа. Агар
гаплашгани келган бўлсангиз, мана жой, мана сўз. Наси-
ҳат олиш мақсадида келган бўлсангиз, бир пули кам минг
тилла берсангиз ҳам тўғри келмайди, баҳоси шу,— деди.
Бойвачча:

— Хўп бўлмаса,— деб минг тиллани чолнинг олдига са-
наб қўйибди. Чол минг тиллани олиб:

— Туз ичган жойингга қўзингни ноқулай олайтма. Мана,
минг тиллангизга келгани шу,— деди. Бойвачча яна минг
тилла бериб:

— Айтинг!— деди. Чол минг тиллани олиб:

— Иккинчи насиҳатим шуки, ҳеч вақт ёлғон гапириш-
ни ўрганмагин, рост гапиришни одат қилгин,— дебди. Чол
яна минг тиллани олиб, учинчи насиҳатида:

— Қаерга борсанг, ётар бўлсанг, пастда ётмай, баланд-
да ётишни одат қилгин,— дебди. Бойвачча:

— Хўп,— деб уч минг тиллани чолга бериб, ёнида уч
пули қолмай, ҳеч қайёққа бора олмай, бир меҳнат қилиб,
нон топиб емасам бўлмайди, деб мардикор бозорига бориб,
мардикорлар ёнида ўтирган экан. Шунда бир одам келиб:

— Биз кетмони бор, кетмони йўқ демаймиз, ким бўл-
са бўлсин, хизмат ҳақи учун бир тангадан берамиз,— де-
ганида, мардикорлар «мен бораман, мен бораман» дейиш-
ганда, бойвачча ҳам мардикорлар кетида кетаверибди, бир
бойникига етибди. У бой катта иморат солдираётган
экан. Бориб ишга тушишибди. Кечқурун мардикорлар ов-
қат ейишиб бўлгандан кейин бой:

— Э, укалар, мана шу иморат кузга давр битар. Агар
ётиб ишлайман десаларинг мана жой, йўқ десаларинг ма-
на пулингизни олиглар,— дебди. Ҳамма мардикорлар пу-
лини олиб кетиб қолган экан. Бойвачча:

— Бой ака, булар кетса ҳам мен шу ерда қоламан.
берганингизни оламан,— деган экан. Шу билан бой ҳам хур-
санд бўлиб, бойвачча ташқарида, бой ичкарида ётган экан.
Бойваччанинг қилган иши, гапирган сўзи маъқул бўлиб.

Ўзига қарол қилиб олмоқчи бўлибди. Бой бойваччани чақириб:

— Энди мен сизни қарол қилиб олмоқчиман,— дебди. Бойвачча:

— Сиз ўзингиз мени қарол қилишга муносиб кўрибсиз, майли, бой ота,— дебди. Бой:

— Мен сизга бир йилга ўн тилла бераман. Ҳар иш буюрсам бемалол қиласизми?— дебди. Бойвачча:

— Ҳўп, бой ота,— дебди. Шу билан бой бойваччани бир йиллик қарол қилиб олибди. Бойвачча қарол бўлдим, деб юрган экан, бир-икки ой турган экан.

Бойнинг хотини бир эмас, учта экан. Бойвачча ташқарида хизмат қилиб юрганда, бойнинг кичкина хотини кечаси бойвачча олдига чиқиб:

— Қаюмжон, жонингизга жоним, сиз билан гаплашгани чиқдим, сизни сизласам, қўнглингизни изласам,— дебди. Бойвачча:

— Э, янга, бу хилдаги гапни гапирманг. Бу хилдаги гапни гапирсангиз, айбингизни ошқора қиламан,— дебди. Хотин бунинг иложини тополмай, ичкарига кириб кетган экан. Бойвачча хизмат қилиб юрганда, яна кичик хотин кечаси чиқиб:

— Э, Қаюмжон, жоним айлансиз сиздан. Хафа бўлманг, сиз билан менга кимнинг иши бор,— дебди. Бойвачча:

— Э, янга, иккинчи мартаба шу хилда гапирдингиз, учинчи марта асло чиқманг ёнимга,— дебди. Хотиннинг жаҳли чиқиб кириб кетган экан. Сўнг эрининг олдида ётиб:

— Сизга менинг бир сўзим бор, айтсам майлими?— дебди. Бой:

— Сен сўйладинг-ку, мен йўқ дедимми? Сен нима билан хурсанд бўлсанг, бўлади. Икковидан ҳам сени яхши кўраман,— дебди. Хотин:

— Ҳўп бўлмаса, менинг сўзим шуки, одамларнинг хотини сафарларга бориб саёҳат қилади, боғларга чиқиб ўйнаб истироҳат қилади. Сиз ўзингиз ўз билганингизча айтмайсиз, бир боғларга бориб шамоллаб келгин демайсиз. Менинг бир боққа бориб айланиб келсам, деган мақсадим бор эди. Бой:

— Э, хотин, олиб боришга менинг қўлим тегмайди. Ҳар куни қанча одам билан гаплашаман. Эртага от-аравани қўштириб, қайси боққа бораман десанг, хизматкор олиб бориб келади,— деди. Хотин майда-чуйдаларини олиб, бойваччага чиқиб: «Аравани қўшгин, мени бир боққа олиб бориб келасан»,— дебди. Бойвачча аравани қўшиб, бойнинг хотини терган нарсаларни аравага солиб, боққа етказиб-

ди. Хотин аравадан тушиб, овқатни пишириб бир товоққа солиб:

— Қаюмжон, келинг, мана бу овқатни енг,— деди. Бойвачча келиб, бойнинг хотини қўлидан товоқдаги ошни олиб, нарироққа бориб еб бўлган вақтда яна хотин:

— Қаюмжон, мана бу товоқдаги ошни бой бобонгизга олиб бориб бериб келинг,— деди. Бойвачча «хўп» деб бойнинг хотини қўлидаги ошни олай, деб борган вақтда бойнинг хотини овқатни ерга ташлаб, бойваччанинг қўлидан маҳкам ушлаб:

— Уйда унақа дер эдинг, олдингга чиқсам, бунақа дер эдинг, қўрққанингдан шунақа дер эдинг. Энди бу ерда нимадан қўрқасан, ҳеч ким йўқ,— дебди. Бойвачча:

— Туз ичган жойимда бу ишга юрмайман, деб бой хотинининг қўлидан чиқиб кетган экан. Бойнинг хотинининг аччиғи келиб:

— Сендан ҳеч қандай иш чиқмас экан. Аравани қўш, уйга кетамиз,— дебди. Бойвачча аравани қўшиб, бойнинг хотинини аравага тушириб, уйга келишган экан. Бойнинг хотини аравадан тушиб, уйга кириб, паранжи-чачвонини отиб ташлаб, қўзини ёшлаб: «Бокқа бормай мен ўлай, саёҳат қилмай мен ўлай»,— деб йиғлаганида бой билан бойнинг икки хотини кириб ҳол-аҳвол сўрабди. Бой:

— Сен бокқа бориб-келиб бу хилда дод, бедод, дейишнингнинг маъиниси нима?— дебди. Хотин:

— Мени назарингизга илмай, шундай ёмон одам билан бокқа бориб кел дедиңгиз,— дебди. Бой:

— Нима бўлди?— дебди. Хотини:

— Мен шийпонда ошни пишириб турсам, ёнимга келиб: «Янга, сира кулиб қарамайсиз, ошину бекарорман»,— деган сўзларни менга гапирди. Бундай вазоҳатига қарасам, кўнглида менинг билан гаплашиш нияти бор экан. Бу гапирган гапига мен дод демай, ким дод десин,— дебди. Бой:

— Хотин, бу гапни айтдинг менга, энди бир гап айтай сенга. Бу гапни қўшнилар эшитиб, маломат бўлмайлик. Мен чиқиб «янганни сенга ишониб юборсам, сен бундай сўзларни айтибсан» десам, кетиб қолади, бошқа ёққа етиб қолади. Сенга шундай деганига буни тириклай ўтга куйдирмасам, Мирзаумарбой отимни бошқа қўяман,— деб хотинини авраб, бойваччага қасд бўлиб қолибди.

Бойваччага қасдлангани шундай бўлибди. Бой ичканга кириб, сандикни очиб, сандикдан минг тиллани олиб, бир рўмонга солиб, четроқ жойдаги Абдусаттор новвойнинг олдига борибди. Новвой:

— Келинг, бой ота, ўлтиринг. Нима хизматда келдингиз?— дебди. Бой:

— Мен минг тилла олиб келдим. Шу минг тиллани сизга бераман. Қарзга эмас, садақага эмас, бир хизматим бор, бажараман десангиз, шу хизматингиз учун бераман. Шу бугун ярим кечадан кейин сизга бир одамимни юбораман. Юборган одамимни тандирга тиқиб ўлдириб юборсангиз, шу минг тиллани сизга бераман, хизматим шу,— дебди. Новвой:

— Э, бой ака, минг тилла бермай туриб, ўн минг тилла берсангиз ҳам хўп демайман. Чунки уволидан қўрқаман,— дебди. Бой:

— Уволи бизники, хизмат сизники,— дебди. Новвойнинг вақти чоқ бўлиб, минг тиллани олиб қолган экан. Бой уйига етиб қолиб, хотинига:

— Э, хотин, мана хизматчи сенга шундай деганига Абдусаттор новвойга минг тилла бериб, тириклай тандирга тиқиб юборасан, дедим,— дебди. Хотини:

— Жуда яхши қилибсиз,— деб эри билан ётиб қолибди. Ярим кечадан сал ўтганда хотини эрининг ёнидан туриб, аста-секин юриб ташқарига чиқиб кетаётганини билиб: «Эрим бойваччани уйғотиб новвойга юборар. Бойвачча бу кўча билан боргунча, мен бу эшикдан чиқиб, «Эй, бойвачча, жонингга жабр қилмагин. Новвой олдида борсанг, тандирга тиқиб ўлдириб юборади. Мен билан айш-ишрат қилиб юрганинг дуруст, деб айтсам, юрмасмикан»,— деб ўйлаб бу эшикдан чиқиб кетибди. Бой бойваччани уйғотиб:

— Ўғлим, мана бу чойшабни олиб Абдусаттор новвойнинг олдида бориб «Бой бобом юзта нон бериб юборсинлар», дедилар десанг, нон беради. Олиб кел,— деб эшикдан юбориб, ўзи отхонага кириб, отларга қараб қолибди. Бойвачча чойшабни олиб, ўтиб кетатурса, икки-уч қоровул кўчада бир-бирлари билан гаплашиб ўтирган экан. Қоровуллар: «Э, ошна, биродар, ўлтиринг, бир пиёла чой бор»,— деб бойваччанинг қўлига бир пиёла чой беришиб, гаплашиб ўтириб қолган экан. Хотин бўлса, кетиб қолиб, новвойнинг эшигининг тагига етиб қолиб, ҳарчанд қарайдики, бойвачча келмайди. «Мендан илгари келган экан-да»,— деб новвойнинг эшигини тақиллатибди. Новвой чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. Хотин:

— Бизнинг хизматкоримиз нонга келмоқчи эди, келди-ми?— дебди. Новвой:

— Бу гапни сўрамоқчи бўлсангиз биздан, сизни тандирга тиқиш биздан,— деб ушлаб олиб, қизиб-ёниб турган олов-

га ташлаб юборибди. Шу билан хотиржам бўлиб ўтирган экан, бойвачча қоровуллар олдидан кетиб, новвойнинг дарвозасига етиб, тақ-тақ урганда, новвой чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. Бойвачча:

— Бой бувам тайинлаб юбордилар сизга, юзта нон берар экансиз бизга,— дебди. Новвой:

— Хўп,— деб юзта нонни бойваччага туғиб берган экан. Бойвачча нонни олиб, бой дарвозасининг тагига бориб, тақ-тақ урганди, жиндай турганда, бой чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. Бойвачча:

— Ҳа, мана юзта нонни олиб келдим,— дебди. Бой бойваччанинг кўлидан нонни олиб, ҳайрон бўлиб, қўнгли вайрон бўлиб: «Новвойнинг дўқонида бегона одам бўлса, илож қила олмагандир»,— деб ичкарига кирса, хотини ётган жойида йўқ. Бой икки хотинини чақириб:

— Ўрнида ётган хотиним қани?— дебди. Қундошлари «Билмаймиз», деб у ёқ, бу ёқни қарашади. Йўқ. Бой:

— Майли, ҳар жойда бўлса, келиб қолар,— деб нонни уйга ташлаб, новвойнинг олдига бориб:

— Э биродар, кеча сизга мен минг тилла берган эдим, нима деб берган эдим?— дебди. Новвой:

— Бир одамни тандирга ташлайсан, деб берган эдингиз,— дебди. Бой:

— Шундай деб берган бўлсам, нимага мен юборган одамим қайтиб олдимга борди?— дебди. Новвой:

— Юборган одамингиз борган бўлса, менга бир одамни тандирга ташлагин, деганмисиз ёки икки одамними?— дебди. Бой:

— Мен бир одам деганман,— дебди. Новвой:

— Бир одам деган бўлсангиз, мана тандирни қаранг, бир одамни тандирга ташладим, куйди,— дебди. Бой:

— Қандай одамни ташладинг?— дебди. Новвой:

— Бир хотин келиб «Бизникида юрадиган хизматқоримиз келдимми?» деб сўради. Биз бойнинг юборган одамлари шу бўлса керак,— деб паранжисига ўраб тандирнинг ичига тикиб юбордик. Бизга хотин ҳам, эркак ҳам бир одам, бизга бир одам дегансиз,— дебди. Бой ҳайрон қолиб, уйига бориб ётиб қолган экан. Эрта билан бой иккита нон, бир чойнак олиб, ташқарига чиқиб:

— Қаяумжон, ўғлим, бу еққа келинг. Чойни сиз билан гаплашиб ўтириб ичинга олиб чиқдим,— дебди. Бойвачча:

— Хўп, бой ота,— деб чой ичишиб, гаплашиб ўтиришди. Бой:

— Ўғлим, менинг эшигимда юрганингизга хафа эмасмисиз?— дебди. Бойвачча:

— Бой ота, менинг сизга айтмай юрган гапим бор. Сизни отамдай кўраман, иккала янгамни ўз онамдай кўраман. Лекин кичкина янгамдан хафалигим бор. Айтай десам, айтолмайман. Сизнинг мени бунчалик иззат қилганингизни унутмайман. Энди сиз сўрадингиз, айтсам майлигами?— дебди. Бой:

— Ҳар сўзингиз бўлса, айтнинг, мен эшитай,— дебди. Бой-вачча:

— Кичкина янгам кечаси чиқиб менинг ётган жойимга киради, мени ҳар гапга солади. Шу йўриқдан кетай десам, сизни кўзим қиймайди. Кетмай десам, бу гап. Лекин мен «Туз ичган жойингга кўз олайтирма» деган насихатни минг тиллага сотиб олганман, бой ота,— дебди. Бой:

— Бўлмаса, ўринингиздан турунг, орқамдан эргашиб ичкари уйимга кириг,— деб бойваччани эргаштириб кетибди. Бойнинг хотинлари бой билан бойваччанинг келаётганини кўриб, юзларини чопонлари билан бекитиб турганда, бой:

— Бетларингни бекитмай, келиб ўзингизнинг ўғлигиздек қўлини ушлаб сўрашинглар,— дебди. Бойнинг иккала хотини бойваччанинг қўлини ушлаб кўришган экан. Ҳар ким ўз тўғрилигида муродига етган экан. Бой:

— Эртага мен сизга оғзимдан хат қилиб, қозидан қоз олиб бераман. Қачон менга бир гап бўлса, сиз ўғил қатори мендан қолган молларни олишга хат қилиб бераман, деб бойваччага қозидан хат, муҳр қилиб олиб, қўлига берган экан. Бойвачча хатни олиб, маҳкам қилиб, чўнтагига солиб, бойникида қолиб, астойдил хизмат қилиб юрган экан. Уч-тўрт ой ўтганда бой касал бўлиб ўлган экан. Бу хатни кўрсатиб, ўғил қаторида ҳақини олган экан. Бу мол ўз отасидан қолган молга қараганда етти баробар ортқ экан. Шу ерда қолган экан. Нима учун қолган? Ўз отасининг сўзи билан уч минг тиллага насихат сотиб олиб, пули қуйган учун насихатни қулоғига олган, тирик қолган. Ҳар ким тўғри бўлса, ҳар вақт ҳам яхши яшайди.

СЕМУРҒ ҚУШ

Бир қари овчининг уч ўғли бор экан. Овчи ўз болаларини ёшлиқдан овчилик ҳунарига ўргатибди.

Кунлардан бир кун уч ўғли овга чиқибди. Ўрмонзорда ов овлаб юриб, кечкурун каттаси овқат қилишга уринибди. Ўртанчаси ва кичиги дам олиб, ухлаб қолишибди. Кечаси овқат пишай деб турганда катта акасининг кўзи-

ни уйқу илиб кетибди. Ярим кечада бир ялмоғиз кампир ўрмондан келиб, қозондаги овқатларни еб-ичиб, қозонни тўн-тариб кетибди. Эрталаб ўринларидан турсалар, қозон тўн-тарилган, овқат йўқ, ким еганини билмабди.

Иккинчи кун и ўртанчаси овқат қилибди. Унда ҳам шундай ҳол рўй берибди. Сўнгра учинчи кун энг кичиги — Кенжа ботир овқат қилатуриб, кўзини уйқу олса ҳам, жим-жилоғини қонатиб, туз сеппиб, унинг огриғига чидамай, ух-лай олмай турганда, ялмоғиз кампир келибди. Кенжа ботир ўзини панага олиб қараб турса, ялмоғиз кампир қозондаги овқатларни секин-секин олиб еябошлабди. Кенжа ботир қўлидаги ханжар билан ялмоғиз кампирнинг орқасига қараб уриб, шартта калласини кесиб, бошини бир ёққа, танасини бир ёққа отиб ташлабди. Танаси бу ёқда қолиб, калласи думалаб кетибди. Кенжа ботир ҳам калланинг кетидан қувлабди. Калла думалаб-думалаб ўрмонзор ўртасидаги бир чуқурга тушиб кетибди. Кенжа ботир ҳайрон бўлиб, ўша жойни белгилаб қўйиб, қайтиб келиб ялмоғиз кампирнинг танасини кўшибди.

Эрталаб акалари уйқудан тургандан кейин бу воқеани уларга айтибди. Улар хурсанд бўлиб овқатни еб, каллани қидириб, ғор олдига боришибди. Ғорни ковласалар, ернинг остида бир чуқур ўра бор экан. Бир арқон топиб каттаси чуқурга туша бошлабди. Яримга тушганда, «дод, тортинглар!» — дебди. Сўнгра ўртанчаси тушибди. Ўртанчаси ҳам «дод, тортинглар!» дебди. У ҳам чидай олмай қайтиб чиқибди. Энг охири Кенжа ботир ўзини ростлаб, дадиллик билан арқонни белига маҳкам боғлаб, тушиб қараса, бир зимистон қоронғилик. Ўзюкдан бир чироқнинг ёруғи қўринади. Секин-секин борса, бир уй. У уйда бир қиз ҳалиги ялмоғиз кампирнинг бошини тиззасига қўйиб:

— Мен сизга айтмаганмидим, ҳадеб ер юзига чиқа берманг, кишиларнинг турмушига зарар келтирманг. Ахир бир кун сизга ҳам қарши курашувчилар чиқиб қолар, деган эдим. Мана энди ўз билганингиздан қолмай, ўзингизга-ўзингиз зомин бўлдингиз, — дебди. Бу вақт Кенжа ботир:

— Э, қиз, сен нима учун бу каллага бундай сўзларни айтиб турибсан? Сен кимсан, бу ким? — деб сўрабди. Қиз:

— Э, одамзод, сен бу ерга қандай қилиб келдинг? Бу ерга ялмоғиз кампир мени ҳам ер юзидан олиб қочиб келган. Сендан бошқа бу ерда қанча уйларда қамалган одамлар бор. Қанча дунё ва моллар бор. Сен бу ердан тезроқ кет. Бўлмаса, сени ҳам банди қилади, — деди. Кенжа ботир:

— Қўлингдаги ялмоғиз кампирнинг жони қаерда? Агар

жонини кўрсатсанг, мен уни ўлдираман,— деди. Қиз калла-ни бир ёкқа қўйиб, қирқинчи уйнинг калитини олиб очди. Энг ичкаридаги хужрадан бир сандиқ олди. Сандиқдан қутини олди, қутининг ичидан пахтага ўралган бир жон-ли қуртни олиб:

— Мана унинг жони,— дебди. Кенжа ботир қуртни ўл-дирибди. Бутун ер остига ёруғлик шуъласи ёйилибди, қиз озов бўлибди.

Кенжа ботир қизни сандиққа солиб тушган ерига ке-либди. Сандиқни арқонга бойлаб: «Торт», дебди. Акалари сандиқни тортиб олиб, сандиқни очиб қарасалар, бир со-ҳибжамол. Ой деса, оғзи бор, кун деса, кўзи бор. Ака-ука хуштор бўлиб, «Мен оламан, мен оламан» деб жанжал қилибдилар. Укаси:

— Э тўхта, укамизни чиқарайлик,— деб арқон ташлаб, укасини тортаётган вақтда каттаси:

— Ке, қўй, уни тортиб нима қиласан. У ҳам бир жан-жал чиқариб, бошимизга бало бўлади,— деди. Ўртанчаси «хўп» деб арқонни пичоқ билан узиб ташлабди.

Кенжа ботир бечора, гум этиб йиқилиб тушибди. Кен-жа ботир энди қандай қилиб ер юзига чиқишни билмай, ҳар ёкқа айланиб юрди. Ундан бошқа бир қанча одамлар ҳам ер юзини ахтариб, ер юзига чиқиш орзусида эдилар. Кенжа ботир юриб-юриб бир қўшчининг олдига келди. Қўш-чи «хўк-хўк» деб қўш ҳайдаб турган экан. Кенжа ботир қўшчидан:

— Э ота, ер юзига қандай қилиб чиқиш мумкин?— дебди. Қўшчи:

— Э ўғлим, бу ердан нарироққа борсанг, бир катта чи-нор келади. Чинорда Семурғ қушнинг боласи бор. Ҳар кун и бир аждар келиб Семурғ қуш йўқ вақтида бир боласини еб кетади. Агар сен уни шу фалокатдан қутқарсанг, сени албатта ер юзига чиқариб қўяр деб ўйлайман,— дебди. Кенжа ботир «хўп» деб чинор тарафига қараб юрибди. Бир ерда ўзини панага олиб турди. Бир вақт вишиллаб аждар келиб чинорга ўрмалаб чиқа бошлабди. Кенжа бо-тир секин ўрнидан туриб аждарни ханжар билан икки бў-либ ташлабди. Гўштини майдалаб Семурғ қушнинг бола-ларига берибди ва яна ўзини панага олиб турди. Бир вақт Семурғ қуш учиб келиб болаларига:

— Бу ердан одам иси келяпти, ким бор, айттинглар,— деди. Болалари:

— Э эна, агар бизни ҳурмат қилсанг, сенга айтади-ган бир гапимиз бор,— дедилар. Семурғ қуш:

— Хўш, нима гап бўлди?— деди. Шунда болалари:

— Бизни оғир фалокатдан қутқарган ва ҳар куни бит-тамизни ажратиб еб турган аждарни ўлдирган йиғит сиздан ёрдам истайди,— деди. Семурғ қуш:

— Қани у?— деди. Болалари Кенжа ботирни чақирди. Кенжа ботир Семурғ қушнинг қошига келди. Семурғ қуш Кенжа ботирга қараб:

— Тила тилагингни, бераман,— деди. Кенжа ботир:

— Мени ёруғ дунёга олиб чиқиб қўясан. Шунинг ўзи кифоя,— деди. Шунда Семурғ қуш:

— Сен бир меш сув, бир меш гўшт тайёрла. Икки қанотимнинг ўртасига жойлаймиз. Сен менинг устимга ўлтирасан. Мен осмонда сув десам, гўшт берасан, гўшт десам, сув берасан,— деди. Кенжа ботир «хўп» деб бир меш сув билан бир мешга гўштни тайёрлади. Семурғ қушнинг устига гўштни қўйиб, ўзи ҳам ўтирди. Семурғ қуш учиб кетди. Сув деса гўшт, гўшт деса, сув берди. Семурғ қуш:

— Ер қандай кўриаётир?— деди. Кенжа ботир:

— Бўйрадай,— деди. Қуш яна кўтарилди:

— Энди-чи?— деб сўради. Кенжа ботир:

— Гугурт қутисидай,— деди. Қуш яна кўтарилди:

— Энди-чи?— деди. Кенжа ботир:

— Ангишвонадай,— деди. Қуш:

— Сув бер!— деди. Гўшт тамом бўлган экан. Кенжа ботир ўз сонидан шартта кесиб берибди. Семурғ қуш бу гўштининг мазаси ширинлигидан одам гўшти эканлигини билиб емади. Ер юзига олиб чиқиб қўйди. Қуш Кенжа ботирдан:

— Кейинги берган гўштинг қандай эди?— деди. Кенжа ботир:

— Ўша гўшtdан эди,— деди. Семурғ қуш:

— Йўқ, тўғрисини айт!— деди. Кенжа ботир сонини кўрсатиб:

— Сув деганингизда гўшт тамом бўлгани учун ўз сонимдан кесиб берган эдим,— деди. Семурғ қуш:

— Бундан сўнгра бу ишни қилма! Мен деб ўзингни шунча қийнадингми?— деб тилининг остидаги гўштни олиб ёпиштириб ялади:

— Хайр энди, сен менга яхшилик қилганинг учун ҳам сенга яхшилик қилдим,— деди.

Кенжа ботир қидириб-қидириб ўз маъзилига келди. Қараса, акалари ҳали ҳам жанжаллашиб ўтирган экан. Ик-каласининг қулоғининг тағига шапалоқ билан уриб, қизни олиб акалари билан уйга қайтиб келишди. Отасига келиб бутун воқеани айтди. Отаси Кенжа ботирнинг қилган иш-ларига қойил қолиб, акаларининг хижолат иш қилган-

лари учун уйдан қувиб чиқарибди. Кенжа ботирга қизни қирқ кеча, қирқ кундуз тўй қилиб олиб берди. Муроду мақсадига етди.

ХОННИНГ ҒАЗАБИ

Бир хоннинг эллик иккига кирган бир хотини бор экан. Хон хотинини менсимай, ёш хотин орзусида юрган экан. Лекин ололмаган экан. Бу хоннинг бир қизи бор экан, ёши йигирмага кирган экан.

Бир куни хоннинг қизи эшигида хизмат қилиб юрган энага камширга:

— Эна, мана бу атторлик, баззозликда бир йигит бор эмиш, хусни-жамоли офтобни хира қилар эмиш. Шунин билсангиз, бир пиёла чой ичкунча, мени бир кўрсатиб келсангиз. Менинг бир армоним шу эди,— дебди. Энагаси:

— Болам, сени мен остонадан хатлатиб, кўчага чиқарганимни отанг билса, қўлимни чопар, деворга ёпар. Мен урдасидан чиқолмайман, отангдан кўрқаман,— дебди. Қиз:

— Э она, бу гапни гаширдигу, шонимаймиз, ҳаддимиздан ошмаймиз, уч-тўрт кун қаноат қилиб юрамиз. Отам ов овлагани кетганда, нарироққа етганда, эски паранжини ўраб, биллентирмай, ҳеч кимнинг кўзига иллитирмай, бир илож қилиб кетказиб, шу билан рўпарамга етказиб, агар урдасидан чиқиб олиб борсангиз, мен сизга йигирма тилла пул бераман,— дебди.

Камшир пулнинг дарагини эшитиб, «Ҳа тузук»,— дебди. Шу билан юрганда, беш-олти кун турганда, хон овга чиқиб кетганда, нарироққа етганда, камшир бир эски паранжини тоблаб, қизни ўраб бошлаб, эргаштириб кетказиб, атторлигу баззозлик растага етказиб қарашиб юришса, ҳалиги йигит йигирма икки-йигирма уч ёшга кирган чунон чиройлик йигит экан. Камшир билан қиз дўкон олдидаги курсига ўтириб:

— Айланай, болам, бир бизбол сотадиган нарсаларингиз борми?— дебди. Баззоз бола:

— Э она, дўконимдаги молим ҳаммаси сизники, қолгани бизники. Бизнинг ҳам бир ой билан офтобни кўргундай кўнглимиз бор,— дебди. Қиз бу гапга чимматини сағал кўтарган экан, қизнинг чиройлигига баззоз бола беҳуш бўлиб, ақлидан адашиб ётиб қолибди, энгаси қотиб қолибди. Бир вақти бола ўзига келиб қараса, бу қиз билан камширдан дарак йўқ. Буни тағи бир кўрмасам армони ҳасратда кетаман, деб у қизнинг ишқига тушиб, излашга муд-

дао қилиб, дўконни бекитмоқчи бўлса, кўрпачасининг тагига битта тароқ, битта сўзон, битта ёнгоқдек тош ташлаб кетган экан. Бу учовини олибди, чўнтагига солибди, у ёқ-бу ёқни излаб, қизни топа олмасдан ўз уйига борибди. Борганда, хотини эрининг афтига қараб:

— Ўлим берсин сени¹, овора қиласан мени, яхши кўрганинг қани?— дебди. Эри:

— Хотин, сен нега бундай сўзни айтасан,— дебди. Хотини:

— Нега гапирмайман, бировни кўриб, кўнгил бериб, ақлу хушингдан айрилиб, қанотинг қайрилиб ўтирибсан,— дебди. Эри:

— Э хотин, бир-икки бўлиб овқат еб эдик. Шу овқатнинг ичига наша солган экан, шу мазани қочирди,— деб хотинидан бўлган гапни яширди. Хотини:

— Сен бу сўзни мендан яширмагин, сен менга аниқ айтгин, эр-хотин ўртасида яширин гап бўлмайди. Сен агар менга аниқ айтсанг, мен бу гапнинг ҳисобини топиб бераман. Ҳар сўзинг бўлса, яширмай айт,— дебди. Эри:

— Дўконимда ўтирсам, бир кампир билан бир қиз келди. Кампир менга гап ташлади: «Бизбон нарсангиз борми, айланай, болам?»— деди. Мен: «Энажон, дўконимдаги молнинг ҳаммаси сизники, сиздан ортиб қолса ёшнингизда ўтирган қизники. Биз ҳам кечаси ойни кўргимиз келади, кундузи кушни кўргимиз келади. Қора булутнинг орасида оймикан, кунмикан кўрайлик-чи»,— дедим. Бу сўзимга у қиз чимматини бундай кўтарди. Қизининг ҳуснини кўриб, ошиқу беқарор бўлдим, ақлимдан адашиб ётиб қолибман, эснаб котиб қолибман. Ўрнимдан туриб, тагини бир кўрай, деб кўзимни очиб қарасам, бу қиз билан кампир ўтирган ўрнида йўқ. Яна кўрмасам дунёдан армонда кетарманми, деб дўконни беркитиб, чунон растама-раста изладим, ҳеч топа олмадим. Шу сабабдан рангимни олдирганим рост. Заршунос экансан, тоғганингга қойилман,— дебди. Хотини:

— У қиз сенинг олдинга ҳеч нарса ташлаб кетганими, йўқми?— деб сўрабди. Йигит:

— Ташлаб кетган нарсаси бор,— дебди. Хотини:

— Чўнтагингда бўлса, бу ёққа ол!— дебди. Йигит чўнтагидан битта тароқ, бир сўзон, бир тошни олиб қўйибди. Хотин:

— Бу уч нарсанинг маъносини биласизми?— дебди. Эри:

— Сен тунунтирмасанг, бунинг маъносини билмайман.— дебди. Хотини:

¹ Сепга.

— Сиз ўрнингиздан туриб тўғри тароқчиликка боринг, ундан сўзон бозорига борасиз, ундан нарироққа борсангиз, бир баланд тош иморатни кўрасиз. Шу тош иморатнинг рўпарасига бориб турасиз, шу ерда икки мартаба қизни кўрасиз,— дебди.

Хотини шу сўзни айтган ҳамоно эри ўрнидан ирғиб туриб кетган экан, тош иморатнинг рўпарасига етган экан, шу ерда турган экан. У қиз юқоридан туриб, йигитнинг келганини кўриб, деразани очиб, бир ойнанинг тескари тарафини йигитга кўрсатибди. Бирпасдан кейин ўнг тарафини кўрсатибди. Шу билан ойнани у ёққа қўйиб, бир қумғонни бу ёққа қўйибди. Қумғоннинг оғзига бир чаңгал гулни солибди. Қумғондаги сувни тўкибди, кетаверинг, деб ишорат қилибди. Йигит уйига келибди. Хотини:

— Ҳа, нима қилдинг?— дебди. Йигит:

— Кўриб келдим,— дебди. Хотини:

— Кўрган бўлсанг, нима бўлди?— дебди. Эри:

— Бир ойнанинг тескарисини менга қаратди, яна бирпасдан сўнг ўнг тарафини кўрсатди. Шу билан ойнани у ёққа қўйди, сувли қумғонни бу ёққа қўйди. Бир чаңгал гулни қумғоннинг оғзига солди-ю, олди. Шундан кейин сувни тўкди, лаби пичиллаб ичида мени сўқди. Кетгин, деб ишора қилди, шу билан келавердим,— дебди. Хотини:

— У ойнанинг, қумғоннинг, гулнинг маъносига тушундингми?— дебди. Йигит:

— Мен билганим йўқ, тушунганим йўқ,— дебди. Хотини:

— Бунини ҳам мен сенга билдириб қўяй. Ойнанинг тескарисини қаратгани — кундузи келмай, кечаси келгин дегани. Қумғонни қўйгани — уйимизнинг орқасида ҳовуз бор дегани. Гулни солгани ва гулни олгани — шу ҳовузнинг бўйида қизил гул бор, шу гулнинг тагида турсанг, дегани.

Йигит хотинининг сўзи билан кечаси уйнинг орқасига ўтса, бир боғ бор экан. Шу боғнинг ичига қараса, ўртасида бир катта ҳовуз. Ҳовузнинг ёнида бир қизил гулзор бор экан. Йигит шу гулнинг тагига келиб ётган экан, бир вақт уйқуси келиб, кўзи илиниб қолган экан. Қиз келиб қарасаки, йигит ухлаб қолибди. Қизнинг аччиғи келиб, йигитнинг қўйнига ўн иккита ёнғокни солиб жўнаб қолибди. Бир вақт йигит кўзини очиб қараса, тонг отиб қолган экан, қўрқиб кетиб қолган экан, уйига етиб қолган экан. Хотини:

— Ҳа, нима кўриб келдингиз?— дебди. Эри:

— Ҳеч нарса кўриб келганим йўқ,— дебди. Хотини:

— Бўлмаса сен кечаси уйқудан қолгансан, — деб жой со-

либ берибди. Эри ётмоқчи бўлиб белини ечса, қўйнидан ўн икки ёнғоқ тушибди. Хотини:

— Бу ёнғокни қачон олдингиз, қўйнингизга қачон солдингиз?— дебди. Эри:

— Мен ёнғоқ олганим йўқ, қўйнимга солганим йўқ,— дебди. Хотини:

— Шундай нозик жойга бориб киши ухлайдими? Ухлаб қолибсиз. Қиз келган вақтида ухлаб қолган экансиз, қизнинг аччиғи келиб: «Сен ҳали ёш экансан, бу йўлни изламагин. Сен бу ўн икки ёнғокни олгин, қўйнингизга солгин, кўчада қолгин»,— деб бу ёнғокларни зарда қилиб ташлаб кетибди,— дебди. Эри:

— Аҳ, ухламасам бўлар экан, энди нима қиламан?— дебди. Хотини:

— Бугун ҳам боринг-чи,— дебди. Эри яна хотинининг сўзи билан қизил гулнинг тагига борган экан. Қиз саҳар вақтида эллик қадам нарироқда туриб, йигитга байт айтибди:

Ой боради ботгани,
Йигит келибди бул ерга —
Қизил гул тагига ётгани,
Эрта-мертан туриб бориб,
Дўконида лақ-луқини сотгани,
Бир кўрганда энсаси қотгани,
Ким экан бу сўзларни ўргатгани.

Йигит:

Қизил қия очилди,
Қийилдим сизга.
Қизил гулнинг новдасидек
Эйилдим сизга.
Хоҳ билинг, хоҳ билманг,
Ошиқ бўлдим сизга.
Қачон кирар эканман
Энди қўйнингизга.
Шу ошиқлик йўлида ўлсам,
Уволим бўйнингизга.

Иккови бир-бирига шу хилда байт ўқишиб турган вақтда боғнинг қоровули қиз билан йигитни ушлаб олиб: «Сен нега бундай жойга келиб, бундай сўзларни айтасан»,— деб жағига бир муштлаб, қиз билан йигитни зиндонга олиб бориб, қамаб қўйибди. Йигит қизга надомату афсус қилиб йиғлабди.

— Вой, эсиз жоним, энди қандай қиламан, энди мен ўламан,— дебди. Қиз:

— Нима қилди, нима бўлди?— дебди. Йигит:

— Бундан ортиқ нима бўлар эди. Сен менинг дўконим олдига бормаганингда, мен сени кўрмаганимда, менга бундай ғаму койиш бўлмас эди. Энди отанг келса, мени-ку отади, сени нима қилишини билмайман. Мен дод демай, ким дод десин,— дебди. Қиз:

— Йиғлама, мен сенинг дўконингнинг олдига бордим, сенинг кўрпангнинг тагига тароқ, сўзон, тош ташлаб кетдим. Шундан ибрат олиб менинг олдимга бординг. Сен ўз ақлинг билан бордингми ёки биров ўргатдими?— деб сўради. Йигит:

— Хотиним ўргатган эди,— деди. Қиз:

— Сен у ерга борганингда, кечаси келгин, кундузи келмагин, келсанг гулнинг тагида ўтиргин, деб ким айтди?— дебди. Йигит:

— Хотиним ўргатди,— дебди. Қиз:

— Бўлмаса, уйингнинг анигини, қайси эшик эканини айтгин, мен ҳисобини топаман,— деди. Йигит аниқ тураржойини ростлаб тушунтирди. Қиз бу гапдан кейин зиндоннинг эшигини тақ-тақ урибди, зиндончи ўрнидан туриб:

— Сиз кимсиз?— дебди. Қиз:

— Менинг ким эканлигимни суриштирманг. Мен сизга бир хизмат буюраман, шу ишнинг уddасидан чиқсангиз, мана бу узук, сизнинг хизматингизга тузук,— деб зиндончининг қўлига узукни узатибди. Зиндончи узукка қараса, юз оту чавандозга арзийди. Узукни олибди, чўнтакка солибди:

— Қандай иш буюрсангиз, мен уddасидан чиқаман,— дебди. Қиз:

— Ўрози қишлоқ маҳаллага боринг, қоровулидан фалончи уй қайси, деб сўраб олинг. Қўйнингизга муштдан каттароқ тошни солиб боринг, тошни эшикка тарс этиб уринг бир тошни томга қарсиллатиб тушгудек қилиб ташланг, дебди. Зиндончи узукни қўйнига солган экан, Ўрози қишлоққа етган экан. Бориб эшигига тошни тарс этиб урибди, бирини томга отибди, бирини ҳовлининг ўртасига отибди, тош гурс этиб тушибди. Хотин эрининг қўлга тушиб қолганлигини билибди, дарров қозонни ўчоққа илибди. Паловни пишириб, зиндонга етказибди. Зиндончига:

— Шу ошни зиндон ичига олиб кириб, ўз қўлим билан егизиб, кўнглимдагини айтиб чиқсам, рухсат берсангиз,— дебди. Зиндончи:

— Ҳа, кира қолинг, янга, рухсат берай санга,— деб икки сўмни олган экан, чўнтакка солган экан. Ошни қиз

билан эрига егизиб, бошидан паранжи-чимматини олиб, қизнинг бошига солиб, «Сиз мана бу товоқни олиб, бемалол уйингизга кетаверинг»,— деб эри билан зиндон ичида қолган экан. Шу билан хон овдан қайтибди. Қоровул хонга:

— Таксир, қизингиз билан бир йигит бир-бирига байт айтишиб турган вақтида: «Сен қандай йигитсан, хоннинг қизи билан байт айтишасан»,— деб ўша билан қизингизни қамаб қўйдим,— дебди. Хон: «Ҳа, ҳали гап шундайми? Қуш келса қаноти, одам келса оёғи куядиган еру, қандай одам экан. Ўша йигитни ҳам, қизини ҳам дорга тортишлар!»— деб дарғазаб бўлибди. Икковини дорнинг тагига тайёр қилишибди. Хотини эрига:— «Дор тагига борганимда, дод-фарёд, дегин», деб ўргатибди. Эри хотинининг сўзи билан дор тагига борганда, дод-фарёд, деб фиғон уриб йинглабди. Хон:

— Дод дейдиган жойнинг йўқ, меннинг қизимга ҳам касринг тегди, нега дод дейсан? Доднингни сўрамайман,— дебди. Йигит:

— Таксир, додимни сўрамасангиз, арзимни ҳам сўрамай-сизми?— дебди. Хон:

— Қани, нима арзинг бор?— дебди. Йигит:

— Уйда ўтирган чоғимизда эшигим тақ-тақ этиб қолди. Югуриб чиқиб, «кимсиз?»— дедим. Биров: «Сизни хон йўқ-лаяитилар»,— деди. Беш-олти қадам нарироққа борсам, «хотинингизни ҳам бирга олиб борар экансиз»,— деди. Мендан нима ёмонлик ўтган экан, деб хотинимни ҳам олиб келавердим. Келгандан кейин сўрамасдан, истамасдан зиндонга қамаб қўйди. Ўлимга буюрдингиз, бизнинг нима гуноҳимиз бор экан?— дебди. Қарасалар, ёнидаги хотин базознинг хотини экан. Хон уларни ўлимдан озод қилибди.

ЯМОҚЧИ ВАЗИР

Унақа экан, мунақа экан, бир вақти замонда Сафарбой деган ямоқчи ўтган экан. Сафарбой хотин олган экан, хотинини тузуккина боқолмай қолган экан. Бир-бирларидан ранжиб, ўн йил мураса қилиб, тўрт қиз ва тўрт ўғилнинг отаси бўлиб қолган экан.

Сафарбойнинг уйида қоққани қозиқ қолмай, бу гўдакларни боқолмай, ўтин топиб ёқолмай, яхши кўмоч еёлмай, болаларини ташлаб, йўлга равона бўлган экан. Йўл юрса ҳам мўл юриб, бир бешка шаҳарга етиб қолган экан. Юришга мадори, еярга овқати қолмай, бир кўчанинг четин

га чиқиб ётиб қолган экан. Шу вақтда бир отлик одам шу кўчадан ўтиб кета туриб, ётган одамга кўзи тушиб, «Мусофирга ўхшайди, нимага бундай ётибди, бир сўрайчи»,— деб олдига борибди. «Хей, ака, турнинг, нима қилиб ётибсиз?»— деб бундай қараса, ёшлиқда бир маҳаллада, бир кўрпада катта бўлган ўртоғи экан. Бир-бирлари билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашибди. Ўртоғи:

— Юр, ўртоқ, сени мен кетказай, ўз уйимга етказай, ҳар қанча гап бўлса уйимда гаплашамиз,— деб Сафарбой ямоқчини отининг орқасига мингаштириб, уйига олиб келиб, дастурхон ёзиб, нозу неъматлар егизиб, ундай-бундай деб гапни суриштирибди.

— Ўртоқ, бу ҳолга тушиб қолибсиз. Энди мен сизни бир бой, катта савдогар қилиб қўяй. Мана, менинг отимга минасиз, кетимдан кетаверасиз, менинг дўконимнинг олдига борасиз. Борганингизда, мен дўкондан чиқиб салом бераман. «Бир оз дам олиб кетинг», дейман. Сиз «ҳа, майли», деб тушганингиздан сўнг ён-веримдаги дўкондорлар саломлашадилар. Шунда мен сиздан «Бой ота, бизга ҳам молларингиздан берасизми»,— дейман. «Ҳа, бераман, мол кўп», дейсиз. Шундан кейин мен сизга пул бераман. Сиз олмайсиз. Мен «Пулни олмасангиз, ишонмайман», дейман. Улар ҳам, мен ҳам закалад берамиз. Закаладни оласиз-у, индамай қоласиз. Пулни дастмоя қилиб, бир дўкон очиб, савдогарчилик қилиб ўтираверасиз. Қолганини кейин ўргатаман,— деб гапни бир қилишиб, хийла билан Сафарбойни бир дўконга савдогар қилиб қўйган экан.

Сафарбой дўконда ўтирганда, бир неча гадой тиланибди. Сафарбой ямоқчи бойлардан олган пулини гадойларга тарқатибди. Закалад берган бойлар бойнинг олдига келиб: «Бояги закаладга мол борми», дебди. Бой: «Ростини айтсам, мен буни одам, деб сизлардан закалад олиб берсам, бу девоналарга бериб юборибди. Энди ҳеч нарса ололмайсизлар, хотиржам бўлинглар»,— дебди. Савдогарларнинг аччиғи чиқиб: «Биз бу бойдан ҳақимизни оламиз. Биз шунинг сўзи билан берганмиз»,— деб подшонинг олдига бориб, арз қилган экан:

— Тақсир, Тоҳирбой Сафарбой ямоқчини бизга бой, деб мактаб ҳаммамиздан қанчадан-қанча пул олиб берган эди. Агар моли келишлиғи рост бўлса, молни берсин, бўлмаса, пулни берсин,— деб арз қилишибди. Подшо Тоҳирбойни чакиртириб:

— Буларнинг сўзи ростми?— дебди. Тоҳирбой:

— Ҳа, рост. Бу молни узоқдан олган экан. Келмаяпти. Келадиган молга булар закалад берганлар. Нима де-

сангиз, ўзингиз биласиз,— дебди. Подшо: «Сафарбой бу холига қараганда, Сафарбой бой бўлмаса керак»,— деб вазирига қарабди. Вазири Сафарбой ямоқчини чақириб, подшонинг қўлидаги беш юз сўмга олган узукни кўрсатиб:

— Савдогар бўлиб юрган бўлсанг, бу узукнинг баҳоси қанча?— дебди. Сафарбой ямоқчи подшонинг қўлидан узукни олиб:

— Таксир, бу узук тузук, лекин беш юз сўм ишлаб олганга тузук. Менинг молимнинг ичида бир узук бор, шу узук сизга тузук,— дебди. Подшо ўйлаб туриб, хазиначини чақиртириб:

— Мана бу савдогарлар шу савдогарга неча пул берган бўлсалар, бериб юбор,— деб савдогарларга пул бериб юборган экан. Сафарбой ямоқчи билан бой ўртоғи хурсанд бўлиб кетишганда, беш-олти қадам нарига етишганда, Сафарбой ямоқчини подшо чақиртириб келтирибди:

— Сизни мен кўёв қилмоқчиман, нима дейсиз,— дебди. Сафарбой ямоқчи:

— Ўзингиз биласиз,— дебди. Подшо неча кун тўй-томоша қилиб, қизини Сафарбой ямоқчига берган экан.

Кунлардан кун ўтиб, уч-тўрт ой ўтгандан кейин подшо қизига:

— Қизим, беш юз туя молим бор, гавҳар шамчироғим бор, деган эди. Шу ростми, сен сўрагин,— дебди. Қизи:

— Хўп ота,— деб қолган экан. Қиз эридан сўрабди. Бунинг ҳаммаси ҳийла эканлиги, қизга ёлғон билан қўшилиб олганлиги билинибди. Хотини бу гапни эшитиб, «Агар шу ганин отамга айтсам, сизни ўлдириб юборади. Сиз билан умид қилиб бир ёстикқа бош қўйганлигим йўриғидан шу бугун ярим кечада қочасиз. Мен бир отни тайёрлаб, хуржуннинг икки томонини тангага тўлдириб қўяман»,— дебди. Шундай қилиб, ярим кечада отга миндириб, уни қочириб, подшонинг қизи ўзи хафа бўлиб қолган экан, Сафарбой ямоқчи кетган экан.

Сафарбой йўлда кета турса, бир мўйсафид чол қўш ҳайдаб турган экан. «Шу чолнинг олдига борай, бир коса сувидан бўлса ичай»,— деб борибди. Чол: «Э, болам, сувим йўқ эди. Сув ҳов, ана у ерда бор. Сиз шу ерда туринг, мен бориб келтирай»,— деб сувга қараб кетганда: «Мен шу қари чолга иш буюрдим, чол келганича, ерни ҳайдаб турай»,— деб омочнинг қулоғини ушлаб қўш ҳайдаб турса, омоч ботиб қолибди. Омочни олиб қараса, бир кичик тегирмон тош кўринибди. Тегирмон тошни кўтариб олиб қараса, бир қоронги ғор кўринибди. Бир нафас қараб турса, унинг ичида тўрт уй кўринибди. Ғора тушиб қараса, тўрт

уйнинг тўртта кулф-калити турган экан. Сафарбой бир уйни очиб қараса, бир сандиқ, сандиқни очса, ичидан яна бир кичик сандиқ чиқибди. Уни ҳам очиб қараса, бир кичкина тугунча, тугунчани очиб қараса, ичидан бир дона узук чиқибди. Бу узукни олиб бошмалдоққа тақибди. Шу замондаёқ икки паҳлавон йигит бунёд бўлибди. Сафарбой ямоқчига таъзим қилибди. Сафарбой:

— Э йигитлар, бу молларни тезликда ташқарига чиқаринг. Бозордан шу молларга еткулик туя олиб келиб, унга юкланглар!— дебди. Йигитлар бу ишни бажарибди. Беш юз туяга молни юклаб тайёр бўлганда, ямоқчи хурсанд бўлиб, кетаман деб турганда, сувга кетган чол сув келтириб қарайдики, ерининг устида беш юз туя моли билан бут бўлибди, чол ҳайрон бўлибди. Сафарбой чолга хуржундаги тангани бериб, подшонинг олдига йўл олибди, саройга етиб борибди, қўлидаги узукни подшога бериб: «Мана бу узук, сизга тузук, куёвлигимнинг хурмати»,— деб қизнинг отасини кўп хурсанд қилибди.

Сафарбой ямоқчининг иши подшога ёққанлигига ғаш келиб юрадиган ўнг қўл вазирни бир куни меҳмондорчиликка чақирган экан. Меҳмондорчилик бошланиб базм қизиган бир пайтда вазир:

— Подшоҳим, шу куёвингиз келтирган узукни кўрсам,— дебди. Подшо узукни берибди. Вазир дарҳол қўлига тақибди. Таққани ҳамон икки паҳлавон «Тайёрмиз», деб пайдо бўлибди. Вазир:

— Бу икковини чиқариб, ерга ташлаб юборинглар, майда-майда бўлиб кетсин,— дебди. Буларни икки паҳлавон кўтариб, бир саҳрон кабирга қўйиб келиб: «Хизматингиз бажарилди»,— дебдилар. Вазир уларга рухсат берибди.

Эртаси куни вазир ўзини «мен подшо» деб халққа жарчи солиб чақиртириб эълон этибди. Шундан сўнг подшонинг қизи олдига келиб:

— Отанг ундоқ, эринг шундоқ бўлиб кетди. Энди менга тегасан,— дебди. Қиз:

— Хўп, жоним билан тегаман. Эримдан қутулганимга суюнаман. Сизга тегмай кимга тегай,— деб подшога хотин бўлган экан. Подшо билан уйнинг ичида гаплашиб ўтириб, энди ётганда, қиз ўзидан-ўзи сакраб, вой-вой, деб ёта олмабди. Подшо:

— Нима учун бундай қиласан?— дебди. Қиз:

— Э подшоҳим, узук қўлингизда шекилли. Эрим мен билан ётганда узукни олиб қўйиб ётар эди. Агар узукни қўлингиздан олиб ётмасангиз, икки йигит келиб ётқизгани қўй-

майди,— дебди. Подшо қўлидан узукни олиб, ёстиқнинг тагига қўйганда, хотин ўзини у ёқ, бу ёққа ташлаб, ёстиқнинг тагидан узукни олиб, қўлига тақиб силагач, икки йигит тайёр бўлиб: «Ишингизни буюринг, тайёرمىз»,— дейишибди. Хотин:

— Шу кишини тезда йўқ қилинглар, бу дунёда қолмасин. Отам билан эримни қаёққа қўйган бўлсангиз, олиб келинглар,— деб буюрибди. Булар вазирни осмони гумбаздан ташлаб, қизнинг отаси билан эрини кўтариб келиб, қизнинг олдига етказибдилар.

Қиз отасини кўриб, отасини ўз ўрнига ўтказиб, отасининг ёнига эрини ёрдамчи қилиб қўйибди. Сафарбой ямоқчи подшонинг куёви ҳамда вазирни бўлиб бу ёқда қолган экан. Тўрт ўғил, тўрт қизининг ғамини еб, фарзандларини соғиниб, фарзандларини олиб келайин, деб хотинидан сўрабди. Хотини бундан хурсанд бўлибди. Сафарбой ямоқчи ўз шахрига бориб, бола-чақасини олиб келтирган экан. Шу билан узук орқасида қўп яхши-ёмонликни кўриб, узукни тилсим қилиб қўмиб юборган экан. Сафарбой ямоқчи икки хотини ва бола-чақалари билан яшаб кетган экан.

ТЕМИРЧИННИНГ ҚИЗИ

Замон-замон, бир замонда подшо ўз ўглини уйлантираман деса, ўғли уйланмайман, деган экан. Отаси ўғлидан ниҳоятда ранжиб, нима десам бўлар экан, деб диққати ошиб юрган экан. Бир куни подшонинг ўғли қўлига қушини олиб, овга чиқиб кетатуриб эди, бир эшикдан чиқиб турган бир қизга кўзи тушибди. Бу қизнинг ҳусни-жамолига ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Кўчада юрган болалардан:

— Бу кимнинг уйи?— деб сўрабди. Болалар:

— Мирзааҳмад темирчининг уйи,— дебдилар.

Буни билиб, отга миниб, подшонинг олдига бориб:

— Ота, мени уйланмайсан, деган эдингиз. Энди мени хурсанд қилмоқчи бўлсангиз, қўшни маҳалладаги Мирзааҳмад темирчининг қизини олиб берасиз. Бўлмаса, дунёдан якка ўтаман,— дебди. Подшо:

— Э, ўғлим, сен нима билан хурсанд бўлсанг шунга мен хурсандман,— деб Мирзааҳмад темирчининг уйига совчи юборган экан. Хотинлар бориб қизнинг онасига бу сўзларини баён қилибдилар. Темирчи билан хотини хурсанд бўлиб, бу гапни қизга айтишибди. Қиз:

— Мен подшонинг ўғлига тегмайман. Агар тегсам, уч шартим бор, шу уч шартимга жавоб қайтарса, тегаман,— дебди. Совчилар:

— Қандай шартингиз бор?— дебди. Қиз:

— Шартим шуки, ўтирган ўрнимни совутмай, иситиб туради. Мени олса, ҳеч ҳам менга қўлини текизмайди ва бир соат, икки соатга бир ёққа бориб келганим билан иши бўлмайди,— дебди.

Совчилар подшонинг ўғли олдига бориб қизнинг шартини айтган эканлар. Подшонинг ўғли бу шартга рози бўлибди. Шу билан совчилар қиз томонга бориб, подшо ўғлининг ҳам рози бўлганлигини айтибдилар. У олмоқчи, бу тегмоқчи бўлибди.

Подшо тўй-томоша қилиб, темирчининг қизини ўғлига олиб берган экан. Подшонинг ўғли қизнинг хуснига қараб, қиз йигитнинг хуснига қараб ўтирар экан. Қиз ҳар куни ярим кеча бўлганда: «Сиз менинг ўрнимда ётиб туринг, мен бир ерга бориб келаман»,— деб кетар экан. Йигит ҳам ваъдага вафо қилиб қизнинг ўрнини иситиб ётар экан. Подшонинг ўғли: «Буни отам билса, уришади»,— деб ҳеч кимга айтмас экан.

Куналардан бир куни пойламоқчи бўлибди. Эртасига яна ярим кеча бўлганда шу иш қайтарилибди. Йигит ҳам бунинг кетидан кетаверибди. Шунда бир чол учраб:

— Эй ўғлим, қаёққа кетяпсан?— дебди. Подшонинг ўғли:

— Эй ота, ана ўша кетаётган хотин менинг хотиним. Ҳар куни ярим кечада ётганимиздан кейин чиқиб кетади. Қаерга борар экан, деб кетаётирман,— дебди.

— Ўғлим, бу борадиган жойга бора олмайсан, у кўрган ерни кўролмайсан. Сенга мана бу патни бераман. Шу патни ўнг қўлингга ушлаб, йўқотмай юрсанг, пари-жинларнинг ҳеч бири кўролмайди, сен уни кўрасан,— деб чол эшикни кўрсатиб, гойиб бўлибди. Бола ҳайрон бўлиб, қўлига патни олиб, аста-секин хотиннинг ёнига яқинлашиб олганда, бир катта дарвозанинг олдида икки қоровул камон ушлаб турган экан. Хотин бориши билан қоровуллар келинг, дебдилар. Хотин кириб кетаётганда, эри ҳам кириб қолибди. Кириб етти қадам нарироққа борсалар, бир ажойиб ҳовуз, у ҳовузнинг ёнида оқ гул билан қизил гул очилиб турган экан. Шу гулдан икки чиройли қиз пайдо бўлиб, хотин билан кучоқлашиб кўришиб, бу учала қиз бир-бирларига, юринглар, базмга кирайлик, дебдилар. Кирсалар, бир боғи Эрам, ноз-неъматлар пишган. Бу ерда гўзал парилар ҳосил бўлиб, қизни кўтаришиб, яхши ҳам келдингиз, деб ўйинга солишиб, ашулалар айтишиб, об-овқатларни ейишиб бўлгач, хайрлашиб чиқибди. Ҳовуз олдига келганда икки қиз гул бўлиб, гулнинг тағига кириб кетибдилар. Подшонинг келини жўнаганда, кетидан подшонинг ўғли ҳам бу

сирларни билиб келиб, илгаригидай хотинининг ўрнида ётган экан. Хотин ҳам уйга етиб келиб, «Қани туринг!»—дебди-да, қиз ўрнига ётибди. Қарасаки, ўрин совуқ. Хайрон бўлиб:

— Ваъдалар қилган эдингиз, не учун бундай бўлди. Охирида ваъдаларингиз йўқолган экан бус-бутун. Сиздан мен чиқаман,— дебди. Йигит:

— Хўп, мен бир туш кўрдим, шу тушимни айтай, сиз эшитинг,— дебди. Хотини:

— Хай, майли, нима туш кўрдингиз, айтинг,— деган экан, эри ҳам бошидан ўтказган ва кўрганларини бир-бир айта берибди. Қиз буни эшитиб:

— Бу сирларни билган бўлсанг, сенга мен хотинман.— деб бир-бирлари билан бирга умр қилишиб, бола-чақа кўришиб, муроду мақсадларига етган эканлар.

ҚИРҚ ЁЛҒОН

Бор экан, йўқ экан, бир вақтда бир бой бор экан. Бу бой жуда ҳам бой экан, бир чуқурда ачиб қолган лой экан, сира сув ўтмаган сой экан, биров минмаган той экан, ёмғир ёқканда булут орасида қолган ой экан, қозонга солса, доғланмаган мой экан, кигиз-кўрпаси йўқ одам ётмаган жой экан, биров ичкиси келмаган чой экан, бу бой шунақа донғи кетган, данғиллама бой экан. Бой юриб-юриб бир куни нима бўлиб ўлган экан, учта ўғли уч ой ўн кунгача овора бўлиб ҳақларини бўлган экан. Ўғилнинг биттасига етти-саккиз пөгонали шоти, биттасига эски чилдирма, биттасига ётса туролмайдиган, юрса юролмайдиган учта кўр эшак теккан экан. Учовининг уч ой ўн кунда бўлиб олган бор нарсаси шу экан.

Бир куни шоти теккан укаси иккала акаси билан уришиб қолган экан. «Сизларнинг олдиларингизда турганим шу бўлсин»,— деб, у отасидан қолган шотисини олган экан, елкасига солган экан, жўнаб қолган экан, Намаган дарёсининг ёнига етган экан. Дарёга боргандан кейин у: «Мени ўтказиб қўйинг»,— деб кемачига айтган экан. Кемачи: «Шотига бир мири, ўзингга бир мири берасан, бўлмаса ўтказмайман»,— дебди. Мерос бойвачча: «Бир мири бераман, ўтказиб қўйсанг шу, бошқа берадиган пулим йўқ»,— деган экан. Кемачи кўнмагандан кейин шотини ташлаб, ушотига ирғиб миниб олиб кемачидан бурун дарёнинг нари ёнига ўтиб олибди.

У дарёдан ўтиб, шотини олибди, елкага солибди, жўнаб қолибди. Нарироққа борса, Наманганнинг ўрик-олмаси пишиб, тўкилиб тагига тушиб турган экан. Одамлар, тўкилганини олиб, саватга солиб, тепасига чиқиб, қоқолмай турганида, у шотиси билан етиб келган экан. Одамлар уни кўриб:

— Ўртоқ, нарвон-шотингни бизга ижарага қўй. Мана бу меваларнинг тепасига чиқолмай ётирмиз, чиқсак, тутолмай ётирмиз. Олмага олти пул, ўрикка тўрт пулдан ижарани олавер. Еганинг яна ўзингники,— дедилар. У хурсанд бўлиб, шу айтган баҳода шотини ижарага қўйиб, чақага чўнтагини тўлдириб, шотини олиб, елкасига солиб жўнаб қолибди, уйига етиб қолибди. Уйига келса, акалари:

— Хўш, қайда юрдинг, нима қилиб келдинг,— дедилар. У:

— Сизлар мени ҳеч иш билмайсан, деб хўрладинглар. Мана мен мусофирчиликда юриб, шунча пул топиб келдим,— деб чўнтагидан чақаларини олиб ўртага ташлади. Буни кўрган иккала акаси қайдан олганини сўрадилар. Укаси мусофирчиликдан топганини айтди. Буни кўриб чилдирма теккан меросхўр укаси:

— Отамдан қолган чилдирмани олиб кетай,— деб чилдирмасини олиб сахрога чиқиб кетган экан, биёбон-чўлга етган экан, вақт кеч бўлиб қолган экан, қаерга боришини билмай, бир жойга борса, суви йўқ эски тегирмон кўрииб қолган экан. Тегирмоннинг ичига кириб ётай деса, унинг ичи чанг-тупроқ экан. «У ёқда ётсам чанг бўламан, бу ёқда гард бўламан. Ундан кўра дўлнинг ичига кириб ётай»,— деб ётиб қолган экан. Бу жой айиқ-маймунларнинг ётадиган жойи экан. Хиёл ўтгандан кейин тегирмон ичига айиқ-маймунлар кириб келаверибди, кириб келаверибди, ичи зич тўлибди. Ҳаммадан кейин йўлбарс кириб келиб, дўлнинг ичига кириб ётай деса, оёғи чилдирмага тегибди. Чилдирма даранг этиб, қаттиқ овоз чиқарибди. Йўлбарс қўрққанидан ўзини ерга ташлаб юборибди. Саккиз маймун: «Ў айиқ, каттаконимиз шунча қўрқди, бунинг ичида бир бало бор шекилли»,— деб, ўзларини эшикка урган эканлар. Эшик жуп бўлиб ёпилиб қолибди, шу дабдабанинг устида бола уйғониб қолибди. Эшикни очиб чиқиб кетай деса, айиқ-маймунлар еб қўяди, айиқ-маймунлар ўз билгича эшикни оча олмайдилар, ташқарига қоча олмайдилар. «Индамай турсам, булар мени еб қўяди»,— деб чилдирмани олиб чалаверибди. Айиқ-маймунлар қўрққанидан ўзларини гоҳ у ёққа уриб, гоҳ бу ёққа уриб сароси-

мада қолибди. У бўлса чилдирмани чалишда давом қилибди. Шунинг билан тонг отиб қолибди.

Тонг вақтида бир савдогар қирқ туя моли ва хизматкорлари билан ўтаётиб, чилдирманинг товушини эшитиб қолибди. Савдогар туяларини тўхтатиб, хизматчиларига: «Сизлар туяни боқиб-ўтлатиб туринглар. Мен тегирмонга кириб чиқай, келган товушига қараганда, унинг ичида базм бўлаётганга ўхшайди»,— деб келиб тегирмоннинг эшигини очиб юборган экан. Тегирмонга қамалиб, чиқа олмай турган жониворларнинг ҳаммаси ўзини эшикка уриб, катталари савдогарнинг бошидан сакраб, кичиклари оёқлари орасидан ўтиб қочиб кетган эканлар. Бунни кўрган савдогар қўрққанидан рангида қон қолмай, анқайиб қолибди. Чилдирманинг эгаси ташқарига чиқса, эшик ёнида биров турган экан. Мерос бойвачча чилдирмани ерга уриб, савдогарнинг ёқасидан бўғиб қолибди. Савдогар:

— Нега менинг ёқамдан бўғасан?— деб сўрабди. Бойвачча:

— Эшикни очиб, айиқ-маймунларимни сен қочириб юбординг, бу ёққа юр,— дебди. Савдогар:

— Қаёққа мени олиб борасан?— дебди. Меросхўр чилдирмачи:

— Мени хон чакиртириб олиб, «Сен чилдирма чалишга уста экансан. Шу айиқ-маймунларни ўргатиб берасан»,— деб менга шу айиқ-маймунларни йиғиб берган эди. Мен уларни шу ерга қамаб, машқ бериб, ўйин ўргатиб туриб эдим. Хон қирқ кунда, қирқ хил ўйин ўргатасан, деган эди. Мен буларга йигирма беш кун ичида, йигирма беш хил машқ бериб ўргатиб қўйиб эдим. Энди ўн беш кун қолганда, эшикни очиб, ҳаммасини қочириб юбординг. Буларни сен қандай топиб берасан? Агар топиб бера олмасанг мен сени хоннинг олдига бошлаб бораман,— деб дўқ қилибди. Савдогар:

— Ўртоқ, мен билмай қолибман. Анов турган қирқ туя мол меники. Шундан йигирма туяни моли билан олиб, мени шундан қутқариб қўй,— деган экан, чилдирмачи:

— Бу гапирган гапинг бўлмайди, бу ҳазил иш эмас. Юр бу ёққа!— деган экан. Савдогар ялиниб:

— Ўттиз туясини олинг, бизни қўяверинг,— дебди. Чилдирмачи:

— Мен буларни ўргатганимда хон менга қўп ипъом бермоқчи эди. Бунинг устига унинг жавобгарлиги бор, подшонинг олдига юр,— дебди. Савдогар:

— Бўлмаса, шу қирқ туя молимининг барисини ола қол, индамай қола қол,— дебди. Чилдирмачи:

— Бу молларни подшога ўзим тошпираман. Сиз бу ёк билан кета қолинг,— дебди. Шунинг билан савдогар қирқ туя молидан ажраб бир ёққа кетиб қолибди. Бутун мол ва туяларни олиб, чилдирмачи меросхўр иккинчи ёққа кетиб қолган экан. Унинг ака-укаси кўриб:

— Бунча молни қаёқдан олдинг?— дебди. У:

— Мусофирчилик яхши бўлар экан, шунча молни топиб келдим,— дебди. Буни кўриб, учта кўр эшак теккан биродари:

— Мусофирчилик бундай яхши бўлар экан, мен ҳам мол топиб келай,— деб битта эшакка миниб олиб, лақи-луқини илиб олиб, катта йўлни билиб олиб, иккита эшакни олдига солиб ҳайдаб кетган экан, узоқ жойга етган экан. Бир вақт эшаклари оч қолиб, ётса, туролмайдиган, йўлига юролмайдиган бўлиб қолибди. Нарироққа борса, бир сичқон кўриниб қолибди. У сичқонга қараб:

— Сичқонбой, мана бу эшагим туролмай ётибди, йўлига юролмай ётибди. Шунини сен олгин. Бир кун бўлмаса, бир куни фойданг тегиб қолар,— дебди. Сичқон:

— Фойдам тегса тегиб қолар, қолдирсанг, қолдириб қўя қол,— дебди. Шу сўз билан бир эшагини сичқонга бериб, кетиб қолса, нарироққа етиб қолса бир қўнғиз отнинг тегагини юмалатиб келаётган экан. У қўнғизга қараб:

— Қўнғизвой, мана бу эшагим юролмай қолди, у менга катта дардисар бўлди. Шунини олсанг, бир куни бўлмаса, бир куни фойданг тегиб қолар,— дебди. Қўнғиз:

— Ҳа, фойдам тегса тегиб қолар, ташлаб кетсанг, ташлаб кета қол,— дебди. Қолган бир эшагини миниб жўнаб қолибди, бирмунча жойга етиб қолибди, эшагининг оёғи лойга ботиб қолибди, ўзи ётиб қолибди. У ҳайрон бўлиб турса, рўпарасидан уйқу пайдо бўлибди, у уйқуга қараб:

— Уйқу, эшагим йўлда юролмай, менга катта дардисар бўлиб қолди. Шунини ўзинг ола қол. Бир куни фойданг тегиб қолар,— дебди. Уйқу:

— Одамнинг кўзига яқин боролмай, ухлата олмай ҳайрон бўлиб юрган эдим. Майли, ташлаб кета қол,— дебди.

Меросхўр қолган эшагини уйқуга бериб кетиб қолиб, бир шаҳарга етиб қолиб, бир баққолни кўриб қолибди. Баққолнинг ённга бориб, нон тилагани уялиб, рўпарасига ўтириб олибди. Баққол:

— Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан?— деб ундан гап сўрабди. Бола:

— Отам ўлган, онам ўлган етим, уялмаган бетим, ўғли йўққа ўғил, қизи йўққа қиз бўлсам, деб юрибман,— дебди. Баққол:

— Бўлмасам, менга ўғил бўл. Менинг ўғил-қизим йўқ эди,— дебди. Бола унинг таклифига кўнибди. Баққол уни уйига бошлаб борибди. Қўрпачага ўтқизибди, нон-пон егизибди. Шу билан бола баққолшикида ётиб қолибди. Эрта-мертан болага овқат егизиб, ундай-бундай дегизиб, олтита молини олиб, олдига солиб: «Мана шу молни ҳайдаб кетасан, бир чақиримча жойга етасан. У ёғида чўл бор, бу ёғида кўл бор. Эҳтиёт бўл, моллар ботиб кетиб қолмасин»,— деб тайинлаб, жўнатиб юборган экан. У шаҳарнинг подшоси катта бир боғнинг дарвозасига ногора илдириб қўйган экан. Ҳар ким уни чалса, қирқ ёлғонни айтишга мажбур қилинган экан. Ёлғоннинг уддасидан чиққан киши подшонинг қизини олар экан. Уддасидан чиқмаган ўлдирилар экан. Бу тўғрида, подшо жарчи чақиртириб қўйган экан. Баққол бу гапни болага тайинламаган экан.

Бола молларини ҳайдаб кетаётган вақтида у ногорани кўриб қолган экан. «Акам ногора чалганидан бир кечадаёқ бойиб қолган эди»,— деб ногорани чалиб юборган экан. Бунни эшитиб, уни ҳайдаб подшонинг олдига келтирибдилар. Подшо болага қараб:

— Қирқ ёлғонни тўқийсан, тўхтатмасдан ўқийсан. Агар бири кам қирқ ёлғон бўлса ҳам, ўлдиртиб юбораман,— деган экан.

Бола бир оз ўйланиб туриб, шундай деб сўз бошлабди:

— Бор экан, йўқ экан, бир катта тўқай бор экан. Бу тўқайнинг ичида на чўп ва на гиёҳдан асар бор экан. У тўқайнинг ичида учта мерган, топганини ҳар қунига берган, тўкилиб қолса терган, қулочини керган. Бирининг оти Абдусамад аканинг ўғли Ерган, бирининг оти Мирсанд аканинг ўғли Шерали Шерган ва бирининг оти Нурмат аканинг ўғли Нурали Нурган, гапни ҳар ёққа бурган экан. Учаласининг ҳеч нимаси йўқ, тўқайга боришиб, ов-овлашиб, ҳеч нима тополмай, нечта чуқурни қовлашиб юрган экан. Бу учови қиморбоз экан. Ошиқ ташлаб довлашиб, суви йўқ ариқдан балиқ овлашиб, ўт ёқмасдан балиқни пиширишиб, уни емасдан илгари лунжини иширишиб, маслаҳатни бир жойга қўйишиб юрган эканлар. Улар: «Учовимиз бир жойда юриб, бир нима кўриниб қолса, учовимиз баробар ўқ отиб, қайсимизнинг ўқи текканини билмасдан бир-биримиз билан жанжаллашиб ўлтиришимиз яхши эмас. Учовимиз уч ёққа юрайлик, нимани топсак, ўртага солишиб баробар бўлишиб, индамай қолишиб юра берайлик, ҳаммамиз экилмаган катта толнинг тағида топишайлик»,— деб маслаҳат қилишиб, учови уч томонга кетган экан. Биттаси нарироқ-

қа борса, катта гумбазга катта қуш қўниб турган экан. «Бу қуш чиройли экан, уни ўлдирмай, тириклай ушлаб олай»,— деб милтиғини ташлаб, хунарини хашлаб, аста-секин бориб қушнинг оёғини маҳкам ушлаб олган экан. Қуш бақувват, полвон қуш экан. Уни кўтариб осмонга олиб чиқиб кетиб қолибди, жуда юқорига етиб қолибди. Мерганимиз қушнинг оёғини қўйиб юбориб, ўзини ташлаб юборай деса, ўзининг ўлишига ақли етиб қолибди. У қўзларини юмиб кета берибди. Кетганда, қанча ерга етганда, оёғи ерга етгандай бўлиб қолибди. Қўзларини очиб қараса, қуш бир хумга қўниб турибди, унинг оёғи ерга тегиб турибди. Мерган хумга қараса, унинг ичи лик тўла танга, ҳаммаси манга, дебди. Қўйнига, ҳамма ёғига солибди, ўзини ўзи кўтара олмайдиган бўлиб қолибди. У қушнинг оёғини тағин ушлаб олиб, «Қув» деган экан, қуш осмонни фалакка кўтарилиб учиб қолибди, бояғи гумбазга аста-секин етиб қолибди. Милтиғини олибди, елкасига солибди, экилмаган катта толнинг соясига етиб қолибди. У ерда дам олиб ўтирган экан, ҳалиги иккита мерган иккита йўқ қуённи ушлашиб келиб қолибди. Улар бунга қараб: «Қани шима топиб келдинг?»— дедилар. У қўйнидан, белидан кумушларини олиб ўртага ташлабди. У иккови: «Бунча тангаларни санаб қандай ҳисобидан чиқамиз, ундан кўра ҳовучламасдан қисмлаб бўлиб ола қолайлик»,— деб йиғирма қисмдан олтимиш қисмни бўлишиб чўнтакка солдилар. Иккала мерган «Буни қандай олдинг?»— деб танга келтирган мерганин қисти-бастга олдилар. Уларнинг бу саволига кумуш келтиргани: «Тўқайнинг нариги четига борсам, бир гумбазнинг тепасида бир катта қуш турган экан. Мен қушни ушлаб олай десам, қуш мени ушлаб олиб осмонга кўтариб кетди. Мен индамай кета бериб эдим, бир жойда оёғим ерга тегиб қолди. Қўзларимни очиб қарасам, қуш бир хумга қўниб турган экан, унинг ичига қарасам, тўла танга экан. Тангани қўйнимга ва чўнтақларимга солиб, қушнинг оёқларини тағин ушлаб олибман. Шу қуш мени ҳалиги гумбазга келтириб қўйди. Кейин бу ерга келиб сизларни топдим»,— дебди. Иккала мерган:

— Хумда яна қолдимиз?— дебдилар.

— Анчаси қолди,— дебди. Биттаси:

— Бўлмаса, эртага мен олиб келаман,— дебди. Унисин туриб:

— Мен олиб келаман,— дебди. Кумуш келтирган:

— Жанжал қилманглар, эртага учовимиз ҳам бораёлигу, кўтарганимизча олайлигу, бир-биримизга индамай қолайлик,— дебди. Овчидан биттаси:





— У куш учовимизни ҳам кўтара оладими?— дебди. Ку-
муш келтиргани:

— Ха, кўтаради, у полвон куш,— дебди.

Шу гап билан учови кетган экан, қушнинг олдига ет-
ган экан, куш ўша гумбазда турган экан. Илгари бориб
келгани:

— Мен бориб қушнинг оёғини ушлаган вақтимда, би-
ринг менинг орқамдан бориб оёғимдан ушланг, биринг ме-
нинг орқамдагининг оёғини ушланг,— дебди.

Шундай қилиб, булар қушнинг ва бир-бирининг оёқлари-
га тармашган экан. Қуш буларни бай-байлатиб, ҳай-ҳайла-
тиб осмонга кўтариб кетган экан. Булар жуда баландга
кўтарилганда, энг пастдаги мерган ерга қараса, ер кўрин-
мабди. Энг пастдаги мерган қушнинг оёғини ушлаган юко-
ридаги овчига қараб:

— Сенинг гапинг билан биз бунчалик овора бўлиб ке-
таётимиз. Хумнинг катталиги қандай бор?— деб сўраган
экан. Қушнинг оёғини ушлаган овчи хумнинг катталигини
кўрсатаман, деб қулочини керганда, қушнинг оёғини қўйиб
юборибди. Булар айланиб-айланиб тушиб, бири шафтоли-
нинг шохига, бири олманинг шохига илиниб қолган экан. Шу
гапнинг бирорта ростини топиб беринг, мен олиб кетай,
этакка солиб кетай,— деб подшога таъзим қилган экан. Под-
шо:

— Мен қирқ ёлғон сўрасам, сен минг ёлғонга ўхша-
тиб гапирдинг,— деб куёв қилмоқчи бўлиб тўй-томоша бош-
лаган экан. Бир вазирнинг ўғли подшонинг қизини олиш-
га ҳаракат қилиб юрган экан. Лекин ўзи ногора чала ол-
май, қирқ ёлғонни удда қилиб қизни ололмай юрган
экан. Вазирнинг ўғли бу тўйни эшитиб, бир кампирнинг
олдига бориб, йиғлаб: «Қизни бу мусофирдан ажратиб, мен-
га олиб беришнинг йўли борми?»— деб йўл қидириб, мас-
лаҳат солган экан. Кампир вазирнинг ўғлига қараб: «Бо-
лам, сен мени ҳазил фаҳмлайсанми? Сен менга бош-оёқ
сарпо, юз тилла пул берсанг, қўлини текизмасдан олиб бе-
раман»,— деган экан. Вазирнинг ўғли: «Юз тилла пул би-
лан бош-оёқ сарпо сиздан айлансин»,— деб уларни кампир-
га етказиб берган экан.

Тўйнинг саккиз куни ўтганда, кампир шу пул ва ки-
йимларни олиб, паранжи-чимматини ёпиниб кетган экан,
тўйхонага етган экан. У битта хизматкорнинг олдига
бориб:

— Айланай, болам, сиз куёв йигитни чақириб беринг,
битта опангиз қуллуқ бўлсинга келибди, деб айтинг,— деб-
ди. У хизматчи куёвнинг олдига бориб:

— Апа у ерда сизни бир опангиз йўқлаб келибди,— дебди. Куёв чиқиб:

— Опажон, нима дейсиз?— дебди. Кампир:

— Бу ёққа келинг, болам, бу ёққа келинг. Подшовачча билан ҳамгап бўлишнинг таомилини биласизми?— деб сўрабди. Куёв:

— Йўқ, мен билмайман,— дебди. Кампир:

— Билмасангиз ўргатиб қўяй, болам, ёш экансиз. Бекорга ўлиб кетманг. Шунинг ўргатгани келдим, жон болам,— дебди. Куёв:

— Вой айланай, жон опам, ўргатиб қўйинг бўлмасам,— дебди. Кампир:

— Таомили шуки, подшонинг қизини никоҳ қилиб, сиз қиз билан ётганда, қирқ кунгача тескари қараб ётасиз, уйга кирганингизда ерга қараб кирасиз, чиқганингизда ҳам ерга қараб чиқасиз. Шу қирқ кун ичида подшонинг қизига ҳеч қарамайсиз. Томоқ есангиз ҳам, тескари қараб ўтириб енг,— деб гапни бурро қилиб буриштириб, қулоғига уринтириб чиқиб кетган экан. Шунинг билан подшонинг қизини у йиғитга никоҳ қилиб берган эканлар. Куёв кириб қизнинг ёнида тескари қараб ётаверибди. Кампирнинг айтганини бажариб, уйга кирганда, қўчага чиққанда ерга қараб, овқатдан кейин бет-қўллари ювиб юраверибди.

Беш-тўрт кун ўтганда қиз қўни-қўшниниқига чиқиб юрганда, улар киздан куёвнинг аҳволини сўрабдилар. Қиз хафа бўлиб: «Мейга сира айланиб қарамайди, эрта-мерта ўрнидан турганда, бет-қўлини ювиб, соқолини тарамайди. Шундан биламанки, у отамнинг буюрган ишига ҳам ярамайди»,— дебди. Бу гап қўшнидан қўшига, қулоқдан қулоққа тарқаб, подшога ҳам эшитилибди. Бу гапни эшитган подшо вазирларига қараб:

— Куёвимиз ҳеч ёққа қарамас эмиш, уч кун-тўрт кунда бетини зўрга ювиб, соқолини тарамас эмиш. Уни куёв қилганимга пушаймонман. Шунинг нима қилсак бўлар экан. Сизлар нима дейсизлар,— деган экан. Вазирлари:

— Ўзингиз биласиз,— дебди. Подшо:

— Агар ўзим биладиган бўлсам, уни хукмушга буюрсаммикан, деб ўйлайман,— дебди. Вазирларидан бири туриб:

— Подшо куёвини ўлдиртирибди, деган иснод гапнинг халқ ўртасида тарқалиши яхши эмас. Ундан кўра ўзига ўн туя молни бериб, йиғирма туя қилиб келсанг, келгин. Бўлмаса, у ёқда қолгин, деймиз. Шунинг билан у ўша ёқда қолиб кетар, кейин бошқа куёв қилиб олармиз,— деб маслаҳат берибди.

Шу маслаҳат билан болага ўн туя мол бериб кетка-

зиб юборган экан. Бола жўнаб кетган экан, орадан икки ой ўтган экан. Кунлардан бир кун вазирнинг ўғли подшонинг қизини олишга совчи юборибди. Подшо вазирнинг ўғлига қизини бермоқчи бўлибди. Вазирнинг ўғли тўй-томоша қилдириб қизин олган экан.

Илгариги куёв уч эшагини сичқонга, қўнғизга, уйқуга берган эди. Улар эшақларни бўйнидан соқит қилиш тўғрисида маслаҳат қилишибди. Никоҳ кечаси тўйга келишиб, уйқу: «Куёвни ухлатиш биздан бўлсин»,— деб, куёв кириши билан уни қотириб ухлатиб қўйибди, сичқон бўлса, унинг бутун баданларини тишлаб қўкартириб қўйибди. Қўнғиз ҳам жим турмай, куёвнинг ичига кириб, уни беҳузур қилибди. Эрта-мертан вазирнинг ўғли кетиб, келмай қолган экан.

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин биров тасира-тусир от чоптириб келиб, подшонинг олдига кириб:

— Таксир, суюнчи беринг,— дебди. Подшо:

— Нима суюнчилик гап тошиб келдинг, гапир?— дебди. У одам:

— Ўн туя мол бериб, йигирма туя мол билан келгин, деган куёвингиз, йигирма туя мол қилиб келаётибди,— дебди. Подшо унга бир қанча суюнчи бериб, одам чиқарибди, шаҳар бўйича: «Кимки подшонинг қизи куёвга тегиб, куёвдан чикди»,— деган гапни гапирса, боши ўлимда, молли талонда,— деб жар чақиртирибди.

Куёв келгандан кейин подшо қайтадан тўй-томоша қилдириб, қизини илгариги куёвига берган экан.

ТОВЛАМАЧИ ОДАМ

Каппон-каппон, юз каппонга бир каппон. Энадан туғилиб, йиғлаб юриб кап-катта бўлиб қоппан¹. Отамнинг гапига кирмай, хотин олмай уйланиб қоппан. Уйга рўзғор керак, деб хуржун билан қопни олиб каппонга бориб қоппан. Каппондан ундай-бундай тўлғазиб олмасдан, хуржун билан қопга солмасдан, кўтара олмай уйга бориб қоппан. Уйга борсам, олмаган хотинимнинг туғмаган боласининг чиқмаган тиши чиқиб қолибди. Хотиним ўғлимнинг тилига дори топиб келгин деса, йўл юриб, йўқ табибнинг олдига бориб қоппан. Йўқ табиб йўқ дорини буюрди. «Йўқ дори нима?» деса, табиб: «Эшикнинг иччи, ҳаммомнинг буғи, тегирмоннинг шабадаси, шамолнинг шовқини» деб тайинлади. Ҳавога қараб турсам,

¹ Қолибман.

шамол келиб қолди, шамолнинг шовқинини излаб кетиб қопман, Ёзёвоннинг чўлига етиб қоппан. У чўлда садақайрағочни кўриб қоппан. Унинг тагида ўтираман, деб ўтирмасдан ётиб ёнбошлаб ухлаб қоппан. У қайрағочнинг таги девлар келадиган жой экан. Девларни кўриб, бостириқиб, қўрққангидан каттакон бир замбар бўлиб қоппан. Бир одам ўтиб кетаётир экан, кўзига мен кўриниб қопман. У киши мени олибди, елкасига солибди, жўнаб қолибди. Уйига олиб борса, тўртта мардикор ишлаб турган экан. Иккитасига берса, эллик-олтмиштадан гувалак солиб таший берган экан, тешилиб қоппан. Тешилган замбар ишга юрмайди, деб томга ташлаб қолса, офтоб ўтиб қуруксаб, бир юмалаб сопол обдаста бўлиб қопман, уйнинг эгаси томга чиқиб у ёққа, бу ёққа қараган экан, кўзига мен кўриниб қоппан. Томнинг эгаси: «Бу обдаста, қандай обдаста, буни уйда битта-яримта таҳорат олса, керак бўлар», деб таҳоратхонага элиб қўйган экан. Биров топилиб таҳорат оламан, деб сув тўлдириб ёнбағрига қўйган экан. Қўли тегмасданоқ гул этиб ағнаб, чумоғи сишиб қопти, «Пучук обдаста, кет йўқол!»—деб отиб юборган экан. Гул этиб тушиб тувак бўлиб қоппан. У ерда бир катта ховуз бор экан. Бир кампир сувга келган экан. Сувни тўлдириб у ёққа, бу ёққа қараса, мен кўриниб қолибман. Кампир мени олиб, қўйинга солиб, уйига борса, невараси йиғлаб турган экан. Мени олиб, бешикка солиб, болани менга рўпара қилиб, белаб қўйган экан. У бола мечкайроқ экан, қорни тўқлигидан ифлос бўлиб қоппан. Кампир неварасини ечиб, мени бешикдан олиб, ариққа олиб бориб, тоза чайқаб-ювиб, қўланкага тўнтариб қўйган экан. Қўланкада ётиб, бу ёғимга қараб бир юмалаб қулф бўлиб қоппан. Кампир келиб, мени кўриб хайрон бўлиб, бозорга олиб кетибди.

Бир дўкончи бой кўриб қолди: «Она, сотасанми?»—деб қолди. Кампир: «Ҳа, сотаман»,—деди. Бой: «Баҳоси қанча?»—деди. Кампир: «Етти танга»,—деди. Дўкондор: «Бунинг баҳоси икки танга»,—деди. Кампир: «Ҳа, ола қолинг»,—деди. Бой қулфни олибди, бирпас туриб кеч бўлиб қолибди, қулфни дўконга солибди, ўзи кетиб қолибди, уйига етиб қолибди. Шунинг билан ярим кеча бўлиб қолибди, кўзларига катта қулф солинган дўкон кўриниб қолибди, ўғрилар бу дўконни тош билан пачоқлаб очишга уриниб қолибди. Дўконни очиб, қанча молни олиб, ўғрилар жўнаб қолибди.

Эрта билан дўкончи бой дўконни очай деса, қулф пачақланиб қолибди. Бой мени отиб юборган экан, ўрта йўлда

тушиб қолибман. У ёқ-бу ёғимга қараб юмалаб, зах тортиб, бир гупчак бўлиб қолибман. Бир одам ўтиб кетаётир экан, кўзига мен кўриниб қолибман. Мени арава бозорига — устага олиб бориб, ўн уч ярим тангага сотиб юборибди. У аравакаш жуда уста экан. У ёқ, бу ёғимни чопиб, тобимни тоблаб, яхши арава қилиб созлаб, бозорга тайёрлаб қўйди. Биров келиб қолди: «Уста, аравагиз неча пул»,— деб қолди. «Сотадигани ўттиз беш сўм, оладигани йигирма беш сўм. Ола қолинг»,— деди. У ола қолди. Унинг ола оти бор экан, қўниб олибди, арава билан жўнаб қолибди. Қўқоннинг чорсусига етиб қолибди. Аравакаш еттита пиёдани йигирма тўрт пулдан баҳо қилибди, аравага солибди, жўнаб қолибди, ярим йўлга етиб қолибди, арава бир чуқурликка тушиб қолибди. Аравакаш «чув» деса, оти юрмай, арава войвойлаб қолибди. Бир-иккита одам: «Араваси бир жойда туриб нега войвойлайди, томогингни ёғлагунча, аравагизни ёғласанг-чи»,— деганда, аравакашдан илгари: «Янга, оғир учун ўзим войвойлаётиман»,— деб уйғониб қолибман. Ажаб ҳайронманки, бу гапларни қайдан топиб гапирганимга таажжубда қолибман.

ЎҒРИ ЭШОН

Бор экан, йўқ экан, бир шаҳарда бир ўғри бор экан. У ўғрилиқ қилиб юриб тутилган экан. Зиндонда бир йил ётиб қутилган экан. Бу ўғрининг ёнида бир эшон қўшниси бор экан. Ўғри шу эшондан дуо қилиб, назр олиб юриш таълимини ўрганган экан. У эшон ҳам соғ эшон эмас экан.

Ўғри: «Менинг ўғрилигимни ҳамма билиб қолди. Энди шаҳарда ўғрилиқ қилиш қийин бўлиб қолди»,— деб бозорга бориб, бир узун чопони малла, бир катта салла олиб, чопонни кийиб, саллани ўраб, узун тасбеҳни чўнтакка солиб, бир эшакнинг устига бир хуржунни солиб шаҳридан чиқиб кетган экан. У бир хужрани топиб олиб, хужрасининг эшигини ёпиб олиб, кучининг бориचा «ха» деб, «хув-хув» деб жар қила берган экан. Уни кўрган шу шаҳарнинг одамлари: «Масжидимизга осмондан шарофатли одам тушди»,— деб ихлосманд бўлиб, унга от, қўй, эчки олиб келиб, фотиҳасини олиб, сўйишиб, нишириб, эшоннинг олдида қўйишиб, ўзлари ҳам еб тўйишиб, катта жар қилишиб юрган эканлар. Шу билан ўғри эшоннинг донғи чиқиб, донгдор бўлиб кетган экан, унинг донғини эшитган шаҳарнинг хони

ҳам эшоннинг олдига бир-икки келиб, энг қимматбаҳо нарсаларидан назр берган экан.

Эшон шундай юрганда, беш-олти кун турганда хон: «Мен эшоннинг олдиларига бир-икки мартаба бордим. Энди у киши ҳам давлатхонамизга келиб, меҳмон бўлиб кетсинлар»,— деб эшоннинг олдига одам юборган экан. У одам эшонга хоннинг таклифини айтиб, хоннинг давлатхонасига боришини айтган экан. Эшон:

— Хоннинг олдига борай дейман, лекин узрим бор,— дебди. Хоннинг вакили хоннинг олдига бориб, эшоннинг жавобини етказибди. Хон:

— Эшоннинг узри нима экан, бориб сўранг,— деб қайта эшоннинг олдига юборган экан.

Хоннинг вакили эшоннинг олдига келиб:

— Таксир, узрингиз нима?— деб сўрабди. Эшон:

— Мен кўчадан юриб борайин десам, кўчанинг чанги кийинимга юқади, ковушимга лой ёпишади. Шуларнинг ҳаммасининг тоат-ибодатимга касофати бор, узрим шу,— дебди. Хоннинг вакили хонга эшоннинг гапини етказибди. Бу гапдан кейин эшонга хоннинг ихлоси яна ошибди. Хон яна вакилини юбориб, эшондан сўратибди:

— Кўчаларининг чанги юқмайдиган, оёқларига лой ёпишмайдиган қилиб поёндоз солсак келармиканлар,— дебди. Эшон:

— «Хоннинг эшонлари кўчалардан ўтар эмиш» деб хотин-халаж эшиклардан мўралаб қарасалар, шу ҳам ибодатимга нуқсон етказди,— деб жавоб қайтарибди. Хон:

— Хотин-халажлар эшикдан мўраламасин,— деб шахарга хабар қилдириб, эшоннинг келишларига жуда орзумандмиз,— деб айттириб яна одам юборибди. Эшон:

— Хоннинг бу сўзларига қараганда, бормасак бўлмас экан,— деб муридларини эргаштириб, зикру сано билан хонниқига қараб жўнабди. Хоннинг хизматкорлари орқада қолган поёндозларни олишиб, олдаги йўлга солишиб, хоннинг боргоху давлатхонасига етган экан. Хон қўп таъзим ва тартиб билан эшонни зиёфат қилибди, эшоннинг олдига дастурхон солишиб, печа турли овқатни олдига қўйиб, улуг иззат бажо келтирибди. Эшон обу овқат еб ўтирганида, хон эшонга қараб:

— Бизнинг сизга бир илтимос юзасидан озгина сўзимиз бор,— дебди. Эшон:

— Нима сўзингиз бор, айтинг?!— дебди. Хон:

— Мен қиблага бир сафар қилиб келсам дейман. Шунга сиздан рухсат бўлса борсам дейман,— дебди. Эшон:

— Сафарга борманг дейишликка имкон йўқ, ихтиёр

Ўзингизда. Рухсат биздан, бориш сиздан, зиёратингиз қабул бўлсин, мурудингиз хосил бўлсин,— деб фотиҳа берган экан. Эшоннинг берган фотиҳаси учун хон унга жуда кўп дунё назр берган экан. «Мен келгунча халқни беозорлик билан сўраб, менинг йўқлигимни билдирмай туришингизни сўрайман»,— деб хон сафарга жўнаб кетган экан, сал кунда у ёққа етган экан.

Хон кетаётган вақтида ўн саккиз яшар ўғли қолган экан, хон қайтиб келганича, бола йигирма ёшга кириб қолган экан. Хон қайтиб келиб қирқ кун тўй-томоша қилиб уйлаб қўйибди. Хоннинг ўғли уйлангандан кейин хотини билан олти ой айш-ишрат билан юрганида, бир кун хоннинг ўғлининг уйига босмачилар кирган экан. Улар кирганда хоннинг келини уйғоқ ётган экан. Лекин: «Туринг, ёмон одамлар келди»,— деб эрини уйғотишга шошиб қолиб, нарвондан уриб томига чиқиб, қўшинсиникига қочиб кетган экан. Шу вақтда босмачилар хоннинг ўғлини ўлдиришиб, неча аравани молга тўлдириб, қоққанда қозик, бир қадоқ озиқ қўймасдан уйни шипириб, хоннинг ўғлининг ўлигини уйда қолдириб кетибди.

Хоннинг келини эрта билан: «Эрим нима бўлди экан»,— деб хабар олгани кирса, уйда эрининг ўлигини кўрибди. Ҳовлида чарх уриб йиғлабди. Бунинг йиғисини кўни-қўшниси эшитиб, ундан ҳол-аҳвол сўрашибди. Хоннинг келини:

— Бугун кечаси босмачилар келиб эримни ўлдириб, ҳамма нарсани олиб кетибди. Мен йиғламай, ким йиғласин,— деб аҳволини маълум қилибди.

Қўшнилари бу ҳолни хонга етказибди. Хон бу сўзни эшитиб, ўртаниб, юраги қуйиб, келиб қараса, ўғлининг ўлиги шу аҳволда ётибди. Хон чунон йиғлаб, неча юз одам билан ўғлини зиёратгоҳга олиб бориб кўмдирибди. Сўнг ўғлининг доғига чидамай, ўғли турган уйнинг эшигига қулф солдириб қўйибди.

Келин ҳомиладор бўлиб қолган экан, беш-олти ойдан кейин бир қиз тукқан экан. Қизнинг онаси бир йил болани боқиб, сўнг касал бўлиб ўлиб кетган экан, бобоси — хон қўлида қолган экан. Хон неварасини бир канизига тарбия қилиш учун берган экан. Канизак болани кўп парвариш қилиб, боқиб юрган экан. Бола ўн иккига кирган экан. Хон канизак билан неварасининг ёлғиз уйда туришларига кўнгли бўлмай, уларни кўнгли ишонган киши назоратига бериш ҳаракатига тушган экан. Ҳеч кимга ишонмай, ўйлаб-ўйлаб уйига эшонни чақиртириб келибди:

— Неварамни куёвга узатгунимча, канизагим билан бирга сизнинг тарбиянгизга топшираман. Сиздан бошқа кишига ишонмайман. Сизга дунё важидан, овқат важидан

камчилик қилдирмайман. Сиз нима десангиз, балогардонман,— деб эшонга ишониб, ташлаб қўйган экан. Эшон уларга уч-тўрт ой караб турган экан.

Бир куни эшон: «Белим огриб турибди, қўшнилardan бир дори туядиган келича топиб келинг»,— деб канизакни келичага юборган экан. Канизак кетганда, нарироққа етганда, эшон хоннинг неварасига:

— Қизим дастшўйни олиб чиққин, таҳорат қилайин.— деб буюрибди. Қиз дастшўйни олиб чиққандан кейин: «Офтобани ҳам олиб чиққин»,— деб буюрган экан. Қиз офтоба учун уйга кираётганда эшон ҳам орқасидан кириб, эшикни беркитиб, қизнинг қўлидан ушлаб:— Кечаю кундуз сизнинг ишқингизда куйиб адо бўлдим. Уйда ҳеч ким йўқ, юзингиздан ўпич беринг,— деган экан. Қизнинг жаҳли чиқиб:

— Бобом кўнгли ишониб бизни сизга топшириб қўйган бўлсалару сиздан эшитган гапим шу бўлса. Мана сизга, ўпич мана бундай бўлади,— деб қўлидаги офтоба билан эшоннинг бошига караб урган экан. Офтобанинг қирғоғи эшоннинг чаккасига тегиб, ёриб юборган экан. Унинг чаккасидан тарновдан кетган сувдай қон оқиб кета берибдч. Эшон шу аҳволда маҳсичан хоннинг олдида бориб «Дод» дебди. Хон қўшилиб фарёд қилибди, ундан ҳол-аҳвол сўрабди. Эшон:

— Дод сизнинг канизагингиз билан неварангиз дастидан!— дебди. Хон:

— Неварам билан канизагим сизга нима қилди?— дебди. Эшон:

— Мен ҳожатхонага кириб, таҳорат ушатиб чиқиб, шундай орқа-олдимга қарасам, канизагингиз билан неварангиз ўлтирадиган уйдан бир йигит чиқиб дарвозага караб келаятган экан. Мен у йигитнинг аҳволига қарасам, новчалиги — бўйи шифтга етади, оғзи қопдай, тишлари кетмон сопдай, мўйлови шопдай. Йигитни кўриб: «Эй ука, сен бу ерда нима қилиб юрибсан, кимсан, ўзингни маълум қилгин», десам, у: «Қўлингизда турган икки қизни яхши кўраман. Мен келганимда кўрсанг, кўрмасликка олгин, билсанг, билмасликка олгин, иложи бўлса кўзингни уйкуга солгин»,— деб шу хилдаги сўзларни айтди. Мен унга: «Бу гапларингни хонга айтаман. Мен икки қизнинг пойлоқчисиман. Мен нечук сенинг келиб-кетишингга йўл берай, Бу гапни энди гапирдинг, бундан кейин гапирма. Бу сафар келдинг, эндиги сафар келма!»— десам, «Сенмисан менга шундай дейдиган».— деб қўйнидаги тошни олиб, айлантириб чаккамга солди. Менинг шу аҳволга тушишимга сиз сабабчи бўлдингиз.

Яна мен дод урсам, сиз фарёд урасиз. Эндиги дод-фарёдга қаерга борамиз,— дебди. Хон:

— Энди қаерга ҳам борар эдик. Бўлар иш бўлибди,— деб жаллодни чақирибди. Жаллод хон олдига келиб:

— Қиличим ўтқир, тигим бурро, ҳукмингизни бажо келтираман,— дебди. Хон:

— Неварам билан канизагимнинг шартта калласини олиб келгин, лаганга солиб келгин!— дебди. Жаллод лагани олиб, қиличини осиб кетганда, беш-ўн қадам нарироққа етганда хоннинг олти вазиридан бири ўрнидан ирғиб туриб:

— Тақсир, арзим бор,— дебди. Хон:

— Нима арзинг бор, айт!— дебди. Вазири хонга таъзим билан:

— Ўтган ишга ўкинманг. Қўзингиз билан кўрмаган нарасага ишонманг. Агар шу ишنى қилсангиз, фалончи хон ўз невараси билан канизагини ўлдирибди, деган сўз эшитар қулоққа ҳам, ўзингизнинг шаънингизга ҳам яхши эмас. Менинг сизга айтадиган сўзим шуки, икки отни эгарласинлар. Бирига канизагингиз билан неварангиз боғлансин, бирига олиб борувчи одам минсин. Бир умр одам кўрмаган биёбон чўлга, киши билмас жойга ташлаб келсин. Эшоннинг гани тўғри бўлса, қизларнинг бузуқ йўлга юрганлари аниқ бўлса, чўлда оч қолиб, хор-зор бўлиб, ўликларини айиқ ва маймунлар еб йўқ бўлиб кетади. Ҳар нечук халқнинг гап-сўзи ўзингиздан нарироқ бўлади. Агар эшоннинг сўзи ёлгон бўлса, уларнинг тўғриликларида ўзлари йўл топиб, хўрлик тортмай қушларини ўтказарлар,— деб маслаҳат қилибди. Хон вазирининг сўзини эътиборга олиб, Матмуса деган йигитни чақириб:

— Икки отни эгарлаб, бирига ўзинг мин, бирига неварам билан канизагимни миндириб, одам юрмаган йўлга, инсон кўрмаган чўлга элиб ташлаб кел,— деб буюрибди. Матмуса хоннинг буйруғи билан невараси билан канизагини чўлу биёбонга олиб бориб ташлаб келган экан.

Иккала қиз чўлу биёбонда йиғлашиб юрганларида ажойиб бир ховузлиқ жойга етиб қолишибди. Шу ерда улар бир-бирлари билан ҳасратлашиб: «Бобомиз биздан ҳеч гап сўрамай, бизни хўрлаб, шундай жойга келтириб ташлашибди. Эндиликда ҳолимиз нима бўлар экан»,— деб гаплашиб ўтириб, канизак ухлаб қолибди. Хоннинг невараси хаёл суриб ўтирган экан. Улар ўтирган жойдаги бир туп дарахтнинг тепасига икки қумри келиб қўнган экан. Қумрилар тили бурро ёш боладай сўйлаб сайраган экан: «Келинлар, меҳмонлар, хуш келибсизлар. Хор-зор ва интизор бўламан, деб қўрқманглар. Ўнг қўл тарафга юз қадам са-

наб юринглар. Оёқларингнинг тагидан ковласанглар адо бўлмас тилла тўлдирилган бир хум чиқади. Тиллани олиб шу ерга иморат солинглар. Унда ота-бобоиғиздан ҳам зиёда кун кўрасиз»,— деб икки кумри пириллаб учиб кетибди.

Булар эрта-мертаи туриб, юз қадам юриб, оёқларининг остини ковласалар, бир хум тилла чиқибди. Хоннинг невараси тилладан олиб, рўмолга тўлдириб солиб, канизакнинг қўлига бериб:

— Ўзингга ҳам, менга ҳам йигитлар киядиган қиммат-баҳо кийимлар олиб кел. Қолганига иморатга керак бўладиган ёғоч, терак, устаю мардикорларни, ёғу гўшт, уну гуруч, чой, ширинликлардан арзону қимматига қарамай олиб кел,— деб тайинлабди. Канизак бу айтилган нарсаларнинг ҳаммасини ҳозир қилиб, иккови шу чўлда шаҳар бино қилишган экан. Шаҳарнинг ўртасига ўзлари учун катта сарой солдиришибди.

Иморатлар битиб, шаҳар бўлгандан кейин уй-жойи бўлмаган мардикорларнинг шу шаҳарда қолишларини илтимос қилишибди ва камчиликлари бўлганларига ёрдам беришга ваъда қилишибди. Буни эшитган халқ бирма-бир кўчиб келиб, шаҳарга жойлашибди. Тез орада бу чўл халқи кўп катта шаҳарга айланибди. Кимнинг арзи бўлса, биридан бирининг қарзи бўлса, қизларга келиб мурожаат қилар эканлар. Қизлар халқнинг арзини сўраб, оши йўққа ош, нони йўққа пон бериб, катта-кичигини сизлаб, уларни хурсанд бўлишларини излаб, бири — Ҳасанобод, бири — Қодиробод номи билан донг чиқарган эканлар.

— Булар бир-икки йил шундай юрганда, халқни сўраб турганда, бир кун буларнинг бобоси — хон учта вазир билан овга чиққан экан. Хон вазирлари билан ов қилиб, овлашиб, тўқайларни ковлашиб юрганда қаттиқ шамол бўлиб, ёмғир-сел қуйиб юборган экан. Булар қаёққа қочишларини билмай, кечгача айланиб юрганларида, тўқайнинг ўртасида бир шаҳарга кириб қолишибди. Хон бу иморатларни кўриб: «Бу тўқайга неча мартаба келиб, бундай иморатларни кўрмаган эдим»,— деб ҳайрон бўлибди. Шаҳарнинг ичини кезиб бир дарвозага бориб, қамчининг сопи билан дарвозани тақ-тақ урибди. Уй эгаси чиқиб:

— Кимсиз?— деб дарвозани очибди. Хон:

— Бу шаҳар бошлигининг ҳовлиси қаерда? Бизга кўрса-тиб қўйсангиз,— дебди. Уйнинг эгаси буларни бошлаб кеткизиб, Ҳасанобод билан Қодирободнинг олдига етказиб қўйган экан. Қизлар меҳмонларни кўриб танибдилар. Хон ва вазирлари буларни танимабдилар. Ҳасанобод:

— Кани, фақирхонамизга кирсинлар,— дебди. Хонни

отдан тушириб, ёнидаги вазирлари билан уйига бошлаб қирибди. Меҳмонларни иззат-икром билан ўтқизиб, «Хуш келибсизлар», деб олдиларига дастурхон ёзиб, турли-туман овқат, нозу неъматлар қўйиб, «Қани, меҳмон бўлсинлар», деб катта зиёфат қилишди. Зиёфатдан сўнг меҳмонхонанинг атрофига назар солиб, меҳмонхонадаги зебу зийнатлар, асбобу аслаҳаларни кўриб ҳайратда қолибди, хон бу иззат-ҳурматларга жуда хурсанд бўлиб, бундай зебу зийнатлар, бундай жойлар ҳам бор экан,— деб шу ерда ётиб қолибди.

Меҳмонларнинг нонушталарига яна ранг-баранг овқатлар пишириб, зиёфатни катта қилдилар. Нонуштадан сўнг хона-зирлари билан кетиш ҳаракатига тушибди. Шунда Ҳасанобод ва Қодиробод яна беш-ўн кун қолишларини сўрабди. Хон буларнинг қўнгилларига қараб, яна уч кун қолишибди. Уч кундан сўнг хон кетмоқчи бўлибди. Ҳасанобод тўртта меҳмонга тўртта қимматбаҳо чопон кийдириб, отларига миндириб жўнатган экан. Хон кетганда, нарироққа етганда, икки боланинг меҳри юрагига ўрнаб, икковини олдига чақирган экан:

— Биз шу мамлакатнинг хони бўламиз. Ҳавас қилиб овга чиқиб, сел-ёмғирда қолдик. Яхшики, сизлар бу чўлни шаҳар қилиб, халқни кутиб турган экансизлар. Биз шунча овга чиқиб, бунчалик хурсанд бўлганимиз йўқ эди. Бизни кўп хурсанд қилдингиз, энди сизлар ҳам бизнинг давлатхонамизга боришлар. Биз ҳам қўлимиздан келганча кутармиз,— дебди. Ҳасанобод:

— Сизнинг сўзингиз ерда қолмасин. Икки кун ўтиб, учинчи куни борганимиз бўлсин,— деб жавоб берибди. Вақтисоати битиб, Ҳасанобод билан Қодирободнинг бориш куни етибди. Хон ҳам булар келар олдидан кўп тайёргарлик кўриб кутган экан. Булар келиб иззат-икром кўриб, бир кун туриб кетишга ҳаракат қилганларида, хон буларни қўймасдан тўрт кун зиёфат қилибди. Қимматбаҳо тўнлар кийгизиб: «Ўғилларим, сизларни мен ўз фарзандим деб биламан. Энди ҳар ойда, ой сари келиб туришингизни сўрайман. Сизларга менинг меҳрим жуда бошқача»,— деб жўнатибди. Шундай қилиб, Ҳасанобод билан Қодиробод ой сари келиб-кешиб юришган экан.

Бир куни Ҳасанобод билан Қодиробод келганда зиёфатдан кейин хон улардан:

— Ўғилларим, сизлар келганингизда жуда хурсанд бўлам. Аммо кетар вақтингизда жуда ичм куйиб қолади. Шу ерга кўчиб келишларингизнинг иложи йўқми,— дебди.

Ҳасанобод хонга таъзим билан:

— Таъбимизга ёқадиган жой бўлса кўчиб келар эдик,— дебди. Хон буларнинг кўчиб келишга мойиллигини билиб жуда хурсанд бўлибди. Иккита хизматкорига юзта қўранинг калитини бериб:

— Булар қайси қўрани ёқтирсалар, шу жойни беринглар,— дебди. Хизматкорлар жамики қўраларни очиб кўрсатибди. Буларга ҳеч бир қўра ёқмабди. Бориб-бориб хоннинг ўлган ўғлининг муҳр босиб, қир тўкиб қўйилган уйини танлашибди:

— Бизнинг қўнглимизга ёққан жой шу, шу жойни бизга берсанглар,— дейишибди. Хизматкорлар хонга маълум қилибди. Хон Ҳасанобод билан Қодирободни олдига чақириб:

— Ўғилларим, сизларнинг қўнглингизга ёққан бу ўрдада менинг йигирма яшар ўғлимни ўғрилар ўлдириб кетган. Йўлим тушиб бу уйнинг ёнидан ўтганимда ўғлим эсимга тушиб қуймайин, деб уйни қулфлаб, қир тўктириб қўйганман. Агар мени десанглар, бундан бошқа қўнглингизга ёқадиган жойни топтириб берайин. Аммо шу жойда турамиз деманглар,— дебди. Ҳасанобод билан Қодиробод хоннинг маслаҳатига қўнмабди. Хон уларнинг сўзини қиймасдан уйни очиб, тузаттириб берибди. Ҳасанобод билан Қодиробод кўчиб келибди. Орадан беш-ўн кун ўтгандан кейин Ҳасанобод билан Қодиробод хонга:

— Ота, сизга уч-тўрт оғиз гапимиз бор,— дейишибди. Хон:

— Болаларим, ҳар қанча гапингиз бўлса, айтинглар,— дебди.

— Сизни бир эшонга қўл берсангиз, деб эшитамиз. Шу эшонингизга биз ҳам қўл бериб, зиёфат қилиб, қўлларига сув қуйиб дуоларини олсак. Иложи бўлса, шу эшонингизни бир айттириб, иззатларини бажо келтирсак,— дейишибди. Хон уларнинг бу сўзларидан хурсанд бўлиб:

— Сизлар ёшсизлар, менинг бир қўл берган эшоним бор. Шу кишини чақириб, ихлос билан зиёрат қилиб, дуосини олинглар, деб айтишга оғзим бормай, ўйланиб юрар эдим. Бу жуда тўғри маслаҳат,—деб эшонни чақиртириб келишга рухсат берибди. Қодиробод эшоннинг келишига неча хил нозу неъматлар тайёрлабди. Токча ва йўл устига тиллалар сочиб, неча сандиқларни очиб, эшоннинг келишига кўз тутиб ўтирган экан. Эшон қирқ муриди билан зикир-саносини қилиб келаётган экан. Ҳасанобод билан Қодиробод эшонни муридлари билан меҳмонхонага ўтқазиб, турли-туман овқатларни олдиларига қўйиб, овқатга алаҳситиб, ўзлари секин меҳмонхонадан томга чиқиб, буларнинг сўзларига қулоқ солиб туришган экан. Эшон муридларига қараб:

— Шу кунда мана шу уйдан олиб кетган нарсалар соб бўлай деб қолган эди. Энди якшанба кун ияна бу иккала йигитни ҳам тузлаб, уйдаги бутун нарсаларини саранжом-ласак. Бу бир кечалик меҳнат, ҳеч гап эмас, деб маслаҳат берибди. Муридлари: — Хўп тақсир,— деб қўнибди. Ҳасанобод билан Қодиробод буларнинг маслаҳатини обдан эшитиб олибди. Сўнг эшонга назр-ниёз бериб, хайр-маъзур қилиб жўнатибдилар.

Ҳасанобод билан Қодиробод бир-бири билан маслаҳат қилишиб, хоннинг қўрбошисига учраб, ўғри эшонни ушлаш учун қирқ киши беришни сўрашибди. Қўрбоши буларнинг гапини эътиборга олиб, қирқ нафар аслаҳа-яроқли йигитларни берибди. Булар бир қўлида арқон, бир қўлида милтиғи билан Ҳасанобод билан Қодирободнинг уйига келишибди. Ҳасанобод билан Қодиробод буларга қирқ жойдан чуқур қовлатиб, қирқовини шу чуқурга жойлаб: — Ўғриларни пойлаб туринглар, ярим кечада ўғрилар келади. Сизлардан кўнглимиз тўқ, бугунча бу уйда тургимиз йўқ. Дарвозани катта қилиб очамиз, бир-икки этак тиллани ҳовлининг юзига сочамиз, ўзимиз қўшничикига кириб ётамиз. Ярим кечада келади, лақу луқни йиғиштириб олади, елкасига солади, дарвозанинг ёнига етганда қирқовинг қирқ ўғрини дарров ушлайсан, у ёқ-бу ёғига муштлайсан, бўйинларига сиртмоқ солиб, ўлдирмасдан кўкракларига милтиқни тираб турасанлар,— деб тайинлаб, иккови дарвозадан чиқиб кетган экан.

Ярим кечада ўғрилар келсалар, дарвозалар очилган, тиллалар сочилган, одамзоднинг асорати йўқ, ўғриларнинг кўнгли тўқ. Ерда ётган тиллаларни териб олишиб, этакларига солишиб, ҳамма қимматбаҳо нарсаларни олишиб, елкаларига солишиб, чиқиб кетаётганларида, қирқ киши чуқурдан чиқиб қирқ ўғрини ушлаб, биқинларига муштлаб, бўйинларига сиртмоқларни солишиб, милтиқларини кўкракларига тақашиб турганларида, иккала бола томга чиқиб қарасалар, қирқ киши саксон киши бўлиб турган экан. Буни кўриб иккови хонга бориб: «Ҳасанобод деган, Қодиробод деган ўғилларингиз уйларида ўғриларни ушлади, хон келсин, деб айтинг»,— деб тайинлаб, хоннинг олдида одам юбортирган эканлар. Хон: «Энди муродимга етдим» — деб қувониб, неча киши отлиқ, неча пиёда келиб қараса, ўғриларнинг бошлиғи эшон экан. Буни кўрган хоннинг эси оғиб, ҳайратда қолган экан. Бу орада иккала бола етиб келиб: «Отдан тушинг, уйга кириг, биздан гап сўраг»,— деб хонни отдан туширибдилар. Уйда икки бола хонни ўтқизиб қўйиб:

— Ота, биз сизга нима бўламиз? — дебди. Хон:

— Ўғлим бўласиз,— деб айтган экан.

— Биздан ҳам илгари ўғлингиз бормиди?— дебди. Хон:

— Илгари бир ўғлим бор эди, босмачилар ўлдириб кетган эди,— дебди.

— Ўғлингизни ўлдириб кетган бўлса, ўғлингиздан ҳеч бир ном-нишон қолганмиди?— дебди. Хон:

— Ўғлимдан келиним қолган эди, келиним бир қиз туққан эди, ул неварам ўн икки ёшга кирган эди. Неварамни куёвга чиқаргунча, шу эшонимга топшириб қўйган эдим. Неварам ёнига бир канизимни ҳам топшириб қўйган эдим. Бир куни менинг олдимга эшоним фарёд қилиб келди. Қарасам, эшонимнинг ҳаммаёғи қон экан. Бунинг сабабини сўрасам, «Қизинг билан канизинг бузуқ экан, буларнинг олдига келиб-кетиб юрган йигитни қўриб, нега бу ерга келиб-кетиб юрибсан, деб айтсам, бу йигит келиб-кетишим билан сенинг нима ишинг бор, деб чаккамга бир тош билан уриб, менни қақшатиб кетди», деган сўзини эшоним менга айтган эди. Мен қизим билан канизим ўлдирилсин, деб буйруқ берган эдим. Лекин вазирларимнинг маслаҳати билан, уларни чўлга ташлатиб юборган эдим,— дебди. Булар:

— Шу канизингиз билан неварангизни танийсизми, ё танимайсизми?— деганда, хон:

— Танимайман,— дебди. Булар:

— Танимасангиз, таниб қўйинг. Ўша канизингиз билан неварангиз бўламиз,— деб бошларидан телнакларини олдилар, сочлари белларига тушди. Хон булар ўз набираси ва канизи эканлигини таниб, билиб буларни кучоқларига олди. Бу сўзлар ўртасида эшоннинг босмачилиги ва қизларга бўлган тухмат шалтоқлари очилибди. Хон:

— Ўғлимни ҳам ўлдирган сен экансан,— деб эшоннинг босмачи ва ўғрилигига ишониб, эшонни муридлари билан ўлимга буюрган экан.

ЭШОНИМ ДЕБ ЭШАГИМДАН АЙРИЛДИМ

Бир домла маҳалласидан чиқиб кетибди. Бозордан бир эшак, бир хуржун, бошига салла, чопон олиб, эшон тусига кириб, Тоқатепа деган жойга борибди. Бир дарвозани тақиллатган экан, ичкаридан уй эгаси чиқиб:

— Кимсиз?— дебди.

— Қўкота эшонман,— деб жавоб берибди. Уй эгаси:

— Қани, бўлмасам ичкарига киринг,— дебди. Эшон уйга кириб, овқатланиб бўлгандан кейин нима деб эшонлик қилишини билмай, уй эгасига шундай насиҳат қилибди:

— Хотиннингнинг сўзига кираверма, у ишни ундай қилайлик, бу ишни бундай қилайлик, деб маслаҳатлашиш, хотинга ҳадеб сирни айтавериш яхши эмас, эр деган хотинни писанд қилмай, қовоғини солиб юриши керак.

Уй эгаси бу маслаҳатни эшитгандан кейин аччиғи келиб, ичда: «Эр-хотин — қўш хўкиз», «Маслаҳатли иш битар, бемаслаҳат иш йитар» деган гап бор эди, бу эшонни бир сишаб кўрай»,— деб эшикка чиқиб, жиндай тўхтаб, қайтиб кириб:

— Эшон бобо, менинг бир ўғлим бор эди, қайси куни ўғлим бечора кечаси босинқираб қўрқитди. Шунда бола эсон-омон тузалиб кетса, битта-яримга эшонга бир қўй берай, деб қўнғлимдан чиқариб, айтиб қўйиб эдим. Бисотимда иккитагина қўйим бор; биттаси ориқроқ, биттаси семиз. Мен ҳар ишимни хотиним билан маслаҳатлашишга ўрганиб қолганман. Мен хотинимдан: «Эшон бувамингга қўйнинг қайсисини берайлик»,— деб сўрасам, хотиним: «Семизини беринг»,— деди. Семизини олиб чиқиб берайин десам, сиз: «Хотин билан бемаслаҳат иш қил»,— деб эдингиз. Нима қилсам экан?— деганда, эшон:

— Хотиннинг гапига ҳамма вақт кирмаганда ҳам, гоҳ-гоҳ кирса бўлади,— деган экан. Уй эгаси бу гапни эшитиб, аччиғи келиб:

— Сиздақанги нафс овораси эшонни қўп қўрдим, менга бунақа эшоннинг кераги йўқ. Мен кеча эшонга қўл бериб, эшагимдан айрилганман; хўжам, деб хуржунимдан айрилганман; тўрам, деб тўрвамдан айрилганман; қани туринг,— деб хайдаб юборган экан.

АКА-УКАНИНГ ОЛДИ-БЕРДИСИ

Унақа экан, бунақа экан, бир вақтда бир ака-ука бир-бири билан шунақа экан. Қанақа экан? Иккови бир-бирига жуда иттифоқ экан. Бир куни укаси акасидан:

— Йон ака, айланай ака, пулингиздан ўн тилла қарз беринг!— деб сўрабди. Акаси:

— Эй, ука, сендан пул аяйманми,— деб ўн тилла пулни укасига қарзга берган экан, укаси пулни олиб, чўнтагига солиб, акасига пулни бермай юра берибди. Орадан бир йил, икки йил, беш йил ўтиб кетибди. Акаси қисташини қўймабди, укаси эрта-индин, деб орқага суришини қўймабди. Ахири акаси:

— Берасанми, бермайсанми,— деса, укаси:

— Қозига чақирмасанг, бир тийин ҳам бермайман,—

дебди. Акаси бу гапга жаҳли чиқиб, қозига борибди, арз қилибди:

— Таксир, менинг бир укам бор. Мендан ўн тилла қарз олган эди, эрта-индин, деб орадан етти йил ўтиб кетди. Шуни ундириб берсангиз,— дебди. Қози дарров укасини чақиртириб:

— Уйинг қаерда, маҳалланг қаерда?— деб ёзиб олибди. Акасининг ҳам уйини ёзиб олибди.— Мени бир одам маҳаллага айтган эди. Ҳозир кеч бўлиб қолди. Эртага келинлар, тўғрилаб бераман,— дебди. Ака-ука кетганда, иккови уйларига етганда, қози ўша онда қарздорга одам юбориб чақиртириб келибди.

— Сен акангдан ўн тилла қарздор экансан. Сени шундан қутқарсам, нима берасан?— дебди. Қарздор:

— Менинг бир говмиш сигирим бор, шуни бузоғи билан сизга бераман. Ундан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Ишқилиб мени акамдан қутқарсангиз бўлди, қози почча,— дебди. Қози.

— Майли, сени акангдан қутқарган замони тезда сигирни келтириб берсанг бўлади,— дебди. Қарздор:

— Қози почча, мени қандай қутқарасиз?— дебди. Қози:

— Мен сенга гап ўргатаман, шу гапни эсдан чиқарманг қутқазиб қўйишим осон,— дебди. Қарздор:

— Майли, сиз айтинг, мен эштай. Эсимдан чиқармайман,— дебди. Қози:

— Эртага икковинг ака-укамисизлар, десам, икковинг ҳам ҳа, дейсизлар. Акангга укангга ўн тилла пул қарз берганмисан, десам, у «ҳа» дейди. Ўн тилла пулдан ҳеч бергани йўқми, десам, «йўқ» дейди. Мен сенга ўн тилла олганинг ростми, десам, сен «ҳа» демагин-да, «ҳарина» дегин. Ахир, акангдан ўн тилла олибсан, етти йилгача бир тийин бермагансан, ростми?— десам, «ҳарина» дегин. Қачон берасан, десам «ҳарина» дегин. Шунда мен ака-ука бўлмай ўлинглар, икковингнинг жанжалинг «ҳарина» экан, йўқолинглар. Биринг бермаган, биринг олмаган ҳисобига ўтди, деб қўя қоламан, сен қарздан қутуласан, менга сигирни келтириб берасан,— деб ўргатган экан.

Эртасига ака-ука келиб қозига салом қилиб, қозига қараб ўтирган эканлар. Қози:

— Хўш, келдингларми?— дебди. Ака-ука:

— Ҳа, келдик, қози почча,— дебдилар. Қози:

— Икковингиз ака-укамисизлар?— дебди. Булар:

— Ҳа, таксир,— дебдилар. Қози айтибди:

— Укангизга ўн тилла берганмисиз?— Акаси:

— Ҳа, тақсир,— дебди. Қози:

— Ўн тилла пулдан ҳеч нарса бердимми-йўқми?— дебди.

Акаси:

— Йўқ, тақсир,— дебди. Қози:

— Неча йил бўлди берганингизга?— дебди. Акаси:

— Ҳа, етти йил бўлди,— дебди. Қози:

— Етти йил бўлган экан, акангдан ўн тилла олган экансан, шуни қачон берасан?— деб сўрабди. Укаси:

— Ҳарина,— дебди. Қози:

— Берадиган бўлсанг, беришингни бермасанг, бермаслигингни айт,— дебди. Укаси:

— Ҳарина,— дебди. Қози:

— Ака-ука ўртасида ундай гап кетмайди, қачон берасан,— дебди. Укаси:

— Ҳарина,— дебди. Қози:

— Ака бўлмай сен ўл, ука бўлмай сен ўл! Нима десам, «ҳарина, ҳарина» дейсан, гапларинг курсин, менга берган нафларинг курсин, бор йўқолинглар, меши ишдан қолдирдинглар. Сен бермаган, бул олмаган. Ака-ука бўлганингдан кейин ул-бул дейиш бўлмайди, икковингнинг ишинг ҳарина экан,— деб уларга дўқ қилиб, икковининг гапини йўқ қилиб, қози бу ёқда қолган экан, акаси ул ёқда қолган экан, укаси қаёқда қолган экан.

Қози уч-тўрт кун пойласа ҳам, сигирни олиб келиб бермаган экан. Укасини чақиртириб келиб:

— Акамдан кутқарсангиз, сигир бераман, деган эдинг, қани сигир?— дебди. У:

— Ҳарина,— дебди. Қози:

— «Ҳарина»ни аканг олдида айтгин, менинг олдимда айтмагин,— дебди. Укаси:

— Ҳарина,— дебди. Қози:

— Агар менга сен ул-бул десанг, ҳар нарса қилсам ҳам бўлади, сени қаматаман,— дебди. Укаси:

— Ҳаринаю ҳарина, ўн қадоқ шакарни олиб, олча билан қозонга солиб, қайнатиб хумчага солса, совутса, унинг оти вариша,— дебди. Қози:

— Варина нимаю, ҳарина нима? Ўзинг ўрганган ҳаринага, бул вариша, қани йўқол,— деб жаҳли чиқиб, сигирни ололмай, алам қилиб қолган экан.

Ана шундай мулла бўлсаю, ана шундай хийла бўлса, ўша вақтдаги муллаю қози бўлиб, сигир олишга рози бўлиб, қуён олдирган този бўлиб, қўлдан учган билан гози бўлиб, учаман, деб қаноти қайрилиб, гап ўргатиб, сигирдан айрилиб қолган жойи экан.

ҚОЗИ

Кишидан олиб, кишига бермайдиган қозининг гапи, эшитганларнинг нафи, шундай гап.

Бир замонда Янги қишлоқнинг олдида Алимурод деган қишлоқда Холмуродбой деган бой қози бўлишликнинг муддаосида бўлибди. Кўп пул сочиб қози бўлибди. Қози бўлиб юрганда, беш-олти ой турганда, унинг рўпарасига бир йигит келиб, қозига таъзим қилибди, қози ундан гап сўрабди:

— Хўш, менга нима сўзингиз бор?— дебди. Йигит:

— Менинг ёнимда ўн беш тилла пулим бор. Бу пулни қаерга қўйишнинг иложини топа олмай қолдим. Шунингизга берсам, омонатни сақлаб берсангиз, деб умид қилиб келдим,— дебди. Қози:

— Берасиз, биз пулингизни олиб қўямиз, мана бу сандиққа соламиз. Қачон керак бўлса, келасиз,— деб ишонттириб, ўн беш тилласини олибди, сандиққа солибди, индамай қолибди. Бирор йилдан кейин йигит қозининг олдида келиб:

— Тақсир, ўша ўн беш тилла омонат пулимни беринг, керак бўлиб қолди,— дебди.

— Сен қачон менга пул бердинг, олмаганман. Менга тўхмат қиласанми? Тур кет, кўзимга кўринма,— деб унинг пулига қози хиёнат қилиб, сўкиб хайдаб юборибди. Қозидан пулини ололмаганига чунон алам қилиб, хўнгиллаб йиғлаб турган экан, бир кампир:

— Э йигит, сизнинг бўйи-бастингиз унча, дардингиз мунча, йиғлашингиз шунча, нима учун йиғлайсиз мунча, биров ургандай, биров сўккандай?— дебди. Йигит:

— Э она, мендан ҳол сўрасангиз, куйган юрагимни баттар куйдирманг. Йўлингиздан қолманг, кетинг. Менинг йиғлаганимнинг таърифини ҳеч айтиб бўлмайди,— дебди. Кампир:

— Э болам, бир оғиз айтгин, мен сўзингни эшитайин. Ҳар қалай бирор аламинг бўлса, сўзингнинг урдасидан чиқарман,— дебди. Йигит:

— Мен Холмурод қозига иноиби ўн беш тилла пул берган эдим. Пулимни беринг, десам, ўшқирди, дўқ қилди, берадиган пулимни йўқ қилди. Мен ундан пулимни оламан, деб қаерга бориб арз қиламан. Бунга мен йиғламай, ким йиғласин,— дебди. Кампир:

— Э болам, бу гапнинг мен ҳисобини топарман. Қозидан пулингни шундай ундириб бераманки, олганингни ўзинг ҳам билмай, берганини қози ҳам билмай қолади,— дебди. Йигит:

— Хўш, қандай илож қиласиз,— дебди. Кампир:

— Иккаламиз бирга қозининг дарвозаси тагига етамиз. Сен илгари кириб пулимни беринг, демасдан қовогингни солиб, индамай турасан. Шунда мен кираман. Қози мендан гап сўрайди. «Нима жанжалингиз бор?»— дейди. Шунда мен: «Менинг бойим зўр савдогар эди. Мана шу беш юз тилла пулни мен келгунча эҳтиёт қилиб туринг, деб берган эди. Шу пулни қаерга қўйишимни билмасдан, эрим келгунча сақлаб берсангиз»,— деб қозига айтган вақтимда, сен менга олайиб қарайсан. Шунда қози сени айтиб қўймасин, мени беш юз сўмни бермай қўймасин, деб сенинг пулингни беради. Шунда сен пулингни олганда, чўнтакка солганда, мен пулни бераман, деб турганда ҳалиги ўргатиб қўйган бола кириб: «Она, юринг уйга», дейди. Мен: «Ҳа, болам, нима қиласан уйда»,— дейман. Бола: «Э, дадам келиб қолдилар», дейди. Шунда: «Бойим келиб қолибдилар», деб пулни бермай чиқиб кетамиз. Шу билан сенинг пулинг униб қолади. Сенга шундай қилиб ёрдам қилай бўлмаса,— деб ҳалиги йигитнинг кўнглини кўтариб, аста-секин йўталиб, бир болани топишиб, қозининг дарвозасига боришиб, ҳалиги йигит илгари кириб қараб турибди. Қози йигитга олайиб қараб турган вақтда, кампир кириб қолади. Қози кампирга қараб:

— Ҳа, янга, келинг!— дебди. Кампир:

— Келдим,— дебди. Қози:

— Хўш, менга нима сўзингиз бор?— дебди. Кампир:

— Айланай, тақсир. Менинг бойим бир савдогар эди.

Мени ташлаб, мана бу беш юз тилла пулни олиб, сандиққа солиб қўй. Шунга йўқотмагин, деб эди. Шунга сизга берсам, то бойим келгунча, сақлаб берсангиз. Менинг кўшнилариمنىкига ўғри кириб, безовта қилганидан, шу пулни олиб кетмасин яна,— дебди. Қози: «Бу йигит қозига пул бермагин, меникини еб кетди, сеникини ҳам еб кетади, деб қўймасин»,— деб ичкарига кириб ўн беш тилла пулни олиб чиқиб, ҳалиги камбағал йигитнинг қўлига берди. Бу гап билан йигит пулни олибди. Чўнтакка солибди, индамай қолибди. Кампир қозига энди пулни санаб бермоқчи киши бўлиб, рўмолини ечиб турса, ҳалиги ўргатиб қўйилган бола кириб:

— Она, юринг уйга,— дебди. Кампир:

— Ҳа, нима бўлди?— дебди. Бола:

— Э, дадам келиб қолдилар,— дебди. Кампир:

— Вой, айланай, қози почча, хайрият келиб қолибдилар,— деб ўйинга тушиб турган экан. Ҳалиги йигит ҳам: «Айланайин сўзимдан, ўргилайин ўзимдан, пулим униб қолди, хўб яхши бўлди, айланай пулимдан»,— деб у ҳам ўйинга тушибди. Бир вақт: «Вой, қандай қиламан, энди нима дейишимни билмай

қолдим. Шўрим курсин менинг»,— деб қози ҳам ўйинга тушибди. Кампир қозига:

— Мен-ку эримнинг келганига хурсанд бўлиб ўйнаяпман,— дебди. Йигит:

— Мен пулимнинг униб қолганига ўйнаяпман. Сиз нимага ўйнаяпсиз?— дебди. Қози:

— Икковингизнинг ҳийла қилганингизга, пулни қўлдан чиқарганимнинг аламига чидамай ўйнаяпман,— дебди. Агар ҳалиги кампир бўлмаса, қози пулни еб кетиши аниқ экан. Йигит билан кампир пулини олиб келиб, уйига етиб қолган экан.

Қози кўп одамларга шундай қилган экан, халқ қозини менсимасдан, сағал кунда унинг қозилик ўрни қолган экан. Қозининг хўрлиги келиб, кимга нима дейишини билмай, уйда ўтириб диққати ошиб, бир катта ҳовузнинг олдига етиб, ҳовузга сувга келганларга ўшқирадиган бўлибди. «Аное ердан ол», «Бу ёқдан олгин», «Шилпиллатмасдан олгин», «Чалпиллатмасдан олгин»,— деб гапираверганидан, у маҳалладагилар: «Э, қози, жўнаб қолинг, энди қилмаганингиз ҳовузга қозилик қилиш эди»,— деб ундан ҳам ҳайдаб юборишибди.

Қози бу ердан кетиб қолиб, биёбон-чўлга етиб қолиб, диққати ошиб, иш қилишга шошиб, ажриқни қуриб тоблаб, туйиб талқон қилиб, етти-саккиз халтага солиб боплаб, хуржунга солиб, маҳаллама-маҳалла бориб, табибга ўхшаб, бировнинг томирини кўриб, ҳалиги ажриқни бериб, беш-олти пул топиб юрганда, қозиларнинг тепасида турадиган катта қозининг олдидан чиқиб қолибди. У қозининг неча вақтдан буёқ тоби йўқ экан. Буни қозининг хизматкори кўчада кўриб қолиб:

— Бу ерда бир тоби йўқ одам бор. Юринг, шуни кўринг,— дебди. Қозининг олдига рўпара бўлибди. «Табиб» туйган ажриқнинг томирини олиб, бир коса сутга солиб, тоблаб, атала қилиб боплаб, қозига ичириб қўйса, дори унга тўғри келиб, ўша тобда тузалиб кетибди. Қози:

— Қани, бу табиблигингиз ҳақиға нима сўрайсиз? Тиланг тилагингизни!— дебди. «Табиб»:

— Мен ҳеч нарса тиламайман. Тилайдиганим шуки, мени бир қози қилиб қўйсангиз. Менга ҳар қанча берганингиздан шу яхши,— дебди. Қози:

— Сенинг бу сўзлаган сўзинг кетмайди, менинг гашим халойиққа етмайди. Эл огзига элак қоплашнинг иложи йўқ. Мен сени қандай қилиб қози қиламан, сенинг тилагинг тўғри келмайди. Нима тиласанг, бошқа нарса тила,— дебди. «Табиб»:

— Тузук, менинг ҳам қўзимга бундан бошқа ҳеч нарса қўринмайди. Менга шу қозилик ўрнини берасиз. Шунда му-родимга етаман,— дебди. Қози:

— Бу гапингга қараганда билдимки, сен илгари ҳам қози бўлиб юрган экансан, қози эдингми?— деб сўрабди. «Табиб»:

— Ҳа, қози бўлган эдим,— дебди. Қози:

— Қайси юртга, қайси даҳага қози бўлган эдинг?— дебди.

— Така тўши турган юртда қози бўлган эдим,— дебди. Қози айтди:

— У ерга сайлов чақиришимга ҳали бир ярим ой бор. У вақтга давр хавфли ғамингни ташлаб, ҳунарингни хашлаб, ўзингни бақувват қилиб, сайлов бўладиган кунни пойлаб, мўйловингни мойлаб, ола отни топиб, уни ўхшатиб, ола чопон кийиб, халқнинг ўртасида отдан тушмасдан, мени ҳам назарингга илмасдан чопоннинг икки ёғини қистириб, отнинг устида турасан. Ўша вақтда мен сени қўриб, жуда ғашим келган киши бўлиб, одамлардан:— «Менинг катталигимни билмасдан, отдан тушмай турган ана у одам ким?»— деб сўрайман. Одамлар «У қози», дейди. «Ана у ола чопон, ола от минган ким?»— деб яна сўраганимда «қози», дейди. Шу билан мен жўнайман. Уч-тўрт кундан кейин одамлар қози қилгандек буйруқ чиқараман. Одамлар: «Буни катта қозимиз билмай, яна қози қилди», деса, мен унга гап топаман: «Мен сизлардан сўраган эдим. Сизларнинг гапингиз билан буни қози қилдим»,— деб уларни жўнатиб юбораман,— деди. Шу билан бир ярим ой ўтгандан кейин ҳалигини қози қилиб тайинлаган экан, лекин халқ унга қулоқ солмаган экан.

БОЙВАЧЧА

Бир замонда бир бойвачча орзу-ҳавас билан уйланган экан. Унинг хотини жуда чиройли экан. Иккови ҳам ишламасдан катта сарф қилиб ейишиб юрганда, беш-олти йил турганда, бир кўни хотини:

— Э эр, сизга нима бўлди? Ахир, бу уйда ҳеч нарса йўқ, сиз билан менда меҳнат қилиш йўқ. Бундай бўлса, шўримиз қуриydi. Мен сизга қараб, сиз менга қараб ўтирамиз,— дебди. Эри:

— Шу вақтдан бери мен боримни едим. Энди менинг «Ҳа» дегани ҳолим йўқ, сенга сотиб егизгани молим йўқ, меҳнат қилишга бўйним ёр бермайди, менинг бўлганим шу,— дебди. Хотини:

— Бўлмаса, мени қўй. Шунча вақтдан бери сизи-бизлик билан юрдик. Ҳали ҳам сизи-бизлик билан сиз қўйинг, мен чиқай. Иккимиз бир-биримиздан қутулайлик,— дебди. Эри:

— Э, хотин, шуми энди сенинг топган гапинг. Ахир мол топишда сенда бир ҳийла-хунар йўқми?— деди. Хотин:

— Сиз менга рухсат беринг, мен топаман. Менда ҳийла кўп, ҳийла қилиш биздан,— деди. Эри:

— Ҳа, нима ҳийла қиласан? Майли бор, рухсат бердим,— дебди. Хотини:

— Бўлмаса, менга бир танга беринг. У танга қаерга борса, ўтмайдиган сийқа танга бўлсин. Шу танга билан бой бўламиз,— дебди. Эри бир сийқа тангани хотинига олиб келиб берибди. Хотин тангани олибди, чўнтагига солибди. Эрига:

— Энди сиз мана шу сомонхонада намозшомдан кейин ётасиз. Мен бировни олиб келиб, ошни пишириб, товоққа тушириб еб, қапқирни тарақ эткизган вақтимда, сиз эшикни тарақ этиб қоласиз. Шу вақтда у одам: «Нима бўлди?»— дейди. Мен: «Эрим тегирмонга кетган эди. Бугунча кетинг, эрта-мерта гапиришамиз»,— дейман. У: «Мен эринг олдидан қандай чиқиб кетаман»,— дейди. Шунда мен: «Мана бу хумга тушинг. Эрим билан мен ётганда чиқиб кетасиз», деб уни хумга солиб, индамай қолиб ўтирган вақтда, сиз бир халта урни кўтариб кириб: «Хотин, омон-эсон ўтирибсанми? Жуда чарчаб келдим», дейсиз. Мен: «Ҳа, чарчаб келган бўлсангиз, нима қилай?» дейман. Сиз «Мен жуда чўллаб кетдим», дейсиз. «Ҳа, чўллаб кетган бўлсангиз, сув ича қолинг», деганимда, сиз: «Хумдан сув олиб ичаман», деб хумда ўтирган одамни кўриб, менга дўқ қиласиз. Уни тоза уриб, қайтиб келмайдиган қиласиз,— дебди. Хотин бир қассобнинг олдига бориб:

— Ака, гўштингизни қанчадан соягисиз?— дебди. Қассоб:

— Ҳа, арзон,— дебди. Хотин:

— Бўлмаса, ярим тангалик гўшт, ярим тангалик ёғ беринг!— дебди. Қассоб гўштни рўмолга тугиб бериб:

— Янга, тангангиз ўтмайди менга,— дебди. Хотин:

— Танга ўтмаса, гапимиз ҳам ўтмайдими?— дебди, қассоб:

— Уйингиз қаерда?— дебди. Хотин гўштни ҳам, тангани ҳам олиб жўнаб қолибди. Қассоб ҳам кўп пул олиб, чўнтакка солиб, жўнаб қолибди, хотин дарров кутиб олибди. Паловни пишириб, товоққа тушириб, иккови ейишиб, ундай-бундай дейишиб, энди қозонни бу ёққа олиб қўйиб, қапқирни тарақ этказганда, эшик ҳам тарақ этиб қолибди. Хотин:

— Вой, эрим келиб қолди. Сиз мана бу хумнинг ичига тушиб ўтиринг. Биз ётганимизда, чиқиб кетасиз,— дебди. Эри кириб:

— Тегирмони қурсин, ҳеч менга тегмайди. Ўша ерда ётиб қолай десам, тегирмон тор экан, етти-саккиз одам бор экан. Шу билан мен келиб қолдим. Бир озгина сувинг борми?— дебди. Хотини:

— Сизнинг сув ичишингиз қурсин, ўзингиз ичақолинг,— дебди. Эри сув ичаман, деб хумдаги одамни кўриб қолибди, бир урибди, хум синибди, қассоб қочиб кетибди, бир-мунча пули қолиб кетибди. Шу билан юрганда, уч-тўрт кун турганда, эри:

— Хотин, энди нима қиламиз?— дебди. Хотин яна бир тангани олиб, чўнтакка солиб, растага етиб қолибди. Айланиб юриб, бир катта дўкондорни кўриб қолибди:

— Амаки, читларингизни кўрсатинг,— деб тангани берибди. У:

— Тангангиз ўтмайди,— дебди. Хотин:

— Тангамиз ўтмаса, гашимиз ҳам ўтмайдими,— дебди. Чит-фуруш хотиннинг уйига бормоқчи бўлиб жойини сўраб қолибди. Эртаси дўкондор хотиннинг олдига борибди, анча пул берибди. Палов пишириб ейишиб, ундай-бундай дейишиб ўтирганда, эшик тарақ этибди.

— Вой, ўлай, эрим келиб қолди, энди нима қиламиз. Бўлмаса, сизни мана бу уйдаги бешикка белаб қўяман. Бой келиб ётгандан кейин сизни секин ечиб қўяман. Секин-секин чиқиб кетасиз. Шундан бошқа илож йўқ,— дебди. Читфуруш унабди. Хотин читфурушни бешикка ётқизибди, оёғи у ёқда, соқоли бу ёқда бешикка ётибди, устини ёпибди. Бориб эшикни очибди. Хотин:

— Келинг айланай, эрим. Неча вақтдан бери соғиниб қолдим. Сиз кетгандан кейин мен яхши бир ўғил кўрдим,— дебди. Эри:

— Қани кўрай-чи?— деб бешик олдига борибди.— Бу ўғлингнинг ўзи мунча, соқоли унча,— деб соқол-мўйловини шип-шийдам қилиб кириб ташлаб:— Мана энди эртага кўчага кўтариб чиқсам, уялмасдан чиқадиған бўлдим,— деб читфурушнинг қўлларини бўшатиб ҳайдаб юборибди. У кетиб қолиб, нарироққа етиб қолиб, неча кунгача кўчага чиқмасдан юрганда, беш-олти кун турганда, хотиннинг эри хотинига:

— Энди нима қиламиз?— дебди. Хотини:

— Э, ҳалиги тапга эсон бўлсин,— деб бояги қассобнинг олдидан ўтиб кетаётган экан, қассоб:

— Янга, тўхтаб туринг,— деб хотинни чақирибди. Хотин:

— Менга нима дейсан?— дебди. Қассоб:

— Юр бу ёкқа, сенинг қайси кунги қилган ишингга қозига олиб бораман,— дебди. Хотин:

— Юр, олиб борсанг!— дебди. Иккови бир-бири билан уришиб, суришиб, секин-секин юришиб кетиб қолиб, қозининг олдига етиб қолишибди. Қози:

— Хўш, нима жанжал?— дебди. Қассоб:

— Таксир, воқеа шундай. Қайси куни бу хотин менинг олдimgа келиб қолди, биттангалик гўшт-ёғ беринг, деб қолди. Мен бердим. У кўлимга бир тангани солди. Қарасам, танга ўтмас экан. «Тангангиз ўтмас экан», десам, «Тангамиз ўтмаса, гапимиз ҳам ўтмайдими?»— деди. Мен уйига борсам, унинг эри келиб қолди. Шошилганимдан чопонларим, пулларим қолди. Бу жуда ёмон экан. Менинг даъвом шу,— дебди. Хотин:

— Бунинг гапи ёлғон. Мен шундай келиб, гўшт-ёғ беринг десам, менга тегишди,— дебди. Қози хотиннинг гапига эътибор қилиб:

— Сендан ўтибди. Мен сени ундай қиламан, бундай қиламан,— деб дўқ қилиб, унинг гапини йўқ қилиб, кетказиб, ундай-бундай дегизиб:— Энди нима қиламиз?— дебди. Хотин:

— Нима қилсангиз, ўзингиз биласиз. Менинг эрим уйда йўқ. Уйга борасиз,— дебди. Қози бир ҳамён пулни олиб, шунинг билан кетиб қолиб, хотиннинг уйига етиб қолиб, паловни пишириб, товоққа тушириб, ейишиб, ундай-бундай дейишиб туриб, хотин капирни тарақ этиб қолган экан, эшикдан эри келиб қолибди. Хотин:— Вой, яна нима гап бўлди. Энди кейин гаплашармиз. Эрим келиб қолди. Сизни бешикка белаб қўяман. Эрим келиб ётгандан кейин аста бешикдан ечаман, шу билан сиз чиқиб кетасиз, эртага гаплашамиз,— деб қозини бешикка солиб, эшикни очибди:

— Эсон-омон ўтирибсанми?— дебди. Хотини:

— Э, сиз кетганингиздан кейин яхши ўғил кўрдим,— дебди. Эри:

— Ҳа, бўлмаса кўрай,— деб бешикни очибди.— Эй, бунинг соқоли бору. Оёғи бу ёкда экан. Мен буни эртага қандай қилиб кўчага олиб чиқаман, мўйчинакни олиб кел!— дебди. Хотини олиб келибди. Эри қозининг соқолини бир дона қолдирмасдан юлибди.— Энди аррани олиб кел! Бунинг оёғини ҳам арралайлиж,— дебди. Қози «энди бунга чидадим. Оёғимни арралаганда, қандай қилиб тураман»,— деб бешик-мешиги билан ўзини кўчага отибди. Шу билан эр-хотин қозининг шармандасини чиқарибди. Қози уйига кетди, қассоб у ёкқа кетди. Шу билан булар мурод-мақсадга етди.

ХИЙЛАИ КАМПИР

Бир замонда бир бой бор экан, у бойнинг бир ўғли бор экан, оти Абдугани экан. Бой кунини яшаб, ошини ошаб, дунёдан ўтган экан. Отасининг бисоти ва унинг қарзга берган пулларининг тилхати қолган экан. Бола шу вақтда ўн еттига кирган экан.

Кунлардан бир кун бола тилхатларни олиб, чўнтакка солиб, шу қарзларни ундириб келай, деб бир қарздорникига кета турса, қаттиқ шамол туриб, бунинг зарбидан бир дарвоза очилиб, унда бир қизни кўриб қолган экан. Ошиқу беқарор бўлиб, бир кампирни чакириб, гапга солибди:

— Мана шу қўшни маҳалладан ўтиб кета туриб эдим, шамол бўлиб, бир қизни кўриб, шу қизга ошиқ бўлиб қолдим. Шу билан мени бир гаплаштирсангиз, тилагингизни бераман,— дебди. Кампир:

— Э, болам, менга ўн тилла пул берсанг, мен ўша қиз билан бирга-бирга киламан,— дебди. Йигит:

— Хўп, нима десангиз қилиб бераман,— дебди. Кампир йигитни уйига ўтқизиб, кетиб қолиб, бозор бошига етиб қолиб, ўсма-сурма, атлас кўйлак, бархит камзул, маҳси ва улама соч олиб келиб, йигитни қиз шаклида кийинтириб, дарвозани тақиллатса, қиз чиққан экан. Кампир:

— Эй болам, узоқ ердан келаётган эдик, бир пиёла совуқ сувдан берсанг, ичсак, деб эшикни тақиллатган эдик,— дебди. Қиз:

— Ичкарига киришлар, чой қайнатиб берай, бир-икки пиёла ичиб кетарсизлар,— дебди. Кампир:

— Ҳай, болам, майли бўлмаса, чарчаб турибмиз, дамимизни олиб кетамиз,— деб қизнинг уйига кирган эканлар. Қиз:

— Бу қиз кимингиз?— деб сўрабди. Кампир:

— Болам, бу қизимнинг қизи — неварам бўлади,— дебди.

Қиз:

— Тузук,— деб буларнинг олдига нозу неъматлар қўйиб, чой келтирибди. Ейишиб ўлтирганда, кампир:

— Вой, қизим, уйнинг калитини тушириб қўйибман. Қизим, сен опангнинг олдида ўтиргин, мен бир қидирай,— деб йигитни қизнинг олдига ташлаб қетган экан. Шу билан кеч бўлиб қолибди. Қиз: «Бу ҳам қиз экан, ҳайдаб юборсам, бирор одам зарар етказмасин, бир кеча минг кеча бўлармиди. Опаси эрта-мертан келиб олиб кетар»,— деб ўйлаб, уйнинг ичига жойни солибди. Қиз уйқуда ётганда, ярим кечадан ўтганда, қизнинг уйқусини пойлаб қизга қўл теккизган экан. Қиз қарайдики, бу ёнида ётган қиз эмас. Қиз:

— Ҳали сен хийла қилиб мен билан қўшилдингми, мен

сени ўлдирмасам,— деб отасидан қолган ханжарни олган вақтида, йигит паранжисини олиб қочиб кетган экан, қиз бир ўғил бола туққан экан. «Болани ҳеч кимга айтмай боқиб юрсам, фалончи эрга тегмай туғиб олибди, дейди, бировга берсам, ё олади, ёки олмайди. Ундан кўра хийла қилай»,— деб ярим пуд гуручни қозонга солиб, маҳалладаги ўн-ўн бешта овул оқсоқолларини қақриб келиб, ошни егизиб, баракалла дегизиб, ҳаммасининг қўлига сувни қуйгизиб:

— Сизларга менинг бир гапим бор, айтсам майлими,— деб сўрабди. Улар:

— Ҳа, қани айтинг,— дейишибди. Қиз:

— Мен шу бугун ярим кечада эшикка чиқсам, дарвозанинг олдида бир ёш боланинг товуши келди. Кимнинг боласи экан, деб эшикни очиб чиқсам, остонамнинг тагига шу болани ташлаб кетган эканлар. Раҳмим келиб, битта-яримтаси олса олар, бўлмаса ўзим катта қилиб оларман, деб олдим. Агар кимга керак бўлса, олсин, бўлмаса, ўзимга қолсин, деб сизлардан сўрайман,— дебди. Улар:

— Майли, қизим, ўзинг кўтариб катта қилгин, биз розимиз,— деб кетишган экан. Шу билан ўзининг туққанлигини билдирмай, болани асраб, кўтариб катта қилибди. Олти яшар бўлганда тўй бўлиб, еттига чиққанда, мактабга берган экан. Бола мактабда етти йил ўқиб, ўн тўртга кирганда илмдон, билимдон, полвон, вазоҳатли бўлибди. Йигирмага кирганда, ўз маҳалласидаги бир бой катта тўй қилибди. Неча шаҳарлардан полвон ва ашулачиларни олдириб келибди. Бир ёқда кураш, бир ёқда ашула бўлиб турганда, ҳалиги бола ҳам курашга тушган экан. У тўрт киши билан курашиб, йиқитибди. Қўп шаҳарларга бориб курашиб полвон номини олган бир одамнинг аччиғи келиб:

— Мен билан ҳам курашасанми?— дебди. Бола:

— Ҳа, курашаман,— деб бу полвонни ҳақитган экан. Йиқилган полвоннинг жаҳлп чиқиб:

— Отасини танимаган бола экансан,— дебди. Боланинг аччиғи келиб, курашни ташлаб чиқиб кетган экан.

— Эй, она, мен курашда қўп полвонларни йиқитиб, охирида биттасини йиқитсам, «отасини танимаган бола экансан»,— деди. Менинг отам борми-йўқми?— дебди. Онаси:

— Болам, айтган одам тўғри айтибди. Отангни мен ҳам танимайман, сен ҳам танимайсан,— дебди. Бола:

— Она, нимага бундай дейсиз?— дебди. Онаси:

— Онанг айлансин, болам. Дунёда нима қўп десанг, хийла қўп экан. Мен уйда ўлтирган эдим, дарвоза эшиғи тақ-тақ этиб қолди. Чиқсам, бир кампир экан, бир қиз невараси ҳам бор экан. Мен неварасини қиз, деб чой қўйиб, гаплашиб

ўтирган эдик, кампир ховлиқиб: «Эй, қизим, сизлар гаплашиб ўтиринглар, мен калитимни тушириб келибман»,— деб чиқиб кетди. Кун кеч бўлиб қолди, кампир келмади, жой солиб ётиб қолдик. У қиз нусхасида бўлиб келган йигит экан. Сен шундай ҳийла қилдингми, ханжар ураман, десам, қочиб қолди. У у ёқда, мен бу ёқда тўққиз ойдан кейин сени тугдим. Маҳалладан беш-олти одамни чақириб келиб, маломат бўлмай, деб сени асраб боққанман. Кампир шу хилда ҳийла қилиб кетган бўлса, отанг фалончи, деб қандай айтаман, болам,— деган экан. Боласи:

— Бўлмаса, мен ўзимни ўзим ўлдиришим керак эканда,— дебди. Онаси:

— Йўқ, болам, шошма. Сенга бир гап ўргатай. Сен ҳам ўз кийимингни ўзгартириб, қиз шаклида бўлиб, бир дарвозага кириб: «Қочиб кетган одам яна ўша дарвозага борса, биз кутиб оламиз»,— деб хат ёзасан. Агар тирик бўлса, ўқиб, албатта, келади,— дебди. Боласи:

— Хўп,— деб хат ёзиб, кўча дарвозаларига ёпиштириб қўйган экан, орадан икки кун ўтганда, дарвоза эшиги тақ-тақ этиб қолган экан. Бола чиқиб:

— Кимсиз?— дебди.

— Уст-бошини ўзгартириб келиб, кетиб қолган Ғанижон биз, йўқлашган экансиз, шунга келдим,— дебди. Бола дарров эшикни очиб, уйига киргизиб, неча хил нарсалардан егизиб, ундай-бундай дегизиб, гашига қарайдики, опасининг гапи унақа, бунинг гапи бунақа, иккаласининг гапи шунақа эди. Бола:

— Сиз менинг отам бўлар экансиз, муроду мақсадимга етдим,— деб неча кун тўй-томоша қилиб, йигит олган, хотин теккан экан, бола отасини топган экан.

АБДУЛЛАХОННИНГ ЛАВАНГИ

Ундай экан, бундай экан, бир замони вақтида шундай экан, Абдуллахон деган хоп ўтган экан. Кунлардан бир куни Абдуллахон оиласи билан эрталабки понуштани қила туриб, эшикдаги хизматчиларига: «Юрса юра олмайдиган, тор ариқдан хатлай олмайдиган от тайёр қилинглар. Мен отга минар эканман, узангига оёқ қўяр эканман, шу чоқнинг ўзида маст қиладиган гиёҳ топиб, от билан бирга ушлаб, мен чиққанымча тайёр қилиб қўясизлар»,— деб хат ёзиб чиқарган экан. Хизматчилар хатни олиб ўқишиб, бўлмагур хаёлга ботиб: «Отни топиш мумкин-ку, ammo маст қиладиган гиёҳ топиш қийин-да»,— деб туришганда, хоннинг отига қарайди-

ган Юсуфжон отбоқар: «Бу гиёҳни мен топаман»,— дебди. Шу билан от ҳам, гиёҳни ҳам тайёр қилиб туришганда, хон ичкари ҳовлидан девоналар киядиган кийимни кийиб чиқиб:

— Қани, тайёرمى?— дебди.

— Ҳа, тақсир, тайёр,— дейишибди.

Хон отга миниши билан чилимни тортмоққа iltimos қилишибди. Хон дарҳол чилимни тортиб, кўзига олам қоронғи кўриниб, боши айланиб, отдан йиқилиб қолди. Бир-икки соат ўзини билмай, сўнгра ўзига келиб:

— Яшанглар, бу қандай гиёҳ?— дебди. Хизматчилар:

— Тақсирни олам, шу чакмишингиз наша,— дейишибди.

— Баҳоси қанча экан?— деб хон сўрабди. Улар:

— Уч пулга беради,— дейишди. Хон:

— Ўзи паст нарса экан, шунинг учун баҳоси ҳам паст экан. Лекин кимда-ким шу нашага берилса, уни чекаверса, миясини айнитиб, ақлини йўқотиб, энг паст киши бўлар экан,— деб отга миниб, кўчага чиқиб, халққа ўзини танитмай, бутун кўчаларни айланиб юриб, уйига қайтиб келиб, кийимларини алмаштириб, тахтда ҳозир бўлибди. Вазирларидан бири хонга:

— Сиз ўзингизнинг еган-ичганингиздан, кўрган-кечирганингиздан айтинг, эшитайлик,— дебди. Хон:

— Кўча тўла одам, ўз ишлари билан машғул. Лекин у кўчанинг, бу кўчанинг бурчакларида ишлашга мадорлари келмай ётган одамлар кўп. Мен шу одамларга ёрдам берсаммикан, деган хаёлга келдим,— дебди. Буни вазирлари маъқул топибди. Хон:

— Ҳотам боғига қозон қуринглар. «Абдуллахоннинг Ҳотам боғига лаванг, ишга қўли бормаи юрган одамлар боринглар, сонсиз бўлса-да, кираверинглар»,— деб кўчаларда жарчи қўйиб, жар чақиринглар,— дебди. Жар чақириб эшиттиргандан кейин ҳалиги кўчаларда ётган одамларнинг ҳаммаси борибдилар. Хон ош дамлатиб бераверибди. Биринчи куни бир қозон ош дамласа, иккинчи куни уч қозон ош дамладилар. Ҳотам боғига одам сиғмайдиган, ош қилса етмайдиган бўлиб қолибди. Ошпазлар:

— Тақсир хон, бугун тўрт қозон ош дамласак ҳам етмайди, ҳаммаёқни лаванг босиб кетибди, нима қиламиз?— дейишибди. Хон нима қилишини билмай, вазирларидан маслаҳат сўрабди. Вазирлар айтибди:

— Бозордан ўн арава янтоқ олиб келиб, бу боғнинг ўртасида бир кана қиламиз. Лавангларга «Ким шу капанинг ичига кирмаса, жазолаймиз. Шу ерда овқат еганларни энди куйдирамиз»,— деймиз. «Куйдирсангиз ҳам майли, ўл-

дирсангиз ҳам майли», дегувчилар бўлса, буларга ош берамиз. Хонга бу маъкул тушиб, дарров йигирма арава янтоқни олиб келиб қапа қилишибди. Хон: «Ош деб келган, ош еган лавангларни куйдириб, кулини кўкка соvuриб келинглар»,— деб буюрибди. Боғдаги икки-уч минг одамнинг ҳаммаси қочиб кетибди, етти киши қолибди. Боғбон уларга:

— Сизлар нима учун турибсизлар, ҳозир куйдиради,— дебди. Қолганлардан бири:

— Куйдирсанг, куйдир,— дебди. Иккинчиси:

— Куйган билан ҳам куйгандай бўламиз-а?— дебди. Учинчиси:

— Ҳа, энди нима бўлади, бўлганча бўлди,— дебди. Тўртинчиси:

— Қишда совуққа қотмаймиз-а,— дебди. Бешинчиси:

— Хон ўзи жуда яхши одам-да,— дебди. Олтинчиси:

— Айтишга мен эриняпман, менинг учун ҳам яхши,— деганда, боғбонлар хайрон бўлиб, ўтни ёқмасдан, хоннинг олдига бориб бўлган ҳодисани бир-бир баён қилибди. Хон туриб вазирларига:

— Нима қиламиз, булар нечта?— дебди. Вазирлар:

— Ўнтача бор,— дебди. Хон:

— Бўлмаса, бу ерга олиб келинглар,— деб буюрибди. Боғбон буларни тезда етказибди. Хон ҳаммага кийим-бош, овқат бериб, ҳар ҳафта бозорларни айлантириб, «Ким?» дейишса, «Абдуллахоннинг лаванглари» дейишган экан. Бир неча йил шу кайфиятда кун кўрган экан, муроду мақсадга етган экан, овозаси оламга кетган экан.

МАЪНОЛИ ГАП

Бир замонда бир шаҳарда бир хотин яшар экан, у ўз уйида кўпинча ўлтирмас экан, юриб-юриб келар экан, ору номусни ҳеч билмас экан, эрини назарга илмас экан, қавму қариндошининг ҳам гапига кирмас экан. Унинг тўғри сўзи йўқ экан, бир ўғил тукқан экан, унинг кўзи йўқ экан.

Ўғли ўсиб олти-етти ёшларга кирганда, кўп сўзларни билганда, бир кунни онаси уйда қолганда, онаси ёнида ўлтириб, онасига тикилиб туриб, гап сўраган экан.

— Одамлардан жуда кўп «бузов-бузов» дегани эшитаман. Бузов дегани нима, ул нимага ўхшайди?— дебди. Онаси:

— Эй, болам-ей, «бузов-бузов» дегани, бузов ўсиб катта бўлса, онасига ўхшайди,— дебди. Ўғли:

— Дуруст, онасига ўхшаса, онаси нимага ўхшайди?— дебди. Онаси:

— Онаси катта бўлса, сўқимга ўхшайди,— дебди. Ўғли:

— Сўқим нимага ўхшайди, она?— дебди.

— Вой, болам, отхонанинг ёнида турган эски тўқимга ўхшайди,— дебди.

— Ая, бировлар «Отхонадан айвон яхши, ақли йўқ ахлоқдан ҳайвон яхши» дейди, у нима дегани?— дебди. Онаси:

— У дегани ибратли сўз, болам.

— Нима учун ибратли сўз, ая?

— Эй болам-ей, биров-бировни кучим етади, деб уради, отхонада от туради.

— Отхонада от туради, биров кучим етади, деб уради, у одам қандай қилиб кўчада юради?

— Бировнинг кўчада югани, бировнинг ургани билан нима ишинг бор? Йиғлатадиган кишилар бор, болам.

— Эй ая, мен гапирсам, гап топиб берасиз. Яна сиздан бир гап сўрасам жавоб топиб берасизми?

— Энанг айлансин, болам. Бу уйда сен бору мен бор. Иккимиздан бошқа ким бор. Гаплашиб ўтирамин-да. Тагин нима гапинг бор, гапира бер.

— Кеча ариқ лабида ўтирсам, менинг олдимга Нормат ака билан Холмат акалар яқин келиб жуда кўп гапларни гапиришди-ей. Қулоқ солиб анча гапни эшитиб олдим.

— Эшитган бўлсанг, эсингдан чиқмаган бўлса, қани гапирчи, нима дейишди экан?

— Мени сиз туққанингизни билмас эдим. Сизни ҳам иғво қилиб ёмонлашиб гапиришди. Мени танишмади. Мен яна гапирсалар, бир нима дейман, деб турган эдим, бошқа гапга тушиб кетишди. Сўнг мен ҳам индамай қолдим.

— Майли, болам, эчкини ҳам сўйганда ўз оёғидан осадилар. Оғзим бор деб вайсаб гапираберади-да. Ҳамма одам бир хил бўлмайди. Бировнинг борини кўра олмайдиган, йўқ бўлсанг, бера олмайдиган ҳам бор. Улар иккиси бир-бирига нима гап гапиришди, энанг айлансин?

Нормат ака Холмат акага айтдики: «Меҳнат қилиб, пул топиб уйланган, уй-рўзғор қилганларнинг фарзандлари ҳуру парига ўхшайди-да. Меҳнат қилиб пул топиб уйланган кишининг фарзандлари ашулачи, аскиячи, чолғучи, курашадиган полвонга ўхшайдилар. Кўп бойларининг ўғлини кўраман: юзи тиртиқ, қўли чўлоқ, оёғи чўлоқ, гапни эплаб гапира олмайдиган бўлади». Холмат ака айтди: «Бойман, дейди. Бирни иккига олиб-сотиб, ёлғонларни гапириб, бировларнинг ҳақини ейди. Шунинг билан рўзғор боқади. Пул сўрасанг, гап сўрасанг, этагини қоқади. Мана, Раҳмонкул эшоннинг

бир ўгли бор: турса, ўлтира олмайди, ўлтирса, ётолмайди, фалаж бўлиб ётибди. Отасининг обрўси, юриши шунчаю боласининг аҳволи шунча. Яна кўп хотинлар келиб: «Эшон почча, боламга дам солиб қўйинг», дейдилар. Олдин ўз ўғлига дам солиб тузатса-чи. Сўнг бировга дам солса. Аксари «фолчиман», «эшонман», «сувни тескари оқизаман», «дуохонман» деган улуғларнинг боласи одам қаторида одам бўлмасдан, жинни-гинни, кўр, шол, оёғи чўлок, гаранг бўлади. Улар кўпларни алдаб, ёлгон гап билан бировнинг ҳақини ейди. Шунинг учун уларнинг фарзанди шунақа бўлади. Нима бўлсанг ҳам инсоф билан бўл. Инсофли, ўз кучи билан ҳалол пул топиб рўзгор қилган кишиларнинг фарзандлари тоза, тўғри, довюрак, ботир бўладилар». Нормат ака айтди: «Мана ҳозир ундай алдамчилар йўқ. Халқу халойиқнинг чинакам иззат-ҳурматли бўлишлиги илмдан, билимдан. Ҳами одамлар бир-бирига ёрдамчи, иттифоқ бўлиб, қил деган ишларни қилиб, қилма деган ишларни қилмай, тўғри ишлаб, турли ҳунарларни ўрганиб, турли завод, корхона, боғлар, қурилишлар, каналларда ишлаганидан дунёда мисли кўрилмаган қаҳрамонликларга эришди. Биз ҳеч қаршилиқдан кўрқмаймиз, кимки қарши бўлса, унга тегишли жавобимизни берамиз. Йўлбарс изидан қайтмайди. Бизда бирошта одам рашјидим, деб айтмайди. Йўлбарснинг оти иер экан, бировнинг ҳақини биров ер экан, бировга ҳақимизни еғизмаймиз»,— деб гаплашишди,— дебди.

ЯМОҚЧИ БИЛАН ШОҚАЛАНДАР

Бор экан, йўқ экан, бир замонда Қурбонқул деган ямоқчи бор экан. У кечгача ямоқчилик қилиб икки танга топар экан. Ярим тангасига ўнта шам олиб, бир ярим тангасига ёнғоқ, писта, майиз, ўрик олиб, дастурхонга солиб, шамни ёқиб, ўзини боқиб, чилдирмани қоқиб, бир-иккита олиб, оғзига солиб еб, ўзига-ўзи: «Олинг, енг, сизнинг давлатингиз подшоларда ҳам йўқ, саркардаларда ҳам йўқ. Камол топинг, дарвозани ёнинг,— деб ярим кечагача ўз-ўзини хурсанд қилиб юрар экан.

Бир кунги шу шаҳарнинг подшоши: «Кечаси кўчаларни бир айланиб келай. Шу салтанатим билан ўзим ёлғиз юрсам, битта-яримта одам кўриб қолиб, подшо нима қилиб юрибди, демасин»,— деб бошига кулоҳ, эғнига жанда кийиб, елкасига бир эски хуржун ташлаб, битта ҳассани таяниб, қаландарсифат бўлиб, кўчама-кўча айланиб юрса, бир уйнинг ичидан «ғижвадаванг, ғижвадаванг, имрақанг-рақанг, имра-

қанг-рақанг»,— деган чилдирманинг овози келибди. Подшо чилдирманинг овозига кулоқ солиб: «Ҳали ҳам буларга менинг зарбим кор қилмаган экан-да. Бу уйда ўн-ўн беш киши ё бачабозлик, ё фоҳишабозлик қилишяпти шекилли»,— деб аччиғи келиб, ҳалиги дарвозани тақ-тақ урган экан. Ичкаридан биров:

— Дарвозани тақиллатган ким?— дебди. Подшо:

— Узоқдан чарчаб келаётган девонайи қаландарман. Шу ерга келганда юришга қувватим қолмади. Агар иложи бўлса, ичкарига кирсам, бир пиёла чой, ёнбошлагудай жой бўлса, бир оз ором олиб, ҳақингизга дуо қилиб кетсам,— дебди. Ямоқчи дарвозани очиб:

— Кўп вақтлардан бери ўзим ёлғиз, ким билан гаплашишимни билмай юрган эдим. Мана, ичкарига кириб, чой тайёр, ётаман десангиз, кўрпа-ёстиқ — жой тайёр,— деб хурсанд бўлиб, ичкарига олиб кирибди. Подшо кириб қараса, дастурхоннинг атрофига ўнта шам ёқилган, дастурхонда нону мева ёйилган. Подшо бунни кўриб:

— Шерикларингиз қани?— дебди. Ямоқчи:

— Шерикларим йўқ, бола-чақа, ошна-биродарим йўқ. Мен ямоқ ямайдиган ямоқчиман. Ҳар куни ямоқ ямаб, икки танга тоғаман, дарвозани ёпаман, чилдирмани қоқаман, ўзимни яхши боқаман. Еганимни еб, емаганимни томга ташлаб ўтираман. Келсангиз, ҳар куни мана шу чой, мана шу жой,— деб подшолигини билмасдан ҳадеб гапираяпти. Подшо бўлса: «Булар ўн, ўн беш киши бордир, шуларни пайқасам, эртага шерикларини чақириб дўқ қилсам, деган эдим. Энди бу ўзи ёлғиз, бир эси камроқ одам экан. Бундан қутулиб чиқиб кетиш учун бир жигига тегадиган, кета беринг дейдиганроқ бир гап гапирай, зора кета беринг деса»,— деб бунинг аччиғини келтириш учун:

— Сиз ҳар куни ямоқ ямаб, кўп пул топар экансиз, кўпхарж экансиз. Мабодо эртага подшо «Ямоқчилик қилманг» деса, бу пулларни қаердан топиб сарф қиласиз?— дебди. Ямоқчи:

— Уйинг куйгур девона, подшонинг ямоқчи билан нима иши бор. Сен ёмон, назари паст девона экансан. Сенга бугун чой ҳам бермайман, жой ҳам бермайман, тур, кет!— деб чиқариб юборибди. Чилдирмасини чалиб, еганича еб ётиб қолиб, ухлаб қотиб қолиб, уйғониб бети-қўлини ювиб, ямоқ ямагани бораман деб турса, дарвоза тақиллаб қолибди, подшодан одам келиб қолибди. Ямоқчи чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. Келган одам:

— Қани, фалончи ямоқчи сизмисиз? Подшо сизни чақиряпти,— дебди. Ямоқчи уларнинг олдига тушиб: «Кечаги





девонани киргизмасам бўлар экан»,— деб пушаймон қилибди. Подшо салтанати билан ўтирган вақтида ямоқчи кириб:

— Ассалому алайкум,— дебди. Подшо:

— Келинг,— дебди. Ямоқчи:

— Келдик,— дебди. Подшо:

— Сизнинг ҳунар-касбингиз нима?— дебди. Ямоқчи:

— Мен ямоқ ямайдиган ямоқчиман,— дебди. Подшо:

— Ҳамма ямоқчилар ямоқчилик қилса ҳам, сиз қилманг, сизга рухсат йўқ,— дебди. Ямоқчи:

— Тақсир, ямоқчиликдан бошқа касбим йўқ. Энди нима қиламан?— дебди. Подшо:

— Мен сизга яхши бир касб топиб бераман, шуни қиласиз,— деб вазирларига,— ана шу қилични олиб, елкасига солиб жўнатишлар, ўз маҳалласига миршаб бўлсин,— дебди. Ямоқчи қилични олибди, елкасига солибди, кетиб қолибди, маҳалласига етиб қолибди. У ёққа борибди, бу ёққа борибди, кечгача қаёққа борса, шу ёққа борибди. Бир вақт қараса, кеч бўлиб қолибди. Уйда ҳеч нарсаси йўқ, ёнида пули йўқ. Аччиғи келиб, нарироққа борса, биров дарвозасининг олдида ўз хотини билан гаплашиб турган экан. Бу қиличини кўтариб югуриб борибди:

— Қани, юр бу ёққа!— дебди. У одам:

— Ҳа, нимага?— дебди. Ямоқчи:

— Дарвозанинг олдида хотинингиз билан гаплашиб турганингиз учун сизни олиб борадиган жойимга олиб бераман,— дебди. У одам:

— Мен маҳалла-қўй ичида кулги бўлмай. Мана бу икки тангани олгин, индамай қолгин,— деб икки танга берибди. У олибди, чўнтагига солибди. Икки тангага ҳар кунги оладиган нарсаларини олиб, дастурхонга солиб, шамларни ёкиб, чилдирмани қоқиб, ўзини боқиб ўтирган экан, дарвоза тақиллаб қолибди. Ямоқчи чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. У:

— Шоқаландар девонаман,— дебди. Ямоқчи:

— Энди киргизмайман, нафасингиз ёмон экан. Мен тирикчилигимдан қолдим,— деган экан, подшо ялиниб:

— Энди мен индамайман, гапирмайман,— деб кириб ўтириб, қўлидаги ҳассасини қўйиб:

— Баракалла, баракалла, бу нарсаларни қаёқдан олдингиз?— дебди. Ямоқчи:

— Индамай деган эдим, сўрадингиз, энди айтиб берай. Сизнинг кечаги гапингиз тўғри келиб, подшо мени ямоқчиликдан қолдириб, миҳдаги қиличини олдириб, бўйнимга солдириб, маҳалламизга миршаб қилиб юбордилар. Миршаб бўлиб, маҳаллани айланиб юрсам, биров хотини билан кўча

дарвозасининг олдида гаплашиб турган экан. Қиличимни кўрсатиб, бир дўқ уриб эдим, икки танга берди. Шу икки тангани олиб, чўнтагимга солиб, дастурхонни ёзиб, шамни ёқиб, ўзимни боқиб ўтирибман,— дебди. Шоқаландар:

— Чакки қилибсиз,— дебди. Ямоқчи:

— Ҳа, нимага?— дебди. Шоқаландар:

— Мабодо ўша одам ўзи камбағал бўлса, ёнида шу икки тангадан бошқа пули бўлмаса, дўқингиздан қўриқиб сизга берган бўлса, бола-чақаси оч қолган бўлса, подшонинг олдида бориб арз қилса: «Хотиним билан гаплашиб турсам, миршабингиз дўқ қилиб, икки тангамни йўқ қилиб олиб кетди» деса, подшо сизни чақиртириб: «Нега буларнинг икки тангасини олдингиз?» деса, шунда нима дейишингизни ўйламай, пулини олишингиз яхшими?— деган экан. Ямоқчи:

— Дунёда бундай эси паст девонани кўрганим йўқ. Биров икки тангаси учун подшога бордию, унга арз қилдию. Шундай ўтираман деган одам яна гапиради-я. Шунинг учун киргизмайман деган эдим-да. Тур кет, бундан кейин сира келма-е!— деб дарвозадан чиқариб қўйибди. Уни чиқариб юбориб, ётган экан, эрталаб яна дарвоза тақиллаб қолибди. Ямоқчи чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. Келган одам:

— Подшо сизни чақиряпти,— дебди. Подшо ямоқчи боргунча бир йигитнинг бошига паранжи ёпинтириб, бетига чимматни туттириб, бир йигитни ёнига қўйиб, гап ўргатиб қўйган экан. Ямоқчи бориши билан подшо:

— Ҳа, келинг!— дебди. Ямоқчи:

— Келдик, чақиртирган экансиз,— дебди. Шунда подшо халиги «хотин» билан йигитга қараб:

— Қани, нима дейсизлар?— дебди. Йигит:

— Тақсир, биз бир камбағал одамлар эдик. Дарвоза тагида хотиним билан гаплашиб турсам, бир миршабингиз келиб дўқ уриб, икки тангамни олиб кетди,— дебди. Подшо ямоқчига:

— Қани, буларнинг икки тангасини олган бўлсангиз беринг!— деган экан, ямоқчи:

— Тақсир, мен уни еб қўйганман. Энди ўзингиз беринг, бундан кейин ўзи берса ҳам олмайин,— деб келган экан, маҳаллага етган экан. Ямоқчи у ёққа бориб, бу ёққа бориб, кимга дўқ қилишини билмасдан уйига кирибди. Қилични қинидан олибди, узун тарашани қиличнинг қинига солибди. Қилични икки тангага бировга гаров қўйиб, харажат қилиб, дастурхонга солиб, чилдирманни чалиб, базминни қилиб ўтирган экан, яна дарвоза тақиллаб қолибди. Ямоқчи чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. Шоқаландар:

— Шоқаландар девонаман,— дебди. Ямоқчи:

— Бу ердан бошқа келадиган жой қуридимп, ҳаминша келасан, индамайман, деб кирасан, гапирмайман, деб гапирасан. Гапирган гапинг нари бўлмай, айтгашиг келади. Энди киргизмайман,— дебди. Шоқаландар:

— Энди индамайман. Оғзимни қўлим билан бекитиб ўтираман,— дебди. Ямоқчи:

— Энди индамайман, деяпти. Бу сафар ҳам киргизай-чи,— деб киргизибди. Подшо кириб қараса, яна ўнта шам ёқилган, гижвадаванг... Ямоқчи Шоқаландарга:

— Девона бобо, овқат есангиз ҳам майлига. Аммо, индаманг,— дебди. Подшо:

— Сиз индамасангиз, мен ҳам индамас эдим. Сиз гапирдингиз, энди мен ҳам бир оғиз гапирай. Бу нарсаларни қаёқдан олдингиз?— дебди. Ямоқчи:

— Подшо мени миришаб қилган эди. Қарасам, ҳеч нарсанинг тайини йўқ. Қилични гаровга қўйиб, қинига тарашани солиб, базм қилиб ўтирибман,— дебди. Шоқаландар:

— Чакки қилибсиз-ў,— дебди. Ямоқчи:

— Ҳа, нимага чакки қилибман?— дебди. Шоқаландар:

— Чакки қилганингиз шуки, эртага сизни подшо чақиртириб олиб борса, дафтарга қараса-ю, битта-яримта ўғрининг куни бўлиб қолган бўлса, жаллодлари бир ёққа қовун сайилга кетиб қолишган бўлса, «Жаллодлар йўқ экан, шу ўғрини сиз сўйиб қўя қолинг» деса, қиличнингизни олсангиз, тарашалиги биллиниб қолса, унда нима деб жавоб берасиз?— дебди. Ямоқчи:

— Уйинг куйгур, ҳамма гапингдан ҳам бу гапинг совуқ. Индамайман, деб ўтириб шунча гап гапирдинг. Энди бундан кейин сен тугул, бошқа одамни киргизсам ит бўлай, мушук бўлай, бундан кейин ўзимга пишиқ бўлай, тур кет. Бундан кейин ҳеч келма,— деб Шоқаландарни эшикдан чиқариб юборибди. Эрта билан дарвоза тақиллаб қолибди. Ямоқчи:

— Кимсиз?— дебди. У одам:

— Сизни подшо йўқлаяпти, юринг!— дебди. Ямоқчи қиличини олиб, елкасига солиб борибди. Бу боргунча, подшо битта ўғрининг қўл-оёғини бойлаб, ётқизиб қўйибди. Ямоқчи боргандан кейин:

— Қани, келдингизми?— дебди. Ямоқчи:

— Ҳа, келдик,— дебди. Подшо:

— Эрта билан чой ичиб ўтириб, дафтар карасам, мана бу ўғрининг куни битган экан. Жаллодлар мендан сўрамай, меҳмондорчиликка кетган экан, энди сиз ўз қўлингиз билан ўлдириб қўя қолинг!— дебди. Ямоқчи:

— Тақсир, мен умримда мусича у ёқда турсин, чум-

чуқ ҳам сўйганим йўқ. Бу иш меннинг қўлимдан келмайди. Бу ишни менга буюрманг,— дебди.

Вазирлар:

— Подшонинг гапини қайтарасанми? Бу гапинг билан подшо ўзингни сўйдириб юборадилар,— дейишган экан, ямоқчи:

— Хеч қўнглим бўлмаяпти,— деб қилични олай деса, тарашалиги билиниб қолади, олмай деса «Бўл-бўл!»— деб қистаб туришибди. Нима қилишини билмай, «ё пирим» деб қилични олибди, қиличга қараганича қолибди. Подшо:

— Нега қиличга қараганингча қолдинг?— дебди. Ямоқчи:

— Бу одам ўғри эмас экан, бегуноҳ — тўғри одам экан. Бу одамнинг тўғрилигидан сиз берган қиличнинг тараша бўлиб қолганини қараг!— деганда, подшо:

— Қилични бу ёққа бер! Сен ҳеч ишнинг улдасидан чиқмас экансан, тур йўқол!— деб саройдан ҳайдаб чиқарган экан.

ОНА МУҲАББАТИ

Бор экан, йўқ экан, Қорақўл деган юртда Эгамберди деган йигит Қурбонжон деган кампирнинг қизини олган экан. У беш-олти ой мураса қилиб, хотинини ташлаб кетган экан. Эридан хотинига егани ҳеч қандай овқат қолмаган экан. Хотин эрини келармикан, деб кўз тутса ҳам, эри келмаган экан. Келмагани майлига-ку, иккиқат бўлиб қолган экан. У шу аҳвол билан ҳар кимнинг эшигида юриб, кунини кўриб юра берган экан.

Кунлардан бирида бу хотин бир ўғил туққан экан. Боламини қандай қилиб боқаман, деб томоғидан бўғқан экан. Лекин раҳми келиб, ўйлаб, ўзига-ўзи сўйлаб, болани ўлдирмаган экан. Нариги маҳаллада бир бой ўлган экан. Бойдан ўртоғига қўп мол-дунё қолган экан. У ўртоғининг олдига бориб:— Бу болани мен туғдим, томоғидан бўғдим, раҳмим келиб ўлдиришга қўрқдим. Сенинг боийнгдан қўп мол-дунё қолган, фарзандинг йўғидан муҳтожсан. Шу болани мендан олсанг, мен бир жойда хизмат қилай десам, болам билан бориб, кўзига хунук кўриниб қолиб, борар жойим бормас бўлиб қолмасин. Сенинг олдингга гоҳ-гоҳ келиб болани эмизиб кетсам, шунинг билан уни тарбия қилсак. Вояга етиб, каттариб қолса, икковимизга ҳам ўғил бўлиб қолса,— деб ялиниб-ёлбориб унга болани берган экан. У: «Хўп, дуруст», деб болани олган экан, гоҳида боласининг олдига келиб, эмизиб кетиб юрган экан. Тўрт ой, беш ой келиб-кетиб эмизиб юрганидан

кейин боққан она бу болани ўзига оғдириб, ўзини танитиб, ақлиниги бегона қилма, деб туққан онасини келтирмасдан қўйган экан. Бола беш яшар бўлган вақтида боқиб олган онаси гузарда қассобдан гўшт билан ёғ олиб келгин, деб буюрган экан. Туққан онаси болани кўриб, югуриб келиб: «Вой болам, айланай, уйимга киргин, бир ғалати ўйин бор, кўриб кетгин»,— деб болани уйига олиб кириб, кўрпачага ўтқазиб, неча хил поз-неъматларини боланинг олдига ёйиб қўйиб, болани унга берганига пушаймон қилиб турган вақтида, бола хаёлланиброқ қолган экан. Шунда болани боққан онаси болани қидириб келиб, боланинг туққан онасини зўрлик қилиб урган экан. Бу калтакнинг зарбидан боланинг туққан онаси: «Мени бундай хўрлаб урганига подшоининг олдига бориб арз қиламан»,— деган экан. Болани боққан она: «Сен ҳам борасан, мен ҳам бораман. Болани ҳам олиб борамиз. Подшо болани сенга ҳукм қилиб берса, бола сенга ўтсин. Менга ҳукм қилиб берса, менга ўтсин»,— деб шу можаро билан иккови подшоининг олдига кетибдилар, саройга етиб, арзимиз бор,— дебдилар. Подшо:

— Арзларинг нима, айтинглар?!— дебди. Шунда туққан онаси:

— Мен бир бойга теккан эдим. У бой эмас экан, ўз кунини эплай олмай юрган экан. Мен овқат топиб бергин десам, унинг аччиғи келиб мени калтак билан урди. Мен: «Сенинг бу урганингнига бошим етган ерга бориб арз қиламан», деган эдим. Менинг бу сўзимдан кўрқиб, мени ташлаб кетган эди. Унда мен ҳомиладор бўлиб қолган эканман. У бола қорнимда вақтида қўни-қўшнилариининг хизматини қилиб, кунини кўриб юрган эдим. Вақти келиб мен бир ўғил туғдим. Бу болани асрамоққа камбағаллик, муштипарлик қилиб қолдим. Шаҳрингизда бир бой ўлган экан, ундан беҳисоб мол-дунё қолган экан. Шунини билиб, боламни шу бойнинг хотинига бахшида қилиб бердим. Гоҳ-гоҳ ўзим келиб болани эмизиб юрдим. Бир кунини бой хотин: «Бу болани менга бердинг, ўзимники»,— деган эди. Унинг сўзига мен ҳеч нима демай юрган эдим. Бу бола беш яшар бўлган вақтида кўчадан боланинг ўтиб кетганини кўриб қолдим. Югуриб чиқиб бетидан ўшиб, уйимга етказиб, кўрпачага ўтқазиб, олдига об-овқат қўйиб егизиб, улай-булай дегизиб ўтирган вақтимда бу хотин келиб: «Сен менинг боламни йўлдан уриб, нега олиб ўтирибсан?»— деб уриб озор берди. Болани туққанга ҳукм қилиб берасизми, ё боққанга ҳукм қилиб берасизми? Шунини арз қилгани келдик. Арзим шу,— дебди. Подшо болани боққан онасидан:

— Бу гапга сен нима дейсан?— дебди. Боққан хотин:

— Болани туққан ўзим, боққан ўзим. Бу болани ўзимга ҳукм қилиб берсангиз, деб умид қилиб, арз этиб келдим,— дебди. Подшо:

— Икковининг бу сўзларингга қараганда, болани биринг туққанга, биринг боққанга ўхшайсанлар. Шунинг учун бола қайсингга оғушта бўлса, уни ўшанга ҳукм қилиб бераман,— деб боладан гап сўраб:— Эй, бола, мана бу сени туққан экан. Мана бу сени асраган экан. Асраган — боққан онанг билан юрасанми, ё туққан онанг билан юрасанми?— дебди. Бола туриб:

— Қайси туққан, қайси боққан, бу гапни мен ажрата олмайман. Қайсига ҳукм қилиб берсангиз, ўшанинг орқасидан кета бераман,— дебди. Подшо қиличини олиб:

— Менда ихтиёр бўлса, мен боланинг ўртасидан чопиб, икковингга баробар бўлиб бераман. Сўроғим шунга келди. Болани кўндалангига бўлиб берайми, тиккасига бўлиб берайми? Қайси биринг шунга розисан, қайси биринг шундан норозисан,— деб икковидан гап сўрабди. Болашнинг туққан онаси:

— Бу болани мен туққан бўлсам ҳам, даъвомдан кечдим. Мен болани бўлиб олмайман,— деган экан. Подшо болани боққан онадан:

— Шу болани сенга бўлиб беришимга розимисан, қандай бўлиб берай?— дебди. Боққан она:

— Менга қандай бўлиб берсангиз, шундай бўлиб беришг,— деб болани тақсим қилишга кўнган экан. Подшо болага қараб:

— Тур, бола, ана у турган сени туққан онанг экан. Сени ўшанга ҳукм қилдим,— дебди болани туққан онасига ҳукм қилиб берган экан.

БОЙ БИЛАН МЕҲМОН

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясавул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, тошбақа тароздор экан, қурбақа ундан-тўрт пул қарздор экан. Аккан экан, дуккан экан, Абдурасул деган бир киши бор экан, янтоқларнинг гулини чаккасига таққан экан. У: «Бой, бой бўлай, бой бўлай, кўчада қолган лой бўлай, қайнамай совиган чой бўлай, суви йўқ сой бўлай, думи йўқ той бўлай, осмондаги ой бўлай»,— деб тилак тилаб юрган экан. Шундай деб юриб, бой бўлиб қолган экан.

Кўнларининг бирида бойнинг дарвозаси тақ-тақ қилиб қолган экан. Бой чиқиб:— Кимсиз?— деб сўраган экан. Эшик урувчи:— Ўткинчи — йўловчи меҳмонимиз,— деб жавоб қилган экан. Бой:— Қани, ичкарига киришг, меҳмонхона тор,

қўрпачаси бор,— деган экан. Бой тўртта нонни олиб чиқиб, лаганга солиб чиқиб, нонни синдириб, одамгарчиликни билдириб, меҳмонга: «Олинг-олинг», деган экан. Меҳмоннинг иштаҳаси карнайдай экан, ноннинг тўрттасини ҳам еб қўйган экан. Бой ичида: «Иккитасини олиб чиқсам бўлар экан»,— деб:— Меҳмон, кетасизми, ётасизми?— деб сўраган экан. Меҳмон:— Уч-тўрт кун шу ердамиз,— деган экан.

Меҳмон уч-тўрт кун тургандан кейин, бой яна:— Меҳмон, кетасизми, юрасизми?— деб сўраган экан. Меҳмон:— Беш-ўн кун шу ердамиз,— деган экан. Беш-ўн кундан кейин бой яна:— Меҳмон, кетасизми, юрасизми?— деб сўраган экан. Меҳмон:— Беш-олти ой яна шу ердман,— деб жавоб берган экан.

«Бу текин овқатни тошиб, еб юраберар экан-да, кетгин, десам, кўнглига келса, индамасам бўлмаса, шма десам бўлар экан»,— деб бой тилини аччиқроқ қилиб:

— Меҳмон, отингиз нима?— деб сўрабди. Меҳмон:

— Менинг отим Кунда-шунда,— деган экан. Бой:

— Отангиз отингизни билмасдан янглишиб қўйган экан. Асли отингизни «Кунда-шунда», деб қўймай, «Унда-бунда» деб қўйса бўлар экан,— дебди. Меҳмон:

— Бой ака, бу гапингизга қараганда, келганимиз, сизникида овқат еганимиз малол келганга ўхшайди. Кетиб қолсам майлигами?— деб сўрабди. Бой:

— Хайр бўлмаса, ўзингиз биласиз,— дебди. Бу гап билан меҳмон чопонини олиб, елкасига солиб жўнаб қолибди.

Меҳмон кетиб қолибди, нарироққа етиб қолибди. Бой дарвозани илб олибди, ичкарига кириб олибди.

— Хотин, меҳмонни кетказдим, нарироққа етказдим, неча вақтдан бери чўзма егим келиб юрар эди, чўзма қилиб бергин,— дебди. Бойнинг хотини йигирмата чўзмани пишириб, товоққа тушириб, бойнинг олдига қўйибди. Бой тўрттасини еб қўйибди.

— Хотин, бу чўзма одамнинг кўнглига тегар экан. Қозонга каллани сол!— деб буюрибди. Дарвоқе, бой бир қўйни сўйиб, калласини тузлаб қўйган экан.

Хотини каллани олибди, қозонга солибди, бой қараса, озгина кўришиб турибди. Неча вақтдан бери сақлаб юрган қазиси бор экан, уни ҳам олибди, қозонга солибди, пишириб олибди, тоғорага солибди. Дастурхонни катта қилиб ёйиб, ўзидан койиб, чўзмани дастурхоннинг у ёғига қўйиб, каллани бу ёғига қўйиб, қазини кўлига олиб, энди тўғрайман, деб турган экан, дарвозанинг ҳалқаси «тақ-тақ» этиб қолибди. Бой хотинига:

— Ҳалиги кетган меҳмон тагин келиб қолганга ўхшайди.

Бу овқатни ҳам еб кетмасини тағин. Чўзмани олиб қўй, сандиққа солиб қўй. Дастурхонга ўраб, кўрпанинг орасига каллани элтиб қўй. Тоғоранинг тагига қазини тўнтариб қўй,— деб учовини уч жойга яшириб йўқ қилиб, дарвозага бориб дуқ қилиб: «Кимсиз?»— дебди. Меҳмон:

— Ҳалиги кетган меҳмонимиз,— дебди. Бой:

— Боя кетиб эдингиз, тағин нимага келдингиз?— деса, меҳмон:

— Бир оғиз сўзим бор, айтаман, орқамга қайтаман,— дебди. Бой:

— Қани, нима сўзингиз бор, айтақолинг,— дебди. Меҳмон:

— Богона сизшикидан кетиб қолиб эдим, нариги маҳаллага етиб қолиб эдим. Қарасам, бир тоlining салкинида, ариқнинг лабида, ўрта йўлда бир илон кўрдим. У илоннинг йўғонлиги шу топда пишириб, тоғоранинг тагига тўнтариб қўйган қазингиздай келади,— дебди. Бой:

— Хайр, нима бўбди?— дебди. Меҳмон.

— Илоннинг у ёғидан ўтай десам, кўрқдим; бу ёғидан ўтай десам, кўрқдим. Урай десам, қўлимда калтагим йўқ. Орқамга қарасам, дастурхонга ўраб, кўрпанинг орасига яшириб қўйган қўйининг калласидай бир кесак кўрибди. У кесакни олиб, илонни мўлжаллаб урсам, сандиққа солиб қўйган чўзмадек чўзилиб қолди,— дебди.

Бой хайратда қолиб: «Бу бекиз меҳмон эмас. Кўрмасдан ҳам кўргандай айтди»,— деб поилож овқатларини олиб чиқиб, идишга солиб чиқиб, меҳмонга едириб, оллоҳу акбар дегизиб, меҳмонни кетказиб, нарироққа етказиб қутулган экан, бошқа гапга тутилган экан.

ТУҲМАТИ ЖАЛЛОД

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, қадим замонда, Бухоро шаҳрида Хондархон деган подшо ўтган экан. Вазирларининг ичида эътиборга оладиган Қосим жаллод кушиши бор экан. У Қосим жаллод подшога эътиборли бўлиб юратурсин, индамай шу ерда турсин.

Шу замонда Муҳаммаджон деган бир йигит отасидан қолган мол-дунё билан орзу-ҳавас қилиб, Абдурасулбойнинг қизини олган экан, Муҳаммаджон олган хотини билан етти йил иттифоқлашиб уй-рўзғор ўтказиб юрган вақтида, бир кун хотинига айтибди:

— Э хотин, мен тенги уйланганлар фарзандини кўтариб кўчага чиққанларини кўрсам, уларнинг олдида уйланмаган

йигитдек юришга уяламан. Шу йўриқдан сенга айтадиган бир сўзим бор. Етти йил сен билан умр қилиб, фарзанд кўрмадим. Шу йўриқдан мен сени ташлаб, маҳалладаги ўртоқларим билан саёҳат қилиб, бир-икки йил айланиб келмоқчиман. Аммо келаман дейман, бир-икки йилда келмасман. Шунинг учун сен мени уч йил кутасан. Агар уч йил кутмасдан турмушга чиқсанг, сен мендан яхшилик кўрмайсан. Уч йилга етар-етмас уй харажатларини тўғрилаб бериб:— Остона ҳатлаб эшикка чиқмайсан,— деб сафарга чиқиб кетган экан.

Хотин эридан ҳомиладор бўлиб қолган экан. Эри кетгандан кейин олти-етти ой ўтар-ўтмас хотин бир ўғил кўрибди. Бу боласини чунон ҳам эҳтиёт қилиб юрганда, эрининг кетганига икки ярим йил бўлибди. Бола икки яшар бўлибди. Болани олиб, бешикка солиб, эрининг сўзлаган гапларини эсига солиб, боласини ухлатмоқчи бўлиб, алла айтибди:

Алла, болам, аллаё, алла

Жон болам, жоним болам, алла.

Балаид-балаид тенада қуш ўлтирар, алла,

Йўқчилик бошимга кулфат келтирар, алла.

Йўқ бўлиб, оға-инидан хор бўлганча, алла.

Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча, алла.

Яхши бўлса эр йигитнинг хотини, алла,

Шу чиқарар эр йигитнинг отини, алла.

Деразадан ой тушади юзимга, алла,

Сиздан бошқа ёр кўринмас кўзимга, алла,

Кеча-кундуз сабр тилайман ўзимга, алла.

Жон болам, жоним болам, алла,

Отасини кўрмаган, йиғисини қўймаган, алла.

Жон болам, жоним болам, алла.

Боласини ухлатиб, опаси ҳам бешикка бош қўйиб, ухлаб қолган экан. Ҳар ким бир нарсани ўйласа, тушига кирар экан. Хотин ухлаб ётган вақтида тушида эрини кўрган экан. Қандай кўрган экан? Эри келиб кўча эшикдан чақиргандай, югуриб хотин чиқиб қараса, эри лойга ботиб қолгандай. «Э хотин, қирай десам эшигинг берк экан. Сўнг лойга ботиб қолдим, кел, қўлимдан торт!»— дебди. Хотин эрининг қўлидан ушлаб лойдан тортаман, деб турганда, эрининг оёғини тагига йиқилиб кетибди. Уйғониб қараса, туши экан. «Ажабо, бу нима бўлди. Буни кимга айтаман». Эрим: «Остона ҳатлаб эшикдан чиқмагин», деган эди. Чой қайнатиб, олдига олиб бир пиёла чой ичаман деганда, дар-

воза эшиги тақ-тақ этиб қолибди. «Бу ким экан»,— деб эшикнинг олдига бориб:— Кимсиз?— деса, бир ҳамсоя-қўш-ниси Мастура деган кампир экан. У кампир бу хотиннинг пайида бўлиб юрар экан. У кампирнинг кириши дўст, чиқиши душман экан. Хотин:

— Э эна, нимага келдингиз?— деса, кампир:

— Айланай, болам, уйимда гугуртим тамом бўлиб қолган экан. Сизда бор бўлса керак, деб сўрагани чиқдим,— дебди. Хотин:

— Ажаб яхши чиқибсиз, ичкарига кириг. Бир пиёла чой ичинг,— дебди. Кампир:

— Ҳа, майли, ичсам ичай,— деб ўлтирибди. Хотин:

— Мен сизни бир энамнинг ўрнида кўриб юраман. Бир туш кўрдим. Сиз тушимни яхши жўйиб беринг,— дебди. Кампир:

— Айт-чи, болам, нима туш кўрдинг?— дебди. Хотин:

— Тушимда эрим келиб чақиргандай бўлди. Қувониб югуриб эшикни очгани чиқиб қарасам, эримни лойга ботиб қолган ҳолда кўрдим. Эрим: «Менинг қўлимдан ушла, тортиб ол», дегандай бўлди. Мен эримнинг қўлидан тортаман десам, эримнинг оёғининг тагига йиқилиб кетдим. Уйғониб қарасам, тушим экан, дебди. Кампир:

— Э болам, сен тушингда бой кўрган бўлсанг, бойнинг оёғи тагида лой кўрган бўлсанг, эрининг оёғи тагига йиқилиб кетган бўлсанг, икки кун ичида бир киши сени туҳмат қилиб, подшоҳнинг олдига олиб бориб, бир юз саксон газ келадиган миноранинг тепасидан ташлатиб юборар экан,— дебди. Хотин:

— Сенинг менга душманлигинг бор экан. Энди кирсанг, оёғингни синдираман. Душманлигинг ўзингга бўлиб, дўстлигинг менга бўлсин,— деб гугурт бермай, эшикдан ҳайдаб чиқариб юборган экан. Шу билан кампир чиқиб кетибди. Хотин: «Қуриб кетгур кампир, менинг ўчган ўтимни ёндириб, юрагимни куйдирди. Айтмасам бўлар экан. Кампирнинг бундай деганига, ўзимнинг кўрган тушимга бир оз садақа бериб келай»,— деб эри кетгандан бери йиғириб қўйган ипи бор экан, «шуни сотиб, пулни уч-тўртта гадойга садақа бериб келай»,— деб ўйлаб, ўзига-ўзи сўйлаб: «Қандай кийим кийиб борсам экан. Ёшга ўхшаб бозорга борсам, битта-яримта йигит кўзининг қирини ташламасмикан, ҳар ҳолда кампирларга ўхшаб бораёй»,— деб кампирларга ўхшаган кийим кийиб, уйдан чиқиб, калава бозорга яқин етиб, бировдан:

— Айланай, болам, калава бозори қаерда?— деб сўрабди. У:

— Яқин қолди,— деб калава бозорини кўрсатиб берибди. Аста-секин калава бозорига кириб кетаётса, бир дўкондор йигит:

— Қўлингиздаги нима?— дебди. Хотин:

— Айланай, болам, калава,— дебди. Йигит:

— Сотасизми?— дебди. Хотин:

— Сотаман,— дебди. Йигит:

— Олиб келинг, бўлмаса,— деб тарозига солиб тортиб кўриб:— Калавангиз ўн қадок экан. Қанча сўрайсиз?— дебди. Хотин:

— Айланай, болам, ўзингизга инсоф берсин, мен нима дер эдим,— дебди. Йигит:

— Бўлмаса, ўн қадок калавангизга ўн танга бераман. Хўп десангиз, беринг,— дебди. Хотин:

— Айланай болам, майли,— дебди. Дўкондор:

— Мен калавангизни ўн тангага олдим. Лекин беш танга пулим бор экан. Шу растанинг нариги бошида менинг ўртоғим бор. Сизга шу ўртоғимдан беш тангангизни олиб бераман, хўп десангиз, юринг,— дебди. Хотин:

— Майли, болам,— дебди. Дўкондор билан хотин кетишаётган вақтда Бухоронинг подшоси Қосим жаллод деганига кўп қаттиқ гуноҳ қилган ўғрини дорга осгин, деб фармон берган экан. Қосим жаллод шу ўғрини калава бозоридан ҳайдаб келаётганини, халқ тўпланиб турганини хотин кетатуриб кўриб қолибди. Кўпчиликни кўрмаган, остона ҳатлаб кўчага чиқмаган хотиннинг хуши кетиб, бошидан паранжиси тушиб, паранжига оёғи ўралиб йиқилибди. Қосим жаллод хусни-жамолини кўриб қолиб «Яхши хотин эканда»,— деб ўғрини ҳайдаб кета берибди, хотин дўкон тахтасининг тагига яширлиниб қолибди.

Қосим жаллод кета туриб, Абдулла чакқон деган бир муғомбир айёр, ҳар дардга тайёр одамини йўлда учратиб:

— Сен орқанга қайтгин. Калава бозорида бир хотинни кўриб қолдим. Шу хотинни менга олиб келиб, менинг билан гаплаштирсанг, мен сенга бир от, юз танга пул бераман,— деб ўғрини ҳайдаб кета берибди.

Абдулла чакқон бу сўзини эшитиб, калава бозорига келиб, Қосим жаллод айтган хотинни излаб юрганда, бир хотин калавафурушнинг олдида турган экан. У калавафуруш:

— Мана беш танга, олинг, калавани беринг,— деб турибди. Абдулла чакқон бу гапни эшитиб, отдан тушиб, калавафурушнинг ёқасидан ушлабди. Йигит:

— Биродар, нима иш қилдим, менинг ёқамдан бўғасиз?— дебди. Абдулла чакқон калавафурушга:

— Нега сен бу хотинга пул беряпсан?— дебди. Хотин:
— Э болам, бу ганин сиз айтманг, мен бу кишига калава сотдим, калавамга пул беряптилар,— дебди. Абдулла чаққон:

— Ха-ха, калавангиз қайси?— дебди. Хотин:

— Ху, ана у,— дебди.

— Бўлмаса, бу калавани олиб, тарозига солиб кўр-чи, қанча келар экан,— дебди. Калавафуруш унинг гапи билан калавани олиб тарозига кўйиб:

— Мана, ўн қадок. Ҳар қадокни бир тангадан — ўн танга бердим,— деди. Абдулла чаққон:

— Бўлмаса, сен ўн тангага олган бўлсанг, алдамаганинг шул хотин қолганимиди? Бу калавани ҳар ким ўн беш тангага оладию сен ўн тангага оласанми?— дебди. Калавафуруш:

— Сиз ўзингиз ўн беш тангага оласизми?— дебди. Абдулла чаққон:

— Ха, оламан,— дебди.

— Манг,— дебди. Абдулла чаққон калавафурушнинг кўлидан калавани олиб:— Мана, эна, ўн танга. Беш тангани меннинг уйимдан бориб оласиз. Шу ердан тўғри бориб, иккинчи маҳаллага ўтиб, Абдулла чаққоннинг уйи қайда, деб сўрасангиз, ҳамма кўрсатиб беради,— дебди. Хотин Абдулла чаққоннинг сўзига ишониб, калавафурушга ўн тангани қайтиб бериб, калавани олиб жўнаб қолибди. Абдулла чаққон:— Эна, сиз бора беринг. Меннинг бозорда ишим бор,— деб қолиб, хотиннинг кетидан қорама-қора кета берибди. Хотин Абдулла чаққоннинг уйига етиб бориб эшигидан қараса, ҳеч ким йўқ. Қайтиб чиқайин деса, Абдулла чаққон кўча эшигини кулфлаб, ташқарида турибди. Хотин ичкарида қолибди. Хотин чиқиб кетай деса, Абдулла чаққон:

— Сени чиқармайман, бир оз турасан. Агар турмайман десанг, қанотнинг бўлса, осмонга учиб кетгин. Иложини топсанг, ерга кириб кетгин. Лекин сени менга бир одам тайинлаган, ўша одам келиб шу эди деса, хўп-хўп. Агар бошқа одам деса, кета берасан,— дебди. Хотин:

— Во ажабо, бу гап қандай гап,— деб кўзига ёш олиб турганда, Қосим жаллод ўғрини дорга тортиб, хотиржам бўлиб келиб, Абдулла чаққоннинг эшигини тақиллатиб, Абдулла чаққондан:

— Нима қилдинг?— дебди. Абдулла чаққон:

— Эшикни очаман, кириб кўринг,— дебди. Қосим жаллод:

— Қани очинг-чи, кўрай,— дебди. Сўнг Абдулла чаққон эшикни очибди. Қосим жаллод эшикдан кириб, кўрдикни,

худди ўзи тайинлаган хотиннинг ўзи экан. Абдулла чаққонга:— Сени ўзим бир хурсанд қиламан,— дебди-да, хотинга қараб:

— Э янга, чўнтагим тўла танга, бу кеча гапиришсанг манга, ўн минг танга бераман санга,— дебди. Хотин:

— Ўн минг танга бермагин манга, бир гапим бор, гапириб кўяйин санга,— дебди. Қосим жаллод:

— Айта бер менга,— дебди. Хотин:

— Ўн минг танга экан. Юз минг танга берсанг менга, юзимни кўрсатмайман сенга,— дебди, Қосим жаллоднинг жаҳли қистаб, Абдулла чаққонга:

— Ҳайданг буни, кетказайлик, подшо олдига етказайлик. Бунинг бу сўзига подшонинг жазосини бердирмасам, Қосим жаллод отимни бошқа қўяман,— дебди. Хотин:

— Майли, мени подшонинг олдига олиб бор. Нима жазо тортсам, тортаман,— дебди. Қосим жаллод ва Абдулла чаққон иккови хотинни подшонинг олдига етказишибди. Подшо:

— Қосимбой, нима гап-сўз топиб келдинг?— дебди. Қосим жаллод:

— Кеча кечаси ярим кечада Чорданзи маҳалласидан ўтиб кетаётсам, бир уйнинг ичида гангир-гуштир овоз чиқаётганини эшитиб қолдим. Бу ярим кечада нимага бундай шовқин чиқаяпти, деб деворнинг орқасидан кулоқ солсам ва томга чиқиб туйнукдан қарасам, бу хотиннинг бир товоқ мусалласни олиб, йигитларга куйиб бераётганини кўриб қолдим. Ҳап саними, шу хилда экансан, деб томдан тушиб, эшикдан кирай десам, ҳовлисининг орқа томони боғ экан. Бу йигитларни боғ тарафдан қочириб, эшигини очиб, мени уйга киргизиб: «Нима кўрдинг?»— деди. Мен: «Бу ерда ўтирган йигитлар қани?» десам, хотин «қўлинг билан тутгин, сўнг нима қилсанг, қил»,— деб менга дўқ урди. Шундай деганига сизнинг олдингизга келтирдим, шунга жазо берсангиз,— дебди. Подшо:

— Э қизим, ёш экансан, менинг давримда билиб туриб шу ишни қилишга кўрқмадингми?— дебди. Хотин:

— Тасаддуқ сизга, жоним сизга, менинг ҳам арзимни сўрайман десангиз, менинг эрим ташлаб кетган эди. Ҳисобимда ташлаб кетганига уч йилга етди. Шу эримни ўйлаб, ўзимга ўзим сўйлаб ётиб ухлаб қолсам, туш кўрдим. Тушимда эрим келгандай, эшикни очгин дегандай, хурсанд бўлиб ўрнимдан тургандай, мисоли эшикни очиб қарагандай, эримни қарасам лойга ботиб қолгандай, ўрта йўлда ётиб қолгандай бўлиб уйғониб кетдим. Қарасам, тушим. Бу тушимни кимга айтаман, деб ўтирсам, дарвоза тақ-тақ этиб қолди. «Кимсиз?»— деб эшикни очиб қарасам, уйимнинг ор-

қасида Ойша кампир деган кампир бор эди, ўша кампир экан. «Келинг, нима ишингиз бор?»— десам, «Болам, менга гугуртинг бўлса берсанг. Бизнинг гугурт тамом бўлгаң экан»,— деди. Мен: «Энажон, мен сизнинг олдингизга чиқмоқчи эдим, ўзингиз чиқиб қолдингиз»,— дедим. Ойша кампир: «Нима гапингиз бор, болам»,— деб сўради. Мен: «Бир туш кўрдим. Шунн сизга айтсам, яхшига жўйиб беринг»,— дедим. У: «Айт-чи, болам»,— деди. Мен: «Тушимда эримни кўрдим, кўрганда шундай кўрдим, худди ўрта ерда ётгандай, лойга ботиб қолгандай кўрдим. Қўлидан ушлаб тортаман десам, оёғининг тагига йиқилиб кетдим. Шу кўрган тушим»,— дедим. Кампир: «Болам бир-икки кун ўтир. Сени бир одам тухмат қилиб подшонинг олдиға олиб борар экан, сенга подшо бир қаттиқ жазо буюрар экан»,— деди. Бу кампирнинг сўзлаган сўзига мен: «Энди кирсанг, оёғинг синсин, гапирган гапинг ўзингга урсин»,— деб кампирни чиқариб юбордим. Эрим кетгандан буён йигирган калавам бор эди. Шу калавани олиб, рўмолчага солиб, чақасини эримни тушимда кўрганим учун садақа бериб келай, деб бошимга паранжи ёпиниб, бетимга чачвонни тутиб, калава бозорга етиб бордим. Шундай бозорга киришим билан бир-икки юз одамни кўрдим. Мен кўчага чиқмаганим, кўпчиликни кўрмаганим учун хаёлим учиб, дўконнинг тахтасининг тагига кириб яшириниб турдим. Кўпчилик одамлар ўтиб кетгандан сўнг ўзимнинг ақли-хушимни йигиб, паранжи-чачвонимни бошимга олиб, калавафурушнинг олдиға бориб, калавафурушдан калава сотганим учун пулимни олиб, энди чўнтагимга солиб кетаётсам, мана бу йигит келиб, отдан ўзини ташлаб, калавафурушнинг ёқасидан ушлаб: «Сен бу ёққа юр!»— деди. Калавафуруш: «Мендан нима гуноҳ ўтди?»— деди. У: «Сен хотинга пул бералпсан, айбинг шу»,— деди. Калавафуруш: «Мен бу хотиндан калава олдим. Олган калавамга пул бердим»,— деди. «Калавафурушнинг гапи тўғри, болам. Мен сиз айтадиган нотўғри, ёмон хотин эмасман. Мен калава сотдим. Сотган калавамга пул оляпман. Шунинг учун бу кишига изза берманг»,— дедим. Бу йигит: «Қани сотган калавангиз, тарозига солинг-чи, мен билиб қўяй»,— деди. Калавафуруш калавани олиб, тарозига солиб: «Мана, ўн қадоқ калава, ўн қадоқ калавага ўн танга бердим»,— деди. Бу йигит: «Сенинг алдамаганинг шу киши қолганмиди? Бу силлиқ йигирилган иппи ҳар қандай одам ўн беш тангага оладия сен ўн тангага оласанми?»— деди. Калавафуруш: «Ўзингиз ўн беш тангага оласизми?»— деди. Бу йигит: «Янга, калавангизнинг баҳоси ўн беш танга. Мана бу ўн тангани олиб, шу кўчадан бориб, Чорданзи

кўчага борасиз. Абдулла чаққон уйи қайси?— деб ҳар кимдан ҳам сўрасангиз, кўрсатиб беради. Уйимга бориб, хотиним олдига кириб, эрингиз шу калавани ўн беш тангага олган эди. Ўн тангасини бердилар, беш тангасини хотиним беради, деб айтсангиз, беш танга ва қаттиқ-қуттук нон ҳам беради»,— деб мени калавафурушнинг олдидан кетказди. Тайинлаган жойга бордим. Бориб кириб қарасам, бу айтган жойда на хотин, на эркак бор, ҳеч ким йўқ жой экан. Қандай жойга келиб қолдим, деб ташқарига чиқаман десам, бу йигит орқамдан келиб, дарвозани беркитган экан. Киришга кириб, чиқишга чиқа олмай қолдим. «Ичкарига кираётган вақтимда, эшик очиқ эди. Чиқай десам, бекилиб қолибди»,— дейишим билан, бу йигит: «Мен сени ҳийла билан олиб келдим. Энди мен ташқарида, сен ичкарида тура берасан»,— деди. «Мен бу ерда турмайман, эшикни оч»,— десам, у: «Сени менга бир одам тайинлаган. Шу одам келса, сени кўрса, сен билан гаплашади. Агар бу эмас деса, сени чиқариб юбораман. Шунинг учун товушингни чиқарма. Агар йўқ десанг, қанотинг бўлса, учиб кетгин, иложи бўлса, ернинг тагига кириб кетгин»,— деб эшикни очмади. Хиёл ўтмасдан туриб, эшикни очиб, икки киши киришди. Биттаси калава олган Абдулла чаққон. Иккинчиси олдингизда ўтирган йигит. Олдингизда ўтирган йигит Абдулла чаққонга қараб: «Худди мен айтган одамнинг ўзини олиб келибсан. Сени мен хурсанд қиламан»,— деди. Сўнг менга қараб: «Мен калава бозорда сенинг ҳусни-жамолингни кўриб, ошиқу беқарор бўлиб қолганлигимдан сени олдириб келдим. Агар мен билан гаплашсанг, ўн минг танга бераман»,— деди. Мен: «Юз минг танга берсангиз ҳам, тирик борман, бу йўлга кирмайман»,— дедим. Бу: «Ўз қадрини билмади, олиб бориб чора бердираман»,— деди. Мен: «Майли, майли, подшога олиб бор»,— дейишим билан, сизнинг олдингизга олиб келишди. Қилган гуноҳим шу, тақсир,— деб сўзини тамомлади. Подшо:

— Э Қосимбой, бунинг айтган сўзи тўғрими?— деди. Қосим жаллод:

— Тақсир, ҳеч ўғри ўғриман, ёмон ёмонман, бузуқ бузуқман дейдими? Мен сизга хизмат қилишга бошлаганимдан бери ёлғон гапирган эдимми? Агар бунинг гапига ишониб, менинг гапимга ишонмасангиз, ўзингиз биласиз,— деди. Подшо:

— Бу хотиннинг гапирган гапи ёлғон, деб тўртта гувоҳ топиб келсангиз, ундан сўнг жазога буюраман,— деди. Қосим жаллод:

— Хўп бўлмаса, гувоҳ топиб келай,— деб чиқиб кетиб,

бир қиморхонага борибди. Тўртта ютқизган қиморбозни топиб, бозорбошига етқизиб, тўртовига муллалар киядиган кийим кийгизиб, ошхонага олиб кириб гап ўргатибди. Кийим ва пул бериб, гапни бир қилиб, тўртови подшонинг олдига борибди. Подшо:

— Қосимбой, буларни нимага олиб келдингиз?— дебди. Қосим жаллод:

— Сиз гувоҳ олиб келинг, деган эдингиз, шунинг учун олиб келдим,— дебди. Подшо:

— Сизлар Қосимбойга гувоҳмисизлар?— дебди. Улар:

— Ҳа, гувоҳмиз— дебди. Подшо:

— Қосимбой бу хотин фоҳиша, деди. Қосимбойнинг гапи тўғрими ёки хотинининг гапи тўғрими?— деб сўрабди. Гувоҳлар:

— Э подшоҳи бокарам, тошдай бўлайлик. Қосимбойнинг гапи тўғри. Бу хотин бузуқ, ҳар қандай жазо берсангиз, арзийди,— дейишибди. Подшо:

— Хўп, менинг давримда шу одам ёмон деб тўрт одам гувоҳликка ўтса, ўзининг қилган ишига қараб жазога буюраман. Сенинг бу қилган бузуқчилигинг йўриғидан ўлим жазосига буюраман. Минорадан ташлатаман ёки жаллодга буюриб осдираман ёки тўпга оттираман. Шу уч жазодан қайси бирига розисан, айт?— дебди. Хотин:

— Буларнинг гапи маъқул, менинг гапим номатқул бўлган бўлса, яна арзим бор. Шу қалитни бир одамнингизга берасиз. Мен тайинлаган жойга бориб, уйимнинг эшигини очиб, бешикда қолган боламни олдириб келтирасиз, қўлимга бердирасиз. Агар боламни олдириб келтирмасангиз, болам у ёқда, мен бу ёқда, жазога торттирсангиз, ўлимга рози эмасман. Боламни олдириб келиб, шу бир юз саксон газлик минорадан ташлатсангиз, розиман,— дебди.

Подшо шу онда хотин тайинлаган жойга одам юбортириб, боламни олдириб келиб, хотинининг қўлига берди. Хотин боласини олиб, бир юз саксон газлик миноранинг тагига бориб, боласини эмизиб туриб, халққа қараб:

— Э халойиқ, подшо мени ноҳақ жазога тортаётир. Шунинг учун шу боламни ким олади? Агар шу боламни олган одам боламни катта қилса, асраса, хурсанд бўлса бўладикки, хафачилик тортмайди,— дебди.

Бир чол келиб:— Менинг қизим йўқ эди, ўғлим йўқ эди. Фарзанд учун мубталло-гирифтор эдим. Сен менинг қизим ўрнига қизмсан, ўғлим ўрнига ўғлимсан. Болангни мен олай, боқиб катта қилай,— деб боламни олган экан. Жаллодлар хотинни олиб, қопга солиб бир юз саксон газлик миноранинг тепасига чиқариб туриб, «хукми подшо вожиб»,

деб ташлаб юборган эканлар. Шу билан хотин айланиб-айланиб ерга тушиб, худди томдан сакраб тушгандай, азоб тортмасдан тикка тушиб қолган экан. Жами одамлар хотиннинг бу ҳолда тушиб қолганини кўриб, ҳайрон қолишибди.

Шу одамлар ичидан уч-тўрттаси туриб:

— Э Қосимбой, шунча бераҳмлиқ, ноҳақ туҳмат қилган экансиз-да? Кўп замонлардан бери бу минорадан ташланган одам нарча-нарча бўлиб, замбардаги лойдай бўлиб кетар эди. Бу хотин нарча-нарча бўлмай, тик тушиб қолди. Сизнинг гапингиз ноҳақ экан, хотиннинг гапи тўғри экан,— дейишибди. Қосим жаллод туриб:

— Бу хотин жодугар, сеҳргар экан, шунинг учун ўлмади,— дебди. Халқ:

— Яна нима қиласиз?— дейишибди. Қосимхон:

— Тағин қайтадан ташлатаман,— дебди. Одамлар:

— Сен тағин ташлаш керак, дейсанми? Биз подшоҳга бориб айтимиз: «Сиз минорадан ташланг, деб ҳукм қилиб берган хотин минорадан ташланди. Хотин азоб тортмай, тикка тушди. Одамлар бу хотинга ҳайрон бўлди. Шунга энди сиз нима дейсиз?»— деганимизда, подшо : «Яна ташланглар минорадан!»— деб буйруқ берсалар, ташлаймиз,— деб хотин тарафдори бўлишибди. Шу билан Қосим жаллод миноранинг тағида қолибди. Беш-олти одам подшонинг олдига боришиб бўлган ҳолни бир-бир баён қилишибди. Подшо :

— Агар шу хилдаги иш бўлган бўлса, тағин қайтадан ташланглар!— дебди. Шунда Абдурайимжон деган вазир туриб, подшонинг сўзини айириб, гапини қайириб:

— Йўқ, сиз бир ҳукм қилиб бергансиз. Энди хотин тўғрилиқ йўлидан тўғри тушганми, жодугар ва сеҳргарлик йўлидан тўғри тушганми, нима бўлса, хотиннинг боласини қўлига бериб юбориш керак. Қосим жаллоднинг ўзини бир жазога буюриш керак,— дебди. Подшо айтибди:

— Бoringлар, хотинни қондан олиб, чолдан боласини олиб, қўлига бериб, мана бу ўн тангани бериб, уйига етказиб қўйинглар. Қосим жаллод, Абдулла чаққон ва тўрт гувоҳларни менинг олдимга олиб келмасдан тунроғимдан чиқариб ҳайдаб юборинглар.

Подшо олдига келган одамлар хотиннинг олдига бориб, қондан чиқариб, чолдан болани олиб бериб, қўлига ўн танга бериб юборишган экан. Қосим жаллод ва гувоҳларни ҳайдаб бошқа томонга ўтказиб юборишган экан.

Хотин уйда ётган экан, бир-икки ой ўтгандан кейин эри келган экан. Эри хотинидан:

— Хол-аҳволинг қалай? Мен шу вақтга довур юриб қолдим, хафа бўлмай юрдингми?— дебди. Хотин:

— Сиз кетгандан кейин ўғил кўрдим, сизни соғиниб туш кўрдим, тушимни кампирга айтган эдим. Кампир ёмонга жўйгани учун подшо мени минорадан ташлатди, жоним омон қолди,— дебди. Эри:

— Шунчалик маломат бўлибсан, жонинг саломат қолибди. Энди икковимиз яшайлик, ўйнайлик,— деб иккови бу ерда қолибди, гап айланиб келиб шу ерда қолибди.

ТҲҲРТ ТҲҲМАТ

Бор экан, йўқ экан, бир замонда ака-ука бор экан. Уларнинг отаси ўлган экан. Отадан қолган молнинг кучи билан ака-ука иккови уйланган экан. Акасининг хотини хуш-рўй, чиройли, ақлли, фаҳму фаросатли экан. Укасининг хотини дангаса, хунук, фаҳму фаросати камроқ экан. Кунлардан бир кун ака-ука уйларида ўтириб обу овқат ейишиб, ундан-бундан гапиришиб ўтирган экан. Акаси укасига:

— Менинг бир-икки йил саёҳат қилиб келиш мақсадим бор. Шунга сен нима дейсан?— дебди. Укаси:

— Э ака, «Йигит юрса, йўл очилар», «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деган сўз бор. Агар сизнинг кўнглингизда саёҳат қилиб келиш бор экан, мен нима ҳам дейман, ўзингиз биласиз,— дебди. Акаси:

— Сен бор, менинг на ғамим бор. Ишқилиб ўз хотининг нима еса, менинг хотинимга ҳам шуни бер, унга қараб тур, менинг йўқлигимни билдирма, харажатдан толиқ-тирмай тур,— дебди. Укаси:

— Э ака, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. Саёҳат билан кўнглингиздаги ғамларингиз йўқ бўлиб кетсин,— дебди.

Акаси кўнгли тўқ бўлиб, саёҳатга жўнаб кетган экан. Акасининг кетганига уч-тўрт ой бўлибди. Укаси ўз хотини йўқлигида акасининг хотинига:

— Янга, бир яшириб қўйган гапим бор, айтайми?— дебди.

— Нима гапингиз бўлса айтинг,— дебди. Укаси:

— Айтсам, чўнтагим тўла танга, ҳар нима десанг, олиб бераман сенга. Акам келгунча, мен билан гапиришиб юрасанми?— дебди. Хотин:

— Бу сўзингга қараганда, сен менга бир маломат гапирадиганга ўхшайсан. Бундай сўзни сўйлайман десанг, бўйламагин. Менга олиб берадиган атлас-адрасингни ўзинг кийгин, гапирадиган тилингни тийгш,— дебди.

— Сенинг бу хилда берган жавобинг учун подшо та-
рафидан бир жазо буюртириб, ўтга солиб куйдирмасам,
тошбўрон қилдирмасам, мен Абдужалил отимни бошқа қўя-
ман.

— Аканг мени сенга қўнгли ишониб ташлаб кетган. Бу
сўзни менга дилинг билан айтдингми, тилингда айтдингми,
билганим йўқ. Тилинг билан айтган бўлсанг, тилингни тий,
тўғри-нотўғрилигимни синамоқчи бўлсанг, сен ҳам индама,
мен ҳам индамай қола берайлик. Агар менинг тўғрилигимга
жабр-жафо кўрсатмоқчи бўлсанг, майли, бошга тушганини
кўз кўрар, қўлингдан келган ишингни аяма,— дебди.

Абдужалилнинг жаҳли қистаб, йўлдан тўртта ўғри, мут-
тахам, қиморбозни топиб, буларга об-овқат егизиб, ундай-
бундай гапларни айтиб, ҳар қайсисига йигирма тангадан,
тўртталасига саксон танга пул бериб, подшонинг олдига
олиб бориб, ҳаммалари таъзим билан киришибди.

— Қани, нима арз?— деб сўрабди подшо. Булар:

— Арзим шуки, менинг акам сафарга чиқиб кетган эди,
хотини менинг қарамоғимда қолган эди, ўзимнинг хотиним
отасиникига кетган эди. Мен кўчада айланиб юрсам, ол-
дингизда турган тўртта ўртоғимни кўриб қолдим. Ўртоқ-
ларим: «Абдужалил, уйингизга олиб бориб, меҳмон ҳам қил-
майсиз»,— дейишди. Буларнинг сўзини қайтара олмадим, тўрт
ўртоғимни эргаштириб, шундай кўча остонасидан кирайлик
десак, бир йигит, мисоли ўғри қопдек, тишлари келисон-
дек, ичкари уйимдан чиқиб, биз тарафга келаверди. «Сен
кимсан, нимага бу ерга кирдинг?»— десам, «Акангнинг хо-
тинини яхши кўраман, шунинг учун мен келиб-кетиб юра-
ман. Келиб-кетиб юрганимни билиб, билмасликка солсанг
хўп-хўп, бўлмаса, жонингдан умидингни уз»,— деди. Биз беш-
тамиз: «Сан шунақа зўрмисан?»— деб ушлай десак, ушлай
олмадик. Қочиб кетди. Уйга кириб: «Эй янга, сенга нима
бўлди, бундай одамни бу ерга киргизибсан?»— десам, «Қў-
лингдан келганини қил»,— деб менга гушнолик қилди. Шу
тўғридан сизга арзга келдим. Агар ўзимга ишонмасангиз,
бу ўртоқлардан сўранг,— дебди. Подшо айтди:

— Арзларингизни тинглайман. Менинг давримда шундай
ишни қилган бўлса, мана бу қоғозни оласан, тўппа-тўғ-
ри бориб, янгангни олиб, қопга солиб, уч айрилиш йўлга
қўясан, бу хотинни тошбўрон қилиш керак экан, дейсан.

Булар уйга боришиб, янгасини қопга солишиб, уч айри-
лиш йўлга олиб бориб қўйишди. «Бун подшо тошбўрон-
га буюрган, тош отадиган одам борми?»— деганда, кўчада-
ги одамлар қўлларига тош олиб, тошбўрон қилишиб
кетган экан, хотин тошнинг тагида кўмилиб қолган экан.

Уч-тўрт кун ўтгандан кейин подшо уч-тўрт вазири билан овга чиқиб кета туриб, хотин тошбўрон қилинган кўчадан ўтиб қолибди. Ғарам бўлиб ётган тошнинг тагидан «Вой дод, вой дод, ноҳақ тухмат қилганининг дастидан дод»,— деган овозни эшитиб қолиб, отдан тушиб, тошни олдирган экан. Бир қоп қимирлабди. Подшо:

— Кимсан?— деб сўрабди. Хотин:

— Эридан айрилган, қаноти қайрилган, тухматга йўлиққан, қопни очиб кўринг, қўли-оёғи майиб хотинман,— дебди. Подшо:

— Сени тошбўронга буюрган подшо менман. Бундай тошнинг тагида қолиб, ўлмаганинг учун сени мен кутказаман, уйимга етказаман. То эринг келгунча, хотинимнинг хизматини қилиб юрасан,— дебди. Хотин:

— Хўп, жоним билан хизматингизни қиламан,— дебди. Подшо: «Овим ўнгидан келди-ку»,— деб хотинни отга ўнгариб, уйига етказиб, хотинига:

— Хотини, мен чиқиб кетаман, шу қопнинг оғзини очасан, қопнинг ичидан бир хотин чиқади, сенинг хизматингни қилади,— деб чиқиб кетибди.

Подшонинг хотини қопни очиб қараса, чиройли бир хотин қопнинг ичидан чиқиб, унинг оёғи тагига йиқилиб, подшо хотинининг хизматини қилиб юраверибди. Бир куни подшо билан хотини тўйга борадиган бўлиб қолишибди. Булар ичкари уйни хизмат қилиб юрган хотинга тайинлаб, ташқарисини отбоқарга тайинлаб тўйга кетишибди. Бир-икки кун ўтгандан кейин подшонинг отбоқари ичкари уйга кириб:

— Янга, бир гапим бор сенга. Дарвозалар илинган, ҳеч ким йўқ, мақсадимни биласан, бизни кўзга иласан,— дебди. Унга хотин:

— Бу гапирган гапинг, сўзлаган сўзинг қурсин, қараган кўзинг қурсин. Бу сафар бу гапни гапирдинг, иккинчи сўйламагин, бир нима десам, нима дер экан, деб ўйламагин,— деб ўз ишига қараб кетибди.

Орадан икки кун ўтгандан кейин подшо тўйдан келиб, вазирлари билан ўтирганда, «Қўрққан олдин мушт кўтарар» дегандек, отбоқар таъзим билан подшонинг олдига кириб:

— Кеча кечжурун мен отхонада отни қашлаб турсам, биров отхонанинг эшигини очиб-ёпиб, «ҳи-ҳи» деб кулади. «Кимсиз» десам, у «Сиз ташқарида экансиз, уйимизда ҳеч ким йўқ, эрсилик ҳам ёмон бўлар экан»,— деди. У ким экан, десам, ичкари уйингизга бир хотин ташлаб кетган экансиз, шу хотин экан. Бу ёмон хотин экан, уйингиздан ҳайдаб юбормасангиз, сизга касри тегади,— дебди. Подшо:

— Сен бор, отингин боқавер,— деб чиқариб юборибди. Вазирларига:— Нима қилайлик? Бу отбоқаримизнинг сўзига қараганда, бир жазо беришга тўғри келади,— дебди. Вазирлари:

— Ўзингиз биласиз,— дейишибди. Подшо:

— Бўлмаса, ўлимга буюраман!— дебди. Шунда вазирлар ичидан Қаюмжон дегани туриб:

— Э тақсир, кўзингиз билан кўрмай, кўлингиз билан тутмай туриб, ўлимга буюришингиз нотўғри. Мабодо отбоқар бу хотинга сўз ташлаган бўлса, хотин унинг сўзига «йўқ», деган бўлса, отбоқарингизнинг сўзига кириб ўлдириб юборсангиз, қандай бўлади? Йўқ, ундай бўлмасин-у, хотинни энди эшигингизда сақлаш кўлингизда бўлмаса, жўнатиб юборинг. Эшигингизда хизмат қилганлиги учун беш ўн ташга бериб юборинг,— дебди. Подшо Қаюмжоннинг сўзини қилиб, хазиначини чақириб, «Рўмолга юз тилла солиб, олдимга олиб келгин»,— дебди. Хазиначи юз тиллани олиб келиб подшонинг олдига қўйиб, таъзим билан чиқиб кетибди. Подшо чўрини чақиртириб:

— Сизнинг орқангиздан мен бир совуқ сўз эшитдим. Энди қаёққа борсангиз, шу ёққа боринг,— деб юз тиллани хотинга бериб, уни жўнатиб юборибди. Хотин кетаётиб, бозор бошига етганда қараса, унда беш юзта одам тўпланиб турибди. Бу хотин бировдан:

— Э ука, булар нимага тўпланиб туришибди?— деб сўрабди, у:

— Э янга, бировнинг бировдан юз тилла қарзи бор экан, пулдор қарздорни қистаса, қарздор пулдорга гушналик қилибди. Шу йўриқдан пулдор қарздорни подшога олиб бориб арз қилибди. Подшо: «У ҳам қарздор бўлса, ҳам гушналик қилган бўлса, уч кун мобайнида унинг қавму қариндоши ёки жонқуяри бўлса, сенинг пулингни бериб, кўлингдан уни қутқариб олиб кетсин. Агар ҳеч ким олиб кетмаса, уч кундан кейин дорга остириб юборсанг майли»,— деб пулдорнинг қўлига қогоз қилиб берибди. Булар пулдор қарздорни қандай дорга тортишини томоша қилгани келган одамлар,— дебди. Хотин: «Агар подшо менга пул бермасдан, бор, кетабер, деса, кетадиган одам эдим. Қани бориб қарай-чи, қарздор қандай одам экан»,— деб одамларнинг ичидан кириб қараса, ёш йигит экан. Хотиннинг раҳми келиб, пулдорнинг олдига бориб: «бу менинг иним бўлади»,— деб юз тилла пулни ташлаб, йигитни дорга осидан қутқариб юборибди. Хотин кетаётган вақтда дордан қутулган йигит хотиннинг олдини тўсиб:

— Юзингиздан ўргилай, сўзингиздан ўргилай. Сиз мени дордан қутқариб олганингиз учун шу ерда иккимиз айшишрат қилсак?— дебди. Хотин:

— Йўқ, сиз мендан ёш экансиз, сизга раҳмим келиб, дордан қутқариб олдим. Сиз менга ёмонлик ўйламанг, бу гапингизни менга айтманг,— дебди. Йигит:

— Мен сиз билан бир гаплашмасам, қулоғимга гап кирмайди, ҳеч иложи йўқ,— дебди. Хотин:

— Бу гапингизга қараганда, сиздан мен қочиб қутулмасам, қутулмайдиганга ўхшайман,— деб ковушини қўлига олиб, ўзини йўлга солиб, кучини ишлатиб қочиб кета берибди. Йигит уни қувлаб кета берибди. Шу вақтда бир савдогар йигирма туя молни ортиб, туяни тортиб келаётган экан. Савдогар хотиннинг қочиб кетаётганини, йигитнинг қувлаб келаётганини кўриб қолиб, йигитдан:

— Нега сиздан қочаяпти?— деб сўрабди. Йигит:

— Менинг отам ўлган, бу хотин отамнинг қўлида чўрилиқ хизматини қилган. У энди отанг ўлди, менинг хизматим тамом бўлди, сенга чўрилиқ қилмайман,— деб қочиб кетаяпти. Мен «отамдан қолган мол-мулк меники, сен нега чўрилиқ хизматингни қилмайсан», деб ушлаб олиб, уйимга бориб ишласин, деб қувлаб кетаяпман,— дебди. Савдогар:

— Э ука, «бўйнидан бойлаган ит овга ярамас, занглаган милтиқ ёвга ярамас» деган гапни эшитганмисан? Энди буни сен менга сот-қўй, қувлаб юрма,— дебди. Йигит:

— Бу сўз тўғри, майли, икки юз тилла берсангиз, сотаман,— дебди. Савдогар:

— Сен икки юз тилла дема, юз тилла бераман,— дебди. Йигит ўйлаб-ўйлаб туриб:

— Майли, пулни беринг, сизга сотдим. Шундан қутулганимга суюнаман,— дебди.

Савдогар юз тиллани берибди, йигит чўнтагига солибди. Савдогар туяни бошлаб, хотиннинг кетидан етиб:

— Э янга, иқболнинг, толеинг бор экан, менга келиб қолдинг. Мен болага юз тилла бериб, сени сотиб олдим. «Йўл киши йўлга яхши, йўл савдоси ундан яхши», деган гапга қараб, сени сотиб олдим. Энди мен қаёққа борсам, сен шу ёққа борасан,— дебди. Хотин:

— У сизга мени қандай қилиб сотди?— дебди. Савдогар:

— Сен унинг отасининг чўриси экансан. Отаси ўлгандан кейин чўрилиқ қилмайман, деб қочибсан. Мен ундан сени менга сотишни сўрадим. У «Икки юз тилла берсангиз, сотаман»,— деди. Мен «юз тилла бераман», дедим. У ўйлаб

туриб кўнди. Мен унга юз тилла пулни бериб, сени қувиб етиб келдим. Бўлган гап шу,— деб савдогар хотинни туяга миндириб, қўл-оёғини боғламоқчи бўлибди. Хотин:

— Нега боғлайсиз?— дебди. Савдогар:

— Мен сени пулга сотиб олдим. Йигитдан қочган, туядан ҳам ташлаб қочарсан,— деб уни боғлабди. Туяни етаклаб кета берибди, бир катта дарё ёнига етибди. У дарёнинг нариги томонига ўтиш учун кема бор экан. Кемага туя ва бошқа молларни солиб, хотиннинг ҳам қўл-оёғини ечиб, кеманинг ичига ўтказиб, чўпходани олиб, кемани ҳайдаб кетиб, дарёнинг ўртасига борганда, хотинга айтибди:

Мен сени хўб биламан, кўнглинг менга мойил эмас,
Юз-кўзингни очмасанг, мен сенга ҳеч қойил эмас.

Мен сени кўрмоқ эдим ганжи равон кўчасида,
Қўлингга олма берай он ҳазратим ҳужрасида.

Андижону Марғилон, Ўшу Намангадир, Қўқон,
Бу ўтирган жойимиз обод ажойиб бир дўқон.

Кўрмак истайман қизил гулдек юзингни мен сенинг,
Энди ширин сўзлар айтиб бер, қистайман сени.

Шунча келган вақтимизда овора қилма мени,
Овора қилсанг мени, дарёга ташлайман сени.

Хотин ҳам савдогарнинг сўзига шундай жавоб қилибди:

Олмазор боққа кириб, шафтолини ерму киши,
Ўз ёри уйда туриб, бегонани дерму киши.

— Менга чўпходани беринг. Қайиқни ҳайдаб кетатуриб, сизга бир ашула айтиб берай, сиз чарчагансиз,— дебди. Савдогар:

— Майли, бўлмаса, ашулангни эшитай,— деб чўпходани хотинга берибди. Хотин чўпходани олиб, сувга солиб, кемани юргизиб туриб, савдогарнинг вақтини чоғ қилмоқчи, иложи бўлса, савдогарни балқитиб, сувга қалқитиб юбормоқчи бўлиб, ашула айта бошлабди:

Рўмолим бор, айлансин,
Ёр белига бойлансин.
Ўртадаги ой гули,
Ёрим менга бойлансин,
Хай, ёр-ай, ёрингман.

Рўмолимни олибсан,
Олиб дорга солибсан,
Рўмолимни беролмай,
Уволига қолибсан,
Ҳай, ёр-ай, ёрингман.

Рўмолимнинг гажими
Ҳилпилласа қайтаман,
Қўнглимда бор неча сўз,
Сизга қандай айтаман.
Ҳай, ёр-ай, ёрингман.

Алвон қўйлагим янги,
Менинг юрагим кенги.
Неча жойни айланиб,
Тонмадим бўйим тенги,
Ҳай, ёр-ай, ёрингман.

Алвон дўппим бор эди,
Бошгинамга тор эди,
Неча яхши йиғитлар
Ғапиришга зор эди,
Ҳай, ёр-ай, ёрингман.

Ёр дедим, адо бўлдим,
Кўчада гадо бўлдим,
Бир кўриб жамолингни
Ошиқу беқарор бўлдим.
Ҳай, ёр-ай, ёрингман.

Хотини ашулани айтиб туриб, савдогарга қараса, ухлаб қолибди. У савдогарни балқитиб, қалқитиб, дарёга ботириб юборибди. Чўнходани уриб, кемани дарёнинг нариги четига етказиб, савдогарнинг молига эга бўлиб, молни қаёққа қўйишни билмай, дарёнинг ёнига иморат солиб, бева-бечораларга уй қилиб берибди. Бир-икки йил ўтибди.

Шу хотиннинг эри бу дарёдан сафарга кетаётганда, бу жойда ҳеч нарса йўқ эди. Сафардан қайтиб келаётганда кўрса, дарё ёнига иморат солишган. Ҳайрон қолиб, кўчада ўтирганлардан:

— Бу ерларга қачон иморат тушди? Жуда обод бўлиб кетибди. Иморатларни ким солди?— деб сўрабди. Ўтирганлар:

— Бир занф киши келиб, ҳеч кимдан сўрамай-нетмай, шу ерга иморат солиб тайёр қилиб, биздай уйи йўқ бева-

бечораларга инъом қилдилар. Бундан бошқа у киши битта-яримта кўр ва шолларга, касалманд одамларга ёрдам бериб, даволаш чорасини кўрадилар, улар шифо топиб кетадилар,— дебди.

У одам бу гапни эшитиб, йўлга равона бўлиб, йўл юриб, ўз маҳалласига етибди. Маҳалласига бориб қараса, ўзининг уйидан ҳеч асорат қолмабди. Буни кўриб, ўзидан-ўзи хайрон бўлиб, кўнгли вайрон бўлиб, диққати ошиб, ўзидан-ўзи шошиб, бозор бошига етиб қолиб, айланиб юрса, бир тоlining салқинида бир оёғи шол, кўзи кўр тиланиб ўтирган одамни кўриб қолибди. Бир-икки чақа берай, деб бориб қараса, ўзининг укаси экан.

— Вой, укажон, кўрар кун ҳам бор экан,— дебди. Укаси:

— Сиз кўраяпсиз, мен сизни кўрмайпман,— дебди.

— Ука, қачондан буён бундай бўлиб қолдинг?— дебди. Укаси:

— Сиз кетгандан буён бу аҳволга тушиб қолганман,— дебди. Акаси:

— Иморатлар ҳам теп-текис бўлиб, кўчага қўшилиб кетибди-ку. Уйдаи ҳеч бир асар йўқ-ку. Ахир, менинг хотиним, ўз хотининг, молу-дунёлар қасққа кетди?— дебди. Укаси:

— Ҳа, ака, сизнинг хотинингизни тошбўрон қилиб юборишган. Менинг хотиним ёмон чиқди. Кўзимни кўр, оёғимни шол қилиб, мени менсимасдан ташлаб кетди. Кўр бўлиб қолгандан кейин мол-дунёни хотиним олиб кетган. Ўзим шу ерда тиланиб ўтирибман,— дебди. Акаси:

— Ука, бўлар иш бўлибди, хафа бўлма. Сен бу ҳолга тушиб қолибсан. Иккаламиз ака-ука эканмиз, энди мен сени тузатиш иложини кўрайин. Мен келаётган йўлда, дарёнинг бўйида бир хотин бор эмиш. Кўзи ожиз, оёғи шолларни шу хотин даволар эмиш. Сени ўша хотинга олиб борсам, хўп дейсанми?— дебди. Укаси:

— Майли, олиб бориб кўзимни очдирсанг, мен йўқ демайман,— дебди.

Акаси от-арава сотиб олиб, укасини аравага солиб жўнаб кетаётган экан, йўлда бир ариқнинг лабида, тутнинг тагида укасига ўхшаган икки кўр ва шол ўтирган экан. Улар олдига бориб тўрт пул узатиб:

— Биродарлар, сўзингиз бунақа, оёғингиз унақа, кўзингиз шунақа. Менинг ҳам укам сизларга ўхшаган. Мен укамни тузаттиргани олиб кетаяпман. Агар сиз ҳам бораман десангиз, аравага ўтқазай,— дебди. Улар:

— Майли-майли, сиз олиб бориб тузаттириб келаман

десангиз, биз йўқ дермидик,— дейишибди. Акаси аравага бу икки кўрни ҳам солиб, Қамишқўрғон дарёга етиб, ҳалиги маҳалладаги одамлардан суриштириб, заиф кишининг эшигини топибди. Арава билан эшик ёнига тўхтаб, ичкарига кириб, ташқари ҳовлида туриб:

— Бир укам бор эди. Кўзи кўр, оёғи шол бўлиб қолган. Уни сизга кўрсатгани олиб келаётсам, улар ҳам укамга ўхшаган экан. Уларни ҳам аравага солиб олиб келдим. Шуларга бир даво топсангиз. Етса пулим, етмаса жоним,— дебди. Хотин:

— Олиб келинг, мен бир кўрай-чи,— дебди. Акаси учовини кўтариб олиб кириб, ҳовлисининг ташқарисига ўтқазиб, ўзи билан тўртта бўлибди:

— Қани, нима дейсиз?— дебди. Хотин:

— Нега шундай бўлганларини сиз учовларидан сўрасангиз, мен эшитиб, кейин даволасам,— дебди. Акаси:

— Ука, сен нега бундай бўлгансан?— дебди. Укаси:

— Ҳар қандай иш қилган бўлсам ҳам айтардим, лекин бу қилган ишимни айтмайман,— дебди. Акаси:

— Агар айтмасанг, сени шу ерда ўлдириб кетаман,— дебди. Укаси: «Энди айтмасам бўлмас экан», деб ўйлабди-да:

— Сиз менга хотинингизни ташлаб кетгандан кейин бир ой ўтди. Мен сизнинг хотинингизга: «Янга, акам кетди, то келгунча мен билан гаплашиб юринг», десам, янгам: «Бу гапни гапирдинг, иккинчи гапирмагин», деди. Бу деган сўзига қайсарлигим келиб, тўртта муттахам ўғрининг ҳар қайсисига йигирма тангадан саксон танга бериб, подшонинг олдига олиб бориб: «Тақсир, акам сафарга кетган эди. Хотини бир одам билан ўйнашганини кўриб қолдим. Мана гувоҳлар, бир жазога буюриб берсангиз»,— деганимда, подшо дарров: «Бундай хотинни тошбўрон қилиб юборгин», деб хат қилиб берди. Мен дарров уйга келиб, хотинингизни қопга солиб, тошбўрон қилдириб юбордим. Орадан бир қанча вақт ўтгач, хотиним кўзимни кўр, оёғимни шол қилиб қўйди. Шу ҳолга тушиб қолдим,— дебди. Акаси:

— Бундан ҳам баттар бўлмабсан-да,— дебди. Иккинчи дардтидан:

— Қани сен нимага шундай бўлгансан?— дебди. У:

— Мен подшонинг отбоқари эдим. Подшо бир куни тўйга бормокчи бўлиб, бола-чақаларини олиб тўйга кетган эди. Кетаётган вақтида: «Ташқарига сен қараб тургин. Ичкарида бир чўри бор, уйни шу пойлайди»,— деб кетди. Мен ичкарига яқин бориб, ичкари ҳовлида юрган бир хотинга гап ташладим. У хотин сўзимни қабул қилмади. Менинг аччиғим келиб, тухмат билан подшога чакдим. У хотинга

юз тилла бериб хайдаб юборди. Хотин кетиб, орадан бир неча вақт ўтгандан сўнг, подшонинг вазири Қаюмжон менинг туҳматимдан воқиф бўлиб, мени шу ҳолга солиб қўйди,— дебди. Учинчи дардидан:

— Энди сен-чи, нимага шундай бўлгансан?— дебди. У:

— Мен бир одамдан юз тилла пул олган эдим. Бир кун у мендан пулини сўраб келди. Мен пулдорга гушналик қилдим. Пулдорнинг аччиғи келиб, мени подшонинг олдига олиб борди. Подшо мени дорга осиб пулдорнинг қўлига қоғоз қилиб берди. Пулдор мени дорга осадиган бўлиб, дорнинг тагига олиб борган эди. Бир хотин келиб, пулдорнинг қўлига юз тилла бериб, мени дордан қутқариб юборди. Пулдор пулни олиб, халқ тарқалиб кетди. Мен дордан қутқариб олган хотиннинг кетидан бориб, унга зўрлик қилдим. У хотин қочиб кетди. Мен хотинни қувлаб кетаётсам, бир савдогар келаётган экан. Савдогар: «Нега у хотин сендан қочяпти?»— деди. Мен: «Отамнинг чўриси эди. Отам ўлгандан кейин чўрилик қилмайман, деб қочиб кетаяпти», дедим. Савдогар: «Бўлмасам менга сот»,— деди. Мен «Хўп, майли. Икки юз тилла берсангиз сотаман»,— дедим. Савдогар: «Икки юз тилла эмас, юз тилла бераман»,— деди. Мен у хотинни юз тиллага савдогарга сотиб юбордим. Юз тиллани олиб, чўнтагимга солиб, ўн-ўн беш кун юрган эдим. Кейин ёмонлигим очилиб, қилмишимга яраша тажаллашиб, шу аҳволга тушдим,— дебди. Акаси хотинга:

— Буларнинг сўзини эшитдингиз. Қани, энди даволанг,— деганда, хотин:

— Буларни кетказиб, ўрта йўлга етказиб, ўзингиз қайтиб келинг. Сизга сўзим бор,— дебди. Шу билан буларнинг учаласини кетказиб, бир ариқнинг лабига етказиб, «сизлар ўтира туринглар»,— деб хотиннинг олдига келиб ташқарида турганда, хотин эшикни очиб: «Ох, кўрар кун бор экан»,— деб эрининг бўйнидан қучоқлаб, «мақсадимга етдим», деб турган экан, эри кўзини юмиб, нима дейишини билмай:

— Нега мени уялтирасиз?— дебди. Хотин:

— Ким ёридан уялади? Уч йил сиз билан умр қилган хотинингизман. Кўзингизни очиб қаранг,— дебди. Эри кўзини очиб қараса, ҳақиқатан ҳам ўзининг хотини экан. Эри:

— Бу қандай ҳол?— деб сўрабди. Хотини:

— Туҳматчи қайнимдан қутулдим, туҳматчи отбоқардан қутулдим, яхшиликка ёмонлик кўзлаган қарздордан қутулдим, фаросатимни ишлатиб савдогардан ҳам қутулдим. Шу мол-дунёга эга бўлдим. Ёмонлик қилганлар дунёдан шундай қилиб кетган,— дебди. Эр-хотин мурод-мақсадига етибди.

ЭШОН

Замини вақтида бир одам бир одамдан бориб гап сўраган экан:

— Эшон бобо, мен тилаб юз тилла пул топдим. Энди бир савдогарчилик қилсам, деган ҳаёлим бор. Шу пулга нима сотиб олиб, нима сотсам?— дебди. У киши:

— Савдогарчилик қилиш ҳаёлингда бўлса, пиёз олиб, пиёз сотгин,— дебди. Унинг гапи билан юз тиллага пиёз олган экан, омборхонага солган экан, индамай қолган экан. Беш-олти кун турганда, бунинг пиёзи борлигини эшитиб келиб: «Пиёзингизни сотинг»,— деса, «Уч юз тилла»,— дебди. Улар икки юз тиллага ҳалиги пиёзни ялиниб олибди. Икки юз тиллани олиб, ёнига солиб тағин эшоннинг олдига жўнаб қолибди.

— Тақсир, сизнинг сўзингиз билан юз тиллага пиёз олиб сотдим. Икки юз тилла қилдим. Тағин нима қилайин?— дебди.

— Тағин пиёз олгин,— дебди.

Икки юз тиллага пиёз олганда, омборхонага солганда, шунинг билан юрганда, беш-олти кун турганда, беш-олти одам чақириб келиб, пиёзни сўрабди. Омборхонанинг эшигини очиб:

— Мана пиёз, олсанглар, олти юз тилла берасизлар,— дебди. Ҳалигилар тўрт юз тиллага ёлбориб олган экан. Тўрт юз тиллани олиб, ёнига солиб, бозорга бориб, яхши отни олиб, устига миниб олиб, олтига ширмой нонни олиб, рўмолга солиб, ҳалиги насихат қилган эшоннинг эшигига бориб, қамчиннинг сопи билан отдан тушмасдан тақ-тақ урган экан. Эшон чиқиб:

— Ҳа, нимага келдинг?— деса, у:

— Бу отни, нонни олинг. Тағин нима олайин?— дебди. Отдан тушмаганига, ичкарига кирмаганига, пули қаппайиб кетиб, эшонни назарга илмаганига эшон:

— Бор, олиб кетган нарсанг ўзингга! Кетавер, пиёз олавер,— дебди-да, кириб кетибди. Ҳалиги олти нонни ҳам бермасдан кетиб қолиб, уйига етиб қолиб, юз тиллага яна пиёз олган экан, омборхонага солган экан. Ўн беш кун қарайдики, харидор келмайди. Бир кун қаттиқ совуқ бўлиб, ҳалигининг пиёзи тош-метин бўлиб музлаб қолган экан. Беш-тўрт кундан кейин офтоб тушиб, пиёзининг бари хамир бўлиб қолган экан. Буни кўриб, пиёзини икки пулга сотолмай, икки кун аламига столмай, эшоннинг олдига бориб:

— Бу нима қилганингиз?— дебди. Эшон:

— Ҳа, нима қилибман?— дебди.

— Бир марта пиёз ол дедингиз, мунча фойда қилдим, икки марта пиёз ол дедингиз, мунча фойда қилдим. Энди пиёз олмай, бошқа нарса ол десангиз, бўлмасмиди?— дебди. Эшон:

— Бир марта келдинг дилинг билан, иккинчи марта келдинг дилинг билан. Учинчисида пулинг кўпайиб кетганидан эшигимга отлиқ келиб, қамчи сопи билан дарвозамни урганинг учун, мени ёш бола қилиб, мазах қилиб олдингга чақирганинг учун мен сенга ёш боланинг сўзини айтдим-қўйдим. Агар отдан тушиб, иззат билан келганингда эди, ундай-бундай деганингда эди, мен ҳам у, бу деб юборар эдим. Боргин, уйингга кетгин,— деб уни кетказибди. Бу гапнинг маъниси кишининг кўнглига озор берманг, сизга ҳам озор берувчилар бор дегани экан.

У эшоннинг бошқа бир муриди тўйга айтибди. Эшон тўйга кетаётганда кўчада ўн саккиз яшар қиз дарвозадан қараб турган экан. У қизни эшон кўриб, ошиқи беқарор бўлиб қолган экан. Эшон кўчадаги болалардан:

— Ўша дарвозадан қараб турган қиз кимнинг қизи?— деб сўрабди. Кўчадаги ёнғоқ ўйнаб юрган болалар айтдики:

— Абдурахмон бангининг қизи.

Эшон тўйни у ёққа қўйиб, уйига етиб келиб, чунон обу овқатларни нишириб, тўртта ўзига ўхшаган эшондан келтириб ўтқазиб, уларга хўб обу овқат егизиб, тўртта дастурхонни бериб: «Фалон маҳалладаги Абдурахмон аканинг эшигини чақиринглар, шунинг қизига совчи бўлиб боринглар. Мен шун олмасам, ҳеч тоби-тоқатим йўқдир»,— деб юборибди. Булар бориб, эшикни тақ-тақ урганда, Абдурахмон банги бундай эшикни очиб қарайдики, тўртта катта саллали эшон, тўрт дастурхон. Буни кўриб, очган эшигини ёпиб ичкарига кириб кетди. Булар ташқарида: «Йойни ораста қилиб, бизни чақиради»,— деб кўн турдилар. Ҳеч гапнинг тайини бўлмади. Ноилож кетиб қолиб, эшонниқига етиб қолиб: «Бизни кўрдию, эшикни ёпди. Нимага келдиларинг, деб бир оғиз ҳам сўрамади»,— дебдилар.

Эшон: «Булар борганда таъби тирриқ бўлиб турган вақти бўлса керак»,— деб бошқа тўртта эшонни чақириб, дастурхонларни улардан бериб юборибди. Абдурахмон банги тўртта савлатли катта эшонни кўриб, эшикни қайта ёпиб: «Булар эшигимга нима деб чақириб келган экан? Шунақа одамлар билан менинг гапиришгим келар эканми?!»— деб буларни қани ичкарига, демабди. Булар уч-тўрт соат пойлаб, дастурхонни кўтариб, эшоннинг олдига келиб:

— Бизни ёмон ўсал қилдингиз, лоақал нимага келдинглар дегани ҳам йўқ,— деб булар ҳам дастурхонни ташлаб

кетган экан. Эшон пешонасига уриб, ўрнидан туриб, кўчага чиқиб, бир деволга суялиб ўтирганда, бир гапбилармон, ҳар улфатга қўшилиб, лоф-қоф урадиган бир йигит эшонни бу ўтиришида кўриб: «Жуда хафага ўхшайди, иккита гапириб, сафсата қилиб кетайин»,— деб эшоннинг олдига келиб:

— Ассалому алайкум, эшон бува, эшагингизни йўқотиб қўйдингизми, мунча хафага ўхшайсиз?— деб сафсата қилибди. Эшон:

— Мен эшагимни йўқотганим йўқ. Бир муридим кайси куни мени тўйга айтувди. Тўйга кетаётганимда бир дарвозадан бир қиз кўриниб турган экан. Ой десам, оғзи бор, кун десам, кўзи бор. Беҳуш бўлаёзибман. У Абдурахмон банги деганининг қизи экан. Тўртта эшонни тўплаб, совчиликка боплаб, уникига юбуровдим. У кимсизлар демасдан, назарига илмасдан ҳеч нима демабди. Бошқаларни юборсам, уларга ҳам ҳеч нима демабди. Агар уни олмасам, ўзимни ўлдирмоққа чоқлайман, дебди. Сўзбилармон йигит эшонга:

— Эшон бува, сиз билмайсиз, бангини назарингизга илмайсиз. «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан», «ҳар иш бопи билан, кели сопи билан, гап лопи билан». Унақа эшонларни писта пўчоқча билмайди, назарига илмайди. Сиз бир бангини топиб юборсангиз, у гапиришади, гапи ёпишади, кўнглингиздаги бўлади,— дебди. Эшон Абжаббор бангини чакиртириб келиб:

— Сизга бир хизмат буюраман, шу ишнинг уддасидан чиқсангиз?— дебди.

— Эшон бобо, «Қараган қараб қолмайди, ишлаган тишлайди», деган нақл бор. Иш бўлса, қиламиз,— дебди. Эшон:

— Абдурахмон деган бангини биласизми?— дебди.

— Э эшон бобо, буни сўрасангиз икковимиз бир кўрпада тепишиб катта бўлганмиз,— дебди. Эшон:

— Агар сизнинг сўзингизни ерга ташламай, ҳа, тузук, дейишига ақлингиз етса, мана шу ошнинг бир товоғини есангиз, иккита чопон бор, кийсангиз, шуникига совчиликка борсангиз, шунга нима дейсиз?— У:

— Э эшон бобо, мен бир нарса десам, ҳеч йўқ демайди. Ундан сиз хотиржам бўлинг. Хизмат биздан бўлсин,— деб дастурхонни кўтариб кетганда, Абдурахмон бангининг уйига етганда, дарвозани тақ-тақ урганда, жиндай турганда Абдурахмон банги чиқиб қарайдики, улфат.

— Кел-е, ўртоқ, кел, барака топкур,— деб бола-чақаларини қочириб, чилимнинг сувини янгилатиб, бир гаплашиб, байт айтишиб:

Бангию баландбоз,
Бангининг ейиши ўрдак-ғоз,

Бангини банги дегани
Уриб ўлдирсангиз оз,—

дейишиб, сархонани тўкишиб, бир-бирини сўкишиб, хўш нима гап, деганда:

— Мен, ўртоқ, бир иш билан келдим, хўп десангиз, айтаман, бўлмаса, айтмайман,— дебди.

— Айта бер, эшитаман, нима бисотимда бўлса, сеники, сендан қолса, меники,— дебди.

— Мулла Матмуса эшон учун сенинг қизингга совчи бўлиб келдим. Нимаики сўрасанг, шу одамдан мен олиб бераман,— дебди.

— Ўртоқ, мен эшонга берсам, берай,— деб берибди, му-родига етибди.

ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ

— Войдод, войдод!

— Ҳа, нега додлайсан? Очқаб қолдингми?

— Йўқ.

— Яланғоч қолдингми?

— Йўқ.

— Биров урдими?

— Йўқ.

— Биров сўкдими?

— Йўқ.

— Оч қолмасанг, яланғоч қолмасанг, биров урмаса, сўкмаса, нега дод дейсан?

— Ҳа, дод дейишимнинг маъниси бор, айтаман.

— Қани айт-чи, эшитай-чи?!

— Бир вақтда Бойқўзибой деган бор экан. Унинг Норқўзибой деган қўшниси бор экан. Бойқўзибой Норқўзибойни бир куни уйига чақириб меҳмон қилган экан. Иккови гаплашиб ўтириб, гапдан гап чиқиб:

— Ёшимиз анчага бориб қолди, юрдик турдик. Энди шунча юрган-турганимизнинг йўриғидан, қўни-қўшничилик хурматидан сизга бир маслаҳат сўзим бор эди. Шу ерда турмасак, бекор юрмасак. Узоққа сафар қилиб, ният қилиб қиблага бориб келсак,— дебди.

— Ўртоқ, сизнинг шундай деган сўзингизнинг йўриғидан борсам, борайин. «Яхши қўшни — ота-она» деган сўз бор эди. Бизда ҳам нақдгина эллик тиллача пул бор эди,— деб икковлари маслаҳатни бир ерга қўйиб, жўнаб кетган экан. Кўп йўл юриб, кўп чўл юриб, айтган манзилига етган экан. Булар бир жойни зиёрат қилиш муддаосида кетган эканлар. Ҳамма зиёратчилар зиёрат қилиб, ўз шаҳар-

ларига қайтган экан. Булар ҳам йўлда, чўлда қайтиб келаётганда, ҳалиги шерикнинг биттаси:

— Эй, биродор, тўхта, тагин ўн беш қуилик йўл қолди. Аста кетсак шаҳримизга етамиз. Тагин икки соат юрсак, анов бозорга етамиз. Икковимиз пиёда, ҳам қўни-қўшни, ака-укадан зиёда. Менинг ёнимда пул дегандан ҳеч нима қолмади. Ана у ерга бориб сиз билан ўтириб, об-овқат еганимда сиз ташласангиз, мен ташламасам уят бўлади. Эндиликда сиз билингу — мен билай. Менга шу пулингиздан ўнта қарз беринг. Мен йўлда сб кетай, маҳаллага етай. Уч кун ўтмасдан сизга шу пулни топиб берай,— дебди. Шериги:

— Пулим бор, бермайман. Пул йўриғидан менга ака-ука, оғайинининг кераги йўқ,— дебди. Пул сўраган шериги:

— Бу гапингга қараганда, «фойда-мойда қўшиб берадиган бўлсанг, бераман» деган фикр хаёлингда бўлса, шунини айтгин. Шаҳримизга боргандан кейин мен сендан ҳеч нимани аямайман. Ўн сўмининг менга берсанг, уйга борганда йигирма сўм қилиб бераман,— дебди. Ёнидаги шериги:

— Бермайман дегандаш кейин бермайман, менга ортқча сўзининг кераги йўқ,— дебди. Пул сўровчи улфат:

— Бир сўм берсанг, ўн сўм қилиб, ўн сўм берсанг, юз сўм қилиб берай. Пул бермасанг, очимдан ўламан-ку,— деганда шериги:

— Ўлсанг, сен ўласан. Менинг нима ишим бор,— деб юраверибди. Пул сўраган шериги:

— Бор, кетавер, ўласан, чўлда ўзим ўлай,— деб кейин қолибди. Пули бери кетатурган экан, пули йўқ шериги орқасидан келиб, маҳкам кучоқлаб, ерга урибди:

— Сен менга юринг зиёрат қилиб, айланиб келайлик деганинг унча, қўшинчилигинг мушча, келиб-келиб менга қилган душманлигинг шунча. Энди мен пайт қилиб, кўтариб уриб тагимга босдим. Агар сен турсанг, мени ўлдирасан. Энди мен сени ўлдираман. То сени ўлдирмасам, сендан ҳеч нима олиб бўлмайди экан. Армонинг қолмасин, васиятинини айт. Ҳозир сўяман,— дебди. Шериги тагида ётиб:

— Сўйсанг ҳам майлига, ўзимдан ўтди. Эндиги нушаймон — ўзимга душман. Агар мени сўйсанг, бир жойга кўмиб қўйсанг, кетсанг, маҳаллага етсанг, хотинимга айтсанг. Мен кетаётганимда хотиним иккиқат эди. Хотинимга: «Мен у ёқдан келганимча кўзинг ёриб, омон-эсон қутулсанг, қиз бўлса, таъбинг хоҳлаган отини қўй. Агар ўғил туғсанг, то мен қайтиб келмагунча, от қўйма»,— деб тайинлаган эдим. Агар мени сўйсанг, юиб-тараб, бир чуқурга кўмиб қўйсанг, хотиним мабодо ўғил туққан бўлса, отини қўймаган бўлса,

боланинг отини «Войдод» деб қўйсин. Бориб шуни айт, энди сўйсанг майлига,— дебди. Бу сўз билан пули йўқ пули борни сўйган экан, чуқурга қўмиб қўйган экан. Усти-боши, пулини олиб, жўнаб кетган экан, ўн-ўн беш кунда маҳаллага етган экан. Йўлда еган пулларини ҳисоблаб келиб, шу еган пулича пул топиб, унга қўшимча қилиб, ўлганнинг қийими билан унинг эшигига бориб дарвозасидан чақирган экан. Ўлганнинг хотини чиқиб:

— Кимсиз? Нимага келдингиз?— дебди.

— Мен эрингиз билан бирга кетиб эдим, у ёққа бориб етиб эдим. Қайтиб йўлда-чўлда келаётган эдик, эрингизнинг тоби қочиб, касал бўлиб йўлда-чўлда ўлиб қолди. Мана бу уст-бош, пулини олинг, бир оғиз васиятини эшитиб қолинг. Эрингиз айтдики: «Мен келаётганимда хотиним иккиқат эди. Қиз туғсанг, отини ўзинг қўй, ўғил туғсанг, мен келмагунча отини қўймай тургин, деб бу ёққа қараб келган эдим. Хотиним ўғил туғса, отини «Войдод» қўйсин»,— деб васият қилди,— дебди. Хотин эрининг ўлимини эшитиб, дод-фарёд қилиб:

— Мен ўғил кўриб эдим. Эримнинг ҳурматига боламнинг отини қўймай юриб эдим,— деб боланинг отини Войдод қўйган экан.

Шундай қилиб, онаси болаши тарбия қилиб юрган экан. Бу бола олти яшар бўлганда, кўчага чиқиб юрган экан. Туш ҳам бўлибди, боладан дарак йўқ. Энайизор боласининг келмаганидан чидамасдан, бошига паранжи, бетига чиммат ёпиб, кўчага чиқиб: «Войдод, Войдод» деб овози бори-ча чақириб юрган экан. Шу ерда хотиннинг ёшига бориб гаплашиб юрадиган улуғ сипоҳ учраб, хотиннинг йиғлаганининг сабабини сўрабди. Хотин: «Войдод исмли ўғлим эрта-мертан чиқиб кетганича дараги йўқ. Қўни-қўшниларга кириб излашга фурсатим йўқ. Шу сабабли чақиряпман»,— дебди. Амалдор бу сўзни эшитиб: «Ҳа-ҳа» деб кетган экан, хоннинг олдига етган экан. У хон олдига кириб:

— Тақсири аъзам, арзим бор,— дебди. Хон:

— Нима арзинг бор?— дебди. Сипоҳи:

— Бугун кўчада келаётсам, бошида паранжиси, бетиди чиммати бор бир хотин товушининг бори-ча додлаб юрган экан. «Нимага додлаб юрибсан?»— десам, у: «Менинг бир ўғлим бор эди, оти Войдод эди. Шуни йўқотиб қўйиб эдим, излаб юрибман»,— деди. Мен боланинг оти Войдод қўйилишига ҳайрон бўлиб, шу гапни сизга айтиш учун ҳузургизга келдим,— дебди. Хон:

— Баракалла. бу сўзингга. Ер юзиди Войдод деган отни ҳеч ким қўйган эмас. Бу болага шундай отининг қўйилиши-

га сабаб отасига бир гап бўлгандир, онаси унга шу отни қўйгандир. Шу бола топилмаган бўлса, излашиб, топишиб, онаси билан болани ёнимга олиб келиш керак. Бунда бир гап борга ўхшайди,— дебди. Бу сўз билан хоннинг хизматчиси боланинг маҳалласига келиб, хотиннинг уйини топиб, дарвозасини тақ-тақ урган экан. Боланинг онаси чиқиб:— Кимсиз?— деб сўрабди. Сипоҳи:

— Войдод деган боланинг онаси сизми, болани топдингизми?— дебди. Хотин:

— Ҳа, боламини топдим,— дебди. Сипоҳи:

— Болани топган бўлсангиз, шу аравага болангиз билан чиқиб, подшонинг хузурига борасиз,— дебди. Хотин боласи билан аравага чиқиб, хоннинг олдига борибди. Хон:

— Сен болагизнинг отини нимага Войдод қўйдинг, бу топилмайдиган от-ку? Шунинг сабабини билгани чақирдим,— дебди. Хотин:

— Бу гапингизга арзим бор,— деб жавоб берибди. Хон:

— Арзингиз шма, айтнинг?!— дебди. Хотин бўлган воқеани бирма-бир баён қилибди. Хон:

— Эринг билан бирга кетиб, васиятши сенга етказган одам ҳозир тирикми?— дебди. Хотин:

— Алҳол, у одам тирик,— дебди. Хон:

— Ушнинг оти нима?— деб сўради. Хотин:

— Бойқўзи ҳожн,— деб жавоб берибди.

Хон Бойқўзи ҳожини ҳам ўз хузурига етказдирган экан. Хон у одамдан гап сўрабди:

— Шунинг эри билан узоқ сафарга юрган экансан. Йўлда сенинг қўлингда хотиниң эри ўлган экан. Ушнинг эри бораётганда ўлдимни ёки қайтаётганда ўлдимни? Касал бўлиб, ўз ажали билан ўлдимни ёки икковларинг ўртасида бир хусумат гап ўтганда, жаҳолат билан бирингни биринг ўлдириб қўйдингми? Шу гапга ҳар қандай ёлғон гапни аралаштирмасдан тўғри жавоб берсанг, сенга ҳеч қандай дашном бермаймиз. Бойқўзи ҳожн:

— Мен бунинг эри билан у ёққа қараб кетган эдик, бориб етган эдик. Қайтиб йўлда-чўлда келаётган эдик. Менинг пулим қолмади. «Менга пулингдан қарз бергин» деб чунон ялинсам ҳам бермади. «Агар фойда олмоқчи бўлсанг, бир танга берсанг, юз танга, юз танга берсанг минг танга қилиб берайин. Бўлмаса, очимдан ўламан»,— десам ҳам бермади. Мен унинг орқасидан бориб жаҳолат жаҳлим билан кучоқлаб олиб, ерга урдим. «Сени ўлдириб, бир нимангни олмасам, тариклигингда ҳеч нимангни олиб бўлмас экан. Энди васиятнинг бўлса, айт», деганимда, у: «Келаётганимда хотиним иккиқат эди. Қиз туғсанг, отини ўзинг қўй.

Ўғил туғсанг, отини ўзим келиб қўярман, деб тайинлаб келиб эдим. Энди сен мени ўлдираб экансан. Сен бориб хотинимга айт: «Ўғил бўлса, боламнинг отини Войдод қўйсин. Энди ўлдирсанг ҳам майлига»,— деди. Мен уни ўз қўлим билан ўлдириб, ўлигини ювиб-тараб қўмиб қўйганман. Кийимлари билан йўлда еган пулларимнинг ёнига пул қўшиб, хотинига берганман. Айтган васиятини етказганман.— деб бўлган воқеани баён қилди. Подшо вазирларига:

— Бунинг бундай деб бўйнига олганига маслаҳат билан нима жазо буюрсак бўлар экан,— дебди. Вазирлари:

— Ўзингиз биласиз,— деб таъзим қилиб турган экан. Хон:

— Бундай иш дунёда бир, икки, уч бўлган эмас. Шу сабабли олти яшар боладан олти хил гап сўрайлик. Бола нима деб жавоб қайтарса, шунга мувофиқ жазо тайинлайлик,— дебди. Вазирлар хоннинг бу таклифига қонганларидан кейин, хон боладан гап сўради:

— Отангини ўлдирган одам шу экан. Буни ўлдирайликми, ўтга солиб куйдирайликми ёки минорадан ташлаб юборайликми, ёинки зиндонга ташлаб, қамаб қўяйликми? Ё бўлмаса сарпойи-кийим бериб жўнатиб юборайликми?— дебди. Шунда бола:

— Отамни шу киши ўлдирган бўлсалар, онамни олсалар, мен дада қилиб ола қолай,— деган экан.

Хон боладан шундай сўзни эшитиб, вазирларига қараб:

— Бу боланинг сўзига қандай жавоб қайтарамиз?— дебди. Вазирларидан биттаси:

Отанг эрдир, онанг эрдир:
Сен ҳам эрдай қилиқ қил.
Қимки сенга ёмонлик қилса,
Сен шунга яхшилиқ қил.
Энди сен тегмоқчи бўлиб,
Сен уни олмоқчи бўлиб,
Хонга қулиқ қил,—

деб никоҳ ўқиган экан. Вазирнинг шу сўзидан кейин, бири тегмоқчи бўлибди, бири олмоқчи бўлибди. Никоҳ ўқигандан кейин, иккови учов бўлиб, болани кўтариб кетган экан, уйларига етган экан.

Унақа экан, бунақа экан, шунақа экан, бир вақтда Абдурахмон деган камбағал-бечора бор экан. У бир кунни кетмонини олиб, елкасига солиб, кетиб қолиб, Мерган деган жойга етиб қолган экан. Худойниёз деган бойга мардикор тушган экан. У беш-олти кун ишлаб, ҳолдан кетиб: «Энди уйимга нима олиб бораман», деб бойнинг эшигидан ўтиб кетаётиб дарвозасини тақ-тақ урибди. Бой чиқиб:

— Хизмат?— дебди. Абдурахмон:

— Шундай чиқиб қолиб эдим, чарчаб-толиб эдим, бой акам бир нима дермикан, деб келиб эдим,— дебди. Бой уни киргизиб, остонага ўтқизиб, тўртта пошти патшисга солиб чиқиб:

— Чой ўтганда келдингиз, энди мана шу нондан еб кетинг,— деб нонни олдига қўйди. Абдурахмон ноннинг иккитасини еб, иккитасини қўйнига солибди. Бой буни кўриб: «Иккитасини еди-ку. Иккитасини олиб, қўйнига солгани нимаси», деб аччиғи келиб:

— Абдурахмон, қўнглингизга келмасин. Сизини-ку, мен чақириб келганим йўқ, ўзингиз келдингиз. Олдингизга қўйган тўртта ноннинг иккитасини еганингиз еган, иккитасини олиб қўйингизга солганингиз нимаси?— дебди. Абдурахмон:

— Бола-чақага олиб борай, деб эдим,— дебди. Бой туриб:

— Мен бола-чақангнинг кафилини олганим йўқ. Еганингни единг, қолгани қолсин!— деб қўлидан нонни олиб қолибди.

Абдурахмон уйига бориб қолибди, ухлаб қотиб қолибди. Эрта билан туриб, аста-секин юриб, дарё лабидаги ернинг чопиғини чопиб, қорин очиб, дарё лабига бориб ўзидан ўзи ўйланиб: «Уйга борай десам, узоқ бўлса, чопишимни қилай десам, кун иссиқ бўлса, яхинси бирон нарсани эрмак қилайин»,— деб чайла тўкибди. Чайлани дарёга солибди. Қараса, салқин бўлиб қолибди. Бориб чопиғини чопиб, кечқурун кетиб қолибди. Ҳалиги чайлани кўтариб қараса, бир катта балиқ илиниб қолибди. У балиқ сариқ, кўк, оқ бўлиб товланар экан. «Бу балиқни емайин, подшога олиб борайин, подшо бир нима берар»,— деб подшонинг олдига борибди. Подшо:

— Нима олиб келдинг?— деб сўрабди. Абдурахмон:

— Мен меҳнаткаш қўлингиз дарёга чайла ташлаб қўйсам, мана шу балиқ илиниб қолибди. Сизга манзур бўлмиш билиниб қолибди. Кечаю кундуз юртимизни сўраб турган подшомизни кўрсам, деб юрган эдим. Худога шукур, шу балиқ

баҳонаси билан муродимга етдим,— дебди. Подшо балиқни кўриб, ундан гап сўрабди:

— Балиғнинг тирикми, ўликми?— дебди. Абдурахмон:

— Тақсир, тирик,— дебди. Подшо:

— Балиқнинг тириклиги нима билан?— дебди. Абдурахмон:

— Балиқнинг тириклиги сув билан,— дебди. Подшо:

— Балиқнинг тириклиги сув билан бўлса, балиғнинг ол, ана у ховузга сол!— дебди. Абдурахмон қуллик қилиб балиқни олибди, сувга солибди. Подшо қараса, ховуздаги балиқларнинг ҳаммаси бу балиқнинг атрофида таъзим билан гирканалак бўлиб айланиб юришибди. Подшо буни кўриб, хурсанд бўлиб, хазиначини чақириб:

— Шунга минг танга нийом қилдим: олиб чиқиб бер!— дебди. Хазиначи минг тангани олиб чиқиб берибди. Абдурахмон қулук қилиб кетган экан, йиғирма қадам нарироққа етган экан. Подшо вазирнинг ғайирлиги келиб, подшога:

— Сизга нима бўлди? Сизга одамлар тулпор от, ғайри ажойиб нарсалар олиб келганда, уларга йиғирма танга, ўттиз танга, қирқ-эллик танга, жуда кўп бўлса юз танга берар эдингиз. Нимага бир тангага олмайдиган балиқ учун минг танга бериб юбордингиз? Хали ҳам бўлса қайтиб олинг!— дебди. Подшо:

— Эй вазир, мен юз танга бер дейман, деб минг танга бериб юборибман. Энди қандай қилиб қайтариб оламан?— дебди. Вазир:

— Буни қайтиб олиш осон. Сиз уни чақириб олиб: «Мен сендан бир гап сўрайман деган эдим, эсимдан чиқибди. Олиб келган балиғнинг эркакми, урғочими?»— деб сўрайсиз. Агар эркак деса, урғочисини тошиб кел, дейсиз. Агар урғочи деса, эркагини тошиб кел: дейсиз,— дебди. Подшо вазирнинг сўзи билан Абдурахмонни чақириб олиб:

— Мен сендан бир нарсани сўрайман. Олиб келган балиғнинг эркакми, урғочими?— дебди. Шунда Абдурахмон:

— Балиқни олиб келиш биздан, балиқнинг эркакми, урғочими эканлигини, фуқаронлигининг бою камбағаллигини билиш сиздан,— дебди. Подшо бунга гап топа олмай, яна минг танга нийом берибди. Абдурахмон яна минг тангани олиб, этагига солиб кетаётганда, бир тангаси ерга тушиб кетибди. Уни олиб, этагига солиб кета берибди. Вазир буни кўриб:

— Тақсир, кўрдингизми, бу жуда назари наест одам экан. Шунча тангадан бир тангаси ерга тушиб кетса, шунинг ҳам эганиб олибди, этагига солибди. Икки минг тангани қайтариб оладиган гап топилиб қолди,— дебди. Подшо вазирнинг гапи билан Абдурахмонни чақириб олиб:

— Мен сени туппа-тузук одам десам, сен покас одам экансан. Менинг оркамдан шунча наф олдинг, этагингга солдинг, жўнаб қолдинг. Қараб турсам, этагингдан бир танга тушиб қолди. Назаринг пастлигидан бир тангани ҳам қолдирмай, энгашиб олдинг. Шун олмай кета берганингда ишим йўқ эди. Энди этагингдаги икки минг тангани ташлаб кет!— дебди. Абдурахмон:

— Тақсир, шу тангани олмас эдим, аммо тангада сизнинг номингиз ва суратингиз бўлгани учун ерда қолмасин деб олдим,— дебди. Подшо Абдурахмоннинг бу гапидан хурсанд бўлиб, хазиначини чақириб Абдурахмонга яна минг танга инъом қилибди. Абдурахмон уч минг тангани олиб, этагига солиб кетган экан, муродига етган экан, Нурали аканг айтган экан.

ХОН БИЛАН ВАЗИР ҚИЗИ

Бор экан, йўқ экан, бир вақтида бир хон бор экан. Хон вазирига: «Хотин киши хотин киши билан гаплашмаса, хафарок бўлар экан. Хониникига қўши-қўшни — хотин киши ботиниб кира олмас экан. Бизнинг хотинимиз у ерга, бу ерга борса, қўп сертараддирак бўлар экан. Сиз бизнинг вазиримиз, тенгимизга ўхшагансиз. Сизни бола-чақаларингиз бизникига келиб турсин»,— деб меҳмонга чақирган экан. Вазирнинг хотини, бир ўғли, бир қизи хоннинг уйига келиб меҳмон бўлишиб, хайр-маъзур дейишиб кетган экан. Беш-олти қадам парироққа етганда, хон уларга:

— Бундай оёқларингни тортиб кетманглар. Тўрт-беш кунда келиб-келиб юришингиз лозим. Келганларингиз мени шод қилади,— дебди. Шу топда вазир қизининг чиммати сийпанган экан, ҳусни кўриниб қолибди. Шунда подшонинг юрагидан урибди. Вазирнинг қизини яхши кўриб қолибди. Уч-тўрт кундан сўнг уч-тўрт хотинини совчилкка юборибди. Совчилар вазир билан қизнинг онасига:

— Биз қондан совчи бўлиб келдик, кўнглингизда нима бўлса, маъқулини айтинглар, умид қилиб келдик,— дебди. Вазир ва қизнинг онаси ихтиёрини берган экан. Совчилар бу сўзни хонга бориб айтмоқчи бўлиб, ўринларидан турганда, қиз совчиларга:

— Мендан ҳам гап сўранглар,— дебди. Совчилар:

— Сизнинг нима сўзингиз бор?— дебди. Қиз:

— Менинг сўзим шунки, қон мени олмоқчи бўлсалар, мен таъбим хоҳлаган ҳақи-махримни айтаман,— дебди. Совчилар:

— Ҳа, айтинг, сизнинг ҳам гапингизни эшитайлик.— дебди. Қиз:

— Хон мени аниқ олмоқчи бўлса, менинг ҳақи-маҳрим-га йиғирмата барра, ўттизта арслон, қирқта қоплон, олтмишта ахта, етмишта нўхта берсалар, тегаман; бўлмаса, тегмайман,— дебди. Совчилар бориб хонга бир-бир баён қилган экан. Бу сўзининг маъносига хон дарров тушуниб «ух» дебди. Хоннинг «ух» деганига вазирлари:

— Тасаддуқ, бу қизнинг айтган нарсасини топиб бериш уддасидан мен ўзим чиқаман. Сиз бу гапга «ух» демасдан, қизни олиш ҳаракатини қилинг. Мен сизга шу нарсаларни керак вақтда топиб бераман,— дебди. Хон:

— Э вазир, эътиқодли сўзингга қараганда, сен менинг ҳар сўзимнинг уддасидан чиқар экансан. Сендан мен хурсанд бўлдим. Унинг ота-онасининг «Ҳа, тузук» деганига олмасам, олгандай бўлдим. У қизнинг менга тегишга хоҳиши бўлмаганидан шу чистонни ясаган,— дебди. Вазир айтибди:

— Шу нарсаларни топиб беринг, деган чистонни нимаси? Хон:

— Гапга тушунмасангиз, мен бунинг гапини аниқ тушунтириб қўяй: «Мен йиғирмага кирган қизман, мисоли бир барраман. Йиғирмага кирган қиз ўттизга кирган йигитга тегишни ихтиёр қиламан. Ўттизга кирган йигит қирқта етганда қоплонга ўхшайди. Қувалашиб, ўйнашиб юришни истайман. У олтмишга киргандан кейин мисоли ахтага ўхшайди. Етмишга киргандан кейин мисоли нўхтага ўхшаб қолади. Ўзлари етмишга кириб қолган бўлсалар, мендай йиғирмага кирган қизни оламан дейишлари қизиқ. Менинг тегишга қўнглим таскин топмайди»,— деб айтган чистон сўзи шу,— дебди.

ЁЛҒОНЧИ

Унақа экан, мунақа экан, бир подшо бир ёлғон гап эшитишликка жуда орзуманд экан. Ошиқ бўлиб, ош турмайдиган қошиқ бўлиб, жарчи чақиртирган экан. Жарчи чақириб юрган вақтда бир йигит:

— Мен тўрт оғиз ёлғон гапни ростлаб гапираман. Мен мослаб сартосини оламан,— деб кетиб қолиб, жарчи билан бирга-бирга подшонинг олдига етиб қолиб, подшога қарамай, соқолини тарамай, таъзим қилиб, ерга қараб ўтирган экан. Подшо:

— Хўш, арзинг борми?— дебди. У:

— Подшо, сизга арзим йўқ, сиздақадан менинг гап қарзим йўқ. «Қимми тўрт оғиз ёлғон гапни тоблаб, бирини бирига боплаб гапиришнинг уддасидан чиқса, бош-оёқ сарпо бера-

ман»,— деб жарчи чакирган экансиз. Шунинг учун тўртта ёлғонга иккита ростни қўшиб, бирини-бирига мостлаб айтмоқчимиз, сарпо берсангиз, кийиб кетмоқчимиз, шунга келганмиз, эрталаб бир бурда нон еганмиз. Биз оч, сиз тўқ. Гапимиз сизга ёқмай қолса, сиз беролмай, биз ололмай, уйимизга боролмай ўтиргандан кўра, ҳар нарсанинг нақди яхши. Олдин сиз беринг, олайлик, чопонимизни елкамизга солайлик, айтиб берамиз, ёқмаса чопонингизни қўлингизга қайтариб берамиз,— деган экан. Подшо:

— Сиздан битта чопон айлансин,— деб чопонни елкасига солдириб, беш-олти вазирини қулоқ солдириб,— қани энди ёлғон гапингни гапир-чи!— деган экан. Бу йигит:

— Тақсир, меннинг отам, онамни олмасдан илгари туғилган эканман. Етаклаб юрмаганидан ўсиб қолган эканман, товуқ бозорига етиб қолган эканман. Бир вақт туғмаган товуқнинг тухумини бостириб очирса, бир хўроз очган экан. У хўрозни бозорда сотолмай, аламига етолмай юрганда, мен хўрозни олибман, қўйнимга солибман. То кеткизиб, уйга ётқизиб олиб боргунча туядан катта бўлиб, у ҳар кунни учтадан тухум қилди. У тухумни олсам, аравага солсам, от тортолмайдиган катта тухум бўлди. У тухумнинг иккитасини олиб, катта қопга солиб, хўрознинг ўзини тоблаб, эгарлаб-боблаб, устига синиб кетказиб, бозорга етказиб, иккала тухумни сотиб, пулини олиб, чўнтакка солиб, шунинг билан кетиб қолиб, уйга етиб қолиб, хўрознинг устидан тушиб, эгарларини олиб қарасам, қиррасида товоқдай яғир бўлиб қолибди. У яғирга дорн қўярман, деб дорн суркаб турсам, қўйнимда беш-олтита ёнғоғим бор экан, бир ёнғоғим яғирга тушиб ёпчишиб қолган экан. У ёнғоқни топиб оламан, деб хўрознинг ичига кириб чунон излаб, неча вақт қараб, ёнғоғимни топа олмай, бу ёққа чиқсам, у ёнғоқ хўрознинг устида қўқариб, ёнғоқ пишиб, тўкилиб тагига тушиб турган экан. Бу ёнғоқларни териб олиб, этагимга солиб турсам, бир-иккита одам келиб қолиб, кесак олиб, қоқишмоқчи бўлиб, отаверибди, отаверибди, у кесаклар пастга тушмай юқорида қолибди. Мен бу кесакларни қаёққа кетаяпти, деб ёнғоқнинг устига чиқиб қарасам, беш-олти таноб шудгор бўлиб қолган экан. У шудгор бекор турмасин, деб чопиб тарвуз экиб қўйган эканман, ўша топда у тарвуз дарров қўқариб, бир катта тарвуз солган экан. У тарвузни узиб олсам, этагимга солсам, қандай қилиб олиб бораман? Ундай-бундай қилиб подшонинг олдига олиб борсам, бу тарвузни сўйсалар, хом чиқиб қолса, сўйиб кўрай, ҳеч бўлмаса ўйиб кўрай, деб чақмоқласам, тарвузнинг ичига пичоғим тушиб кетди. Пичоғимни топиб чиқай, деб тарвузнинг ичига тушиб қидириб

юрсам, бир одам мендан: «Туя кўрдингми?» — деб сўради. Мен: «Сен тичок кўрдингми?» — дедим. «Нега бундай дейсан?» — деган эдим, у: «Э, ўртоқ, меннинг беш-олти юз туям бор эди. Излаганимга уч-тўрт ой бўлди», — деб у меннинг ёқамдан ушлаб, жағимга муштлаб, икковимиз уришиб қолдик. У тарвузни олиб келганимда еярмидингиз?» — дебди. Подшо:

— Мен бундай ёлгон гапни эшитмаган эдим, — деб чопонни қайтиб олмаган экан. Шунинг билан кетган экан, уйига етган экан, Нурали қизик айтган экан.

ТҲЙ

Илгари замонда, Қўқон томонда, Тарғоқ қишлоқ билан Орази қишлоқ ўртасида, Қуйи маҳалла деган маҳаллада бир Холчабиби деган хола Боймат ака деган бойга теккан экан. Боймат ака билан Холчабиби хола йигирма йил умр кечирган экан. Холчабиби хола уч ўғлининг опаси бўлибди. Боймат ака катта ўғлининг отини Абдурахим, кичик ўғлининг отини Абдурасул, кенжатоғининг отини Марасул қўйган экан.

Қулардан бир қуни Боймат ака дунёдан хайрлашиб, ундан қўп мол қолган экан. Икки ўғли отадан қолган молдан уйланган экан. Марасул деган ўғли уйланмай қолган экан. У нима учун уйланмай қолган? У ҳеч бир ўртоқларни билан юришни-туришни, боришни-келишни билмас экан. Марасулнинг гап-сўзи, хусни ҳам хунуқроқ экан. Холчабиби хола мабодо, у ерга-бу ерга, тўй-пўйга, сумалак-пумалакка бориб қолса, йиғиндаги аскиячи хотинлар: «Холчабиби хола, Марасул чиройли ўғлиниги уйлантириб қўйдингми?» — деб аскиячилик билан масхара қилар экан. Холчабиби хола уларнинг бу сўзига уялиб, гап топа олмай, деворга суялиб қолар экан. Шунинг орқасида Холчабиби хола ўйланиб, неча тўйларга боришга юраги довламай, бошқа гапни пойламай, Матмуса домланинг олдида бориб:

— Ассалому алайкум, домла, — дебди. Домла:

— Келинг, янга! Нима гапингиз бор менда? — дебди. Холчабиби хола:

— Арзим бор сизга, қулоқ солинг бизга. Марасул ўғлимининг хунуқлигидан, камгап, камсўзлигидан ўз тенгим, ўртоқларим менга Марасул чиройли ўғлинигизни уйлантириб қўйдингизми, деса, икки хомбол, бир замбил бўлиб уялиб, деворга суялиб, ўлтирсам тутолмай, йўлимга ютолмай қоладиган бўлдим. Бир хил айтган жойларга ҳам бормасдан қоламан. Тагин шундай сўзлар десалар, нима дейишимни билмай қоламан, деб бормаيمان», — дебди. Домла:

— Э янга, бу гапни гапирманг менга. Агар гапирган бўлсанг менга, бир гапим бор айтай сенга,— дебди. Холчабиби хола:

— Айтинг менга,— дебди. Домла:

— Агар айтсам сенга, кулоқ сол менга. Ҳар ҳунарга ҳар ким шогирд тушса, ўрганади. Дунёда тўрт ҳунар бор. Лекин бу ҳунарга ҳар ким шогирд кирса ҳам, ўргана олмайди. Биринчи, сизнинг ўғлингиз хунук экан, ҳар қандай чиройли киши билан юрса ҳам, чиройли бўла олмайди. Иккинчи, ўғлингизнинг ақли кам экан, ҳар қандай ақлли одамлар билан юрса, ақлли бўла олмайди. Учинчи, ўғлингиз бадовоз экан, ҳар қандай хушовозли одамлар билан юрса, уларга ўхшаган хушовозли бўла олмайди. Тўртинчи, ўғлингизнинг кучи кам, ғайрати озроқ экан, ҳар қандай кучли, ғайратли одамлар билан юрса ҳам, уларга ўхшаган кучли, қувватли бўла олмайди. Лекин янга, хотинларга айтиб қўйинг, хотинлар бундай гапирмасин менга, дейсиз. «Эл оғзига элак қоплаб бўлмайди», «Шамол келмаса, дарахт боши кимирамайди», деган мақол бор. Мен уларга бу гапни айтсам, уларнинг ўжарлиги келиб, мен бир оғиз айтсам, улар икки оғиз гапирадиган бўлади. Янга, бу гапингизни иккинчи гапирманг менга! «Подшонинг ишқи қурбақага тушибди», деган бир мақол бор. «Сулув сулув эмас, ҳар кимнинг севган ёри ўзига сулув». Энди ўғлингизни ҳеч ким севмаган бўлса, беш кун олдин эмас, беш кун кейин бўлар. Бир кун уйланиб қолар. Тошманг янга, бу гапни айтманг манга,— дебди. Холчабиби:

— Тагин бир гапим бор, айтай сизга, кулоқ солинг бизга. Битта хунук ўғил бор экан менда, битта чиройлик қиз бор экан сизда. Менинг шу ўғлимни сиз ўғил қилиб олсангиз. Мен сизга ойдан озиқ, қоққанда қозиқ, оғанда хурмача қолгунча, етса молим, етмаса жонимни фидо қилгунча, ҳар қанча сарф-харажатдан қочмас эдим,— дебди. Домла:

— Сиз бу гапни ташлаганингизда, хўрлигингиз келиб кўзингизни ёшлаганингизда, мен сизга айтсам, «Бермас қизнинг қалини қалин», деб эшитгансиз. Яна бир мақол борки, «Эришини кўриб бўзини ол, энасини кўриб қизини ол», «Бетга айтганининг захри йўқ». Бир сўз айтай, қани сиз нима дейсиз?— дебди. Холчабиби:

— Нима десангиз, эшитай,— дебди. Домла:

— Бу сўзлаган сўзингизга айтсам: тўққиз тилла пул, тўққизтадан той, тўққизтадан қўй, бир болалик сигир, тўққиз чорак ун, тўққиз чорак гурунч берсангиз, агар уддасидан чиқсангиз, сизнинг ўғлингизни хунук демасдан куёв қилиб олайин,— дебди. Холчабиби:

— Келар шу бугунга давр эшигингизнинг тагига келтир-масам, Холчабиби бўлиб юртда юрмаганшм бўлсин,— деб рўмолининг учини ечиб тўкқиз тилла пулни Матмуса домлага бериб,— келар шу бугунга бошқа нарсаларни олиб келтираман,— деб хурсанд бўлиб уйига кетган экан, ўғлининг олдига етган экан. Ўғлига:

— Болам, Матмуса домланинг қизига бўлишиб келдим,— дебди. Ўғли:

— Қайси кунга тўй бўладиган бўлди?— деди. Холчабиби:

— Бугун якшанба, келар якшанбада ҳаракат қилиб шопипоя, юнғичқапояни сотгин, болам. Тагин бирорта одам айнитиб қўйиб, яна мен эл ичиде юра олмайдиган бўлиб қолмайин. «Қизга эр топилади, йингитга ер топилади»,— деб шопипоя, юнғичқапояларни сотиб, ҳаммасини сарф қилиб, домланинг айтганларидан ҳам зиёда қилиб, қимматбаҳо нарсалардан олиб, ўн саккизта саватга солиб, қўйларни маъратиб, бузоқларни мўъратиб кетказиб, домланинг дарвозасининг тагига етказиб берибди. Домла бу дунёга қизиқиб, қизини Марасулга беришга ваъда бериб, тайёргарлик қўра бошлаган экан. Қиз отасининг бундай қилган ишига ихтиёри ўзида йўқлигини билиб:

«Хунукка муносиб кўриб берган бўлса отам,
Кечаю кундуз умрим ўтар экан мотам»,—

деб афсус-надомат қилиб юрганда, домла билиб қолиб, қизига:

— Мен ота бўлганимдан кейин, сени ўтга ташлайманми, сувга ташлайманми,— деб қизини хўрлаб, Эшмат домлага айтиб, ниқоҳ ўқитиб, қабул дегизиб, қизини Марасулга берган экан. Марасул шу қизни олган экан. Шўрлик қизнинг онаси қизининг кўнглига қараб, йиғлаб қолган экан. Марасул қизни олган экан, маҳалладаги хотинларни еттига аравага солган экан. Келини олиб кетаётганда араванинг ичиде ёр-ёр айтадиган икки хотин бор экан. Бирининг оти Ачабиби, бирининг оти Икромбиби экан. Буларнинг аравада ёр-ёр айтиб, келини олиб кетаётган жойи:

Хай-хай ўлан, жоним ўлан, ўланчман,
Ёр, ёр-а, ўланчман.
Ўлан айтсам ўлан кўпдир,
Ёр, ёр-а, ўлан кўпдир.
Ўлан айтган тилгинангдан менга ўнгир,
Ёр, ёр-а, менга ўнгир.

Эшик олди мис панжара, мисли ариқ,
Ёр, ёр-а, мисли ариқ.
Куёв тўра олибдилар, ойдек қаллиқ,
Ёр, ёр-а, ойдек қаллиқ.

Тахта-тахта кўприк тахтинг бўлсин,
Ёр, ёр-а, тахтинг бўлсин.
Ойда-йилда бир келасан, бахтинг бўлсин,
Ёр, ёр-а, бахтинг бўлсин.

Томда тойча кишнайдди от бўлдим деб,
Ёр, ёр-а, от бўлдим деб.
Уйда келин йиғлайди ёт бўлдим деб,
Ёр, ёр-а, ёт бўлдим деб.

Йиғлама қиз, йиғлама, уй сеники,
Ёр, ёр-а, уй сеники.
Остонаси тилладан жой сеники,
Ёр, ёр-а, жой сеники.

Дарё тошқин, сувлар тўлқин, ўтолмайман,
Ёр, ёр-а, ўтолмайман.
-Йўлнинг узок, манзилнингга етолмайман,
Ёр, ёр-а, етолмайман.

Дарёларнинг ул юзида сар¹ келади,
Ёр, ёр-а, сар келади.
Паранжига ўралиб ёр келади,
Ёр, ёр-а, ёр келади.

Паранжига ўралмаса ким кўради,
Ёр, ёр-а, ким кўради.
Сенинг ойдек жамолинингга ким тўяди,
Ёр, ёр-а, ким тўяди.

Шу билан келинни куёвнинг уйига етказиб, аравадан
тушириб, келинни ичкарига киргизибдилар. Келин тарафдан
бир гапдон аскиячи хотин, куёв томонидан ҳам бир аскиячи
хотин — икковни қизиқчилик қилиб, келин салом бошлабди.

Қиз тараф:

Томга қўйган шотидай,
Улоқчининг отидай.
Лаганда пишган мантидай,

¹ Кема.

Куёв тўрага салом!
Куёв тараф: Куллуқ.

Қиз тараф:
Отга таққан тақадай,
Ариқдан чиққан бақадай,
Йиртилиб қолган ёқадай,
Қайиногапгизга салом!

Куёв тараф: Куллуқ.

Қиз тараф: Бозорда ўтмаган қовундай:
Токчада қотган совундай
Булут орасидан ёққан ёғиндай,
Қуда бувамизга салом,

Куёв тараф: Куллуқ.

Қиз тараф: Ёйиб қўйган латтадай,
Илиб қўйган пахтадай.
Рандаланган тахтадай,
Қуда бувимизга салом.

Куёв тараф: Куллуқ.

Қиз тараф: Илиб қўйган салладай,
Қуйдирилган калладай,
Ёйиб қўйган малладай,
Амма-холаларига салом.

Куёв тараф: Куллуқ.

Марасул куёв:
Қош қораси бевафо,
Қоронғи бўлмасин хаво,
Ошиқликка йўқ даво,
Мен сўйламай ким сўйласин.

Келин: Қоши қора барно йигит,
Сизга қараб сўз айтайин.
Келсангиз ёнимга сиз,
Сўзимни сизга айтайин,—

деб Марасул билан қиз ҳам сўзларини тамом қилибди.

Холчабиби хола ҳалиги шўхчилик қилган хотинларга қараб
Марасул шайнига шундай дебди:

Марасулнинг оби йўқ,
Иш қилишга тоби йўқ.
Энанг айлансин, Марасул,
Сенга лойиғи бор экан.

Марасулнинг чориги
Чорвоқда сайил қилади,
Уни кўриб опаси
Қизни ҳавас қилади.
Энанг айлансин, Марасул,
Сенга лойиғи бор экан.

Қовоқчада қовурмоч,
Қовурмочга тиши йўқ,
Ҳеч ким билан иши йўқ,
Энанг айлансин, Марасул,
Сенга лойиғи бор экан.

Марасулнинг ўзлари,
Мунча яхши сўзлари,
Қийшайгандир кўзлари,
Энанг айлансин, Марасул,
Сенга лойиғи бор экан.

Оғзинг бўлса ўрадай,
Бурнинг бўлса чўмичдай,
Пешанаси тиришган,
Лаби-лунжи буришган
Энанг айлансин, Марасул,
Сенга лойиғи бор экан.

Шу билан хотинлар тўйни еб, тўймасдан у ёққа кетди,
Марасул уйланиб бу ёққа кетди, кампирнинг ғами-койиши
қаёққа кетди, Марасулнинг опаси муродига етди.

Давлатнинг даврида катта-кичик — ҳаммамиз ўйнайлик-
кулайлик, лйрайлик, яшнайлик, хунарнимизни харчлайлик,
хафалигимизни ташлайлик.

ИБРАТ ТУШ

Бир замонда бир подшо кечаси ётиб туш кўрган экан.
Тушида айланиб юриб бир боғни кўрган экан, боғда бир
тоғни кўрган экан, ўртасида иккита тентак билан соғни кўр-
ган экан. Ул боғнинг ўртасида бир туп мевалик дарахт бор
экан, у дарахтнинг меваси пишган экан, тўқилиб тагига

тушган экан. Мевани териб олган экан, дўшисига солган экан, ейман деб, еялмай қолган экан. Шунда бу кўрган тушига ўзидан-ўзи таажжуб ҳайрон қолган экан.

Подшонинг тўртта мунажжим фолчиси бор экан. Тўрто-виши аравага солиб келиб, рўпарага олиб келиб:

— Мен бугун туш кўрдим, тушимни жўйинглар, таъби-рини айтиб бeringлар, деган экан. Мунажжимлар:

— Кўрган тушингизни бизга айтасиз, унга биз таъбир айтамиз,— дейишибди. Подшо:

— Мен тушимда бир боғни кўрдим, боғда айланиб юриб тоғни кўрдим, ўртасида бир тентак билан соғни кўрдим. Боғнинг ўртасига борсам бир мевали дарахт, меваси пишган, тўкилиб тагига тушган. Мевасини териб олибман, дўшimgа солибман, ейман деб туриб уйғониб қолибман. Шу кўрган тушимни қай хилда қилиб таъбирини жўясизлар?— дебди. Мунажжимлар:

— Кишининг тушига ҳар қандай нарса киради. Уни жўй-са ҳам бўлади, жўймаса ҳам бўлади,— дейишибди. Подшо:

— Кўрган тушини жўя олмагандан кейин сизларнинг му-нажжимликларингизнинг нима кераги бор!— дебди. Мунаж-жимлар:

— Бўлмаса, кўрган тушингиздаги мевали дарахт мева-сининг монанди нимага ўхшайди?— дебди. Подшо:

— Меваси тиллага монанд, барги кумушга монанд, шохи темирга монанд,— дебди. Мунажжим:

— Сиз тушингизда кўрган у дарахт ер юзида йўқ нарса,— дебди. Подшо:

— Йўқ нарса менинг тушимга кирмайди. Тошиб берма-санглар, мунажжимлигингизни ҳисобга олмайман, сизларга жазо буюраман,— дебди. Шунда мунажжимлар кўздан ёш тўкиб, бир-бирига ҳайрон бўлиб қарашиб турган вақтда, подшонинг отбоқар хизматкори бу гапни эшитиб қолиб, подшога таъзим қилибди. Подшо:

— Ҳа, нима арзинг бор?— дебди. Отбоқар:

— Сиз айтган мевали дарахт бор. Булар мунажжим бўл-гани билан уни билмайдилар. Буларни хўрламанг, топиб беринг, деб зўрламанг. У мевали дарахт бор бўлгани билан ҳозир унинг меваси пишгани йўқ. Меваси тўкилиб тагига тушади. Мевасини териб олиб, этагимга солиб, танаси темир-га ўхшаган, барги кумушга ўхшаган, меваси тиллага ўхша-ган дарахтни олиб келиб кўрсатаман. Ҳар қанча жазо буюрсангиз, мен гарданимга оламан, буларни қийнаманг, деб умид қиламан,— дебди. Подшо хўп, деб мунажжимларни беозор кетказибди. Ўзининг еган овқатининг сарқитини от-боқарга егизиб юрганда, қирқ кун бўлибди. Отбоқар йигит

халиги мевали дарахтнинг бир шохини кесиб, мевасини ҳал-
виратиб, елкасига солиб шалвиратиб, подшонинг дарвоза-
сига келибди. Эшик олдидагилар: «Бунн нимага олиб кел-
динг»,— деса, «Подшога менинг кўрсатадиган далил-важим
бор»,— дебди. Улар подшонинг олдига олиб боришибди.
Подшонинг олдига мевали дарахтни ташлаб, таъзим қилиб
турибди. Подшо:

— Нимага бунн олиб келдинг?— дебди. Отбоқар:

— Бунн олиб келмай, нимани олиб келаман,— дебди.

Подшо:

— Буннинг менга нима даркори бор?— дебди. Отбоқар
йигит:

— Нима даркори бор, дейсиз, буннинг мевасидан ейсиз,
қайси кунги мунажжимларга шма дейсиз. Бунн сиз кўринг,
сизнинг тушингизда кўрган дарахтнинг йўригидан йўриқлаб,
ўзингизнинг ўзингиз ақлингизни кўриқлаб, шунга қаранг-чи,
тушингизда кўрган дарахтга ўхшайдими, йўқми?— дегандан
кейин подшо қойил бўлиб, озгина сарпо бериб кетказиб,
нарироққа етказиб, у дарахтнинг мевасидан еб, ундай-бундай
деб, у мевали дарахт нима экан, десам, жийда экан.

Шу билан халиги отбоқар йигит бир жийдани олиб келиб,
елкасига солиб келиб, сарпони олган экан, индамай қолган
экан.

Нурали отанинг гаши,
Одамларга нафи,
Нурали отанинг гапи,
Ёш болалар ўқисни деган гаши.

ОЛДИ-ҚОЧДИ ГАП

Ундай экан, бундай экан, бир вақтда бир машиначи бор
экан, у қанақа экан, у машиначи шунақа экан, машина-
чининг феъли тор экан, бир хотини бор экан, машиначи кўп
зиқна экан. Агар хотини остона ҳатлаб эшикка чиқса:
«Сен нарию, мен бери» деб зикналик қилиб юрар экан.
Машиначининг бу гапидан кўрқиб, хотини остона ҳатлаб
эшикка чиқмаган экан. Хотини бир куни бойига:

— Эй бой, сизга нима бўлди?— дебди. Эри:

— Ҳа, менга нима бўлибди?— дебди. Хотини:

— Сайил-саёхатда, кўча-кўйда, маҳалла-тўйда юрасиз.
Нечун мени уч йилдан буён остона ҳатлатиб эшикка чиқар-
майсиз. Мени кўчага олиб чиқиб, бозор-гузарларни кўрсатиб
келмасангиз, қанотим қайрилиб, ақлимдан айрилиб, юрагим
зардоб бўлди,— деб эрига ялинган экан. Эри:

— Ҳа, тузуқ, бунчалик диққат бўлган бўлсанг, паранжичимматингни ёпингин,— деб бозор бошига етказиб, бир ошхонага киргизиб, оби-овқат ейишиб, ундай—бундай дейишиб, шу билан кетиб қолиб, нарироққа етиб қолиб, беш-олти юз одам бир жойга тўп бўлиб, жанжал-можаро кўп бўлиб тургандай кўринибди. «Бу ерда нима гап бор экан?»— деб бориб қараса, одамларнинг ўртасида бели букри, ўзи ориқ, афти сариқ бир дуторчи машшоқ дутор чалиб, унинг чалганига одамлар қулоқ солиб, нечтаси ўтириб қолиб, замзама қилиб турган экан. Унинг замзама, ашула, дутор чалганини булар ҳам кўриб, дуторчига пул беришиб кетганда, беш-олти қадам нарироққа етганда, машиначининг хотини эрига тавалло қилибди:

— Шунини уйимизга етказиб, кўрпачага ўтказиб, дуторини чалдириб, томоша қилиб, бир базм қилсак бўлар экан,— деб машшоқни чақириб олиб, гапга солиб:

— Бугун бизникида бир меҳмон бўлсангиз?— деган экан. Машшоқ:

— Ҳа, тузуқ,— дебди. Шу билан эру хотин машшоқ билан учта бўлишиб кетиб, уйига етиб кўрпачага ўтказибди. Машиначининг хотини:

— Энди бўлар иш бўлди. Буни айтиб келди. Бир харажат қилиб келинг: бунинг олдига овқат қилиб қўййлик,— дебди.

Эри ёғқовоқни олибди, қопни елкага солибди, жўнаб қолибди, хотини билан машшоқ уйда қолибди. Шу билан кетиб қолса, нарироққа етиб қолса, биров бир арава балиқ тушириб тарозига солиб сотиб турган экан. Ҳалиги машиначи: «Арзон экан, ола қолай, шунини пишириб егизиб қўя қолай»,— деб балиқ билан зиғир ёғини олиб, уни кетказиб, уйига етказиб, балиқни тозалаб-тоблаб, уни пишириб-боблаб қўйган экан. Учаласи ейишиб, ундай-бундай дейишиб, «балиқни еб бўлиб, базм қиламиз», деган хаёл билан ўтиришган вақтда, хотини шўхлик қилиб, машшоқнинг оғзини катта очдириб, бир бутун балиқни машшоқнинг оғзига киргизиб юборган экан. У балиқ тиқилиб, машшоқ йиқилиб, ўлган ўликка ўхшаб қолибди. «Энди бу ўлиб қолибди. шўримиз қуриб қолибди, энди қандай қиламиз»,— деб эру хотин буни кўмиб ташлашга қўрқиб, иккови маслаҳат қилибди: «Энди бу бунақа бўлди, шўримиз қайнаган экан, буни опичлаб олай, маҳалладаги табибнинг эшигини чақирай. Табибнинг одами «нима ишларинг бор?» деса, «Бир касалимиз бор эди, табиб поччамни чақириб чиқинг», десак, эшикни очса, ичкарига кириб кетса, буни эшигининг тагига ўтказиб, қочиб келамиз. Табиб нима қилса, шунини қилсин»,— деб маслаҳатлашиб, машшоқни қў-

тариб бориб, табибнинг эшигини чақиришибди. Табибнинг одами чиқиб:

— Ким?— дебди. Булар:

— Эшикни очинг!— дебди. Эшикни очибди.

— Нима ишга келдинглар?— дебди. Булар:

— Бир касалимиз бор эди, табибни чақириб чиқинг, бир кўрсинлар,— дебди. Шу билан табибнинг одами ичкарига кириб кетгандан кейин, табибнинг эшигининг тагига қўйишиб, иккови қочишибди. Табиб чиқсаки, эшигининг тагида ўлик ётибди. Табиб эшикни очган одамини қойиб, чироқ тутиб ўликни қараса, у ўлик подшонинг машшоғи экан. Табиб: «Мана бу ошпаз қўшнимнинг томидаги суякларни итлар еб юрар эди. Энди ошпазнинг томига шоти қўйиб, буни ҳам олиб чиқиб қўямиз. Зора суяк егани келган итлар буни ҳам еб кетса»,— деб ошпазнинг томига ўтқазиб қўйибди.

Бир вақт ошпаз эшикка чиқиб, у ёқ, бу ёқни қараб туриб, томдаги ўтирган одамни кўриб: «Бу менинг хоннинг ошпази эканлигимни билиб, пули кўп, деб босмачиликка келгандир»,— деб катта тош билан бир отган экан, ўликка тегиб думалаб тушибди. Ошпаз томга чиқиб қараса, хоннинг олдига бориб юрган машшоқ экан. «Оҳ, шўрим кўрсин, энди нима қиламан. Буни бировга томон ташламасам, хон мени ўлдиради»,— деб кўрқиб, афсус-надомат қилиб, уни олиб, елкасига солиб, ўрта йўлга етказиб, уни деворга суяб ўтқизиб қўйган экан.

Бир ароқ ичган маст гандирақлаб, ўзидан — ўзи сандирақлаб ўтиб кета туриб, ҳалиги ўтирган ўликни кўриб қолибди. «Бунинг ёнини ковлаб, пулини оламан»,— деб бир тепган экан, у ағдарилиб тушган экан. Маст шундай қилиб турганда, қоровул мастни ушлаб олиб, ҳалиги ўликни кўтартириб, подшонинг олдига олиб борган экан. Подшо қараса, ўзининг машшоғи экан. Подшо:

— Э, нима гап?— деб сўрабди. Қоровул:

— Мана бу маст сизнинг бу одамингизни бир тепиб ўлдириб қўйибди. Мен буни ушлаб олиб келдим. Энди нима ҳукм чиқарсангиз, ўзингиз биласиз,— дебди. Подшо:

— Олиб бориб дорга осинглар!— деб ҳукм қилибди. «Хоннинг машшоғи кўчада турганда мана бу маст бир тепиб ўлдириб қўйган экан. Подшо дорга осиб ўлдиришга ҳукм қилдилар. Кимки томоша кўргиси келса, келиб томоша қилсин»,— деб жар чақирган экан. Бу гапни ошпаз эшитиб қолиб: «Вой, энди қандай қиламан. Ўлдириб кўчага ўтқизиб кетганман. Менинг қилган гуноҳимга у ўлиб кетадими? Йўқ, мен уни ўлдирмасдан ўзим ўлай. Бу жазо менга лозим. Мен бунга тош отиб, ўлдириб кўчага ўтқизиб кетганман»,—

деб ўзини-ўзи тутиб берибди. Ошпазни дорга тортаман, деб турган вақтда табиб келиб қолибди. Табиб:

— Биров менинг эшигимга ташлаб кетганда, мен ошпазнинг томига ўтқизиб қўйганман. Айб менда, ошпаз қутулсин. Буни озод қилиб, мени дорга осинг,— дебди. Ошпазни қўйиб, табибни дорга тортаман, деб турган вақтда машиначи бориб қолибди. Машиначи:

— Тўхтанглар, мен буни кетказиб, кўрпачага ўтқазиб, балиқни пишириб еяётган вақтимизда, хотиним балиқни оғзига тиқиб юборибди. Шундан кейин табибнинг эшигига ташлаб кетган ҳам мен,— деб табибни кутқазиб, ўзини тутиб берибди. Шу вақтда дорбоннинг аччиғи келиб:

— Дунёда мен бундай гапни эшитганим йўқ. Ўликни кетказамиз, подшонинг олдига етказамиз. Подшо қайси бирингни ҳукм қилиб берса, шуни дорга тортаман,— деб ўликни подшонинг олдига олиб борибди. Подшо:

— Ҳа, нима ғалва, нега ўликни олиб келдинг?— дебди. Дорбон подшога:

— Умримда ҳеч бир эшитмаган гапни эшитиб, ўликни олиб келдим. Сиз буни дорга тортгин, дедингиз. Буни дорга тортаётсам, «Буни тортма, мени торт»,— деб бу келди. Буни тортай, деб турсам, буниси келди. Энди менга биттасини ҳукм қилиб беринг, мен ўшанисини дорга тортайин,— дебди. Подшо:

— Бу менинг яхши кўрган машшоғим эди. У гоҳ-гоҳ менга келиб дутор чалиб бериб, мени хурсанд қилиб юрар эди. Буни ароқ ичган маст ўлдирган экан. Бунга ҳукм чиқариб дорга осилишини буюрган эдим. Сенинг учовингнинг далилинг борми?— дебди. Подшонинг бу саволига тўртови ҳам ўзининг қилган ишларини айтиб бериб, подшони ҳайратда қолдириб турганда, подшонинг сочини оладиган бир олами келиб қолибди. Подшо:

— Сочимни қўятур, аввал мана бу масалани ҳал қилайлик,— деб бутун ишни сартарошга баён қилибди. Сартарош ҳам сартарош экан, ўзининг бир оёғи майиб экан. Аммо у сартарош кўп билимдонлигидан экан. «Тўхтанг, бунинг томирини кўрай»,— деб ўликнинг томирини ушлаб кўриб: «Тақсир, бунинг қони юриб турибди, бунда жон бор, рангида қон бор, бу ўлгани йўқ. Бунга бир дори қилай, зора тирилиб қолса»,— деб у ёқ, бу ёғини уқалаб, дорисини суркаб юборган экан, дори асар қилиб бир йўталса, оғзидан балиқ чиқиб кетибди. Подшо ҳайрон бўлиб:

— Сен ётган ўлик эдинг. Одамнинг кайфини учуриб юбординг. Сенга садқаи машшоқчилик кетсин,— дебди. Тўртови

хурсанд бўлиб, хоннинг олдида ўтиришибди. Подшо машшоққа қараб:

— Қани энди сен бизга бир ашула қилиб бер. Шу ўлтиришимизга муносиб қилиб, кўнглингдан чиқариб, завқинг билан дуторингни чал, ҳаммамиздан унча-мунча ол,— дебди. Машшоқ хонга таъзим қилиб:

— Бўлмаса, сизларга «Улкан жон» деган ашуламни айтиб берай,— деб дуторини олиб, чалиб ашула айтган экан:

Улканжон, юзни товон айладинг,
Кун чикқандек ойни пинҳон айладинг,
Қумриларни зору нолон айладинг,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

Меҳрим энди тушди сиздек жонларга,
Жоним берсам арзир бағри қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди,
Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

Ҳеч кўрмадим сиздек жаллоду қотил,
Ташлаб чиқинг энди бизларга кокил,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

Қизил гул очилиб қилди нишона,
Сизни кўриб ақлим бўлди бегона,
Ҳайрон бўлиб кирди эшигингизга биздек девона,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

Наманган кўчаси тор деб ўйлайман,
Сизни яхши кўриб қандай сўйлайман,
Юринг: энди кетиб дарё бўйлайман,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

Наманган олмаси ҳал-ҳал пишибди,
Шамол келмай тагига тўкилиб тушибди,
Сиздай ёрнинг ишқи бизга тушибди,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

Қошингнинг қораси ювса кетарми,
Сиздек тоза гул тоғда битарми,
Сўраб берсам боғбон пулга соғарми,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сиздадир.

МЕХР ГАП

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонда Бойназар деган бир бой ўтган экан. Бойназарбойнинг Ғойибназар деган ўғли бор экан. Қуилардан бир купи бой ўғли билан суҳбатлашиб ўтириб:

— Ўғлим: сени мен уйлантирмоқчиман. Лекин кўпчилик билан суҳбатда бўлиб йўл-йўриқ ўрганмагансан. Бирон шахарга бориб, бирон ой юриб келмагансан, мусофир бўлмагансан. Бир-икки ой айланиб келишингни сўрайман. Сўнг уйлантираман. Нимагаки, одам кўп одам ичида юрса, одамгарчиликни ўрганади. Чилик-чилик ўттиз иккичилик, яъни савдогарчилик, дурадгорчилик, мўйчилик борки, ҳаммаси илмчилик олиб келади. Ўғлим, ўз тенгларинг ичида Ғойибназар одамгарчиликни билмади, деган гап менга тегар,— дебди. Ўғли йигирма тиллани чўнтакка солиб, яхши отни миниб:

— Ота, фотиҳа беринг,— дебди. Отаси:

— Тўхта, ўғлим, қаерга борсанг, биров билан танишсанг, салом-алик қилишсанг, исмини сўра. Чунки юз одамни танигандан кўра, бир одамнинг исмини билган яхши. Сенга биров гапирмагунча сен ўзингдан ўзинг гапиришликни одат қилма. Тагингда отинг, ёнингда пулинг бор. Чўлда ёки йўлда кетаётсанг, йўлда сенга бирор одам ҳамроҳ бўлиб қўшилиб, йўл юриб қолса, сенинг отинг, мабодо, чарчаб, аста-секин юриб қолса ёки юзингни ювганигда ҳамроҳлар сени пойламай кетиб қолсалар, улар кетиб қолди, деб афсус емагин. Кетидан етиб бориб бирга кетаман, демагин. Ҳамроҳни ташлаб кетган одам одамнинг қадрига етмайди. Мана, ўғлим, қаерга борсанг, бор,— деб оқ фотиҳа бериб юборган экан.

Ўғли отга қамчи уриб, хайрлашиб, уйдан чиқиб кетган экан. Шу билан Ғойибназар чўлу биёбонда кета берса, бир отлиқ бойваччага етиб олиб, салом-алик қилмасдан, гапиришмасдан кетаётганда, бойвачча отини сугормоқчи бўлиб тўхтади. Шу вақтда йўлда учрашган бу ҳамроҳ ҳам тўхтаб турибди. Бойвачча отини сугориб бўлгач, яна бирга кета берибди. Сўнг Ғойибназар кўп курсанд бўлиб, яхши одамга ўхшайди, деб, яна иккаласи чўлда кетатурсалар, ҳамроҳи:

Исмингиз не бўлди,
Чўлда кўрдим мен.
Сўзламай кетасиз,
Йўлда кўрдим мен.

Қаерга борғайсиз,
Ўғлон бойвачча.

Не учун чўлларни
Кездингиз шунча,—

деганда, Ғойибназар кўп хурсанд бўлиб, ўз кўнглидаги сирлардан баён қилиб:

Саёҳат қилмоққа чиқдим йўлларга,
Эшитмоқ бўлиб одамгарчилик,
Яхшилик ўрганмоқ бу ёш дилларга,—

дебди. Ҳамроҳи:

— Жуда яхши, биз ҳам сизга ўхшаган одаммиз,—
дебди. Ғойибназар:

— Сизнинг сўроғингизга мен жавоб бердим. Энди менинг ҳам гапим бор, айтсам майлими?— дебди. Ҳамроҳи:

— Ҳар қанча гапингиз бўлса, айтаверинг:— дебди. Ғойибназар:

— Исмү шариф, отингиз нима?— дебди. Ҳамроҳи:

— Менинг отимни сўраманг, айтмайман. Ҳар қанча гапингиз бўлса, исминини сўрамай айтаверинг,— дебди. Ғойибназар:

— Гапим йўқ, менинг гапим шу. Агар отингизни айтмасангиз, менинг билан бирга бўлманг,— дебди. Бу одам:

— Отимнинг айтмаганимга хафа бўлсанг, менинг исмим жон олувчи Азроил,— деган экан. Ғойибназар:

— Сиз жон олувчи бўлсангиз, менинг жонимни қачон оласиз, шуни айтинг. Бошқа гапимни кейин сўрайман,— дебди. Азроил:

— Қачон уйлансанг, қизинг олдига кирмоқчи бўлиб турганингда жонингни оламан,— деб кўринмай қолган экан. Бойвачча бу гапни эшитгандан сўнг: «Уйга борсам, уйлантириб қўйишади»,— деб кўп вақтлар юрпб, мусофирчилик кўнглига теккандан кейин уйга келган экан. Уйга келгач:

— Болам, мунча узоқ сафар қилдинг? Бир қизинг бошини боғлаб унаштириб қўйган эдик, тўйни қилайлик,— дейишибди. Ғойибназар:

Жон отам, жоним отам,
Бу сўзларни қўйинг.
Мен бечора бир ўғилнинг
Ҳолини энди сўранг.

Дарбадар юрдим кезиб,
Сахро билан чўллар ошиб,
Бир биродарни топиб,
Ақли ҳам ҳушимдан озиб.

Ҳамроҳим Азроил экан,
Бир совуқ сўзини менга деди.
Ғар хотин олсанг қачон
Кечарсан жондан деди.

Шу учун шунча сафар
Қилган ўғилни кечиринг,
Бу фикрларни қўйиб
Жонимга раҳм келтиринг,—

дебди.

Отаси жуда ҳайрон бўлиб, ўғлини бир эски оғайниси бор эди, уни чақиртириб: «Сени уйлантириб қўяман, отанг уйлантирмоқчи» деган, дебди. Ўртоғи бу гапларни айтибди. Ғойибназар:

— Мен уйланмайман. Чунки мен сафарга кетаётганимда, чўлда бир одам пайдо бўлиб, мен билан гаплашиб кета-туриб: «Исминг нима?»— десам, у: «Азроил», деди. «Азроил бўлсанг менинг жонимни қачон оласан»,— дедим. У «Уйланган кунинг, қизнинг олдига кираётганингда оламан», деди. Шунинг учун, ўртоқ, мен уйланмайман, дебди. Ўртоғи:

— Э ўртоқ, ота-онанг сўзини қайтармасдан уйлангин. Агар шу гап бўлса, мен шу кунни сенинг учун жон бераман,— дебди. Шундан сўнг бойвачча розилик берибди. Ота-онаси буни эшитиб, ҳаракат қилибдилар. Тўй бўлибди. Қиз аравада келибди, эшикдан кириб гўшангага киргач, йигитни келтиришга чиқибдилар. Йигит келиб остонадан ўтай деса, бир оёғи ичкарида, бир оёғи ташқарида турганда, олдида бир одамнинг турганини кўриб:

— Сиз нима қилиб турибсиз?— дебди. Ҳалиги одам:

— Чўлда сизга ваъда қилган жонингизни оламан. Азроилман, жонингни берасан!— дебди. Бойвачча ҳайрон бўлиб, оёғини ташқарига тортиб:

— Бошқа жонни ҳам ола берасизми?— дебди. Азроил:

— Агар сенинг учун жонини берадиган одам бўлса, ҳамма жон бир жон,— дебди. Бойвачча хизмат қилиб турган ўртоғини чақириб:

— Мана, ўртоқ, сен ишонмаган эдинг, энди нима қиламиз?— дебди. Ўртоғи:

— Хўш, ўртоқ, мен сенинг учун жон бераман,— деб Азроилнинг олдига бориб: «Ўртоғим учун менинг жонимни олинг»,— дебди. Азроил:

— Ўртоғинг учун жонингни берасанми?— дебди. Ўртоғи:

— Бир жоним экану, минг жоним бўлса ҳам аямайман,— дебди. Азроил:

— Бир-бирларинг учун шунчалик меҳр-шафқатли бўлганингиз учун сизнинг ҳар иккалангизнинг ҳам жонингизни олмайман, кўп яшанглар, умр кўринглар,— деб Азроил жонларини олмасдан кетган экан. Бойвачча хурсанд бўлиб қизнинг олдига кириб, айшу ишрат қилиб умр кечириб юрган экан. Бундай дўстликнинг шуҳрати дунёга кетган экан, мақсадларига етган эканлар.

АРАВА ГАП

Бир замонда Хоррунаррашид деган, бутун оламга донғи кетган, зулми фуқарони қақшатган подшо ўтган экан. Подшо си бу ёқда турсин, ўз йўлида, қўл остида ишлайдиган бир одамдан гапни бошлаймиз.

Хушрўй деган ақлли, кўп гапдон, илмдон киши экан. Бир куни бир ерга меҳмондорчиликка кетаётган экан. Кўчада ўн-ўн бешта уста иморат қураётган экан. Бу одам усталарга қараб:

— Ҳорманглар!— дебди. Усталар:

— Ҳа, саломат, бор бўлинг,— дебдилар. Хушрўй:

— Иморатни ким қилаяпти?— дебди. Усталар:

— Рапайилбой қилаяпти,— дебди. Хушрўй:

— Рапайил қаёқдалар, чақиринглар,— дебди. Усталар бойни чақириб келишибди. Хушрўй:

— Иморатни қилар экансан, нечук кўчани тор қилиб, одам ўтишга зарар қилиб, кўчадан ўзинга қўшиб олибсан. Бу қилган ишинг нотўғри,— дебди. Бойнинг жаҳли чикиб:

— Сиз менинг иморатимни тақиқ қилишингизга кўп қовун пишиги бор. Менинг ким эканлигимни биласизми? Одам ўтадиган йўл қўйиб қўйдим. Агар одам ўтадиган йўл қўймасам ҳам, подшо менга ҳеч нарса демайди. Мен подшога кўп фойда етказаман. Шу йўриқдан катта бўлиб халқни сўрайдиган бўлсангиз, буздириб юбора қолинг. Қаёқдан келган бўлсангиз, шу ёққа жўнанг,— дебди. Хушрўй хафа бўлиб кетган экан. Бу киши бу ёқда кета берсин, гапни подшодан эшитинг.

Хоррунаррашид шохдан ҳам бир зўрроқ Ҳолаки деган подшо бор экан. Ҳолаки подшо Хоррунаррашид подшодан кўркмас экан. Кунлардан бир куни Ҳолаки подшо Хоррунаррашид шохга элчи юборибди. Элчилар келиб таъзим қилиб:

— Бизнинг подшоҳимиз сиз жаноби олийнинг ҳузурига юбордилар. Айтдиларки: «Мен етти кундан кейин етиб бораман, уч дона сўзимга жавоб оламан. Бу сўзларнинг биринчиси: «Ерининг ўртаси қаерда?» Иккинчиси: «Осмондаги юл-

дузларнинг сони қанча?» Учинчиси: «Менинг сочимнинг туки қанча?» деб сўраб юбордилар. Бу саволларга жавоб топиб айтар экансиз. Агар жавоб бўлмаса, ўлим бозори қизир,— дебди. Хоррунаррашид буни қабул қилган, элчилар ўз юрларига қайтган экан.

Хоррунаррашид бу хабарни эшитиб, дарҳол хузурига уламоларни чақириб, бу сирни айтибди. Буларнинг ҳеч бири жавоб топа олмабди. Уламоларнинг ичидан бири чиқиб:

— Яқинда чиққан бир мулла бор. У кишининг оти Хушрўй, шу домла жавоб берсалар керак,— дебди. Хушрўй: «Менга арава олиб келинглар, бўлмаса бормаيمان»,— дебди. Подшо ҳайрон бўлиб: «Араваси нима экан»,— деб яна одам юборибди. Борган одамлар:

— Арава деганингиз нима? Ўзингиз тушунтиринг, биз олиб келайлик,— дебдилар. Хушрўй:

— Тушунмаган бўлсанглар, тушунинглар. Дарров тўртта уста олиб келинглар!— дебди. Буни подшо эшитиб, ўн-ўн бешта дурадгор-уста юборган экан. Хушрўй мулла усталарга араванинг расмини ерга чизиб кўрсатган эди. Усталар шу кишининг чизикларига қараб аравани ишлаб, битказишибди. Хушрўй мулла аравага бир отни кўшиб, ўзлари аравага ўтириб, бирининг кўлига қамчи бериб, отга миндириб: «Мен қайси кўчага юр десам, шу кўчага юрасан»,— деб бояги Рапайил бойнинг эшигига етиб қолишган экан. Арава билан ўтаман, деса иморатга тегиб қолибди. Ҳайрон бўлишиб, бири дарров подшога хабар берибди:

— Аравани битказиб келаётган эдик, Рапайилбой иморат солиб, кўчани тор қилиб қўйган экан, ўта олмадик,— дебди. Подшо:

— Ўтиш мумкин бўлмаса, Рапайилбойнинг иморати дарҳол бузилсин!— дебди. Шу билан иморатни бузиб, Рапайилбойни чақириб: «Қўлингдан келса, иморатни буздириб юбор», деганинг учун шундай қилдим,— деб подшо саройига келган экан.

— Қани, аравадан тушинг!— дебдилар. Хушрўй:

— Менга бир эшак олиб келинглар, эшакни миниб подшо олдига бораман,— дебди. Дарров эшак олиб келишибди. Эшакка миниб кирибди, подшога таъзим билан салом берибди. Подшо:

— Биз сизни кутган эдик. Тўрт оғиз сўрайдиган сўзимиз бор. Сизни шу сўроққа жавоб беришликка чақирдик,— дебди. Хушрўй:

— Майли айтсалар, биз далил айтамыз,— дебди. Подшо:

— Биринчи сўроғимиз: Ернинг ўртаси қаерда? Шунга жавоб бering?— дебди. Хушрўй:

— Яхши, жаноби олий. Ернинг қоқ ўртаси эшагимнинг худди шу турган ери,— дебди. Подшо:

— Бу гапирган гапингизга далил керак,— дебди. Хушрўй:

— Далилим шу, агар ишонмасангиз, ер юзини ўлчаб кўринг,— дебди. Подшо:

— Хўп майли, иккинчи савол: «Осмондаги юлдузларнинг сони қанча?»— дебди. Хушрўй:

— Осмондаги юлдузларнинг сони, менинг эшагимнинг туки қанча бўлса, шунча. Ишонмасангиз санаб кўринг,— дебди. Подшо:

— Хўп, бу ҳам ҳисобга олинди. Учинчи сўроқ: «Менинг сочимнинг туки қанча?»— дебди. Хушрўй:

— Ҳазратлари, эшагимнинг думидаги тукига баробар,— дебди. Подшо:

— Баракалла сизга,— дебди. Хушрўй подшодан раҳмату иззатлар эшитиб, ўз уйига кетган экан, муроду мақсадига етган экан.

САФСАТАЙИ ИШКАЛ

Бир вақтда бир Аҳмадали деган аҳмоқ Раҳматулла деганининг эси йўқ қизини олган экан. Шунинг билан беш-олти йил турмуш қилиб яшаган экан. Қоққанга қозиқ, осганга хурмача ҳам қолмабди. Гапини ҳеч ким бир мирига олмаган экан.

Кунлардан бир куни Аҳмадали хотинини урган экан, хотини калтакнинг зарбидан аста туриб, паранжисини ёпиниб, Мадрайим домланинг олдига борган экан. Бориб:

— Айланай, домла почча, сизнинг дуохонлигингизни эшитиб қолдим. Сизга бирон нарсa олиб келай десам, уйимда ҳеч нарсa йўқ. Эрим мени ҳар куни уради. Шу йўриқдан эримни урмайдиган қилиб берсангиз дейман,— дебди. Домла:

— Ҳа, тузук, қизим,— деб битта бекорчи қоғозни олиб унга абжаддан ёзиб,— қизим, шуни оласиз, тилингиз тагига соласиз, эрингиз келишини пойлайсиз-да, жим турасиз, сўнг эрингизнинг яхши-ёмонлигини биласиз. Шунда урмайдиган бўлади,— деб ярамас бир қоғозни ёзиб берган экан. Шу билан хатни олиб, уйига бориб, қоғозни тилининг тагига солиб, талқон еган товукдай эри келганда жим турган экан.

Эри хотинининг жим турганини кўриб: «Бунга гап гапирсам, гапимга гап қайтарар, яхши бўлиб қолибди»,— деб икковлари туришибди. Рўзгорларини кўлайтириб, вақтларини чоқ қилиб юрганларида, эри хотинидан:

— Хотин, сен билан шунча йил нима қилиб яхши турмаган эдик. Аммо шу уч-тўрт ой ичида жуда яхши турибмиз, сабаби нима?— дебди. Хотини:

— Ростини айтсам, мен сизии мулла Мадрайим домлага бориб «иссиқ-совуқ» қилиб келганман. Лекин ҳеч нарса бермаган эдим,— дебди. Эри:

— Бўлмаса, мени шу домланинг олдига олиб бор,— деб икки аҳмоқ домланинг олдига бориб, домлага назр берган эканлар. Шу билан иккови тинч бўлиб, келишган экан. Бола-чақали бўлиб, иттифоқ бўлган эканлар.

МАҚСАД

Унақа экан, мунақа экан, бир вақтда шунақа экан, бир йигит бўлган экан, кўп йигитлар билан улфат кирган экан. Ўзи қашшоқ экан, лекин дутор чалувчи машшоқ экан. Улфатларида юрганدا ичимлик бўлса, уни ҳеч қайтармай ичар экан. Шунга ўрганиб, охирида ичмаса, юра олмайдиган бўлиб қолган экан. Уч-тўрт улфати: «Ўртоқ, ахир сенинг ёшинг анчага бориб қолди, уйлансанг бўлмайдим»,— деган экан. Ўртоқларининг сўзига кириб, уйлансам-уйланай, деб ўртоқларига: «Бўлмаса сиз бош-қош қўшинглар»,— дебди. Ўртоқлари отаси ўлган, онаси билан қолган бир қизга уйлантириб қўйишган экан.

Йигит уйланганига хурсанд бўлиб, ўтган кунини эслаб, ўтганига ачиниб юганида хотинининг онаси қизини кўрганга келган экан. Йигит, «она-бола қандай гаплашар экан», деб ташқарига чиқиб қулоқ солиб турган экан. Онаси қизининг аҳволини сўрабди. Қизи:

— Сиз она бўлмай ўлинг, мен эрга тегмай ўлай, Пешанамда бўлмаса, мен шунга тегармидим, ёмон кунларга қолдим,— дебди. Онаси:

— Нимага бундай дейсан?— дебди. Қизи:

— Онажон, куёвингиз эрта билан туриб юз-кўлини ювмасдан, бир тишлам нон емасдан катта шишадаги ароқни ичади, шундан кейин ишга кетади. Кечқурун келиб яна ичади. Шунинг учун бу билан тургим келмайди,— дебди. Онаси:

— Бўлмаса, болам, эрта-индин бир-иккита одам келтириб, чиқариб олиб кетаман,— дебди.

Бунини ташқарида куёви эшитиб, пешонаси тиришиб, бошига уриб, қовоғини солиб, кўчага чиқиб ўтирибди. Шу вақтда бир ўртоғи кета туриб кўриб қолибди:

— Яхшимисан: уйланиб тўйга ҳам айтмабсан,— дебди. Йигит:

— Э ўртоқ, уйланиб вақтим чоғ бўлгани учна, шу топда йиғлаб ўтирганим бунча,— дебди. Ўртоғи:

— Нимага йиғлаб ўтирибсан?— дебди. Йигит:

— Ўртоқ, ўзинг улфатчилик йўлини билар эдинг, учна-мунча ичиб юрар эдим, шу сабабдан хотиним чиқаман, дейди. Онаси келган эди, уни чиқариб кетаман, дейди. Шу топда ичмайман десам, ҳеч мумкин эмас, ўзинг биласан. Лекин индамасам хотиним чиқиб кетади, шунга хафаман,— дебди. Ўртоғи:

— Ҳар куни қанча ичасан?— дебди. Йигит:

— Эрталаб бир шиша ичаман,— дебди. Ўртоғи:

— Сен нарироққа бориб тургин, мен хотинингга айтаман,— деганида, нарироққа бориб турибди. Ўртоғи дарвозани тақиллатибди. Шунда ўртоғининг хотини чиқибди. Ўртоғи:

— Қунда икки шиша ароқ ичадиган ўртоғим қаерда?— дебди. Хотин:

— Йўқлар, яна кўчага чиқиб кетган эдилар,— дебди. Ўртоғи:

— Қунда тўрт шиша ароқ ичадиган ўртоғингиз тўйга айтиб кетди, денг,— деб тайинлабди. Бу ганин ўртоғининг хотини эшитиб, онасининг олдига бориб: «Менинг эрим ҳали икки шиша ичар экан. Дунёда тўрт шишалаб ичадиган одамлар бор экан», деса, онаси — «Майли, пешонанг шўр экан. Ўзинг хурсанд бўлсанг, мен ҳам хурсандман»,— дебди.

Шунинг билан ўртоғи сабабчи бўлиб, эру хотин муроса қилиб, муродларига етган эканлар.

Ҳар нарсанинг кўпи яхши,

Зарарининг ози яхши:

Дўсти подондан душман

Турмушга ҳушёрлик яхши,—

деб ўртоғидан хурсанд бўлиб, думоғи чоғ бўлиб, ичишини ташлаб, яхшиликни бошлаб, мақсадга эришган экан.

ЛАНГТУНГ

Замон-замон, бир вақти замонда Хитойнинг Қашқар деган шаҳарида Лангтунг деган подшо яшар экан. У подшонинг зарби ниҳоятда танг, баджаҳл экан. Қулардан бир куни подшо вазирларига: «Менга уч ойлик йўлни кўрсатадиган дурбин қиладиган устани олдимга келтиринглар»,— деб жарчи чақиртирган экан. Шунда бир йигит келиб:

— Сиз сўраган дурбинни мен ясаб бераман,— дебди. Подшо:

— Ҳизматинг учун қанча пул оласан?— деб сўрабди. Уста йигит:

— Сиз подшосиз, биз хунармандмиз. Биз сизга шунча беринг дея олмаймиз. Сиз бир нима бермасангиз, биз бошқа ердан бир нима топиб келмаймиз. Лекин кўп берасизми, оз берасизми ихтиёр сизда,— дебди. Подшо:

— Неча кунда ясаб, неча кунлик йўлни кўрсатадиган қилиб ясаб берасан?— дебди. Уста йигит:

— Олти ойлик йўлни кўрсатадиган қилиб, ўн кунда ясаб келтираман,— дебди. Шу шарт билан уста дурбинни ўн кунда ясаб подшонинг олдига келтириб қўйган экан.

Подшо дурбинни олиб кўрса, бир ойлик йўлни ҳам кўриб бўлмабди. Подшонинг жаҳли қистаб, «Жаллод» деб устани ўлдириб юборган экан. Сўнг дурбиннинг у ёқ, бу ёғини қараса, етти ойлик йўлни кўрсатадиган бўлибди. Устани ўлдирганига кўп афсус қилганда, вазирлари: «Кейинги пушаймон, одамга душман», «Отилган ўқ қайтиб келмас», «Сотилган нарсани қайта сотиб бўлмас»,— деган экан. Подшо индамай қолган экан. Ўша вақтдаги подолар шундай хунарманд ва шоирларни ўсишига йўл қўймай ўлдириб юборган экан. Шундай бўлиб, ўлдириб, қонга тўйиб, подшо қолган экан.

МУШУК

Бир замоннинг бир вақтида бир кампир шокосага ош қуйиб, ўғлим келса ичади, деб тоқчага қўйган экан. Унинг бир мушуги бор экан, у ошни ичиб турган экан. Ҳалиги мушукни «пишт» дебди. Мушукнинг тумшуги шокосага тегиб, шокоса ағдарилиб синибди. Кампир эшикни бекитиб олиб мушукни ураверибди. Мушук одам бор жойда турмайин, деб кегиб қолибди, бир тоғнинг тепасига етиб қолибди. Шундай турган экан, узоқда икки каклик бир-бирини тегиб уришиб турган экан. «Иккимиз бир-биримизни чўқиб ўлдириб қўймайлик, бировдан сўрайлик, шунда сени тур, деса, сен тур, мени тур деса, мен тураман»,— деб мушукдан сўрамоқчи бўлишибди. Шунда Мушуквой иккала какликка:

— Гапинг бўлса, бу ёққа келиб гапир, қулоғим гаранг,— деди.

— Олдингга боргани кўрқамиз, еб қўясан,— деди Каклик. Мушук:

— Мен мушукларнинг ичида эшониман, сўфисиман, тақводориман, смайман,— деди. Иккала каклик келиб:

— Ў, ана у тоғнинг канори меники, шу уйда мен туриб эдим, бошқа тоғларга чиқиб айланиб келсам, менинг турган

жойимда бу турибди. Бу жой меники, кетгин,— десам, «Жойимни бермайман»,— дейди. Энди гапим шу: турганнинг ўзи турсину, мен кетаверайинми, ёки бу кетиб, мен тураинми, шунга нима дейсан?— дебди. Мушук:

— Мен эшонман, сўфиман, тақводорман деганимга ишониб келганингга икковингни ҳам еб қўяқолай,— деб иккала қакликни еганининг маъноси нима?

Илгари замонларда ака-ука жой талашиб келар эди. Уларни қозилар кемириб ер эди.

БЎЛМАГАНГА БЎЛИШМА

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонда бир ака-ука бор экан. Акаси жуда бой экану, укаси жуда камбағал-қашпоқ экан, бировдан қарз олар экану, ҳеч беришни билмас экан, унинг эшигида ҳар куни машмаша, жанжалу хархаша, ур-уру сур-сур бўлар экан. Бундай машмашалар кунига бўлабергандан акасининг унга қўп раҳми келиб:

— Шу қарзларингдан мен сени қутқариб қўяйин, сен менинг укамсан. Мен бойлигимдан бойлар билан ўлтириб, ҳамсуҳбат, ҳамтовоқ бўлиб ёзилиб ўтирганимда, тенгқурларим менинг бойлигим, шундан олган обрўйимни бир тийинга олмайдилар. Укалик хурматинг учун ўн тилла пул бераман, олгину чўнтагингга солгину, қарзингдан қутилгин,— деб айтар экан. Укаси унга:

— Эй, ака, сен менга бойлигингни миннат-иллат қилма, менинг билан сенинг нима ишинг бор. Менинг номусим сенга тегдими?— деб қўяр экан. Акаси:

— Эй, ука, мен сендан қистамайман, ҳеч бир одамга укамга ўн тилла пул бердим демайман,— деса ҳам укаси олмаган экан.

Кунлардан бир куни бир пулдор келиб, пулини қистаб, бермаганидан сўнг укасини хўп уради, акаси бир чеккада қараб тура беради. Калтаклаб чарчагандан кейин пулдор у ёққа кетибди, укаси калтак еб бу ёққа кетибди. Акаси укасига раҳми келиб қаёққа кетибди? Акаси укасининг йўлини пойлабди, бир ҳамёнга ўн тиллани жойлабдию ўйлаб туриб: «Энди бу пулни ол десам, барибир олмайди. Шунинг учун укамнинг ўзи ўтадиган кўприкнинг бир чеккасига ташлай-чи, олиб қарзидан узилиб қолармикан, мен ҳам бошимни кўтариб юрарми эканман»,— деб ҳамён билан ҳалиги пулни укасининг келаётганини кўриб, кўприкка ташлабди. Ўзи бир пастқам девол тагида пойлаб ёта берибди.

Укаси кўприк яқинига бориши билан ўйлабди, ўзига-

ўзи сўйлабди: «Илгари шу кўприкдан доим кўзимни очиб ўтиб юрар эдим. Бу сафар кўзимни юмиб борай-чи, ўта олармиканман ёки йиқилиб кетармиканман»,—деб кўприкдан қоқинмай-сўқинмай ўтиб кетибди, пул эса қола берибди. Уни акаси кўриб, пулни бориб олиб, чўнтагига солиб: «Бўлмаганга бўлишма, эрта туриб айтишма, деган гапни эшитган эдим»,—деб акаси у ёққа, укаси бу ёққа кетган эка, бу гапни жойида айтган экан.

ФЕЪЛИ ТОР ПОДШО

Бор экан, йўқ экан, бир замонда Қаҳрамон деган подшо бор экан. У подшонинг феъли чунон тор экан, одамлар бугдой нон тополмай, зогора ейишга зор экан. У подшонинг Абдужаббор деган вазири бор экан. Подшонинг одамларни кўп хор қилиб, зулм ўтказиб, оғир солиқ сола берганига ғазоби келиб: «Унақа оғир солиқ сола берманг!» дейишга кўрқиб юрар экан.

Бир куни подшо Абдужаббор вазирига: «Юр, икковимиз бир шикорга чиқиб келайлик»,—дебди. Иккови икки қушни олиб, отларига миниб кетган экан, бир биёбон чўлга етган экан. Булар кетаётса, бир туп катта тутда иккита бойўғли «қа-қа, қа-қа-қанг, қа-қанг, рапа-ранг, рапанг» деб сайраб турган экан. Подшо буларнинг сайраганига таажжубда қолиб вазиридан:

— Бу иккала бойўғли бир-бирига нима деяпти?—деб сўраган экан. Вазир:

— Мен бу гапнинг маъносини айтиб бераман. Аммо менинг бир қошиқ қонимдан кечсангиз,—дебди. Подшо:

— Бир қошиқ эмас, ҳар қанча қонингдан кечдим, айт!—дебди. Вазир:

— Бу иккови бир-бири билан куда бўлмоқчи. Унис: «Сен қизингни менинг ўғлимга бергин»,—деса, буниси: «Дуруст, мен қизимни берай, аммо қизимнинг қалинига йигирмата чордевор берасан»,—дейди. Унис: «Сен ҳозирча мана шу беш-олти чордеворни олгин, индамай қолгин. Иккаламиз муроса қилайлик. Сенга яна чордевор керак бўлса, мана шу подшо яна бирор йил ҳукм суриб турса, мен сенга йигирмата эмас, эллик-олтмиш чордевор бераман», деяпти,—дебди. Шунда подшо:

— Қонингдан кечдим, деб қўймаганимда, сени шу гапингга ўлдирар эдим. Энди сени вазирликдан бекор қилдим, бор кет!—деб подшо у ёққа кетган экан, вазир бу ёққа кетган экан.

экиб, кўкартиришликни биладиган билимдонман,— дебди.
Подшо:

— Ҳа, нимани биласан?— дебди. Йигит:

— Бир жойни қирқ кун ҳайдасам, ўртасига беш сўмлик битта тиллани эксам, ердан ўн кунда чиқади, йигирма кунда шохлайди, ўттиз кунда гуллайди, қирқ кунда пишади, эллик кунда тўкилиб тагига тушади, териб оласиз, чўнтакка соласиз, кўтара олмай қоласиз. Мен кўтариб олиб беришликка кафилдорман,— дебди.

Бу гапга подшо ишониб, вазирларига маслаҳат қилибди:

— Нима қиламиз,— дебди. Вазирлар:

— Бекордан бир одам ўлиб кетгандан кўра, бу ҳунаридан фойдаланиб қолайлик,— дейишибди. Подшо:

— Ҳов, бўлмаса, сизга нима керак?— дебди. Йигит:

— Менга ер, икки новвос, янги омов, янги тиш, янги туркиш, ўзингиз еган овқатдан кетказиб, рўпарамга бир одам етказиб, у одам менинг олдимга кирмасин. Мен ерни ҳайдаб, кейин экаман,— дебди.

Шу билан ҳалиги айтганларини тайёр қилишиб берибди. Қирқ кунгача ҳалиги жойни ҳайдаб, қирқ кун бўлганда тайёр қилган киши бўлиб, подшонинг олдига борибди.

— Энди уруғига беш сўмлик тилла беринг,— дебди. Подшо беш сўмлик тилла берибди, у олибди, подшога қараб айтибди:— Бу беш сўмлик тиллани уруғликка бердингиз, буни экадиган бир одам беринг,— деса, подшо:

— Ўзинг экаман демадингми?— дебди. Йигит:

— Умрида бир бесоқол бола билан ўлтирмаган одам экса, чиқади,— дебди. Подшо:

— Ҳайр бўлмаса, жарчини чақиртириб, жар чақиртиринг,— дебди. Шу билан, жарчи от билан кўчага чиқиб жар чақирибди:

— Боғда битган бодомлар, узоқ-яқиндан келган одамлар, эшитмадим деманглар, бошқа ишни қилманглар, подшонинг олдиларида бир маслаҳатлик иш бор экан, шу масалани ҳал қилишлик керак экан. Кимки умрида самоварда бесоқол бола билан ўлтирмаган, чой ичмаган одам бўлса, ўзини маълум қилсин, экин экиш учун керак. Шу эккан экинни бесоқол бола билан юрмаган одам экса кўкарар экан. Кимки шуни экиб кўкартирса, подшодан юз тилла пул инъом олар экан,— деб халққа эшиттиргандан кейин бу одамлардан биттаси ҳам экаман демабди. Шу сзда беш сўмлик тиллани ушлаб турган йигит:

— Энди сизлар экинлар,— деб ҳамма олдида ўтирган вазирларга айтса, саккизтаси ҳам «Биздан ҳам ўтган»,— деб олмагандан кейин йигит подшонинг олдига келиб:

— Вазирлар ичида ҳам экадиган йўқ экан, ўзингиз экиб қўяқолсангиз нима бўлади,— дегандан кейин, подшо: «Биздан ҳам ўтган»,— деган экан.

— Агар сиздан ўтган бўлса, биздан ҳам ўтган. Ҳеч қандай гап йўқ экан,— дебди.

Шу билан у ёққа кетди, бу ёққа кетди, гап қаёққа кетди, шундай қилиб муроду мақсадга етди. Ўлимдан қутулиб кетган экан. Нурали қизиқ айтган экан.

ПОЛВОН КАЧАЛ

Қўғирчоқлар чиқмасдан илгари чодир ёнида турган Корфармон қўлидаги чирмандани чалиб ўйнаб, шу байтни ўқийди:

К о р ф а р м о н :

Энди на қилай гамгузорим йўқдир,
Кўнглим тилагандеккина ёрим йўқдир,
Кўнглим тилагандеккина ёрим бўлса,
Эгам қошида ўзга муродим йўқдир.

Байт ўқиб бўлгандан кейин. Полвон Качал ўзининг Бичахоним ойим деган хотини билан чодирдан чиқади. Полвон Качал уқиб:

Омадан: эй, омадан,
Мўрча миёни омадан.

Бичахоним бирдан чодирнинг ичига қочиб кетади. Полвон Качал хотин қочиб кетгандан кейин қаттиқ овоз билан «вой-вой» деб йиғлайди.

К о р ф а р м о н :— Сенга нима бўлди?

П о л в о н К а ч а л :— Ҳеч гапдан хабаринг йўқми?

К о р ф а р м о н :— Йўқ.

П о л в о н К а ч а л :— Шу ерда ўйнаб туриб эдим, бир абруёкамон мўрчамиён, оёғида қақожа ковуши бор, ўтаверди. Ошику беқарор бўлдим.

К о р ф а р м о н :— Шунинг топиб берсам нима берасан?

П о л в о н К а ч а л :— Бошгинамдаги телпагимни бераман.

К о р ф а р м о н :— Йўқ.

П о л в о н К а ч а л :— Ёшимдаги чакмонимни бераман.

К о р ф а р м о н :— Йўқ.

П о л в о н К а ч а л :— Тўй эгаси бадавлат бўлсин, тўққиз тўй кўрсин, тўй устига тўй бўлсин; бир семиз кўй, бир адрас тўн, тўққиз таंगा пул, бошинга дўнни. Шу айтган нарсаларини сенга олиб бераман.

К о р ф а р м о н :— Хўн бўлади. Ўртада ётгин.

П о л в о н К а ч а л :— Бу ёқда ётайми, чапда ётайми?

К о р ф а р м о н :— Йўқ.

П о л в о н К а ч а л :— Мана бу ёқда ётайми?

К о р ф а р м о н :— Йўқ, ўртада ётгин.

П о л в о н К а ч а л :— Шўтгами?—деб ўртани кўрсатади. Урр-ай!—деб ётади.

К о р ф а р м о н :— Бичахоним!

Б и ч а х о н и м :— Ҳа.

К о р ф а р м о н :— Бу ёққа чиқинг!

Б и ч а х о н и м :— Ишгинам бор.

К о р ф а р м о н :— Нима ишинг бор?

Б и ч а х о н и м :— Кашада-кушада, дурра билан рўмол тикиб ётирман.

К о р ф а р м о н :— Сен омон билан ер ҳайдайсанми, келисон билан ўгир туясанми?

Б и ч а х о н и м :— Чеварман.

К о р ф а р м о н :— Жуводдиз билан қон огзини тикасанми?

Б и ч а х о н и м :— Хунармандман.

К о р ф а р м о н :— Бўлмаса сиз бу ёққа чиқинг, бир ёш, чиройли йигит сизни хотинликка олмоқ учун келибди.

Б и ч а х о н и м :— Кишилар кўнми?

К о р ф а р м о н :— Бу ердагилар— амакингиз, тоғангиз, қариндошларингиз.

Б и ч а х о н и м :— Вой ўлай, вой ўлай.

Юзини бекитиб чиқади. Энди юзларини очиб, ўша ерда турган одамларини кўрсатиб:

— Ўша йигитми?

К о р ф а р м о н :— Йўқ.

Б и ч а х о н и м :— Ана бу ёқдаги йигитмикан?

К о р ф а р м о н :— Йўқ.

Б и ч а х о н и м :— Бўлмаса, қайси киши?

К о р ф а р м о н :— Аноз ўртада ётган киши.

Б и ч а х о н и м :— Худойимга шукур, худойимга шукур.

Полвон Качалнинг бошини силайди:— Бўлмаса, уйғотиб бериш.

К о р ф а р м о н :— Ошиқин маънуқ ўзи уйғота олади.

Б и ч а х о н и м :— Нима деб уйғотиб оламан?

Корфармон:— ...бойнинг дадаси, тура кел. Шўрва совиб қолади, десанг туради.

Бичахоним:— Ҳа, ...бойнинг дадаси, тура кел, шўрва совиб қолади,

Полвон Качал:— Вой, вой, вой,— деб туриб, кўзини уқалаб яна ётиб қолади.

Бичхоним:— ... бойнинг дадаси, тура кел, шўрва совиб қолди,— деб яна турғизиб қўйди.

Полвон Качал:— Вой, вой, вой,— деб кўзини уқалаб яна ётиб қолди.

Бичахоним:— Ҳар қанча уйғотсам ҳам турмайди-ку. Ўзингиз уйғотиб беринг.

Корфармон:— Уйғотиб берсам, нима берасиз?

Бичахоним:— Бир чиройли дўппи тикиб бераман.

Корфармон:— Бўлмаса, сен бир четда тур.

Бичахоним:— Хўп,— деб бир чеккада туради.

Корфармон:— (*Баланд овоз билан.*) Ҳо Полвон Качал.

Полвон Качал:— Ҳа...

Корфармон:— Тур, хотиннинг келиб қолди, вақтлироқ тур.

Полвон Качал туриб, кўзини уқалаб, у ёғини, бу ёғини қидириб қаради, топмади. Четда турган Бичахонимга қараб олди-да, чопиб бориб: «Оҳ кўзингдан аканг»,— деб бир ўпди.

Корфармон:— Ҳай-ҳай, Полвон Качал, нима қилиб ётибсан?

Полвон Качал:— Ўзимнинг хотиним-ку!

Корфармон:— Неча пулни кетди?

Полвон Качал:— Уч пулим кетди.

Корфармон:— Бўлмаса, тоза қараб ол.

Полвон Качал у ёғини, бу ёғини қараб айнаиб қолиб: «Бор, эй»,— деди.

Корфармон:— Нега, бор-эй, деб ётибсан?

Полвон Качал:— Бор, бу хотинни олмайман.

Корфармон:— Сен нимага олмайсан, хотинингдан нега айнидинг?

Полвон Качал:— Оғзи эгри, бир кўзи кўр, бурни пучук. Бор, олмайман.

Корфармон:— Хўп, хўп. Бичахоним сизга лаҳ урди.

Бичхоним:— Нима деб айтди?

Корфармон:— Оғзи эгри, бир кўзи кўр, бурни пучук бор, олмайман, деб айтди.

Бичахоним бу сўзни эшитгандан кейин, астойдил жаҳли чиқиб, Полвон Качалнинг олдига келиб бир қўли билан

Полвон Качалнинг телпагини кўрсатиб:— Телпагининг учига, мўйловининг буралган жойига, бурнининг учига...,— деб сўкади. Полвон Качалнинг ҳам жаҳди чиқиб кетиб, ўзининг томоғидан бўғади. Ўридан туриб, хотинига қараб, югуриб бориб, қучоқлаб олиб, чодирга кўтариб киради.

МАЙМУНЧИ

Маймунчи Эрпазар кўлида калтак билан чиқади.— Ассалому алайкум!

Корфармон:— Ваалайкум ассалом! Сизнинг келишингиз қасқдан?

Маймунчи:— Чангалмозондарондан.

Корфармон:— Э, Чангалмозондарондан келган бўлсанг, менга нима совға олиб келдинг?

Маймунчи:— ... қизил маймун олиб келдим.

Корфармон:— қизил маймуннинг устами? Ходига чққишни биладим, қозиққа чққишни биладим, кампир кулишини, қизлар кулишини биладим, жувон кулишини биладим?

Маймунчи:— Ҳа, ҳа, билади.

Корфармон:— Бўлмаса, бир ўйнатиб беринг.

Маймунчи:— Хўп, хўп,— деб чодирнинг ичидан маймунни олиб чиқади.

Корфармон: Байт ўқиб:

Хамир қил-а, патир қил, ларзонгул,

Хамир қил-а, патир қил, ларзонгул.

Маймунчи маймунни ўйнатади.

Корфармон:— Уста экан. Ўн икки яшар қизнинг кулишини қилиб берсин.

Маймунчи:— Хўп. (*Маймунга қараб устани силаб-силаб.*) Жонивор-жонивор, ўн икки яшар қизнинг кулишини қилиб беринг.

Маймун баланд овоз билан ҳа-ҳа, ҳа-ҳа қилиб кулади.

Корфармон:— Жуда уста экан. Энди саксонга кирган кампирнинг кулишини қилиб берсин.

Маймунчи:— Хўп. (*Орқасига калтак билан бир уриб.*) Жонивор, жонивор, саксонга кирган қари кампирнинг кулишини қилиб бергин.

Маймунчи:— Ҳа-ҳа, деб туриб, «Пи-и-иқ» қилиб чққариб юборади.

Маймунчи уялиб, маймунни қучоқлаб олиб, чодир ичига қочади.

ЯСОВУЛ

Терговчи чиқади, ҳар тарафга қараб туради.

К о р ф а р м о н:— Ҳой, сен ким бўласан?

Терговчи эшитмайди.

К о р ф а р м о н (*баланд овоз билан*):— Ҳой сен ким бўласан?

Терговчи эшитмайди.

К о р ф а р м о н (*терговчининг томоғидан бўғиб олиб*):— Ҳой, сен кимсан?

Т е р г о в ч и:— Қаттиқроқ гапирсанг, қулоғинг карми?

К о р ф а р м о н:— Бундан ортиқ қандай қичқираман.

Т е р г о в ч и:— Тарақ-туруқ, тарақ-туруқ, нима тарақ-туруқ?

К о р ф а р м о н:— Битта тўйхона— муродхона.

Т е р г о в ч и:— Бўлмаса, тарақа-туруқ, тарақа-туруқ қилиб чирманда чалмагин.

К о р ф а р м о н:— Нимага чалмайман?

Т е р г о в ч и:— Чалсанг, товон тўлайсан. Офтобда ўлтирма, сояда ўлтирма, ётма, турма, емагин, ичмагин ва бошқа иш қилмагин. Штраф.

К о р ф а р м о н:— Офтобда турмасак, сояда турмасак, ётмасак, турмасак, емасак, ичмасак, бошқа иш қилмасак, нима қиламиз?

Т е р г о в ч и:— Штраф!

К о р ф а р м о н:— Ясовул!

Я с о в у л:— Лаббай,— деб чиқади.

К о р ф а р м о н:— Офтобда ўтирмасак, сояда турмасак, ётмасак, турмасак, емасак, ичмасак, бошқа иш қилмасак, нима қиламиз? Терговчидан сўраб бер.

Я с о в у л:— Офтобда ўтирмасалар, сояда турмасалар, ётмасалар, турмасалар, емасалар, ичмасалар, бошқа иш қилмасалар, нима қилсин булар?

Т е р г о в ч и:— Вой-вой, юрагим оғриб турибди. (*Ётиб қолади.*)

К о р ф а р м о н:— Сен бекиниб тур. (*Ясовул чодирга бекингандан кейин.*) Ҳой терговчи, тур, ясовул кетди.

Т е р г о в ч и (*ётган жойида у ёққа, бу ёққа, қарайди. Ясовул йўқ. Ўридан лип этиб туриб*):— Менинг юрагим оғриб турибди. Шиддат билан энди сен тарақа-туруқ қилмагин.

Я с о в у л: (*Бекиниб турган жойидан бирдан босиб чиқиб.*)— Сен буларни шунча штраф қиласанми?

Т е р г о в ч и:— Валлоҳ-билла мен штраф қилганим йўқ.

Я с о в у л:— Мен штраф қиламан демадингми?

Т е р г о в ч и:— Йўқ.

К о р ф а р м о н:— Ҳали айтмадингми?

Т е р г о в ч и:— Айтганим йўқ.

Ясовул терговчига қараб югуриб бориб, томоғидан бўғиб олади. Терговчи бир калла қиладди. Ясовул ҳам терговчини калла қиладди.

Ясовул терговчини қучоқлаб кўтариб, чодирнинг ичига олиб қочади.

ТОСБОЗ

Т о с б о з ч и қ а д и:— Ассалому алайкум!

К о р ф а р м о н:— Ваалайкум ассалом! Ўртоқ, сиз ким бўласиз?

Т о с б о з:— Намангандан келган Тосбоз бўламан.

К о р ф а р м о н:— Нима деб келдингиз?

Т о с б о з:— Тўйхона-муродгоҳга ўйнагани-кулгани келдим.

К о р ф а р м о н:— Бўлмаса иккитагина ўйнаб беринг.

Т о с б о з:— Бизга одамларнинг олдига солинган дастурхондан тўқилган ошларни, суякларни берасизми?

К о р ф а р м о н:— Жонимиз билан йиғиб берамиз. Иккитагина ўйнаб беринг.

Тосбоз ўйинга туради. Ясовул бирдан чиқиб ҳиқилдоғидан олиб, чодир ичига қамаб чиқади.

К о р ф а р м о н:— Сен Тосбозни қаёққа олиб бординг?

Я с о в у л:— Олиб бориб Пиёнбозорнинг ўртасидаги халажойга қамаб қўйдим.

К о р ф а р м о н:— Шундан бошқа нш қилганинг йўқми?

Я с о в у л:— Штраф қилдим.

К о р ф а р м о н:— Қанча штраф қилдинг?

Я с о в у л:— Тўққиз пул.

К о р ф а р м о н:— Ўйинчимизни қочириб юбординг, энди бизга нима ўйин кўрсатасан?

Я с о в у л:— Андижондан, Қашқардан ҳозир икки чиройли қиз келади.

К о р ф а р м о н:— Қани бўлмаса, бир ўйинга чиқсинлар.
(Қўлидаги чирмандани чалиб байт ўқийди.)

Йўлда кечани шам шабистон этгай,

Бир лаҳзада оламни гўристон этгай.

Бир мушкул ишим тушибдир э, ёри худоё

Сен барча мушкулимни осон этгай.

Иккита қиз чиқиб, ашула айтиб ўйнайди:

Мунча лаби хандонимсан,
Сен менинг ширии жонимсан,
Мунча лаби хандонимсан.
Сен менинг ширии жонимсан.
Мунча лаби хандонимсан,
Сен менинг ширии жонимсан.

Корфармон чирмандани чалиб, байт ўқийди:

Мен сени кўрмабмидим,
Ганжиравон кўчасида,
Оқ қўлингин даста кил,
Ул ҳасратим орасида,
Мен сени алла қилай,
Ҳам кўтариб катта қилай,
Энгагингининг тагида
Бир тўра хол пайдо қилай.

Қизлар қулуқ-қулуқ қилиб чодирга қочадилар.

ИЛГАРИДАН БИР КЎРИНИШ

Ақлинг — ишорат. Ҳар иш ўз вақтида иш, ҳар давр ўз вақтида давр. Ер билан осмон бино бўлгандан бу ёққа ўтган давр бўлиб ўтган. Ҳар хил даврда ҳар хил гаплар, ҳар хил сўзлар, ҳар хил одамлар, ҳар хил пуллар, ҳар хил гуллар, ҳар хил турмушлар, ҳар хил килмишлар, ҳар хил қидирмишлар, ҳар хил иморату ҳар хил хонлар, ҳар хил зоғора, бугдой поилар, ҳар хил подшодан фуқарогача бўлган. Илгариги юрган, турган одамлар кўп жабру жафо кўрган. У вақтларда пул бўлган, ул вақтларда сотиб оладиган қул бўлган. Бизнинг эшитишимизча, бизнинг отамизнинг даврида Худоёрхон деган хон бўлган. У хоннинг вақтида, отамизнинг даврида у хонгина эмас, унақа хондан сон минг хон бор экан. У хонларнинг сони йўқ, ҳаммасининг бир ортиқча сони йўқ. Шулар бир-бири билан урушиб, очидан тиришиб, бир маъноси йўқ, нима учун урушаётганини билмай, ўз аскарини ўзи назарга илмай, шундай бўлган замонлар ҳам бўлган. У хонлар вақтидаги одамларнинг умри шундай бўлиб ўтган экан. Қўқон Худоёрхонга пойтахт бўлиб турган экан. Худоёрхоннинг Маллахон деган бир ўғли бор экан.

Худоёрхон Маллахонга тўй қилай деса, маслаҳатгўйлари: «Қандай қилиб тўй қиласиз», деса, «Беш-олти юз пуд ундан нон ёптираминиз улоқ чоптираминиз. Улоқ чоптиргандан кейин ашулачилар ашула айтади. Батчалар ўйнай-

ди, базм қиламиз»,—деб тўй қилган экан. Базмимизга масхарабоз бўлса қизийди»,—дейишган экан. Хон: «Бўл-маса, масхарабоз олиб келинглар»,—деган экан. Шунда биттаси ўртага чиқиб: «Эй, халойиқлар, масхарабозу қизиқчи бўлса, сизлар айтинглар», дебди. Ўша топда ўзларини кўрсатганлар: «Қизиқчи ҳам биз, аскиячи ҳам биз»,—деб хонга рўпара бўлган экан. Хон: «Сизлар халқни ўзларингга қаратганларингга муносиб инъомлар бераман»,—деган экан. Масхарабозлар: «Хўп, бўпти, тасаддуқ. Бизга сиз яхшилаб рухсат қоғоз қилиб беринг»,—дейишибди. Хон: «Қандай қоғоз қилиб берсам экан сизга?»—деган экан. Мўмин қизиқ деган каттақони: «Э, хон, сизни биламизки, сувда увиган нон, бизни биласизки, жўжабирдек жон. Биз сиздан ҳеч гапу сўзимизни, жону ўзимизни, яхши кўрадиган кўзимизни аямаймиз. Бизнинг оғзимиздан ҳар хил гаплар чиқади. Бизларни сенмисан шунақа дейдиган, деб ўлдириб юборсангиз, невараларингиз гўёки сизнинг фарзандингиз ҳисобида, шулар етим бўлиб қолмасин. Ҳар қандай десангиз, бизга сизни ўлдиртirmайман деган қоғоз қилсангиз»,—деган экан. Хон, «хўп» деб кўлидан хат қилиб берган экан. Булар қизиқчилик қилиб, хоннинг ўтириб туришини, маҳаллага каттақонман, деб юрган эшону рансларни, маҳалла текширувчиларини хоннинг кўзига кўрсатган экан.

Жон йўриғидан буларнинг ҳийлаю найранг қилгани хонга чунон ҳам қаттиқ ўтибди: «Мен сени неча йил қама-тиб қўяман, тилинг билан гапирадиган сўзингни яматиб қўяман. Сен биз билан ўчакишсанг, ўтингни ўчирамин, бир оз ўтмасдан жойингдан кўчирамин. Лекин сен бизнинг гапирган гапдан чиқмасанг, сени маҳаллага хон қиламиз. Агар биз билан ўчакишсанг, юрагингни қон қиламиз», деб масхарабозларни тергаб турар экан. Илгарида масхарабозларнинг аҳволи шундай огир экан.

ДЕВОНАИ ШОҲМАШРАБ

Унақа экан, бунақа экан, бир замонда шунақа экан, қанақа экан? Шоҳмашраб деган девона бор экан. У Машраб, турли-туман ашулалардан бошлаб қаер чуқур бўлса шу ерга тош ташлаб, Наманган деган ерда яшаб юрган экан. Бу кишининг оталарининг оти Абдусамад, боболарининг оти Холмуҳаммад экан. Шу киши Наманганда юрганда ҳеч ким гапини эътиборга олмаган, гапларига қулоқ солмаган экан. Шу ҳолда юрганида маҳалладагилар: «Бу ерда турмагин, маҳаллада юрмагин, соғ бўлсанг, соғлигингни билмадинг, жинни бўлсанг, унисини билмадик»,—деб Машрабни хўр-

Дехқон ашулани айтиб бўлиб, кўзини очиб қараб, Машрабнинг кўшини ҳар ёққа етказиб, ҳар ёққа кетказиб турганини кўриб:

— Хай-хай, қанақа одамсан?—дебди. Машраб:

— Ҳа, нима дейсан?— дебди. Дехқон:

— Кўш ҳайдаш ҳам шунақа бўладими?— дебди. Машраб:

— Ҳа, бўлмаса, қанақа бўлади?— дебди. Дехқон:

— Мана менга беринг,— деб кўшни олиб,— битта у ёққа олиб бориб, кейин бу ёққа олиб келасиз. Кўш ҳайдаш бундай бўлади,— дебди. Машраб:

— Бўлмаса, сиз кўш ҳайдашни билар экансизу, ашула айтишни билмас экансиз. Шунинг учун сизнинг ашулангизга қараб кўш ҳайдадим. Ҳар киши ўз ишида омил,— деб дехқонга гапириб, йўлга равона бўлиб жўнаб қолган экан. Нарироққа етса, йўлда бир дехқон қовун оралаб узиб юрган экан. Машраб дехқонга қараб:

— Ҳой, дехқон ака, нима қилиб юрибсиз?— дебди. Дехқон:

— Нима ишинг бор, қовун узиб юрибман,— дебди. Машраб:

— Бизга битта-яримта хом-хатала хайр қилинг, бир еб кетайлик,— дебди. Дехқон:

— Ҳа, тузук, бир оз тур, девона,— деб жеркибди. Машраб нима қилишини билмай турган вақтида бир киши келиб:

— Дехқон ака, ярим тангалик қовунигиздан чиқариб беринг,— дебди. Дехқон:

— Хўп, ака,— деб дарров ярим тангача бир катта қовун олиб чиқиб берибди. Девона Машрабга бир ёғи эриган, ёнбоши чириган, бировга берса, бир чақага олмайдиган, мол емайдиган қовунни берибди. Ярим тангалик қовунни кўтаргач одам орқасидан Машраб ҳам кета берибди. Қовуннинг афтини кўриб шаънига шундай дебди:

Хай-хай, биродарлар,
Билсангиз, назарга илсангиз,
У кишининг қўлидагини кўринг,
Бизнинг қўлимиздагига боқинг.
Тангага берибдир унақа,
Таърифга бергани бунақа,
Нима учун шунақа?

Қовунни ташлаб кетиб қолиб, нариги маҳаллага етиб қолибди. Ўтиб кета берса, бир катта тўй бўлиб турган экан, одамлар кириб-чиқиб юрган экан. Девона Машраб ҳам: «Шу тўйга кирсам, мобода ош-пош берса есам»,— деб аста остонанинг олдига борса:

лашган экан, тез кет деб зўрлашган экан. Машраб бунга кўниб, эски чопонни елкасига солиб, йўлга равона бўлиб, йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, чўлу биёбонлар ошиб кетган экан, шу йўлда кета туриб қўш хайдаб турган бир деҳқоннинг қўш хайдашига қараб турсалар, у деҳқон ўзидан-ўзи эсига келган қўшиқларни алмаштириб, бирини иккинчисига ямаштириб, шу ашулаларни айтиб турган экан:

Мен ҳам девонаи Машраб,
Чопонни орқага ташлаб,
Кечам ёлғизликда ўтиб,
Бутун танамни қашлаб,
Неча бир гапини бошлаб,
Тасаддуқ, жоним айлансин,
Чу, ҳаром ўлгур, чу!
Мен ҳам девонаи Машраб,
Кўзларимни ўзим ёшлаб,
Тасаддуқ, жоним айлансин,
Чу, ҳаром ўлгур, чу!

Девонаи Шохмашрабнинг бу деҳқоннинг ашулаларидан гаши келиб: «Нима десам экан, ёки индамай кета берсам-микан? Агар индамай кета берсам яна тагин айта беради. Энди мен озгина тушунтириб кетсам»,— деб қўш хайдовчининг олдига бориб:

— Деҳқон ака, хорманг!—дебди. Деҳқон:
— Ҳа, бор бўлинг,— дебди. Машраб:
— Нима қияпсиз?— дебди. Деҳқон:
— Ҳа, қўш хайдаяпман,— дебди. Машраб:
— Қўш хайдашни билар экансиз, ашула-пашулани ҳам биласизми?— дебди. Деҳқон:
— Ҳа, биламан,— дебди. Машраб:
— Бўлмаса, сиз ашула айтиб беринг, мен қўшингизни хайдаб, сизнинг ашулангизни эшитай,— дебди. Шу билан деҳқон омочни бериб, ашула айта бошлабди:

Мен ҳам девонаи Машраб,
Овқатим едим ёпбошлаб,
Ўзимни томлардан ташлаб,
Неча йўлга ўзим бошлаб,
Шу ерим ҳам бўлар-эй,
Кетай десам, кетолмасдан,
Нарироққа етолмасдан,
Ўзим салқиндаман-ай.

— Ҳа, девоиа, нима қилиб турибсан?— дейишибди. Девоиа:

— Озгина ош-пош есам, дейман,— дебди.

— Йўқ, бу ерга яхши кийинган одамлар киради. Агар мен сени ичкарига киргизсам, ичкарида ўтирганлар мендан ранжийдилар, кирма,— дебди. Машраб:

— Бу сафарча кирай,— деб ялиниб, ичкарига кирган экан. Ҳаридаги тўйбошилар:

— Ҳа, ана у девоиа нимага кирибди. Ана у ерга ўтқазиб бир жиндай ош бериб чиқариб юборинглар,— дейишибди. Бу кишига бир сопол косада ош солиб келиб:

— Девоиа, мана бу ошни егини, бу эшикдан чиқмасдан, бу ёқдаги эшикдан чиқиб кетгин,— деб эшикни кўрсатди. Машраб ҳам ошни еб, бу эшикдан кириб, у эшикдан чиқиб кетган экан. «Энди буларнинг қилганига нима қилсам экан»,— деб нарироққа борсалар, бир бой ўлган экан. Шу бойнинг кийимларининг бир нарсага ўраб ўтирган эканлар. Бой ўлиши олдида: «Менинг уст-бошимни ечиб олганларингдан сўнг девоиага беришлар»,— деган экан. Булар унинг насихатини қилиб, Машрабга кийимларини берган экан. Машраб кийимни кийиб қараса, бир кўҳна эшоннинг дидини бериб қолибди. Машраб кийимини кийиб бояги хўрланган ерига кирмоқчи бўлиб ўтиб кетатурса, эшикда турган оқсоқоллар:

— Қани, тақсир, тўй бўлмоқда, бир кириб чиқинг,— деб олиб киришган экан. Бу киши ўтираман дегашларида, қани қилиб кўрпача устига кўрнача солиб, дастурхон устига катта дастурхон солиб, олдиларига бир катта лаганда ош келтириб, гўштини тўғрашиб, қўлни қовуштириб туришибди. Бу киши енгларини лагандаги ошга рўпара қилиб: «Е, тўним, е, тўним. Мана шу ош сеники»,— деган экан.

— Э, тақсир, тўн ҳам ош ейдими? Қўлингиз билан олиб енг-да,— дейишибди. Бу киши:

— Мен боғона, қўлим билан еб кетганман,— дебди.

— Сиз келганингиз йўқ эдингиз,— деган экан, бу киши:

— Бу эшикдан кириб, тошнинг тагида жулдур чопон билан ош еб, мана бу эшикдан кетган биз, нима дейсиз энди сиз?! Бўлмаса бир нарса дейман,— дебди.

— Нима дейсиз?— дебди. Машраб:

— Эски чопон, янги чопон демасдан баробар кўрсангиз, тўй қилинглр. Бундай ажратадиган бўлсанглр, тўй қилмай қўя қолинглар,— деган эканлар. Улар:

— Хўп, тақсир,— деб ошни бирга ейишган экан. Шу билан Машраб тўйдан чиқиб йўлга равона бўлиб кета турса,

нарироққа ета қолса, беш-олти йигит узоқдан келаётган экан. Шу йигитлар шаънига бир сўз айтаётибди:

Биродарлар, кўчада кўлдир киши,
Бўлибдир ким билан кимнинг иши.
Иши бўлган ҳар қандайин кишига,
Иши йўқнинг не иши бор ишида.
Одобни кимдан ўргангин,
Одобсизлардан ўргангин,

Йигитлар:

— Э, девона: бўлмаган гапингизни бизга гапирасиз,— дейишибди. Машраб:

— Нимага бўлмаган дейсиз,— дебди. Йигитлар:

Одобни кимдан ўргангин,
Одобсизлардан ўргангин,—

дейсиз. Одобни беодобдан ўрганиб бўладими?— дейишибди. Машраб:

— Беодобдан ибрат олиб, одоб ўрганса бўлади,— дебди. Йигитлар:

— Қандай ибрат олиш керак бўлмаса?— дейишибди. Машраб:

— Ҳамиша нашахонадан чиқмай, наша чекиб ўтирган ранги сап-сарик одамларини, ҳамиша ичиб, кўчада думалаб, барг титрагандай титроқ одамларни кўриб, шундай ибрат олгин деганим. Отасидан қолган мол-дунёни қиморхонага бериб, ватансиз-гадо бўлиб қолганлардан ибрат олгин деганим. Биров бир қўшнисининг товугини олиб, қўшниси биллиб қолиб, уни элликбошига бориб айтган экан, элликбоши мингбошига бориб айтибди. Мингбоши қозига бориб айтган экан. Қози уни бир йил зиндонга ҳукм қилибди. Шуларнинг ҳаммаси беодобнинг иши. Шуларнинг қилганини қилманг деганим,— деб девонан Машраб у томонга кетган экан, нариги маҳаллага етган экан. Йигитлар: «Раҳмат, барака топинг»,— деб бу ёққа кетган эканлар.

Машраб кетаётган экан, йўлда бошида паранжи-чачвори, усти-боши илвиллаган, лаби-лунжи шилвиллаган, оёқ қўйиб калавалаган етти-саккизтача хотин келаётган экан. Машраб хотинларга қараб:

Ҳақни айтсанг, урарлар,
Хушомадни суярлар.
Ажаб замона бўлди,
Кампир девона бўлди,

— Сен нимага меҳробга эшакни боғладинг?— дебди. Машраб:

— Э, ахир, эсингиз борми? Одамлар ўз ковушларини ўзларидан юқори қўядилар. Мен эшакни ўзимдан юқори қўймайманми?— дебди. Сўфи нима дейишини билмай, жойнамозларини йнгиб, ҳамма ёқни супурибди. Одамлар келиб, намоз ўқиб, чиқиб кетаётганларида сўфидан:

— Сўфи, нимага бу жойнамозлар ҳўл?— деб сўрабдилар. Сўфи:

— Э, ташқарида ётган девона эшагини боғлаб қўйган экан. Шунинг учун ювган эдим,— дебди. Одамлар «хи-хи-хи», деб чиқиб кетаётганда, домла:

— Сен қандай жинни, беақл, бетамиз девона экансан. Меҳробга эшакни боғлабсан, ҳамма ёқни ифлос қилибсан. Нимага намоз ўқимадинг, қандай девонасан?!—дебди. Машраб:

— Ўзингизнинг орқаиғизда шунча одам қироат қилиб турибди, қўнғингизда «бузоғим ечилиб кетиб онасини эмиб қўймадимикан» деб ўйлаб турибсиз. Сизнинг орқаиғизга ўтиб намоз ўқийми? Ундан кўра ухлаганим маъқул бўлди,— деб чиқиб кетган экан. Девона Машраб эшакни олиб жўнаб қолган экан, нарироққа етиб қолган экан, йўлда уч-тўртта муллалар ўтирган экан. Муллалар:

— Ҳой, девона, бу ёққа кел!— деб чақирибдилар. Машраб муллаларининг олдига бориб:

— Нима дейсизлар,— деган экан. Муллалар:

— Отингиз нима?— дебди. Машраб:

— Отимни ашигини сўрасангиз, отим «Худо»,—дебди. Муллалар:

— Шу деган гапингизга, сени урмай сўкмай, хошнинг олдига олиб борамиз, юр,— дейишибди. Девона:

— Хўп, майли,— деб эшакка тескари миниб хошнинг олдига борган экан. Хон:

— Ҳа, муллалар, нимага бу девонани эшакка тескари миндириб олиб келдинглар?— дебди. Муллалар:

— Ўзлари тескари миниб келдилар,— дебди. Хон:

— Э, девона, не учун эшакка тескари миниб келдинг,— дебди. Девона:

— Булар ўткир уламо эканлар. Мен буларга орқамни ўғирмай, юзимни ўгириб, буларни иззат қилиб келдим,— дебди. Хон:

— Ҳа, тузук. Нимага бу кишини олиб келдинглар?— дебди. Муллалар:

— Отинг нима десак, отим «Худо» деди. Шунинг учун олиб келдик,— дейишибди. Хон:

Кўзим сизларни кўриб,
Ақлим бегона бўлди,—

деб нақл ўқиб, хотинлар олдидаи ўтиб кетаётган экан. Хотинлардан бири:

— Э, девона, сиз нимага: «Ҳақни айтсанг, урарлар, Хушомадни суярлар»,— дейсиз. Киши ҳақни айтса урадими, хушомадни суядими?— дебди. Машраб:

— Ахир, гапимнинг маъносига тушунишлар-да, ундан сўнг гапиринглар. Агар хушомад қилсам, сизлар ҳам суясизлар, ҳақни айтсам ҳам урасизлар,— дебди. Хотинлар:

— Хушомад қилинг, биз суймаймиз, ҳақни айтинг, биз урмаймиз,— дейишибди. Машраб:

— Бўлмаса, хушомад қилайми?— дебди. Хотинлар:

— Хушомад қилинг,— дебди. Машраб:

Кўзингиздан, сўзингиздан айланай,
Қадди шамшод қоматингиздан айланай,
Қошингиз қийғос қаламдек,
Кўзингиз шахло экан,—

деганда, хотинлар:

— Хушомадингиз шу бўлса, биз суймадик. Ҳақни айтинг, урмаймиз,— дейишибди. Машраб:

Эрингизни эр билинглар,
Бировларни шер билинглар,
Агар эрни назар-писанд қилмасангиз,
Бировнинг шудгори деб билинглар,—

дебди: Хотинлар:

— Ҳа, жувоимарг, бирон ерга бориб, бирон кишининг биронта нарсасини чўнтагимизга солганимизни кўрдингизми?— деб тош ва кесак ота бердилар. Девона:

— Ана, ҳақни айтсам, урадилар демадимми,— деб хотинлардан калтак еб кетиб қолган экан. Кета турса бир одам:

— Мана бу эшакни сизга берай. Сиз миниб дуо қилинг,— дебди. Машраб эшакни олиб, устига миниб, бир маҳаллага борса, кеч бўлиб қолибди. Энди қай ерда ётаман, деб у ёқ-бу ёққа қараса, бир масжидни кўриб қолибди. Кириб домла ўтирадиган ерга эшакни бойлаб, ўзи кўча эшикда эшакни пойлаб ётибди. Эрталаб сўфи келиб масжидга кираман, деса, масжиднинг дарвозаси тагида бир эшакнинг боғланганини кўриб жаҳли қистаб:

— Э, девона, шундай дедингми?— дебди. Девона:

— Мендан «Отинг нима?»— деб сўрашди. Буларингиз жуда шошган муллалар экан. Менинг отимни отам Худойберди қўйган эдилар. Мен «Худо»сини айтиб, «берди»сини айтганимча, шошилиб сизнинг олдингизга олиб келдилар. Бўлган иш шу,— дебди. Хон:

— Муллалар, бу деган сўзига нима дейсизлар?— дебди. Муллалар:

— Бу кишининг бундай деганига даъвомиз йўқ,— дейишибди. Хон:

— Даъвоингиз бўлмаса, сизларга жавоб. Девона, сиз бу ерда қолинг,— деб девонани ўтқизиб гапга солмоқчи бўлибди:

— Девона, бир чўпчак айтиб бering!— дебди. Девона:

— Мен чўпчак билмайман,— дебди. Хон:

— Бўлмаса, мақол айтинг!— дебди. Девона:

— Мен мақол билмайман,— дебди. Хон гапга солишининг ҳеч иложини тополмай:

— Бўлмаса, мен уйга кириб чиққунча, биров келса, сўраб туринг,— деб хон ичкарига кириб кетган экан. Сўнг ош пишгунча хиёл ўтгапдан кейин яна девонани гапга солмоқчи бўлиб чиқиб қараса, Машраб хоннинг ўтирадиган тахтида қимирламай ўтирибди. Хон:

— Қани, энди ўтирган ўрнингиздан туринг. Мен ўзим ўтираман,— дебди. Машраб:

— Шошмай туринг, мен бир иш қилаётирман,— дебди. Хон:

— Иш қилаётирман дейсиз, нима иш қилаяпсиз?— дебди. Машраб:

— Иш қилаётибман. Лекин ҳеч ким билмайдиган иш қилаяпман, жиндай туринг,— дебди. Хон:

— Нима иш қилаяпсиз, айтинг-чи?— дебди. Машраб:

— Мен кичкина болалар қиладиган ишни қилаётибман,— дебди. Хон:

— Қани, ҳар қандай иш қилаётган бўлсангиз ҳам ўрнингиздан туринг!— дебди. Девона этакларини кўтариб турибди. Хон ўтирадиган жойини унча-мунча ювган билан кетмайдиган қилиб қўйибди. Хон бу кишининг қилган ишларига ҳайрон қолиб:

— Бу нима қилганингиз?— дебди. Девона:

— Мен қаерга борсам, одамлар иззат қиладилар. Шу иззат қилган одамларга ёш болалардек шундай қиламан,— дебди. Хон:

— Яхши, хўп,— деб яна гапга солмоқчи бўлиб, ҳазиллашиб, «Жаллод, жаллод!»— деб чақирибди. Жаллод, олиб

бориб дорга тортган экан, девона Машрабнинг жасадлари дорда қолган экан.

АФАНДИ

I

Афандининг ови бўлмай, гапиргани тови бўлмай, томоқ еярига лави бўлмай, кўчага чиқиб кетган экан. Афанди у ёқ-бу ёққа қараса, бир одам полизда қовун узмоқда экан. Ундан дуо қиламан, деб бир дона қовун сўрабди. Дехқон: «Афанди ҳаммадан қутулдим, сендан қутулмадимида»,— деб бир чақага ўтмас, сўйса еб бўлмас, ичи пўла, гўё ертўла бир қовунни берибди. Афанди бир толининг тагига бориб, салқинга ўлтириб қовунни еб, чап ёни билан ёнбошлаб ухлабди, туришга мадори қолмабди. Аранг туриб уйига бориб хотинига:

— Хотин, хотин, менинг мазам йўқ, ўладиганга ўхшайман. Мобода ўлсам йиғлайсанми, йўқми?— дебди. Хотини:

— Сизга йиғламасам, кимга йиғлайман,— дебди. Афанди хурсанд бўлиб:

— Тур, хотин, ўлмасимдан олдин йиғлайдиган йиғингни йиглаб боқ-чи, мен кўрай,— дебди. Афандининг хотини:

Айланайин, ёргинам. ёрим ўзи ёр эди.
Бир ўлтирса, ёргинам, ўн икки нон ер эди.
Ёргинам ёр эди, шундай қилган ёр эди.
Токчада қотган совундек,
Ичи тушган қовундек,
Ишга айтса, бормаган,
Берганимни олмаган,
Бир кун бекор қолмаган,
Тўйга бориб тўймаган,
Яхши ҳам ўлди ёрим,—

деб йиглабди. Афанди:

— Меҳринг курсин, агар шундай йиғласанг, йиғламай кўя қол,— деб кўчага чиқиб кетган экан.

2

Афанди бир кун бозорни айланиб томоша қилиб юрган экан, бир ҳаммомчи кўчада турган экан. Афандининг аҳволини кўриб:

— Э, Афанди, афту ангорнигиз қорайиб кетибди, ҳаммомга тушиб, дуо қилиб кетсангиз, деб одамгарчилик қилибди. Афанди «Хўп», деб ҳаммомга тушибди. Афанди ҳаммомга тушса, ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. «Ёлғиз ўтиргандан кўра, ашула қилиб ўтирай»,— деб ашула айтиб ўтирибди. Қараса, Афандининг товуши, ҳаммомдаги садо билан жараңлаб чиқиб, ўзига жуда ёқиб кетибди. «Менинг бунчалик яхши товушим бор экан, ўзимни-ўзим билмай юрган эканман. Ҳар жойда айтсам, одамларга манзур бўладиган экан»,— деб наридан-бери ҳаммомдан чиқиб кетиб қолиб, на-рирокқа етиб қолиб қараса, бир самоварда ўн-ўн беш одам чой ичишиб ўтирган экан. Уларни кўриб қолиб: «Шуларга бир ашуламни айтиб, қойил қилай»,— дебди. Чойхўрлар калаватда ўтирган экан, Афанди ерда ўтириб, дўпписини қўлга олиб, кучининг борича ҳа, деб бақириб ашула айта берибди. Қарайдикки, ҳаммомдаги товуши йўқ, байтининг ҳам мазаси йўқ. Қулоқ солганларнинг аччиғи келиб:

— Афанди, мияни қоқиб қўлга бердингиз-ку. Жўнаб қо-лниг, бошқа жойга бориб айтинг. Жуда қулоқ-мияни еб юбордингиз,— дейишибди. Афанди буларнинг гапига нима дейишини билмай, ўсал бўлиб:

— Бу ерда бир пули кўпроқ одам йўқ экан-да. Шу ерга ҳаммом солганда, шу ҳаммом ичида туриб ашула қил-ганимда, ашулам ҳам сизларга, ҳам ўзимга ёқар эди,— деган экан.

3

Афанди бир кун кўчада ўтирса, олдидан кўр қори ўтиб қолибди:

— Қори ака, йўл бўлсин? Қаёққа бораёйсиз?— деб Афанди сўраб қолибди. Қори:

— Абдурахмонбой тўйга айтиб эди. Шу тўйга кетаётиб-ман,— дебди.

Афандининг қорини оч экан. «Мени ҳам олиб бориш», деб айтишга номус қилиб, «Мени ҳам айтиб эди. Сиз билан бирга бориб кела қолай бўлмасам»,— деб тўйга қори билан кетибди. Тўйга кетаётганда йўлда қори:

— Қўл ушлашиб кетайлик,— деб Афандига ўзини етакла-тиб олибди. Афанди қорини етаклаб кета турса, иккита ўртоғи Афандига пичинг қилиб:

— Қилмаган ишингиз шу қолдимми?— дебди. Афанди улар-нини пичингига кириб, етакламай деса, ошдан қолади. Етак-лаб бораёй деса, тагин битта-яримтаси кўриб қолади. Афанди қорига нима дейишини билмасдан:

— Қори ака, йўл-пўлда кетаётганимизда битта-яримта ариқ келиб қолса, ҳатлаб ўтинг, десам, сизни етаклаб юрганимни биров билиб қолади. Ундан кўра маслаҳат шуки, каттароқ ариқ келиб қолганда қаттиқроқ «Ҳиқ» деб қўяман, ҳатлаб ўтасиз. Мен сизни етаклаб юрганимни билмай қоладилар,— деб тушунтирибди. Қорини етаклаб парироққа борса, самоварда беш-олти одам чой ичиб ўтирган экан. Афанди: «Чой ичиб ўтирганларни бир хурсанд қилиб қўяй. Ариқ йўқ бўлса ҳам, қорини бир овора қилай»,— деб бир «ҳиқ» дебди. Қори жунтақ уриб бир иргибди. Одамлар унинг иргиганига кулибди. Қори одамлар кулганидан ҳушёр экан. Ариқ бўлмаса ҳам ҳатлатиб, масхара қилганини билибди. Қори:

— Афанди, ариқ йўқ бўлса ҳам, нега ҳатлатдингиз?— деса, Афанди:

— Чойхўрлардан бири огзини тополмай, қўйнига пиёладаги чойни куйиб юборди. Шунга чойхўрлар кулибди,— деб баҳона қилиб, етаклаб парироққа олиб борса, беш-ўнтаси ошиқ ўйнашиб ўтирган экан. «Булар ҳам хурсанд бўлсин»,— деб бир «ҳиқ» деса, қори бир иргибди. У ерда ҳам одамлар кулган экан, қори жўрттага масхара қилганини сезган экан:

— Нега бундай қилдингиз?— деса, Афанди:

— Қизик экансиз, одам бор жойда кулги бор-да. Ҳар нарсани шундай кўнглингизга ола берсангиз, қўйнинг, етакламаганим бўлсин,— дебди. Қори:

— Ҳа, энди бу сафарча етакланг,— деб ялинибди. Афанди Қорини етаклаб, бир ҳовузнинг бўйига бориб, «ҳиқ» деган экан, қори ҳовузга тушиб кетган экан.

Қори ҳовуз ўртасида туриб:

— Афанди, бу нима қилганинг?— деса, Афанди:

— Етаклаб юрганимнинг ҳақини олганим,— дебди.

4

Афандининг ошпаси кўчада ўтирган экан. Афанди кўчадан ўтиб кетаётганда, ошпаси:

— Бизникига бир меҳмон бўлиб кетинг!— деб ичкарига олиб кириб, тағига кўрнача солиб, олдида дастурхон қўйиб, бир лаган чучвара олиб чиқиб қўйибди. Афанди еб тўйибди. Афанди ошпасидан:

— Ўртоқ, мен бундай томоқни сира еганим йўқ. Жуда ширин томоқ экан, оти нима?— дебди. Ошпаси:

— Оти чучвара,— дебди. Афанди:

— Бир кун пул топганимда мен ҳам шу овқатдан бир қилдирай, эсимдан чиқиб қолмасин,— деб «чучвара-чучвара», деб кетаётган экан, бир каттақон ариқ келиб қолибди. Афанди ариқдан «ё, пирим» деб хатлаб ўтса, чучвара эсидан чиқиб қолибди. «Бу гап ариқнинг ичига тушиб қолгандир, мен топиб олай»,— деб уст-бошини ечиб, ариқнинг ичига тушиб олиб, ариқнинг ичиди ҳадеб излаб турган экан. Иккита ўтиб кетаётган одам:

— Афанди, нима йўқотдингиз?— дебди. Афандининг:

— Ўзи ширии эди изласа топиб оладиган парса эди,— деган сўзига булар ҳам ишониб: «Ўзи ширии бўлса, каттароқ парса шекилли»,— деб улар ҳам изланга тушибди. Бирин:

— Қўй, Афанди ўзи топиб олар. Сув совуқ экан,— деб сувдан ариқнинг лабига чиқиб олиб,— Афандининг парсасини топиб бераман, деб излайвериб, сувда юриб, оёғим билан қўлим оқ ём бўлиб, чучварага ўхшаб бужмайиб қолибдию,— деган экан. Афанди ҳам:

— Бизинг излаб юрган парса шу чучвара эди,— деб уйига «чучвара-чучвара», деб кетиб қолган экан.

5

Бир куни Афандининг дарвозаси тақ-тақ этиб қолибди. Афанди:

— Кимсиз?— дебди. У:

— Биз сизникига меҳмонмиз,— дебди. Афанди:

— Қани, ичкари киришг,— дебди. Афанди меҳмонни уйига ўтказиб қўйиб, хотинига кириб:

— Хотин, бир овқат қил, бизникига меҳмон келди,— дебди. Хотини:

— Ўлим берсин сенга! Сен мени овора қиласан. Ош пиширадиган қозонинг қани?— дебди. Афанди:

— У қозон-чи?— дебди. Хотини:

— Унда икки коса ош пишади— сен ичасан, мен ичман. Меҳмоннинг нима ичади?— дебди. Афанди:

— Агар у қозоннинг кичик бўлса қўшинининг катта қозонини тилаб олиб чиқай,— деб қўшинисини чақирибди. Қўшиниси:

— Келинг, Афанди, нимага келдингиз?— дебди. Афанди:

— Бизникига бир меҳмон келиб эди. Шунга овқат қилиш учун қозонингизни берсангиз,— дебди. Қўшиниси:

— Ҳа,— деб қозонини берибди. Афанди овқатни қилиб, меҳмонни жўлатиб уч-тўрт кунгача қозонни қўшинисига эл-

тиб бермабди. Бир куни кўшниси қозонимни беринг, деб чақириб келибди. Афанди кўшнисининг катта қозони ичига ўзининг кичкина қозонини солиб олиб чиқиб берибди. Кўшниси:

— Афанди, ичидагиси нима?— деб сўрабди. Афанди:

— Қозонингиз асли иккиқат экан. Меҳмонни жўнатиб, кечаси ётсам, тириқ-тириқ, тириқ-тириқ товуш эшитилди. Чироқни ёқиб қарасам қозонингиз туғиб ётган экан. Бу — қозонингизнинг туққан боласи,— дебди. Кўшниси хурсанд бўлиб олган экан.

Орадан икки-уч кун ўтгандан сўнг Афанди яна қозон сўраб борибди. Кўшниси: «Зора яна туғиб келса», деб қозонини тагин берган экан. Афанди қозонни олибди, индамай қолибди. Беш-олти кундан сўнг кўшниси:

— Афанди, қозонни беринг,— деб чақириб келибди. Афанди чиқиб:

— Қозонингиз ўлиб қолибди,— дебди. Кўшниси:

— Қозон ҳам ўладими?— дебди. Афанди:

— Туғди, деса ишоиб боласини оласиз. Ўлди, деса индамай қолсангиз бўлмайdimи?!— деб кўшнисидан кичкина қозонни катта қозон қилиб олган экан. Кўшниси индамай қолган экан.

6

Афанди уйда ўтирган экан. Дарвоза тақ-тақ этиб қолибди.

— Кимсан,— деб чиқиб сўраса, у киши:

— Биз меҳмонмиз,— дебди. Афанди:

— Қани ичкари кириг!— деб меҳмонни олиб кириб ўтказиб қўйиб, олдида дастурхон солиб, катта қуруқ товоқни олиб чиқиб қўйган экан. Меҳмон:

— Афанди, бунинг ичида ҳеч нарса йўқ, нимага олиб чиқдингиз?— дебди. Афанди:

— Уйда палов пишиб турсаю шунга сузиб чиқсам, ҳам сиз ер эдингиз, ҳам мен ер эдим. Йўқ учун бу товоқни олиб чиқиб олдингизга қўйдим. Ош смасак ҳам, егандек бўлди. Энди хуш келибсиз, меҳмон,— деб жўнатган экан.

7

Афанди бир куни уйда ўтирганда дарвоза тақ-тақ этиб қолибди. Афанди чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. У:

— Меҳмонмиз,— дебди. Афанди:

— Меҳмон бўлсангиз, ичкарига кириг!— дебди. Меҳмон ичкарига киргандан кейин, Афанди тўртта нонни патнисга солиб чиқиб олдига қўйибди-да:

— Бўлмаса, буни еб туринг, мен чой қайнатиб чиқай,— деб ичкарига кириб, чойни қайнатиб, чиқиб қараса, меҳмон тўртта нонни олибди, қўйнига солибди, жўнаб қолибди, дастурхон билан патниси қолибди. Чойни қўйиб, югуриб кўчага чиқиб қараса, меҳмон нарироққа етиб қолибди. Афанди меҳмонга:

— Бундан бу ёқ сира келманг. Келсангиз битта-яримта қуён олиб келинг,— деб тайинлаб қолибди. Меҳмон кетибди.

Орадан уч-тўрт жун ўтгандан сўнг тагин Афандининг дарвозаси тақ-тақ этиб қолибди. Афанди чиқиб қараса, ўша меҳмони битта қуёни топиб олиб келибди. Ёнида икки ўртоғи билан уч киши бўлиб келибди:

— Қайси кун тайинлаб юборган қуёни олиб келдим,— дебди. Афанди буларни ичкарига олиб кириб, шўрва билан палов қилиб, меҳмон қилиб жўнатибди.

Эртаси Афандининг дарвозаси яна тақ-тақ этиб қолибди. Афанди чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. У:

— Биз сизникига меҳмонмиз,— дебди. Афанди:

— Қани ичкарига кириглар, қандай меҳмонсизлар?— дебди. Улар:

— Қуён олиб келган ошнангизнинг ошнаси,— дебди. Афанди уларни ҳам палов, шўрва қилиб жўнатибди. Эртаси яна дарвоза тақ-тақ этиб қолибди. Афанди чиқиб:

— Кимсиз?— деса, меҳмонлар:

— Меҳмонмиз,— дебди. Афанди:

— Қандай меҳмонсиз?— дебди. Улар:

— Қуён олиб келган ошнангизнинг ошнасининг ошнасимиз,— дебди. Афанди:

— Ичкари кириг бўлмаса,— дебди. Меҳмоннинг олдида дастурхон солиб, бир катта тоғорада сув олиб чиқиб қўйибди. Меҳмон Афандига:

— Бу олиб чиққанингиз нима?— деса, Афанди:

— Қуён олиб келган ошнангизнинг ошнасининг ошнаси бўласиз. Ўша ошнангизнинг қуёнининг шўрвасининг шўрвасидан қолган шўрваси, ичиб кетаверасиз,— деб меҳмондан қутулган экан.

Афанди ҳайит куни кўчага чиқиб ўтирса, ҳамма ясашиб олдидан ўта берибди. Афандининг кияй деса кийими йўқ. Буларнинг ясанганига хўрлиги келиб: «Шуларнинг шу қилганига бир зарда қилмайманми?»— деб уйига кириб, битта тарвузи бор экан, олиб чиқиб, ўрта йўлга қўйиб, тарвуз-ни сўйиб, ярмини еб тўйиб, ҳаво совуқ экан, тиришиб. лаби-лунжи буришиб қотиб қолибди. Ҳалиги ясанганлар ўтиб кета туриб Афандидан гап сўраб қолибди:

— Афанди, ҳо, Афанди!— деса, ҳеч индамабди. «Афанди тарвуз сйман, деб қотиб қолибди»,— деб бири айтибди. Биттаси: «Кийиз топиб, Афандининг устига ёзиб, ўраб, бир тепмасак, бўлмайдиган бўлиб қолибди»,— деб Афандини тоза тепишиб қараса, тепкининг зарби билан Афандининг эси ўзига келибди. Олифта йигитлар Афандига:

— Афанди, ҳайф сизга, тарвуз деганини уйда ўтириб, иссиқ жойда ейди-да! Кўчада еб, қотиб қолганингиз, нима қилганингиз,— дейишибди. Афанди:

— Янги чиққан олифтачиликни жойинга келтираман деганим эди,— дебди.

9

Афанди сиғирини сотмоқ учун бозорга олиб борибди. Харидор келиб:

— Афанди, сиғирингиз қалай, тузукми?— дебди. Афанди:

— Ҳаром ўлгирининг феъли ёмон,— дебди. Харидор:

— Нима феъли бор?— дебди. Афанди:

— Олдига яқин келсангиз, сузади, кетидан келсангиз, тепади. Бир пиёла келар-келмас сути бор. Ҳам ориқ, ҳам қари, ҳам чимхўр. Шунинг учун сотай деб олиб келдим,— дебди. Харидор:

— Ҳе-хе,— дебди-да, жўнаб қолибди. Нарироқда турган бир даллол Афандининг бундай деганини эшитиб қолибди. Даллол келиб айтибди:

— Афанди, сиғирни сотгани олиб келган бўлсангиз, ундай деманг. Беш-олти кунда тугади, ўзи бўғоз. Ҳозир ҳам беш-олти коса сути бор, ўзи ёш ва ёвош, хўрагина, деиғ. Афанди бу ганин ўрганиб олиб нарироққа бориб турган экан, биров келиб:

— Афанди, сиғир қалай?— дебди. Афанди:

— Ҳозир бир одам сиғирин макташини ўргатиб эди, шунин

бошлаб келай, сиз сигирни ушлаб туринг,— дебди. Ҳалиги одамнинг олдига бориб:

— Харидор келди, сизнинг ўргатган сўзингизни эсимдан чиқариб қўйибман. Шу сигирни сотиб беринг,— деб ялинибди. Даллол келиб:

— Афандининг сигири жуда яхши, Қорни ҳам анча тўмпайиб қолибди. Беш-олти косадан мўлроқ сути ҳам бор. Афанди бир сотай, дебди-да, бўлмаса, сотадиган сигир эмас,— деб Афандининг сигирини мақтабди. Харидор олмоқчи, даллол сотмоқчи бўлибди. Харидор пул санаб бераман, деб турганда, Афанди:

— Сигирни сотмайман,— дебди. Даллол:

— Сотаман, деб олиб келибсиз. Энди нега сотмайман, дейсиз?— дебди. Афанди:

— Ахир, ўзингиз айтаётибсиз-ку: «Бўғоз, беш-олти кунда туғади, беш-олти коса сути бор. хоназод, хўра, яхши сигир» деб. Мен шундай сигирни сотамаман,— деб сигирни олиб кетган экан. Даллол харидор олдида уялиб қолган экан.

10

Афанди уйда ўтирса, дарвоза эшиги тақ-тақ этиб қолибди. Афанди чиқиб:

— Кимсиз?— дебди. У:

— Узоқдан келаётиб эдим, чарчаб қолдим, ётиб дам олиб кетсам,— дебди. Афанди:

— Ётиб кетсангиз, майли, ташқарида еттига супам бор. Шу супани мен гарқ уйкуда ётганимда ўғирлаб кетсангиз, нима бўлади,— дебди. У одам:

— Ие, Афанди, супани ҳам киши ўғирлайдими, супани ҳам кўтариб бўладими,— деб ялингандан сўнг меҳмонни уйига олиб кириб, чошгоҳга давр ухлаб қолибди. Афанди чиқиб караса, меҳмон кетиб қолибди. Афанди супасини санайди. Ўзи турганини санамай: «Супанинг биттасини олиб кетиб қолибди»,— дебди кўчама-кўча излаб парироққа борса, бир тегирмончи бугдой элаб турган экан. Афандининг шовилганини кўриб:

— Ҳа, Афанди, ўзи нима гап?— дебди. Афанди:

— Ҳа, шу ёкка битта-яримта одам супа кўтариб ўтди-ми?— деб сўрабди. Тегирмончи:

— Бир одам янги бир супа кўтариб ўтди. Сиз бир оз гаплашиб ўтиринг,— деб гапга солиб, Афандини ухлатиб қўйибди. Тегирмончи шўхроқ экан, Афанди ухлаб ётганда ёнидаги ўткир устарани олиб Афандининг соқол-мўйловини

киркиб қўйибди. Тегирмончи қараса, бир кампир ун элайдиган супра кўтариб кетаётган экан. Афандига:

— Ҳой, Афанди, туринг, ана супрангизни кўтариб ўтиб кетаётибди,— дебди. Афанди туриб: «Ҳа, сени қара»,— деб қўли билан соқолини сийпаса, нягида соқоли йўқ.

— Ширин ухлаб ётганимда сен мени қўйиб, қўсани уйғотибсан. Менинг соқол-мўйловим бор эди,— деб тегирмончи билан уришиб, кетиб қолган экан, уйига етиб қолган экан.

11

Афанди соқол-мўйловини олгандан сўнг ёш йигитга ўхшаб қолибди. Маҳалласида бир камбағалнинг қизи Афандига тегмоқчи бўлиб қолибди. Афанди ҳам олмоқчи бўлиб қолибди. Афанди ўн-ўн беш йигитни куёв навкар қилиб борибди. Афандини бир жойга ўтқазишиб, овқатларни ейишиб, Афандига ҳеч нарса беришмабди. Домла никоҳни қилиб:

— Қани, Афанди, ичкарига киришг:— деган экан, Афанди ош емаганига аччиғи келиб:

— Биз ош еганимиз йўқ, ош еганлар ичкарига кирсин,— деб зарда қилибди.

12

Афанди кўчада ўтирса, бир жарчи: «Кимки миришкорбошиликни билса, подшога бориб учрашсин»,— деб чақириб юрган экан. Афанди бу гапни эшитиб, шошилиб подшонинг олдига бориб:

— Мен миришкорбошиликни биламан,— деб миришкорбошиликни бўйнига олибди. Подшо: «Қушларни топширинглар!»— деб айтган экан. Олиб келиб кўрсатса йигирма икки қуш экан. Афанди умрида мусича боққан эмас. Миришкорликни бўйнига олиб қушларни кўрса, нима ейишини билмай хайрон бўлиб турса, қушларнинг бари оқ чичибди. «Бунга қараганда, қатик ичар экан»,— деб қушларнинг олдига бир хумча қатикни олиб келиб, бир қошиқдан қуйиб қўйибди. Қушлар қатикни ичибди. Афанди эртасига келиб қараса, йигирма икки қушдан йигирматаси ўлиб, иккитаси қолибди. Хон:

— Миришкорбоши қани, овга чиқамиз, қушлардан олиб юрсин!— дебди. Афанди иккита қушни олиб, овга чиқиб, бир тўқайнинг ичига етиб қолиб, бир қуённи қочириб, «Қани қушни солинг»,— деган экан, Афанди қушни хуржунга солибди.

— Кушни нега солмадингиз, куён қочиб кетди-ку!— дебди. Афанди:

— Кушни солдим,— дебди. Хон:

— Кушни қаёққа солдингиз?— дебди. Афанди:

— Хуржунга солдим,— дебди. Хон:

— Мен сизга хуржунга солинг, деганимдими, куёнга солинг деган эдим,— дебди. Афанди:

— Менга кушни куёнга ташланг, деганингизда, мен куёнга ташлар эдим. Сиз кушни солинг, деддингиз. Хуржундан бошқа қаерга солиш мумкин, ахир,— дебди. Подшо хафа бўлиб:

— Маҳкам қилинг, унақа қилманг,— дебди. Шу орада куён қочиб кетибди. Афанди кушни халтага солиб, халтани хуржунга солиб, хуржуни қопга солиб, оғзини маҳкам бўғиб, эгарини устига қопни ташлаб, устига миниб олиб, нарироққа етиб, у куёни бу жойдан қочириб: «Қани, куёнга ташланг» деганда, дарров қопни ерга қўйиб, қопнинг оғзини очиб, хуржуни бу ёққа олиб, халтанинг оғзини очиб, кушни олиб қараса, куш ўлиб қолибди. Хон келиб, кушнинг ўлганини кўриб:

— Э, аттанг, э, аттанг,— дебди. Афанди:

— Нимасига хафа бўласиз. Мен буни «Маҳкам қилгин», деганингизга халтага солиб, халтани хуржунга солиб, хуржуни оғзини маҳкам қилиб қопга солдим, қопнинг оғзини маҳкам қилиб, отнинг устига солдим. «Кушни ташланг!» деганингизга дарров ҳаммасининг оғзини очиб ташласам, куш ўлиб қолибди. Мен шунчалик маҳкамлаб, эҳтиёт қилганимга хафа бўлмайманми, сиз хафа бўласиз. Мен шунчалик маҳкам қилдим, жонининг қаердан чиққанига хайронман,— дебди. Хон хафа бўлиб:

— Боринг, сиздек миришкорбошининг бизга кераги йўқ,— деб хайдаб юборибди. Афанди кетиб қолибди. Кеч-қурун хон келиб, кушлардан хабар олай, деса, бу ёқдаги кушлар ҳам тамом бўлиб қолибди. Афанди у ёқда қолибди, хон бу ёқда қолибди, гап қаёқда қолибди.

13

Афанди бир куни жуда оч қолибди, подшонинг олдига келиб ялинибди:

— Ҳамма тўқ, бизнинг уйда ҳеч нима йўқ. Бизга бирор инъом бермасангиз, жуда ўлар ҳолатга келдик,— дебди. Подшо:

— Сизга озгина мурувват қиламиз. Каттароқ иш буюрсам, шунинг уддасидан чиқасизми?— дебди. Афанди:

— Оғир ишдан бўлак иш бўлса, қила берамиз,— дебди. Подшо:

— Сизга енгил иш буюрганмиз шуки, ўттиз кун рўзани санаб юриб ҳисобини оласиз,— дебди. Афанди:

— Хўп,— дебди-да, озгина ишъом олибди, этагига солибди, уйига етиб қолибди. «Подшонинг буюрган ишларини қойил қилиб қилай»,— деб кўзачани ерга кўмибди. «Ҳисобимдан адашиб қолмай»,— деб кўзачага ҳар кун биттадан тош ташлаб борибди. Бун Афандининг уч яшар ўғли кўриб қолган экан. «Отам биттадан тош ташлаб кўзачани қачон тўлдирад экан»,— деб бир этак тош олиб келиб, кўзачани тўлдириб қўйибди. Афанди кўзачадан тошни олиб, этагига солиб санаса, уч юзта бўлиб қолган экан. Афанди шошилиб, подшога югуриб бориб, баён қилибди:

— Тақсир, у ҳайит бу ҳайитдан ўтиб кетибди. Шу бугун арафа қилинг, иложи бўлса ҳайит қилинг. Мен бепарволик қилиб, сизга хабар бермабман,— дебди. Подшо:

— Сиздақа ҳисобдондан иккита бўлса, уч кунда бир ҳайит бўлаверар экан-да, одамлар рўзанинг энди етти кунини тутишдию. Ҳисобга сағал иўпоқроқ экансиз, сизга бошқа иш бераман,— дебди. Афанди:

— Қани, нима иш буюрасиз?— деса, подшо:

— Ҳар кун ионушта қилиб, оёғини уқалаб, ковушимни берпроққа тўғрилаб қўйиб, берганимни олиб, юраверинг,— дебди.

Афанди ҳар кун келиб, подшонинг оёғини уқалаб, подшо нима деса, сўзига сўз қайтариб, кулдириб юрар экан.

14

Бир кун подшо вазирларига:

— Афандини нима қилсак, гапдан қолдириб бўлар экан. Шунинг бир маслахатини тошиб берсангизлар,— дебди. Вазирлардан бири:

— Сиз ҳар нима қилсангиз, ярашади. Оёғингизни уқалаб турган вақтида «Юрагим дамроқ бўлиб қолибди»,— деб юрагингизнинг губорини чиқаринг ва «Сиз пилбилармон одамсиз, шуни ушлаб келинг»,— деб буюрсангиз, Афанди шу билан кетиб қолади. Гапдан қолиб, сиз ситган бўласиз,— дебди.

Афанди эртаси кун подшонинг оёғини уқалаб турганида, подшо юрагининг губорини чиқариб: «Шуни ушлаб келинг!»— дебди. Афанди наироқда етиб қолса, бир офтоб жойда бир одам таҳорат ушатиб қўйган экан, у жуда қуриб

қолган экан. Уни олиб, этагига солиб, подшонинг олдиға келибди. Подшо:

— Ха, нима олиб келдинг?— дебди. Афанди:

— Укаси жуда қочоқ экан, югуриб ета алмадим. Акаси офтоб жойда турган экан. Укаси бўлмаса, акаси ҳам бўлаверади, акасини ҳисобға оларсиз, деб олиб келдим,— дебди.

15

Подшо: «Афандини ҳеч сўз билан тўхтатиб бўлмас экан, бунга ҳам сўз топди»,— деб вазирларини чакириб:

— Афанди билмайдиган гап тошинглар!— деб яна маслаҳат қилибди. Вазирлари:

— Маслаҳат шу: эртаға вазирлар келади, келган вақтда олти кишининг қўлиға олтига тухум берамиз. Олти тухумни олтови қўлтигининг тагига қистириб ҳовузға шўнғиб чиқса, биз ҳар бириға биттадан беқасам тўн берамиз. Буларға беқасам тўн бергач, Афанди: «Бизга ҳам чопон беринг»,— дейди. Биз: «Сиз ҳам ҳовузға шўнғиб, тухум топиб чиқсангиз, чопон берамиз»,— деймиз. Афанди ҳам шўнғийди, излайди, тухумни топа олмайди. Шу билан ўсал бўлиб қолади, чопонни бермаймиз,— дебди.

Эртаси куни Афанди келганда, вазирлар Афандини кўришлари билан уст-бошларини ечиб, қўлтиқларига биттадан тухумни қистириб, ҳовузға шўнғиб, биттадан тухум топиб чиққанлари учун, подшо олтовига олтига беқасам тўн бериб турганини кўрган Афанди:

— Бизга ҳам тўндан беринг:— дебди. Подшо:

— Сиз ҳам ҳовузға шўнғиб тухум топиб чиқсангиз, сизга ҳам тўн берамиз. Битта топиб чиқсангиз, битта. Ўнта топиб чиқсангиз, ўнта тўн берамиз. Фақат шу ҳовузнинг тагидан топиб чиқишингиз шарт,— дебди. Афанди уст-бошини ечиб, ҳовузға ўзини ташлаб, дами қайтгунича ҳовузнинг ичини излаб юриб, топа олмасдан ҳовузнинг лабига чиқиб, дамини олиб, бир толнинг тепасига чиқиб, иккала қўлини ёнига уриб, хўрозға ўхшаб қичқирибди. Подшо:

— Бу нима қилганинг?— деб гап сўрабди. Афанди:

— Олтига макнёшнинг ичида битта хўроз бўлмайдими, тақсир,— дебди. Бу гапга ҳам Афанди тўғаноқ солган экан. Подшо: «Сизни бетингизни кўрмайин»,— деб қувиб юборган экан.

МУНДАРИЖА

Луқмони Ҳаким. Ёзиб олувчи А. Шукuroв. Ўзбекистон ССР	
<i>Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт</i>	
<i>институту фольклор архиви, инв. № 206. Бундан кейин «ФА,</i>	
<i>инв. № ...» деб кўрсатилади.....</i>	5
Аёз. Ёзиб олувчи А. Абдулахат. ФА, инв. № 487.....	13
Топқинчилар. Ёзиб олувчи К. Саримсоқов. ФА, инв. № 670.....	25
Уч оғайни тахминчи. Ёзиб олувчи М. Афзалов. ФА, инв. № 128.....	29
Гаранг. Ёзиб олувчи М. Афзалов. ФА, инв. № 127.....	34
Олдинга — пайд, кейинига — қанд. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова.	
ФА, инв. № 219.....	36
Мирзараҳим лакалов. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ФА, инв. № 255.....	40
Афлотун. Ёзиб олувчи М. Афзалов. ФА, инв. № 129.....	43
Жамшид. Ёзиб олувчи М. Афзалов. ФА, инв. № 129.....	52
Муфтачиноқ. Ёзиб олувчи А. Шукuroв. ФА, инв. № 866.....	53
Илми доно. Ёзиб олувчи А. Шукuroв, ФА, инв. № 225.....	54
Йўлчи — бўзчи. Ёзиб олувчи А. Шукuroв. ФА, инв. № 214.....	56
Сафсатайи гап. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ФА, инв. № 218.....	60
Ҳаммол йиғит. Ёзиб олувчи Т. Очилов. ФА, инв. № 1491.....	64
Шоир қойил. Ёзиб олувчи А. Шукuroв. ФА, инв. № 866.....	65
Ибрatли сўз. Ёзиб олувчиси номатълум. ФА, инв. № 866.....	66
Азмойиш деган гап. Ёзиб олувчи Т. Очилов. ФА, инв. № 1489.....	67
Куйдир тандир. Ёзиб олувчи А. Шукuroв. ФА, инв. № 210.....	69
Семург қуш. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ФА, инв. № 143.....	76
Хонинг ғазabi. Ёзиб олувчи М. Афзалов. ФА, инв. № 127.....	80
Ямоқчи вазир. Ёзиб олувчи А. Шукuroв. ФА, инв. № 227.....	85
Темирчининг қизи. Ёзиб олувчи А. Шукuroв. ФА, инв. № 226.....	89
Қирқ ёлгон. Ёзиб олувчи К. Саримсоқов. ФА, инв. № 673.....	91
Товламачи одам. Ёзиб олувчи К. Саримсоқов. ФА, инв. № 672.....	99
Ўғри эшон. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ФА, инв. № 425.....	101
Эшоним деб эшагимдан айрилдим. Ёзиб олувчи Б. Каримов,	
ФА, инв. № 689.....	110
Ака-уканинги олди-бердиси. Ёзиб олувчиси номатълум. ФА, инв. № 866.....	111

Қози. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 253.....	114
Бойвачча. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 254.....	117
Ҳийлан кампир. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 219.....	121
Абдуллахонинг лавонди. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 220.....	123
Маъноли гап. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 209.....	125
Ямоқчи билан Шоқаландар. Ёзиб олувчи Б. Каримов. ҒА, инв. № 483.....	127
Она муҳаббати. Ёзиб олувчи К. Саримсоқов. ҒА, инв. № 671.....	132
Бой билан Меҳмон. Ёзиб олувчи К. Саримсоқов. ҒА, инв. № 674.....	134
Тухмати жаллод. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 700.....	136
Тўрт тухмат. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 207.....	146
Эшон. Ёзиб олувчи Б. Каримов. ҒА, инв. № 621.....	155
Яхшилик қилинг. Ёзиб олувчи К. Саримсоқов. ҒА, инв. 701.....	159
Тилла балиқ. Ёзиб олувчи Абдусаматов. инв. № 486.....	164
Хон билан вазир қизи. Ёзиб олувчи М. Афзалов. ҒА, инв. № 126.....	166
Ёлгончи. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 704.....	167
Тўй. Ёзиб олувчи Азиз Ғулом. ҒА, инв. № 699.....	169
Ибратли туш. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 702.....	174
Олди-қочди гап. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 703.....	176
Меҳр гап. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 222.....	181
Арава гап. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 221.....	184
Сафсатайи ишқал. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 223.....	186
Мақсад. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 224.....	187
Лангтунг. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 216.....	188
Мушук. Ёзиб олувчи Т. Очилов. ҒА, инв. № 1491.....	189
Бўлмаганга бўлишма. Ёзиб олувчиси номаълум. ҒА, инв. № 866.....	190
Феъли тор подио. Ёзиб олувчи Абдусаматов. ҒА, инв. № 484.....	191
Турли-туман. Ёзиб олувчи К. Саримсоқов. ҒА, инв. № 673.....	192
Лўттибозлик. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 485.....	192
Пандбоз. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 212.....	193
Полвон Качал. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 142.....	195
Маймунчи. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 142.....	198
Ясовул. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 142.....	199
Тосбоз. Ёзиб олувчи М. Тошпўлатова. ҒА, инв. № 142.....	200
Илгаридан бир кўриниш. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 208.....	201
Девонаи Шоҳманраб. Ёзиб олувчи А. Шукуров. ҒА, инв. № 211.....	202
Афанди (туркум латиғалар). Ёзиб олувчи М. Афзалов. ҒА, инв. № 125, 621.....	210

Литературно-художественное издание
Устное народное творчество

Сборник

ЛУКМОНИ ХАКИМ

Составители *Тура Мирзасев и Зубайда Хусаинова*

Художник *В. Нелировский*

Ташкент, издательство литературы и искусства им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ
ЛУКМОНИ ХАКИМ

Нашрга тайёрловчилар *Тура Мирзасев ва Зубайда Хусаинова*

Мухаррир *М. Турсунов*

Расмлар муҳаррири *А. Бобров*

Техн. муҳаррир *Э. Саидов*

Мусаххих *Э. Тожиёва*

ИБ № 3946

Босмахонага берилди 22.03.89. Босишга рухсат этилди 26.06.90. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 2. «Тип Вадони» гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 11,76+0,21 вкл. Шартли кр.—оттиск. 12,6. Нашр л. 13,17+0,23 вкл. Тиражи 90000. Буюртма № 1222/168. Баҳоси 2 с. 10 т. Шартнома № 156—88.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Матбуот Давлат комитети, «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44